



ШУНЧАКИ

—

Абдулхамид Исмоил

Шунчаки

Шеърий китобчалар тўплами

Абдулҳамид Исмоил

Znění tohoto textu vychází z rukopisu díla Шунчаки poskytnutého autorem.

Матн муаллиф томонидан тақдим этилган Шунчаки асари қўлёзмаси асосида тайёрланган.

§

Text díla (Абдулхамид Исмоил: Шунчаки), publikovaného [Městskou knihovnou v Praze](#), je vázán autorskými právy a jeho použití je definováno [Autorským zákonem](#) č. 121/2000 Sb.



Vydání (obálka, upoutávka, citační stránka a grafická úprava), jehož autorem je Městská knihovna v Praze, podléhá licenci [Creative Commons Uvedte původ-Nevyužívejte komerčně-Zachovejte licenci 4.0 Mezinárodní](#).

Verze 1.0 z 26. 5. 2026.



МУҲДАРИЖА

Муқаддима ўрнида	19
ZLATÁ PRAHA	20
...эсдаликлар нимадан ясалган ўзи	21
...шу ёшга қадар дарахтларга қарар эканман	22
...олтмиш беш ёшимда дераза ўнгида ёлғиз ўтирар эканман	23
...шаҳар билан танишиш аёл билан танишишдек бир гап	24
...биласанми дейди дўстим қариликнинг аломати нима	25
...қамалиб қолди фикрим	26
...бугунги сайримни қай томонга бурай экан	27
...эндигина кесилган чинорнинг тўнқасига ўтириб	29
...биз яшаган уйлар	31
...ўрмон ҳам дарахтлар учун бир гавжум шаҳар	33
...эрталаб турганингда биринчи хаёл суиқасд	34
...тушлар ҳам ювилган докадан	35
...олдимизда темирдан қурилган ҳали битмаган иншоат	36
...ишдан қайтар эдим жала ёмғирда	37
(марсия ўрнида)	39
...барглар ҳам биз билмаган мевалар	40
...ўз тешигига тушмаган золдир	41
...яна ечинди табиат	42
...қор босди дарахтларни	43
...бўш боғда ёлғиз қолган	44
...эрталаб туриб туш ёзишдан бошланган кун	45
...болалар ҳар тараф тарақай	46

...қоронғуда кимдир гугурт чақди	47
...уйимизга кираверишда икки тошойна	48
...ёшлигимда кеч кирганда	50
...айниқса сен Ҳофизга асло ишона кўрма	51
...хотирамнинг барини шеърга айлантириб бўлдим	52
...туш кўрмасам худди тунни бекор ўтказгандекман	53
...яна бир бор (саноқсиз дафъа) қайтарилар бу саҳна	54
...такрор-такрор бир ўрмонга бораман	55
...ёлғизликда ётар эканман	56
...дунёнинг сирини ечмоқчи бўламиз	57
...ҳар кун ташлар эканман 15 минг қадам	58
...қаерларда йўқолар тош ойнага тушган нигоҳ	59
...эндиги тушларим негандир бир неча қобик	60
барглар	61
ёмғир ёққан деразадаги аксми бу	62
...эсдан чиққан тушимними ё яна ниманидир излаб	63
...севги – бу маъшуқа кетидан қолган бир бўшлиқ	64
...тушимга кирганмиш Бозор-жирловчи	65
...кутиш дегани нима ўзи	66
...шамолда гирдикапалак бўлиб учади хазон	67
...орқага қайтма дейман ўз-ўзимга	68
ОРАЛИҚ	69
денгиз қумлоғида қум устига шеър ёзай десам	70
Вой менга, мен ёр тугул, ошиқлигимни топмасам	71
Бошоқ чириб битди, чириб битди бир вақт	72
Рўзи махшар бир ўзанмиш, бу ўзан сувдин халос	73
Менга бўлган бу кўрум руҳда эдим, тандаму?	74
Фитна бошлангач қўлимда синди бир боғлам калит	75

Ярим соатдан бери китобларга тикилиб ўтирибман	76
Ичимга қулоқ тутаман	77
Энди китоб ўқимайман. Энди китобларга тикиламан	78
Қуёш ботаётганда	79
...энди аниқки мўъжизаларга кароматим етгани йўқ	81
отимдан кечдим – барибир у ёлгон	82
Мусофир юртларда, қуёш остида	83
...анор сувин сиққандек	85
ўтирган одамнинг йўқлиги – ҳўл харрак	86
кўнглим тусаган нарса кам	87
...шамолдан зирқираб оғриётган асаб	88
...кунни кундан ажратиш учун Навоий айтмиш тиғи ғайр	89
...душанбадан кейин сешанба сешанбадан кейин чоршанба	90
Кеч кирди. Булутлар узоқда тўзиб	91
...бир пайтлар ўйлардим: дарахтлар менга бир нарса демоқчи	92
...тушларимда сурункасига поездларимдан кеч қоламан....	93
тошни тошга уриб чақмоқ чиқаргач	94
ёзишга ҳеч қандай баҳона	95
балиқчи тўрига балиқ тутгани	97
– Тасаввур қил, барча фикрларни бир жойга жамлаб	98
Агарда мендан қоқи солиб	100
Тушимга киргану эсимдан чиққан шеърнинг	101
қордан оппоқ бўлган ер	102
Бу дунёда ютқазмаган ким бор?	103
...ўнгимдаги сурат ҳақида айтайми	105
...ётиш олдидан ҳовлига сув сепилгач	106
Сўзга бўлган ишонч	107
кампир элабдими супрасига паға-паға ун, тегирмонда тортилгач арпа	109
...умримда не шоирларни кўрмадим	110
...метро вагонда	111

Инглиз йўлидаги шеър	113
...онгинг ҳовузига соатлаб боқиб.	115
...даъвосиз яшаш ҳам мумкин	116
...англаб етганим шуки, бир ерга келишдан кетиш оғирроқ.	117
метрода ёш қизча ўнгида ўтирсам	118
шунча китоб ёзган одам битта шеър ёзолмай ўтирсам	119
Азизхон Пўлатович Қаюмов	120
тушнинг бириси пуч, бириси зое	121
бу шаҳарга қачон ва қаердан келганим ноаниқ.	122
...елвизакдан гул туваги гул поясига қалқар.	124
...бу ариқдан сув ичардим авваллари ҳовуч-ҳовуч	125
...қўшни хонада касал	126
...не уйларда яшамадик биз	127
...бу китобинг сен истаганингдек чоп этилди дейлик	129
...баъзан эсдан чиқади эндигина кўрган нарсанг	130
...интернет келиб бу қишлоқда ҳам ёпилибдими китоб растаси	131
...атрофимда қолмагандек биронта сулув юз	132
...тушу ўнгимизда яшаган уйимиз – ижара	133
...негадир лифтда юрсам лифтни ёнга бургим келади	134
...дала ўртасида кирлар ёйилган	136
...машинанинг тормозига қанча боссам-да	137
Уйқусизлик ё расмга тушмаган сўзлар	138
ўн олти ёшимда – ҳозир ҳам эсимда	139
Ёғдурур бўлганда бошга чарх фалакдин тошларин	140
...болалигим пайтидаги Маъмуржон Узоқовними ё	141
Меҳмонхонада туриш одати	142
Яна бир беҳуда кетган кунимни оқлашим керак	143
янги шаҳарга келиб сайр учун танлаган йўлларинг кўп эмас	144

МОСКВА ДАФТАРИ	145
Муқаддима	146
1	147
2	149
3	151
4	153
5	154
6	155
7	156
8	158
9	159
10	160
11	161
12	163

БАМБЕРГИАНА Ё БИР ШАҲАР СИМФОНИЯСИ	164
Andante	165
“Tour de France” да “Abdou” лақабли	166
бир нарсани унутиб қўйдим	169
пастликдаги боғда кичик теннис ўйнаб бўлиб	170
ёз кузга “шиқ!” этиб ўтяпган чоғи	171
ёз битди куз битди ҳазин хаёллар	172
меҳмонлар кетганда етим намозшом	173
Йигирмамда юрагимни йиғлатарди ҳар оқшом	174
Намозшомда шаъм ёқибми, шаъм тополмасанг	175
қиш чилласини	176
чанг босган дуторим бурчакда осизлиқ	177
қалам учлар эдим	178
Ўн тўрт минг...нчи	180

Allegro.....	182
Этюд	183
Қумурсқа кўзларим оқшом аралаш палағда	184
Бу одам ҳам ёшларга тўлиб	185
Боғ ичида бўш саҳна	186
Қайғудан нарига ўта олмадим	187
Вақт оқимидан	188
Манзара, манзара, манзара	189
Бу чиройни баҳам кўрмайман	191
Аёл севши осон бир севги	193
Scerco	194
Билмадим.....	195
Эй Худо, ҳолим бориб ўзга кима ҳам айтасан	196
Арк устунни гулдек эгилган жойда	197
урушми, офатми, қиёматдан сўнг	198
Бўш шаклларни тинимсиз тўлдириш	200
Бамбергга қор ёғиб бир кунда эриди... ..	201
Қайтишимни ўйлай. Дарёлардан фарқли	202
Қоронғу тушса бўлди, у ёғи - осон	203
Чиллага киришимдан ўзга чора қолмади	204
Сохта ғазал	205
Ойнадаги манзара	207
Қайтиб келишимнинг аччиқ таъми	208
Байрамдан кейинги тунлар	210
Finale.....	212
ИККИНЧИ КИТОБ	213
...қизарган япроқлар, қизарган япроқлар	214
Намозшомда	215

Анҳор оқар ўз йўлига	216
Ғишт кўчган қолипдек ёки гўшт.....	217
Чумчуқларнинг дунёсига тушиб қолдим қайтадан	218
Юрагимни бўшлиқ қоплади	219
Бўлди, ёт. Ўчоққа кўмирдан тузукроқ қалаб қўй!	220
Саҳобанинг ўрикзоридида ош еб бўлгач, қувват борида	221
Пароканда ғазал	222
Болам касал. ўзим касал. Оилавий шамоллаш	223
ҳеч нарса ҳақида ўйлашдан	224
Ишчилар уйғонди. Бири шу заҳот	225
намозшомда шакл йўқ	226
Мисоб	227
Онам билан эндиги муносабатларимизни тушунмоқчи экансиз	229
уйқу йўқ.....	230
Барча сўзлар айтилиб бўлганда сўнгида нима қолади?	232
Исминг эсимга тушдию, тушундим	233
Қушлар учар ҳар тарафга	235
Бир тутам шамолдан	237
Бу ернинг сойлари музлади. Ўрмон	238
Ана у	239
Осмонни силкитган шамолнинг бошига шовуллаб	240
Кечалари...Кечалари тунги оқимдан	241
Отлар депсаб ўтган лой-балчиқ чимда	242
Анор гулим, ёнор гулим	243
Даҳшатимнинг киприклари қаргадек қанот	245
Овунчоғинг овутмас сени	246
Тайёргарлик кўрдингми, баҳор?	247
Тошкентнинг баҳор ёмғири	248
не қадар осон келиб осон йўқолди кайфият	249
Юрагим, урилган ит каби	250

Тюилри богининг йўлаклариди	251
Эски Бамберг, эски Йорк, Эски-Новқат	252
аниқлик, тиниқлик, мусаффо	253
Қайси сўздан бошлай? Бўм-бўш қозондек	254
Соясиз	255
Ҳақиқий шеър ёзмоқчи бўлсам	256
Чилла чиқди	258
Рубои	259
Ҳар кеча бу дарахт саргайиб	260
Кутмак	261
Тошлоқ	263
Сўз кетидан қатор-қатор сўз юк	264
Вақт гули	265
Тил ва дил ҳақида ривоят	267
юрагим	268
Автобусда айтилган бадиҳалар	269
Муножот	270
Эшиклар ёпилди. Кейинги бекат	271
ТАЖРИБАЛАР КИТОВЧАСИ	272
20 ноябрь, 1991 йил	273
Биз босиб ўтган йўллар б-	277
23 сентябрда тушимга кирган шеър	278
Ўт! – деб эдим дақиқага, унди, унамай	280
ёздим, ёздим, ёздим	281
Денгиз шамоли ғувиллар, увиллар тунда	282
Деворга осилиб, тирмашиб нариги ёғига	283
Маҳбубамга атаб	284
йўқликда хулласи, осмонда.....	285

Йўқликдаги мувашшаҳ	287
Тескари ғазал	288
Аросат.	289
га... ол...	290
Кутмак	292
Қуриш феъли	294
Ширу...	295
(бари бетда турли тарафга ёзилган).	296
Чиройли шеър (ёзай десам сиёҳ тугабди)	297
...ҳиссиёт чолғусидаги бир ирмоқ	298
Ўтмиш ўтмиш шубҳасиз ўтмиш	299
Яланғоч шеър	300
Бу маҳалла менга ётми	301
юрагим вазмин довондан оша	303
Бам – берг	304
Рубойи	306
Менинг ерим сўрамас ёрдам	307
Сўз йўли.	308
Ишқининг қирқ қоидаси.	309
Балки кеча дўстимга, Тошкентга сим қоққанимданми	310
Икки кун, аниқроғи икки тун аввал	312
Тонгда ўлиш намунча қийин	314
(катта насрий шеър ичидан парча).	316
ёлчиди унамади қистади индади...	317
...вақт кечган экан эмиш деган экан эмишман мен	318
Навоийга модерн тақлидлардан	320
Ҳа – ёт...	321
Нафақат нон ила	323
Бедил	324
Аччиқ ҳақиқат	325

ЙЎЛ	326
Соябоним, ушлама мени	327
Берилди	328
Терма	329
Йўлида ўлтурурман кеч	331
Кўнгилчан сайр	333
Менинг ҳам бу жаҳонда...	335
Узунтирноқ поезд товуши...	336
Исбот	337
бу шаҳар – ўлик шаҳар	338
Кечаси уйғониб, “йигирма бир йил Ўтипти-я!”	339
ёмғир ёққан кунлари	341
Нималардан оқмас экан ёш...	342
Бу сафар айтадиганимнинг ҳам	344
Бу борлиқда бир адашиш бор	345
эсанг шаббода	346
ерга кўмилган	347
Сандирақлаб юриш	348
якши кўрган қизим ишлайдиган ер	349
дорбоз кўрдим дори ёмғир берар булутнинг	350
Сафолми, чинними, шиша ликоблар	351
бу бўшлиқнинг	352
биламан, биламан орамизда ҳеч	353
наҳотки ҳеч қачон бу қиз билан мен	354
Кўктепали	355
чайқалар тунда чироқ чайқалар	357
нарвонга чиқаятган кимсадек	358
осмонда бир орол кўрдим	359
Овозимнинг ёбонларида	360
биз йўл деган нарса	361

осмон каби ҳорғин денгизга	363
тепамда Худо бор	364
сиз турган қаторда мен йўқман	365
Муқимлик	366
қайнотамнинг чорбоғи заррин.	367
йўқ нарсани йўқотиб бўлмас	368
ёздим ёздим ёздим.	369
русча-французча лугат икки ўрам	373
тупроқ келиб тушганда	374
бу кўлмакка	375
Дунё ёруғ, ичим қоронғу.	376
туш чоғида уйқудан туриб.	377
у уйдан бу уйга кўчган кун эди	378
сават тўла узум узум кўтариб	380
бу аёл мени сой бўйига олиб келган аёл эди	382
ёзнинг, йилнинг энг.	383
осмон – сувда акс топиш учун осмон эмас	384
Қўйиб юбор бу оқшомни, қўйиб юбор.	385
севгида нимагадир бир уятчанлик борки	386
тоққа қўйиб юборган қўйларим тарқаб кетди	387
тушимда	388
Худо урганми, унутган	389
бугун қуёш ҳам, ер ҳам мен билан бирга.	391
Бир нарса ҳақида	392
чиройингизга ўлчов менинг қайғум	394
Жуванинг сўнгида, боғнинг ёнида	395
Внезапный отпуск в ожиданье смерти	397
Ақлим булғанди. Ақлим тинмади	399
Самарқанд ушшоғи	400
Энди ёшариш йўқ, энди қариш бор.	402

<i>иш кундалигимдан узилган</i>	403
<i>Нон ёпиш, нон ёпиш осон иш эмас</i>	406
<i>ақлим печу-хомаки, ақлим энди бошлангич</i>	408
<i>қизил кийган бу қизга, ўғлим, нима қилмайин</i>	409
<i>Савол – ҳиқичоқдек – эсни тортгани каби</i>	410
<i>битди зиёфат. Меҳмонлар тарқади. Зотан</i>	411
<i>тушимда кўрибманки – ҳомиладормишман</i>	412
<i>энг тоза шеър ўрнида</i>	414
ТОНГ МАШҚЛАРИ	418
<i>Улуғ сўзми, ёки бир тентак</i>	419
<i>Нима учун билмайман мен, Тонгги юлдуз юзаси</i> -	420
<i>Бўлди, бас! Буздим бу шеърни сатридан</i>	422
<i>Қишки тунда ўрмон сирли. Бу сирни</i>	423
<i>Баҳор нафаси</i>	424
<i>Алла</i>	426
<i>Мен йўлимдан адашиб</i>	428
<i>Мен излар овлайман</i>	430
<i>Дахрий бозор</i>	432
<i>Э воҳ шоиримиз эликка тўлди</i>	434
<i>Девор ортида ҳовли</i>	435
<i>Ўлсам тепамда маним</i>	437
<i>Капалак</i>	439
<i>Ётоқимнинг болаҳонасига</i>	441
<i>Ширин, Нахшон, Азгануш</i>	445
<i>Ёмғир-ёғалоқ</i>	446
<i>Лавҳа</i>	447
<i>Ҳижрат</i>	448
<i>Вақт чексиз канодек бир нарса албатта</i>	449

Кўзимнинг пардаси очилди	450
...фарқи йук бу оқим, эсла, Тоҳирни	451
Наргис	453
Офтоб куйгай...	455
Бобом масжиддан қайтса	457
Бозор қайтди. Энди, эна, сотган пистангиз	459
Тириклар оралаб якка мен ўлик	462
Баримиз – қудуққа ташланган Юсуф...	463
Ҳай қушча!	464
Эшиклар ёпилди. Кейинги бекат	465
Ёрилтош	466
Эсимда йўқ: Фаранг юртини	467
Афсуски, Авлиё Дөниз ким экан	469
Мен арзон отелда, у эса йўлнинг	471
Мана, мен Шарль де Голль аэропортига	472
Яна такрор ўлурса қайта-қайта бир эмас минг бор	473
Мана бу, соҳилга ташланган	474
Боғкурси. Одамлар. Бир зумлик	475
Ўйларимга ўйларим ногоҳ	476
Элас-элас эсимда	477
онам деган юрт юзини кўрдию кўзинг	479
Қуш қанотидан	480
Қуёш атрофида 34 мартта	481
тутқунликда яшнаб кўкарган япроқ	482
Дам олиш фаслининг охири	483
Бундан уч кун аввал денгиз бўйида	484
Тўрт девор. Тўрт жовон тизилган китоб	485
Ҳодисалар, бир ёшга келиб	486
Битимсиз...	488
Бу тушимда эса гўё мен	489

Шаҳар бедарвозами?	491
Бари аралашиб кетди. Тушми, ўнгми – бари бир	493
Кутубхонада кийимим қолиб кетибди	494
Эски-Новқатда Баҳри-энамникида яшаб юрган пайтим домла	495
бир-икки бир парча кўлмаклар истар-	497
Сен: “Бу ерда мен ҳудди бир каттак ичида қолган қуш каби.”	498
Эслаб нима қилардинг?.....	499
ҳеч қарзим битмади, битмади	500
бу қаторда нима қилиб юрибман ўзи?	501
...боғда тўққиз тош бор бари кўринару бири йўқ	502
...тушимда бувим билан Расулжон тоғам	503
қуриган гуллар	505
иккинчи қаватда очиқ дераза	507
Кечкириш	508
Ҳамид Исмоил	510
қийшиқ дарахт танадан	511
сув тагидан ҳаво қовуғчалари	512
тўп тепсам бошмалдоғим билан шундай тепаманки	513
икки-уч ёшимда онам мени	515
ғоялардан ерга иниш пайти эканми	516
...қиш баҳорга ўтяпган кунни	517
Ўчирилган шеърлардан	518
тушимда кўрибманки – хомиладормишман	519
У унутти бизни, у сим қоқмади	520
Тушларимдан йўқолди онам...	521
Кеча	522
Янгидан бошланса ҳаётим қабилидаги	523
Қиш кунлари	524
Баъзан	525
Чарчоғимдан шеър ясай	526

Зилзила ваҳми.	527
қуриган гулларни гулдонда сақлаган	528
Берлин вокзали	529
Дарёга барг тушади-да	531
Дарё бу нима? Дала айланиб у тараф.	533
Ҳаётимда бир нарса ўзгаргудек	535
Севгимни муסיқага ўхшатмоқчи бўлдим – тушмади созга севгим	537
Ер ости йўллардан чиқиб ташқарига, ер юзидаги йўлнинг нариги бетида	538
...ўт оралаб.	539

Муқаддима ўрнида

Бу китобнинг номи “Шунчаки”. Нега “Шунчаки” десангиз, китобдаги шеърларнинг бари шунчаки, бедаъво ёзилган. Аксарияти романми, қиссами, ҳикояларимнинг ҳошияларида, ё бўш бетларида қораланган. Талайгина, айниқса “ўйноқироқ” кўринган шеърлар ана ўша ҳошияларида ёзилган романларнинг қаҳрамонларига ҳам молик, яъни мен уларнинг “шунчаки” муаллифиман. Шўро даврининг қоқ турғун йилларига тўғри келган ёшлигимда рус тилида шеър ёзар эканман, шоирман деган даъвом бор эди. Бироқ ўзбек тилида ёзган шеърларимда бошиданоқ бу иддао йўқолди-қўйди. Бир пайт ҳаттоки таҳаллус эмас, нақд бошқа ном остида ёздим.

Ўз пайти шеърлар китобчаларга тузилган эса-да, бу китобчалар ҳам шунчаки. Баъзи шеърларнинг турли китобчаларда пайдо бўлишидан ҳам шуни англаш мумкин. Борича қолдиравердим. Прага кутубхонаси марҳамати ила чоп этилаган бу шеърлар чиндан ҳам шунчаки, ўйчанми, армонлими, саросебми, ғамгинми – ва аксар чоғи белгисиз ичимдан ўз-ўзича чиқиб келган шарпалардир. Белузум руҳ кечинмалари...

ZLATÁ PRAHA

* * *

...эсдаликлар нимадан ясалган ўзи
нега расм шарпасими ё мусиқа садоси
кўнглингга қўққисдан солади ғулғула

нега довулдагидек ҳисларинг тўзиб
гармселли қуюндек ақлингни қум босиб
сени ўтмишингга кўтариб кетади бир йўла

буларнинг бари рўё-ку тургани сароб
буни билсанг-да алданаверасан қайта-қайта
ташна кўнглини ҳечам қондиrolмай

жавоби шуки ўтмишингда йўл эди сероб
ўнг қайтар чап қайтмас номаълум ўрта
бирида сув бирида сут бирида ол май

босганинг эса кесди барча имконни
қисмат дединг уни тақдир дединг ё сирот
эсдалик нимадан тўқилган ўзи эркони
энди тушунсанг-да тўзди-сизди хотирот...

08.01.2020

* * *

...шу ёшга қадар дарахтларга қарар эканман
барглари тўкилгач уларни абгор деб ўйлардим
суяклари чиққан гўё ўқидан ажралган камон
ё чалқанча тушган чумоли ҳавода ташламоқчидек одим
энди эса негадир кўзларимда бом-бошқа сурат
бу майин чизгилар кўк матода япон юргизгандек ингичка қалам
абгорлик тугул бежирим нозиклик чидамлик ҳаттоки жасорат
яланғоч тана шох бутоғу хивичларда мужассамдек бир бошли олам
шажара дегани мана шу дарахтда кичрайган дарахтлар акси
куртагу барглару чечаклар булардан эҳтимол беҳабар
бу ўйларимга исботдек дарахт тагида тўхтайди бўм-бўш такси
яланғоч шохлардан хотирадек томади томига хешу табор
меҳмонхонамдан ҳаво паймонига кетатуриб ташлайман нигоҳ
нақадар гўзалсан сулувсан аччиқсан ай қишки оғоч
шу ёшга етгач ҳам хом қолган юракни сен қилсанг огоҳ
қон томирдек ажинлардек фикрлардек музлаб яланғоч...

15.03.2020

* * *

...олтмиш беш ёшимда дераза ўнгида ёлғиз ўтирар эканман
узоқ-узоқларга тикилгандек бўламан сўнгида эса
уч яшар ўзимни кўраман у ерда ҳам кўзимни деразага тикканман
дераза кетида эса қоронғулик қор ёғяпти қора девор пахса

ёлғиз ўтирибман икки қат ром орасида оппоқ пахта тўшалган
у ҳам ўзича қорни англатса-да аслида бергани иссиқлик
устида миттигина Қор-бобо ёнига тилла қоғоздан юлдузлар ушалган
ақлиму кўзим буларга етса-да қўлим етмайди орада ойна тўсиқлик

шеър йўриғида “Болакай ҳам мен томон қараётгандир” десам бўларди
йўқ онамни кутяпман ўшанда лекин ёлғизлик юкидан кутишим ҳам паришон
онам келавермагач деразадан совуқ ура бошлайди ташқаридаги изғирин дарди
ичимга ўтади деразада аксимни кўраман энди у зориққан кўзимга нишон

дераза қорайиб ҳозир ҳам ўнгимда пирпирар “мен” деган оппоқсоч аксим
икки ром ораси пахтамас чинакам чеккасиз қор дала ташласанг кўз қирин
унга кўз етса-да қўлу ақл етмас кимдир айтмиш “ғайр тиғи” ё тақсим
кимгадир Қор-бобо кимгадир юлдузлар қолганига изғирин изғирин...

28.03.2020

* * *

...шаҳар билан танишиш аёл билан танишишдек бир гап
аввалига ўзингни ётга оласан маъсумликка гўлликка соласан
ҳеч нарсани тушунмагандек ўзингга раҳм уйғотиб орадан бир нарса силасан
қоронғуда ташқари чиқасан ноаёнликка иштиёқингни тиркаб

нотаниш торкўчаларни кезасан тайинки бир неча бор адашасан йўлдан
биноларни кўздан кечирасан буниси одамга тўла буниси эса бўм-бўш
кутилмаганда боғчага йўлиқасан тўхтасангми ё юраверсангми илдам
устига ёмғир ёға бошлайди намиқасан уйда қолган ёмғирпўш

буларнинг бари аёлга ҳам таалуқли руҳининг жин кўчаларию чорраҳалар
ҳаётининг масканлари бунисини тарк этса бунисида ҳамон қолар
орзуларин ниҳоллари оқшомда ҳам намозшомгул
кўзёш ила ўстирибди томган ёш ёмғир тугул

балки аксинча аёл билан танишиш шаҳар билан танишишга ўхшар
харита бир бошқа ёбонлардан марказга пиёда тушишинг бошқа
шу ерда ишқ деган бир бало киргандек бўлди бу машққа
сир сақлаб жилмайган аёлдек номини беркитар дарҳол бу шаҳар...

29.03.2020

* * *

...биласанми дейди дўстим қариликнинг аломати нима
қизу жувонлар нигоҳи учун бўлиб қолар экансан шаффоф
сиз гўшт узра ўтганидек биронтаси сени танисмай
сен узра кетингдаги ўткинчи йигитга боқишади соф-соф

бошқа дўстим эса бунга жавобан кўтаради қадаҳ
кел дейди лойқа қолишлигимиз учун ичайлик буни
орада мен ҳайрон дўстларимнинг қай бири бу дақиқада ҳақ
қай бирининг ёнини олсам хом сут эмган мен забони забуни

бутун умр авлиё даражасидаги шаффофликка интилганимиз рост
энди у мана шу кўринишда келганида кўнгилни уради заха
худди ҳаётнинг мазмуни ўша мастона кўзлари чарос
сенга қараб сени кўрмагани майни майна қилиб қилгандек заҳар

ундай десанг ҳаётнинг турган-битгани лойқаю бўтқа
авлиёликка чорлаган илк нарса ҳам эмасми булғоқ гуноҳ
икки елкадаги фариштадек икки ёнимдаги дўстимга ўзим садқа
на бирига ишонишда на бошқасидан гумонсирашда топмагач паноҳ...

08.04.2020

* * *

...қамалиб қолди фикрим
кўча юрган саёқдек
бўм-бўш бегона ўйлар
узоқда ўтган трамвай
дарё бўйига чиқсанг ҳам
лангарда барча кема
оёқ ости тош йўлак
қулоқда эски қўшиқ
хуллас нени кузатмай
буларнинг бари қамоқ

қамоқ барча хотира
қамоқ ўқилган китоб
келажак ҳам бир таёқ
учига илинган похол
қамоқ ҳозир ёзганинг
агарда соқчини алдаб
кўзига ўзини кўрсатмасанг
шунда балки у ҳам сендек
ҳаёт қамоқ эканлигини тушунгач
ўзини озодликка урмоқчи бўлмаса

биноқ тилни алдаш қийин...

15.04.2020

* * *

...бугунги сайримни қай томонга бурай экан
шаҳар марказига борсамми томоша қилиб қасрни
ё дарё бўйига чиқсамми то у бўйлаб сузувчи елкан
узоқ-узоқларга эргаштириб кетгунча шеърий таъсирни
бинолар меъморчилиги боғлардаги атиргул сифат лола
шалолалар фавворалар ҳайкаллар
буларнинг бари кўз учун бир рисола
бирок миямни бошқа бир ўй эгаллар
негадир шаҳар чекасига ошиқаман бугун
аввалига нураган бинолар кўримсиз кўчалар
кетидан яйдоқлар
ташландиқ гаражлар деворларда
ўқиб бўлмас ранг-баранг ёзувлар занглаган
темир-терсак чурук лавҳада ҳеч ким ҳеч қачон
кўнғироқ қилмас телефон рақамлари
ўрилмай тик қурийдиган ёввойи ўт шаҳардан
чиқиб кетишда ичидаги бор ахлатини
қирғоқларига улоқтирган шаллақи жилға
буларнинг барида зеби-зийнатсиз чинакамлик
ё симдеворларга қапишган чирмовуқдек рostaкасимлик
бордек ҳолбуки бу ерда ҳеч ким йўқ олдинда
адиру адирни қоплаган ўрмон ва кошки
у томон сўқмоқми йўлакча бўлса
яқинлашиб бораман топталган излар
бўйлаб тепага юраман сирпалган оёқларимни
ўткир тошларга тираб дарахтларга чир-
машиб нафасимга тиқиламан ахир бир

теккислик дарахтлар орасида картон-
дан ётоқ қилиб бир жулдур-жанда
селсаёқ қўл силтайди менга ҳа-да
жаннат дарвешларга деб ўйлайман
мен ва унга қўл силтайман жавобан
жаннат дедимми ўрмонга кўтарилиб
борар эканман тентак хаёллар кела бош-
лайди миямга ўлганларнинг яхшилари
тўғри жаннатга тушадими ё
рўзи маҳшарни кутиб ётишга маҳкумми
анави бечора уйсиздек унда жаннат
бирон кимсасиз қай ҳолатда экан мана
шу ўрмондек қаровсиз қолиб кетмасмикан
дейману нафасимни ростлаб ўз-ўзимга муллалик
қила бошлайман тин дейман тин йўқса
ҳозир очилиш маросими ҳақида ўйлай
бошлайсан зўрға аранг ўзимни қўлимга
оламан бу ўрмоннинг бу адирнинг нариги
томони нима экан деган хаёлга ўзимни
оғдираман юраман юраман юраман дарахтлар оралаб
қадам кетидан қадам кўзимни юмиб қўлимни олдинга узатиб
шаҳарнинг ҳеч ким яшамас ёбонида шивирлайди лаб
балки шудир умр чеккасининг зийнатсиз лаззати...

01.05.2020

* * *

...эндигина кесилган чинорнинг тўнкасига ўтириб
ерда қолиб кетган илдизлари ҳақида ўйлайман
уларни тушунса керак чолғусидан айрилган мутриб
ва ёки шамолидан ажралган чоғи Сулаймон
нималар ҳақида ўйлаётган экан ҳозир илдизлар
лойга қўлини қориганида девори қулаган уста каби
балки барг бўлиб кўринар уларга милтироқ юлдузлар
аччиқ кўз ёшидан ҳосилдур уларга ёмғирнинг таркиби
менинг ҳам ичимда яшайди бир пайтлар кесилган чинор
қон томир оралаб худди ер остида кенг илдиз отган
унга ҳам кўринар лой девор ортида селканган фанор
гўё у ёш ўсмир ёз тунни супада бир ўзи ётган
бундан ўн дақиқа илгари синфдош шериги билан
темир йўл ортида учириб икки велосипед
кеч тожик маҳалла кезишган Рухшона қидириб булар
то унинг отаси ё шарпа кўрсатмагунча “роҳи сафед”
тун осмонга қараб супада мижжа қоқмас ўсмир
ўйида бир хаёл Рухшона кўчмади ахир юлдузга
бирок қалб кўнса-да бу ўйга қонингни симир
дейди у ичдаги кўринмас оғриқ илдизга
энди мен тушундим ер ости томирлар ўйин
кесилган чинорнинг тўнкаси устида туриб тик
кўкламда баргу шох шовуллаб тушганда ўйин
сен шира етказган соқийдек бўласан тетик
ёмғирлар ёғади қизийди ҳаво тушади шабнам
тиркалар танага бир эгар икки ғилдирак
кеч кузда хазонрез устингга қўнса-да шинам

барибир совқотар буларнинг барини йўқотган юрак
ер бўм-бўш кесилган чинорнинг илдизи учун
осмон-чи туганмас чекасиз кўм-кўк хотира
тунлари милтирар узоқда қўл етмас очун
ҳар йилт этганида ташландиқ томир сирқирар...

02.-03.05.2020

* * *

...биз яшаган уйлар
бирида катта бувам чекасиз боғига бошлаб
ўзлари ғойиб бўладилар оппоқ туманда
бошқасининг ясси томида ёшлигини эслаб
бувим қизғалдоққа айланади кун ботиш томонда
бунисида отам юмалатади мени покиза қорга
кейингисида эса онамни кутаман изғирин пайти
яна бирида итимиздан қўрқмай қарғанган қарға
эсимга қадалади қора доғлар сонин кўпайтиб
мана бу уй уй ҳам эмас улкан казарма
унда сенга таалуқли ёлғиз темир каравот
на ваҳмингдан оқариб на уятдан қизармай
донг қотган бу ётоқда уч йил умрингга салавот
анави уйда эса айшу ишрат базми Жамшид
унда ҳозир яшаётган тул кампир девор силкинишини
ҳануз сезар ундан кейингисида эса истаган
пайтинг эшит чақалоқ қичқиради ва уни
етаклаб ҳамон бахт кезар бир сира уй-
ларни айтмай қўяқолай бари ижара
нотайин шаҳарлар бегона юртлар ширинми
тахир хотира бирида ёшлигинг бирида шидда-
тинг бирида бечора завжингнинг чиройи бир
даста сурат тутиб ўтирар э воҳ нега ўзи
буларнинг барини эслай бошладим зотан би-
лардим-ку эсдалик бу ости тешик тубсиз қоп
ярим йўлда бошпанасиз қолиб кетдим ус-
тим тим қора осмону уйим қоронғу тун

шу топ коинотда совуқ сайёрада ўтириб-
ман ёлғиз ўзим кетимда эса биз яшаган уй-
лар туради қатор-қатор булардан қаср
қуриш мумкин бўлса-да бир зум бошқа
пайт хотира чексизу умр унга тор...

08.05.2020

* * *

...ўрмон ҳам дарахтлар учун бир гавжум шаҳар
бирок дарахтлар югурмайди Халаканинг итидек бизга ўхшаб
навбатларда туришмайди ё уйдан ишга шошмайди ҳар саҳар
ё кун битгач қуламайди ётоғига телевизор ўнгида ҳар шаб
йўқ дарахтлар собиту сирлию мағруру вазмин
улар биз эмаски то бу истиорани ағдариб тескари
шаҳар ҳам бир ўрмон дейишса ўпириб замин
биздек ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қила бошлашса бари
дарахтлар билса бордир истиора бу забт қуроли
эрк нафаси дедингми шу заҳотиёқ уради довулми бўрон
шундан бўлса керак сокиндир бу ўрмон тинчлик ороли
шаҳар деган уммондаги ўрмон бўлиб қолган ўрмон...

10.05.2020

* * *

...эрталаб турганингда биринчи хаёл суиқасд
ўнгингда на ишончу на ишқ на иштиёқ
деразангда осмон ҳам қоронғу афзои паст
ичинг ҳам унинг аксидек ёлғиз ёлғизлик ҳаммаёқ

ўзингни зўрлаб ташқари чиқасан бекор бемўлжал
юра бошлайсан беидрок тўғри келган томон
гўё кутиб тургандек сени муюлиш кетида ажал
лекин у ҳам сендан воз кечгандек кечасан чорраҳани омон

бир кўчага кирасан киргандек миянгга бир хаёл
кўчанинг номи йўқ бу хаёлда ҳам йўқ аниқ нишон
китоб сарлавҳасими ўтмишдан қўл силтаган аёл
тушингнинг бир парчасими истаганингга ишон

қармоққа илиндинг лақма лаққа балиқдек шу пайт
мантиқ ё режа билдирмасдан сизганида онгингга тани соғ
ем бўлдинг яна бир кун лойқа сувга қайтма ё қайт
соҳилга оғир тўшини қайта судраб чиққан тимсоҳ...

28.05.2020

* * *

...тушлар ҳам ювилган докадан
кири аригандек енгил эрийди
чамамда бирида шоир декадент
ҳарир кийган қизнинг собиқ эрийди

бошқасида ўғлим ҳамон ўн яшар
дир-дир титраб кўрпа изларди
унинг ичида ҳам касаллик яшар
жисм яшагандек ҳарир қизларда

яна биттасида қормиди ёмғир
у ҳам йўл-йўлакай ўтдию кетди
тушлар эндиликда негадир ғир-ғир
бошини айлантиргач йўқолар кети

худди ювилгандек дока дастрўмол...

31.05.2020

* * *

...олдимизда темирдан қурилган ҳали битмаган иншоат
кириб борамиз орқа-олдимизга қараб бир нарсалардан ҳайиқа
темир қулашиданми назоратданми ё ўз-ўзимиздан шояд
чунки беижозату берухсатмиз биз бу ерда илгариларкан шу тариқа

аллақаердан кимдир чиқиб келади қаршимизга бошида сариқ каска
ер чизилганда қурилиш учун дейди у бу ерга келиш эди бемалол
бирок бино битар экан на кириш бор тепага на чиқиш пастга
бу не сирли бино экан деб ўйлаймизу шилт этганда аён қоламиз лол...

05.07.2020

* * *

...ишдан қайтар эдим жала ёмғирда
оқава кўчалар ётарди бўм-бўш
дунёнинг сурати экан пажмурда
деб ёлғиз тусарди руҳ эмас бир тўш
шукурки қўлимда бор ёмғирчодир
йўқса бошдан-оёқ бўлиб шалаббо
ўша ёлғиз тўшим титрарди дир-дир
ёпинчиқ руҳимни топмай ғолибо
чорраҳада ёнди қип-қизил чироқ
яна туриш керак ёмғир остида
шунда ёндан чиққан бир ёш қиз бироқ
бош очиқ тўхтади боқди осуда
бехосдан мен унга боқдимуд дедим
келинг чодир катта сизга ҳам етар
у аввал кўнмади лек ташлаб одим
ёнимга биқинди ҳижиллаб бадтар
чақиримча юрдик бекор белузум
бир нарсалар дедик ўткинчи саёз
бамисоли ёмғир узулган узум
ёки энди қайдам қайтиб келмас ёз
унинг тили менга ажнабий эди
борлиқ ҳам ёт эди у билан бирга
ниҳоят бир кўча у етдим деди
раҳматини айтиб чўмди ёмғирга
ўша йўл ишимдан қайтдим бугун ҳам
осмонда қарирди кузги бир қуёш
атрофга сочгандек алланечук ғам

дарахтлар тўкарди шона-шона ёш
файласуф айтгандек бир сувга тугул
ёмғирга икки бор киролмасак биз
нима ҳақда эди чақиримча йўл
ё ёмғир оқизиб кетган ўша қиз...

04.10.2020

(марсия ўрнида)

...терақларнинг мўйқаламлари
бўм-бўш ҳаво матосига
ўзларича чизар алланарсаларни
кундузлари кўкка оқ булутларни
тунлари қоп-қора осмонга юлдузларни
ёмғир ёғиб ағдарар буларнинг устига
чизганларини
бўёқ томар терақ шохларидан
биноқ баёз булутларнинг ўзлари
оппоқ қор бўлиб ёпганида буларни
қотади терақлар муродига етгандек
ўзлари ўз чизганига айланиб...

30.10.2020

* * *

...барглар ҳам биз билмаган мевалар
тугилади куртакларда
кўкаради ғўралардек довчалардек
шохларда сўлқиллайди ям-яшил
етишгач эса сарғайиб ё қизариб
узади уларни шамол
тўкилади бу мевалар дарахт остига
токи уларни ер
шитирлаган қадамларимиз
шиғалаб ёққан ёмғир
намиққан қўнғиз
тун сукунати
ва сўнгида
қаро ер...

01.11.2020

* * *

..ўз тешигига тушмаган золдир
ё ўз қинидан чиқиб кетган суяк
худди ўз оғзимдан чиққан сўз бир
қулоғимга етиб боргани эса як
ўз ичимга ўзим сиғмай қолдимми
ё ичим шалвираб торайдими юрак
бирман бирман десам-да ўзимга тинмай
қулоқда янграйверар ўша як як
бирликни ягонага айлантирдимми тилим
ёлғизликда ёт акс кўзгуда тирайди ияк
бус-бутун борлиғим бўлгандек тилим-тилим
ҳар бир парча ўзича куйлаётгандек ба як
карашма Зулайҳоваши дили моро-я
белга боғлаганда чорсу сўкилгандек жияк
Самарқанд расмига қараб деганидек Бухоро-я
ундай десанг барибир эмасми ҳаммааш як
собит қадам қўйишга оёқ остида ер йўқ
қийшайтирар оёғингни ўша жўяк
сўкасан ўзингни бировга ургандек дўқ
худди учиб чиқадигандек сичқон инидан қирғияк...

28.11.2020

* * *

...яна ечинди табиат
яланғоч дарахтлар суяги чиққан ташландиқ қизлардек
дилдирар очиқ ҳавода
йўл жимжимаю безаклардан холи
ранги ўчган майсани
тукдек ёнга сидириб
мўралайди қақроқ ер
нафас қисқариб оғиздан чиққан буғга
айланар хаёл
борлиқ қаримсиқ ўйнашдек
турар ўнгингда
олайми деган жунбуш
бежиз уятга қоқилиб
оламми дея
писта пўчоқдек илашар совуқ лабингга
ана ечинди табиат...

01.12.2020

* * *

...қор босди дарахтларни
бир тунда қариди дарахтлар
сартарош соқол қиртишлагандек
эрталабдан кўчада қор машина тарақлар
хуш келибсиз менинг ёшимга
оқсоқол зарангу арча ва эмон
нима ҳам дей яланғоч шохларда
барг ўрнида муз тутиш аниқки ёмон
менинг ҳисобимда олтмишлаб қиш бор
дилим чўян печкасига осиб пайтава
кўникиб кетганман бир кун эрир қор
бугунги музқаср эртанги оқава
қайтага сизлардан олсамми ўрناق
сизлардан уқсамми бир-икки йўриқ
баргларга томиру илдизни буркаб
устига оқ қордан тортсамми кўриқ
асаб шохларимни сиздек яланглаб
муздан ясасамми жинғироқ чолғу
ҳар дамим эсганда ҳуштак чалса лаб
унга жўр янграсин қиш чанги қайғу...

03.12.2020

* * *

...бўш боғда ёлғиз қолган
харрак кўнглини ким сўрар
ҳатто илиқ тунлари унда ётган
уйсиз исқирт
қишдан тўнгиб келмаса энди
уни иситгани
чироғи зое ёнган симходадан
хабар оладиган ким бор
тагига қаровсиз ит ҳам
сиймаса
нурига буғини чирмаштириб
қадам босилмаган бу сўқмоқни
ким кузатар
сўнгги нуқтаси қадар
қора қарға учганида
риҳлат томон арвоҳ каби
паға қор оралаб
зор оралаб...

12.-13.12.2020

* * *

...эрталаб туриб туш ёзишдан бошланган кун
нонуштаю иш билан давом этади
сўнг сайрга чиқаман кўча ёрқину сокин
бино деворлари ёп-ёруғ ўзини декорациядек тутуди
орага баргсиз қийшиқ дарахтлар кирмагунча
кейин эътибор бераман буларнинг сояси ҳам қийшиқ
шунда мантиқли бир чизик ҳаётимдан тугилади тугунча
миям эса бу тугунчага қоқилиб этади “шиқ”
бари аниқ тўғри чизикдек бардавом ва муттасил
деб чиққан эдим уйимдан ҳеч нарсага бўлмайн ҳайрон
чунки ичим ҳам ташимдек эди муфассал
нега энди бу қийшиқликларга йўлиқиб бўляпман жиғибийрон
ит югуриб ўтади турган-битгани эгри
кетидан кечади аёл биронта тўғри чизиксиз
недан унда ўйлаётган шеърим бўлсин тўғри
ё маъноми хулоса томон интилсин узлуксиз
қийшиқ ерда қолсин қийшиқ из каби
мен ҳам қийшиқ ўпкамни тўлдириб тортмай ортиқча уф
шеър дегани бир онга очилган дунёнинг туби
соялар ўралиб осмонга кўтарилганда гўё сухуф...

20.12.2020

* * *

...болалар ҳар тараф тарақай
қочгандек коинот узлуксиз
кенгайиб бораркан буни мен
қўлимда на дурбин на китоб
ушламай биламан
53 йил аввал онамни
йўқотгач юлдуздек онам ҳам
қўшилди коинот елига
сўнг бувам сўнг аммам сўнг бувим
сўнг тоғам оғайним қайнотам
сайёра кетидан юлдуздек
узилди туби йўқ зулматга
қоронғу осмонга қарайман
тинимсиз кенгайган йўқликка
шамолда титраган япроқдек
энтикиб ўйлайман наҳотки
энди етолмасам ҳеч қайсисига...

17.01.2021

* * *

...қоронғуда кимдир гугурт чақди
унинг юзи бир зумга ёришдию ўчди
хаёт ҳам шундай деб уйладим шу чоқда
лип этиб ёнади-ю йўқолади бўшда
қишки боғ айланар эканман
дарахтмас дарахтларнинг қанқаси
фикримни тортди кўкка гўё тегирмон
кўкдан ҳам тортилди йўқ уннинг саси
сўқир уйларнинг деразаларига қарадим
уларда ҳам акс этарди бенишон зулмат
менми юрагим ташлаган ҳар одим
йўқликка бошларди ердан узилмай
нима бу ҳар нарса ўзгани англатса
ҳар нарса кетида турса ўзга чоқ
ўз-ўзимга дейман намунча ғалати
мен шўрлик адашиб келган сайргоҳ...

21.-22.01.2021

* * *

..уйимизга кираверишда икки тошойна
бирида уйимиз қурилган йилнинг рақами
1912-йил
рўпарадаги деворда эса йили кўрсатилмаган
бири
уйга кирар эканман бир зумда бирин-кетин
иккала кўзгуга назар ташлайман
шунда хаёлимда менинг нигоҳим
110 йилни онда босиб ўтгудек
демакки хаёл нурдан ҳам тезроқ
зинадан кўтарилиб борар эканман бу хаёл
мени нисбийдан ўлчамлар назариясига бошлайди
бошдаги учта нуқтадан жилган фикрим чизиғи
энди тепага қараган ўлчамни қўшганида боя
қор босган Жижков адирида бир йигит ўғли билан
варрак учиргани кўз олдимда қалқийди
пастда эса
итлари воввулаганича типирчилагани
ердан узилолмай варракка қараб
қопгани
ўлчам етмагани унга мақомга йўлдек
уч ўлчамга тўртинчиси вақт деганларидек
зинадан зинага чиқарканман мен
кечаси совуқда қолиб кетган ит
ойни варрак билиб воввулагандек
қарорни майлга алмаштираман
кошки дейман менинг тўрт ўлчам дунём

устига яна бир ўлчамни қўшиб
варрак каби боқсам ердаги итга
зина каби бўлсам ёпиқ эшикка
нигоҳ каби чўксам икки кўзгуга
кўзгу каби тўлсам мен кечган вақтга
токи ўша ўлчам тушми ёки шеър
мантиқлардан безган чўчқин тасодиф
натижадан қочган дайди уриниш -
қайтар қаватини унутган одим...

15.02.2021

* * *

...ёшлигимда кеч кирганда
ҳеч ухлагим келмасди
бувимникида эсам супада ётиб
Машъалдаги чолларни тинглардим ё
ўзимнинг уйимда Берт Кемпфертними
ё унга ўхшаш яна аллакимни қўйиб
кўрпа остига иштиёқсиз кирар эканман
жиллақурса тонгга яна бир қадам
яқинроқ бўлдим-ку деган хаёлда
кўзим илинар эди

энди эса ҳар кеча ўрин-кўрпа ичига
кириб борар эканман
лип этиб ўтиб кетган кунимни эслайману
яна бир куним ботди деган хаёлда
анча пайтгача бедор ётаман
сукутда
сукунатда
жимжитликда...

18.02.2021

* * *

...айниқса сен Ҳофизга асло ишона кўрма
“дилам хазинаи асрор буд” деб элитганда сени Ҳофиз
дунё на дил на сир на хазина балки-да турма
унга қамалгандир хоҳ сўзу хоҳ рамз хоҳ биз
ҳеч нарсанинг кетида бошқа ҳеч нарса йўқ
бир нарсанинг кетидан чиқиб келмайди бошқа бир маъно
эрталаб сайрга чиққан бўлсам бу умр эмас оддий сайр-ўқ
кўзим наматакка тушса гули севги ошёни тугул жўнгина раъно
очиқ ҳаво атиги очиқ ҳаво зинҳор эрк эмас
кўприк остидаги дарёнинг вақт оқимиға йўқ эгизлиги
елкан ёндан ёнга чайқалар экан дема уни сармаст
бунисига сабаб фақат шамолнинг йўналишию тезлиги
ташқарида кун бўйи кезаману ич-ичим ўша-ўша қамоқ
ўз-ўзимни аврайман осмондаги булутга боқма сен маҳбус
булут бу буғ бу пар уни қайғу деб алқамоқ
камида мантиқсиз демакки кўниккан одатингни буз
эшик очилиб кириб келмайди Ҳофиз айтганидек соқийми табиб
на сирларга кўмиб маст қилади на давосига қўяди ташхис
фақат кўкракнинг чап томонида санчийверар ўзига жой топиб
дунё билан сўз орасида адашган ҳис адашган ҳис...

20.02.2021

* * *

...хотирамнинг барини шеърга айлантириб бўлдим
савдогар молини ўрагандек ялтироқ қоғозга
қадим боғда шамол эсан куни отар эканман одим
мудом ҳозирим ҳам бундан бўладигандек ўзга
бирок кечга келиб ётиш олдидан қоронгу деразага қарагач
тўзган булуту мудҳиш коинот қоплаганда кўзни
дук-дук юрагимга далда на чақмоқ на шов-шув қарағоч
шиллик қурт қобиғига сизгандек тортаман келажакдан ўзни...

13.03.2021

* * *

...туш кўрмасам худди тунни бекор ўтказгандекман
зоеъ кетгандек ўша бетушу берўё тун
худди чопикқа чиққанда елкамда қолгандек кетмон
ё оламини ёритмай ғорда қолиб кетгандек Афлотун
кўрган тушларим ҳам ўйлаб боқсам увол
қоғозга тушади-ю учади хотирдан эсдан
таъвил ўрнида кутади уларни қофиядек завол
гўё ўзбек ўрнида ўқийди уларни лотиш ё эстон
неларни ўргансам бўларди бу учқур тушлардан
паёмларни илғаб аллақачон айланардим валига
кимларни огоҳлантирардим кимларгадир берардим ёрдам
менинг беҳуда кетган тундалигим тундалигим-а
жиллақурса шеър ёзишни ўргансам бўларди тушлардан
қушдек учиб кўкка оппоқ булутга қўнгум...
нималар деб валдираяпман ўзи тийиниб ўзимни ушлардан
ундай десам тушдан ортиқми ўнгим...

07.06.2021

* * *

...ки кас накшуду накшояд...

Ҳофиз

...яна бир бор (саноксиз дафъа) қайтарилар
бу саҳна
сокин дарахтлар енгил елвизак олисда
ботаётган қуёш
осмонда қизғиш булутлар осмоннинг ўзи
алланечук яхна
худди бу лаҳза қайғусида
осмон кўзидан томғуси муздек ёш
кимларга кўрсатилмаган бу абадул-абад томоша
бизлар ҳам илк бор эмасмиз
бу намоишга томошабин
туновги кўринишда қуёш ботган эди том оша
кечагисида эса кун шохларга илиниб
анча тутган эди шабин
лекин бугун кўнглимда негадир
яп-янги туйғу
бу саҳнани бизга қайта-қайта
илинганга шукрона
маъносини чақолмасак-да
кўнгилдаги қайғу
кўзга қалқар қуёш теккан қайиндан
сизгандек қатрона...

13.06.2021

* * *

...такрор-такрор бир ўрмонга бораман
айни боққа бораман қайта-қайта
кўнглимда қотгандек аллақандай бурама
илгариги йўриқларим йўқолгандек аллақайда
авваллари кўнгил тусарди беназирликни
бир дақиқа бошқасига ўхшамасайди асти
ҳозир ҳам тилакда бордур бу лекин
лойқа экан зилол оқимнинг ости
балки тескарисидир – тиниқдир бу туб
юлдузлардек усти эса қоп-қора ёпама
шундандир энди беназирликни ичимга ютиб
қайтаришларда ўз-ўзимга таскин топаман...

12.07.2021

* * *

...ёлғизликда ётар эканман
дуоларимни ўқиб бўлиб қўлимни ёнга узатаман
қоронғуда қўлимнинг хотираси уйғонади
мана у жажжи ҳолда онамнинг яноғини силаяпти
кафтга майин совуқлик тарқалади
кейин ёзги супа
кўрпа остидаги тоғаларимнинг тоғдек мушаклари
кўзим уйқуга кетяпти
аллақадан аёл сийнаси
синмас ширин хаёллар
кейин қизим
ҳа қизим
унинг гўдаклигидаги яноғи
муздек бир парча яноқ
буниси туш бўлса керак
туш бўлса керак
чунки увушган қўлим бўшлиққа узатилган
бир ўзим қулаган ёлғизликка...

09.08.2021

* * *

...дунёнинг сирини ечмоқчи бўламиз
етмоқчи бўламиз дунёнинг тагига
сўзларни қозонда ағдарган ғаламис
наздимизда каззоб номига эга
дейлик ному нарса бўлса муштарак
истиора фақат тартибни бузар
худди шамол эсса юргандек терак
шовуллаган барглар эса от бозор
даста-даста томлаб китоб ўқидим
бозорларда едим минг турли таом
куёш кўрдим баъзан ичим бўлди дим
хослар либосини йиртганда авом
бировларнинг шеърин ўқиб йиғладим
юлдузга қалққанда унга эгиз руҳ
терак ҳам мен билан отарди одим
гўё ўз-ўзини кўкка тиккан туғ
энди дейман бир кун очилса бу сир
ҳар туйғуга эгиз ё ген ё гормон
қайда қолар шеърдан уфурган таъсир
ё таъсирдан унган умиду армон
наҳотки дунёнинг тургани ёлгон
зое уринишда бўлдик овора
сир дегани сири кўчган ва йўғон
миси чиққан эски тешик тоғора...

14.08.2021

* * *

...ҳар кун ташлар эканман 15 минг қадам
оёқларимни босар оғриқли қадоқ
бир пайтлар айтарди донишманд қудам
қазиганинг сайин тиниқмас қудуқ
бу гапнинг сираси анчайин қадим
қудуқ суви каби бўлмайди адоқ
уни китоблардан бот-бот ўқидим
унинг айтди менга ўткинчи қазоқ
қобиқдек қопларми одатлар қайдам
боғларми бизларни анъана қозиқ
қудам қўшганидек “айтдим-да қўйдим”
биноқ ундан чиққан изоҳлар қизиқ
ўзгарар қофия ўзгармас удум
гўё чўл четида сув чиқмас қазик
оғриққа қарамай отаман одим
ҳатто қадоқлардан сизса оқизиқ
уйқуга кетаётибми туриб уйқудан
кўз намини артиб юлуқу узук
ўша-ўша ўнгим ўша қоидам
бузуқ қозигига тикилган бузоқ
ўзгарар қофия ўзгармас одам
ўша-ўша тўшу ўша-ўша қабоқ
узоқ айланага ташлайман қадам
ўлчови мен эмас чарм битган қадоқ...

15.08.2021

* * *

...қаерларда йўқолар тош ойнага тушган нигоҳ
эсдаликка айланиб орқада қолаётган чақиримлардами
менга эргашарми ҳозир деган зумга беркиниб баногоҳ
мен ҳали етмаган ерларданми чиқар унинг дами

нега орқа томонга юрар кўзгудаги соату аксинча замон
қарир ажин босаётган юзу тутилмас ажинлар тўрига руҳ
нега томсиз вайроналар ҳам қарар негадир осмон томон
ўткинчи томон кўтаргандек кўзини йўл четидаги бир мажруҳ

денгиздаги булутлару осмондаги долғалардан турган хубоб
қанотини ёзиб учган балиқлару товушсиз сузган қуш
гарчи толибу матлуб экан бу борлиқда бирлиқда заифу нобоп
ажинлар ёнида жоизми сўзлардан тўр тўқиш

аммо кўзга томган кунботиш нури ҳам йўқолар беиз
кўзгуга тушган тангадек қатра босарми унинг ўрнини тўлақон
биз билмаган ўлчамларга бошларкан аксу садо шу боис
нигоҳингни ютган кўзгу ҳам бўлолмас буларга қалқон...

07.-09.09.2021

* * *

...эндиги тушларим негадир бир неча қобиқ
маъносини очаман десам сўнггисига етишим керак
биноқ қобиқларнинг бари пуффакдек ёпиқ
тегдимми пақ этиб ёрилади бу пуффак

демакки маънонинг бир қисми йўқолади ҳамон
иккинчиси ҳам шундай яна йўқотиш
қандай қилиб бу ҳолатда сақлайман маънони мен омон
ақлим етмайди ё аниқроғи ўтмайди бунга тиш

яна уринаман яна тиришаман тушимнинг ўзида бот-бот
тепа қобиқларга тегмасдан ичкисига қидираман йўл аммо
тушим ҳам ўнгимдек хулосаламоқчидек бир исбот
буларнинг барида маъно бордек уни чиқариш муаммо...

11.09.2021

* * *

барглар
кузги қизғиш қуёш ҳовурини
ушлаб қолгудек
ўзлари ҳам сарғайишади
қизаришади
хазонрез эса хунрездек
уларни шу туришида
қаро ер билан яксон қилади...
ўйлаб боқсанг
қариликка қиёс бу...

13.11.2021

* * *

ёмғир ёққан деразадаги аксми бу
қаҳвахонада ўтирибдим сирли бир жуфт
ёки тоғ бағрими ёнғоқларга тўла Арслонбоб
балки-да супрага тўкилган седана ё кунжут

ё машшоқларми бу нағма учун йиғилган
бири ғижакка камон урган бирида дотор
ё сочларини тўзитиб ўсмир қиз йиғлаган
ёмғир бўлиб кўрингани эса ёши қатор-қатор

қанча тикилмай на ичимдан на ташимдан йўқ жавоб
коинот юлдузларими ё умримга сочилган кунлар
балки-да бир ҳовуч тупроқни тутган ҳув жаноб
бир нарса билгандек маънисиз жиринглаб кулар...

17.05.2022

* * *

...эсдан чиққан тушимними ё яна ниманидир излаб
унут дунёсига беихтиёр тушиб қолдим дафъатан,
ажиб бир дунё экан у, гўё сўз бору, йўқ уни сўзлаган лаб,
ё яна-да аниқроғи, кўлкалар дунёси экан у, йўқ унда тан...

йўқолган нарсалар хонасини ҳар вокзалми, аэропортда кўрганмиз,
одатда буларга семиз ва мудроқ шопмўйлов жисм – қоровул,
бу ерда эса тирик жон топилмас, турган-битгани гўё муз,
ва ё борса-келмас чўл ўртасида қор босган овул...

неларни кўрмадим унда: она сийнасидаги чақалоқ бахтини,
илк сўз мазаси, ўқиш китобидаги куз расми, қиз истимаси,
тут ўсган ҳовлилар, бошни тош ёрганда соатнинг тўхтаган вақтини,
яна минглаб алламбалоларни, аммо унутилган эмасми буларнинг ҳаммаси...

унут дунёсига аслида тушиши мумкин эмас соғ одам,
йўқса унутганингни ҳам унутасан, демакки унутилар бу шеър,
бирок бошу оёғинг билан унут уммонига чўкишдан аввал мудом
долға кегидан долға чорлагандек сени ҳам чорлар бўш ер...

26.01.2023

* * *

...севги – бу маъшуқа кетидан қолган бир бўшлиқ
уни қанча уринмагин тўлдиролмайсан ҳеч нарса билан
шомга кун ғарқ бўлар ой қалқар баланд
на кун билан чўкар на ойдан ёришар ғашлик

юракка бирон нарса сиғмайди у энди бўм-бўш
коинотми унинг ҳажми ё-да ломакон
бу эшикни очиб ёпмай кетган ким экан
елга йўли тайёру йўқ унга жунбуш

шаклсиз шамойил изсиз асорат ўхшовсиз қилиқ
совурилган гулхан кули ҳувиллаган ғор
бунда йўқлик ичра ҳеч ишора бор
севги – бу маъшуқа кетидан қолган бир бўшлиқ...

01.05.2023

* * *

...тушимга кирганмиш Бозор-жирловчи,
ўтов ўнгида у гўё бир овчи,
қўй сўйиб далага оқизибди қон,
сўнг эса ўчоққа осибди қозон,
қовуриб бор гўштни урибди паққос,
қозонга ёпибди қип-қизил мис тос,
сўнг ўтов ортига ўтибди жиров,
хайқириқ турибди, бошланибди ов,
аккиллаб тоз итлар чопибди олға,
кетидан бургутлар, мисли бир долға,
ҳавони пўртана айлабди шу он,
буларнинг барини маст қилибди қон,
кетидан чиқармиш Бозор-жирловчи,
дермиш: Мен овчиман, сен ҳам бир овчи,
ит билан бургутдек ҳамламиз ўтқир,
бирок билки, қазо дастида капқир,
иримда айтгандим – “дунё мағзи бўқ”,
бургуту тоз итга ҳид бору, гўшт йўқ...

02.10.2023

* * *

...кутиш дегани нима ўзи
“ҳозир” қамоғидан “эрта” чиқа
олмасликми
вақт оқимидан ўзиш иштиёқими
тахайюл шифтидан борлиқ деган ерга
қулашми
нима дегани ўзи бу кутиш
натижасиз интилиш
тишни тишга қўйиб сабр қилишми
ўз-ўзини еган бекор бир ташвишми
нима ўзи бу кутиш
арқонни узоқ ташлаб унга
улашишми ёки дасти қазо билан
ёқалашишми
бошни дорга тикиб раҳм тилашми
тилишми тўлашми талашми толишми
бир шеърга алишга яраша ишми
аллаким аллане аллакай кутиш...

14.10.2023

* * *

...шамолда гирдикапалак бўлиб учади хазон,
дарахтда қолган барг қўл силтайди унга хайр деб,
гоҳ сув юзасида сузади у сокин қайиқсимон,
гоҳ ёмғир уни ерга михлайди осмон чилангаридек,

гоҳ эса озод руҳдек изғиради эрка-эрка,
сўнг майса устида тинади ахир тўкиниб,
худди фақат ўлимда етишгандек бу эрка,
одам ўтмишига боққани каби дарахтга боқади ўкиниб...

05.11.2023

* * *

...орқага қайтма дейман ўз-ўзимга
қеч қачон қайтма ортга зинҳор
ўтмишда қолдирганинг бузилган синган
йўқ бўлган қуриган мисоли анҳор

отга мингандек вақтни қамчила
кўчманчидек сурувни сур олға
эски яйлов тугул уни эслаш жиллла
бир ҳўплам қимизда қўпчиган долға

эсдалик алдайди чақирган сувдек
қайрилсанг чўкасан илло қайрилма
парилар оралаб алдандик суздик
ғарқ бўлай деганда тишланди олма

қайрилма дейману кетимда тўзон
сеҳрли рўёдек ўтмишга боқар
туёқлар тагида ҳаприқар хазон
унинг ўйида ҳам боғлару баҳор

18.12.2023

ОРАЛИҚ

(Белги бисотидан)

* * *

денгиз қумлоғида қум устига шеър ёзай десам,
кескир ўтнинг тебранган сояси ундан зиёда,
одам изи ундан сирлироқ,
супрасини йиғиштирган денгиз шовқини шеъримдан чуқурроқ,
осмонни астарлаган булут, ҳавога шаббода улашган чағалай, қумлоқ
бўйлаб ўз хуркишини қувлаган кўппак
мен ёзмоқчи бўлган шеърни мендан ўғирлаб ўзимга кўз-кўз қилгандек...
менга қолгани эса – қум босган соҳилдек ҳўрсиниш...

* * *

Вой менга, мен ёр тугул, ошиқлиғимни топмасам.
Дил қаттиқ, рух беқарор, ақл қасдидан ичмиш қасам.
Йўлга журъат этмайин, зулматга кўрсатмай қаром,
Рўсиёҳлик ичра кўлкамдек зиёдин тарқасам.
Ўзгалар ишқ ичра ҳижронда, аларга васл умед,
Ваҳки навмидлик умедиға мени қўймас расан.
Дўст эшитмас, кўр рақиб, соғарни ағдармиш сабо,
Ўз-ўзим гўё Хусанни мосуво этмиш Ҳасан.
Бу тамошо саҳниға беизну нокас Белгидек:
Борчаға бир ваъда не эрди? – дея дод айласам...

* * *

Бошоқ чириб битди, чириб битди бир вақт
сен тегмаган жисм, сен урмаган бадан
занглаб битдинг эсанг-да етдинг бироқ
то мен сари, чиқиб Зенон мактабидан.

Сен тезкор учасан, кетингдан сенинг
етиш мушкул даштда, ундан бадтар бешада
айни дам. Чунки иссиқ иснинг,
айниқса кафтнинг ҳовури ўткинч, бешода...

2004

* * *

Рўзи махшар бир ўзанмиш, бу ўзан сувдин халос,
Мен халойиқдин узилгач, оқди халқу қий-чуввос.
Мен халойиқдин узоқлашгач, кўзум халқда ҳамон,

Кўрмишам узлук халойиқдин елар ўтру овоз.

Бу овоз – тўфон овозидур, ўзан бошида сел
Йўлда не турса бузуб, билмас на кўпрук, на ғаввос.

Сел эмас, тўфон тейиш, Баҳри Муҳит ўтру кўпар,

Он ўтар, манго етар деб, ўгрулуб боқсам бехос,

Бу ўзаннинг бу бошидин ҳам халойиқни ювуб,

Эгизи Баҳри Муҳитнинг мен томон итқир ҳарос.

Фурсате ўткач икки ёндин икки мудҳиш тўфон

Зарбае ларзона оламда мени айлар тароз...

Мавлавию Шамси Табриз руҳидин Белги ўлуб,

Ёлборарман кошки кўкка сачраса кўпук холос...

* * *

Менга бўлган бу кўрум руҳда эдим, тандаму? –
Мен ўзандан чиқдим, оқди кўланкам чун Аму.
Мардумимни бошладим қоясимон қўрғон томон,
Ул тепа ўйлар уюми эрди, йўлда ғов ҳам у.
Пастга юрғоч бир-биридин тикка тошу-тош кўруб,
Мен дедим: Румий деюбтур: Йўлнинг асли – қилча мў.
Борса келмас йўл кечибмиз, тепада бошқа саёқ
Биз шариф билган бу тоғни булғар эрди ул дам у.
Навҳа айлаб мен шикоят этконимдин бир жухуд:
Ўй деди бу уй тугул, мозор эмасса кандаму?
Ул даме азон ўкулди, мен қилиб икки рукуъ,
Ҳалқага шошдим, ўранди кўрпага ҳу одаму.
Шайхким минбарда эрди, қўлларин ийлон этиб,
Ер ила кўкларни чақди, муғ эдим, бандаму?
Мен эса маъмурдину, Канъон чоҳидин хавфсираб,
Ҳалқадин чиқсам халойиқ бирла ҳамроз, ҳамдаму,
Чориғим мисли чироқдек йўқ экач ўз ўрнида,
Белгидин унди увайс: Кавшим йўқолди, сандаму?

* * *

Фитна бошлангач кўлимда синди бир боғлам калит,
Энди хилватдин не суд, мен беқарорсам шу таҳлит.
Авалло хотирга қочдим, ҳодисот етмас анга,
Яхшики қайтишга йўл топдим бу ўнгга ман ялид.
Хоналарнинг қай бирига боқмайин, андин не нафъ,
Бари беркиқдур манга, ман мисли бефарзанд волид.
Лек очуқ ерда қутурган селу тўфондин буюк
тошни ёрган митти илдиз бўлса-да бу тоғ яхлит.
Чўнтагимда биргина очқични топдим, Белгиё,
у ҳам ўлса жон талоши малъуну шуму палид...

* * *

Ярим соатдан бери китобларга тикилиб ўтирибман
бу хонада ёлғиз ўзим паришонхотиру лол
қўлимни узатиб китоб олишга на хоҳиш бор, на мажол
битмаган шеъримни битирай десам, барини аллақачон битирибман.

Ойнага қарайман, кунботиш шуъласи булутни булутроқ қилибди
эркак чиройли аёл ўнгида ўзининг ақлидан уялганидек бундан ҳам чўчийман
ўзимни соддадил кўрсатиб ичмаган шаробдан ўқчийман
айтмоқчи бўлганим – бу оний кайфият ҳам янги бир шеърга қолип-да...

Ўнгимда китоблар бирма-бир ўқилган эринмай, ҳижжалаб
лекин бу бўшлиққа улар ҳам бўлолмас тўғону қопқоқ
юзим оқ эдими мўрт мўйлов чиққанда, кўнглимми эди оқ
не ҳақда шивирлар териси қавариб шилиниб ташланган бу лаб?

Бўш уйда бир ўзим ёлғизликка ем бўлиб тикиламан кўланкамга
негадир шу кунда лўлилардан сабоқ олгим келади фол очишда
буни ўйлар эканман – қари эмасми – юрак тугул, кўз ачишди
кўз ачишди-ю эт жимирашди, лекин қари эмасми, ёшим камгап...

08.07.2008

* * *

Ичимга қулоқ тутаман
бир нарса янгрармикан деб –
ҳеч нарса янграмайди

ғаройиб иборалар қолиплари
бўш
улар ҳам бир-бирига тақ-тақ урилади
ичимда

балки беҳудадир бу уринишларим
балки расм чизгиси келаётгандир
қўлимнинг

тинишу униш орасидаги
бу саросима, бу тўлғоқ, бу ўқчиш
дунё чигалларини кесмоқчими миям қайчиси
ё токчага қўйяпманми кўнглим гулдони...

Бировлар билан ит-мушук бўлиб уришиб юрган ҳаётим
ўзимга қолганда намунча беиён, эпсиз, осуда...

12.07.2008

* * *

Энди китоб ўқимайман. Энди китобларга тикиламан,
узоқ-узоқ тикилиб ҳаддимдан ошаманми ё ўзимга қайтиб келаман,
шеър ёзгим келади, худди бу шеър дилхиралигимни ювиб кетгуси,
худди лойқа сувлар тиниб очилар кўнгил кўзгуси.

Шеърим нима билан тугабини билмасам - ҳаёт ҳам шу-ку,
деб қониқтираман ўзимни-ўзим, қофия учун мушук-у
унинг лоҳаслигини ишлатаман, менинг кайфиятим ҳам айни -
хоҳла ёз буни, хоҳла - ўчир барини - барибир, оғайни,

мушук боягина тиниққан юракни қайта-қайта тимдалайди,
бу ёшга етиб чорасини топсанг бўлармиди, сен эса, дейди,
кўзингни, нигоҳингни яна қатор-қатор тах-тах китобларга тикасан,
атрофингни, ичингни, ҳаётингни, шеърингни мунча бекас-а!

Энди китоб ўқимайман. Энди шеър ҳам ёзмайин,
Куз - кўзгу, қиш - мушук, руҳ - баҳор, ёз - майин...

20.03.2010

* * *

Куёш ботаётганда
дарахтнинг энг баланд шохида ўтириш...

Яна иш куни бошланади.
Метрода жисминг ғувиллаб борса
унга ёнма-ён фикрларинг оёқ чиқазиб
бу масофани пиёда босиб ўтяпти лўкиллаб.

Чўнтакдан чуваланиб чиққану
қулоққа тиқилган икки тугмачадан эса

сочларини бўйнимга
дор этмасмикан

кичик митти эрмаклар

Ўшда эса қўлинг болта кўтариб
оёғингни чопиб ётибди – гўштининг килоси
100 сўм
Қону қусиққа буланган ёлғонлар ваҳшатлар
кўкнори банги қорадори
ўлимлар ўлимлар ўлимлар
устига эса кетмон ё булдозер тупроқ тортгандек
сўзлар сўзлар сўзлар сўзлар сўзлар сўзлар

Тушимда босинқираб кўрдими буни дейсан,
йўқ,
тушингда маржону гавҳарлар сочилиб
уларни тераётганинга бир шонаси бир донаси
думалаб, ер остига
метрога
сен каби тушиб кетган эдими

иш куни бошландими
ё тугадими

сесканиб: йўлим қайси томон экан
деб ўйлайсан
худди фарқи бордек

тун тушганда ер остида тиш оғриғидек
қирқилган дарахтларнинг томирларига илдизларига
сингиб кетиш...

27.07.2010 Овиедо

* * *

...энди аниқки мўъжизаларга кароматим етгани йўқ
келажакни кўролмадим бировнинг фикрини ўқишга етмади қурбим
бир пайтда икки жойда бўлолмадим қанот ўрнига боғлаб тўғаноқ
учолганим йўқ ҳилм илми ерида хийла хил ҳемири қурдим

тушлар таъбирида адашдим ўрганолмадим қушлар тилини
жинлар чалмади мени осмонга олиб кетгани йўқ фариштаю малаклар
сув кезмадим ўт ичмадим йўқ фақирдан ҳақирроқ қорам тулуми
очиқ ер устида аччиқ ел остида ғайбона нарсалар ҳақида валақлар

ичида ҳар сомон ҳар замон новчабел найчадек инграркан
бўшлиқни эгаллаб кезаркан кўмаркан кунларни қарға-ажуза
кўримсиз бу яйдоқ бу дала бу толеъ тулумга кўркам
кўринса не ажаб балки бу белгисиз бенишон мўъжиза...

2010?

* * *

отимдан кечдим – барибир у ёлгон
барибир у менга қуюшқондек тор
ана ўрмондаги дарахт баландми йўғон
отини билмасдан ўсади қатор
ана гул ана қуш ана минг япроқ
учади унади беном-бенишон
сени ҳам қизилми қорами тупроқ
отингни сўрамай босади – ишон
номини йўқотган сонсиз туну кун
лаббайка дейишга соқов коинот
жулдур кийимингдек нафсга унуккан
юлдуз чангларига от исмингни от...

* * *

Мусофир юртларда, қуёш остида
бир парча сояга эрканда хумор,
ўнгингда жаннатдек салқин, осуда
хиёбон чайқалар шохи бешумор.

Хиёбон дедингми? Қайси хиёбон?
Ёшлигинг кунлари ўтган маъвоми? –
Кесилиб кетди-ку у аллақачон,
йўқ энди у юртда унинг давоми...

Ундай десанг, қара, ўша чинорлар,
ўша-ўша осмон домин тутган арқ,
ўша-ўша тушда туш сари чорлар
вақтнинг беланчаги – тебранётган барг.

Ёки сен ҳам мендек юртингга сиғмай,
муҳожир бўлдингми, хиёбон-қочоқ?
Агарда бутун юрт бўлмаса турма,
балки юртнинг бари тарқарди шу чоқ?!

Балки сену мендек айлагу ҳижрат
вайрона бўлмасдан кўшку шашмақом?
Худога илтижо қилармиз: ажрат
ўзбекларинг учун ўзга бир макон...

Не эса топищдик, ошнам, хиёбон,
бегона юртларда сен ҳам олгин тин!
Сени кесганларнинг ажри – биёбон,
уларнинг ўзлари – дўзахга ўтин...

* * *

...анор сувин сиққандек
хотирам сиқиб бўлдим
икки кафтимни қондек
рангга тўлдирдим-тўлдим
ютдим тахир сувини
тишим-ичим қамашди
кўнглим унга увиниб
нима ошди ғам ошди
керакмиди эслашинг
ўткинчи ўтмишингни
қилмасмиди ич-ташинг
ҳар кун қилган ишини
кўрса муштдек анорни
қолдирса қовжирашга
эзмасайди хунхорни
кўзни тўлдириб ёшга...

* * *

ўтирган одамнинг йўқлиги – ҳўл харрак,
беватан шамолнинг тиниши – нам терак,
босилмай йўқолган қадамлар – чилп-чилп из,
бўш дунё оралаб юрган ёмғир – биз,
иккимиз кимсасиз жимжитлик – намозгар...

* * *

кўнглим тусаган нарса кам
атрофимдаги жовонларда китоб зич
варақлар орасида қолган ким
ким йўқолган ўтмишидан кечолмай ҳеч

кўзойнак калитлар ойнада тўр
қоронғу узоқда поезд дукири дук-дук
келажакдан бирор нарса кутишга юрак тор
кенг дунёнинг ҳузурида ўтирибсан тек

ўтиради дафтарига тикилиб у
куюкмайлик ўзига ёт кимсага биз
калимага тили келмай тиқилиб ё
болдиридан юрагига кўчибди без

кўнглим тусаган нарса кам...

27.03.2011

* * *

...шамолдан зирқираб оғриётган асаб
этагини йиғиштириб чопаётган денгиз
бундан ҳам бекорчиликда шеър ясаб
ўзингизга ўзингиз балли дердингиз

ўзингизга ўзингиз жонга тегдингиз
булутлардек йиртиқ руҳингиз бўм-бўш
супрасини ёйиб хамирини ёзар денгиз
ёмғир кесар асабни уградек... Хўш?

Нима бўлдики дунёда-ю ичингизда нима бўлди
иккисини эри-хотиндек яраштирдингизми ё?
Ўша-ўша деразангизнинг нарёғи хўлдир
ичкари – асабдек қақраган дарё...

09.10.2011

* * *

...кунни кундан ажратиш учун Навоий айтмиш тиғи ғайр
темир йўл бекатида турар эканман эзиб ёғади ёмғир
тўртта қайин дарахти қисман сарғайиб боқади охири хайр
дегандек баргларини ёппасига ташлайди енгилми оғир
дарахтлардан ўрнак олсам бўлармиди мен ҳам бошқатдан
қип-яланғоч ҳаётимни кейинги баҳоргача ич-ичимда асраб
яна ёшлигимга қайтсам яна кўкарсам аммо бош қотган
ёмғирдек дарахтдек кузақдек этак қоқиш ҳам сероб эмас-да сароб

* * *

1

...душанбадан кейин сешанба сешанбадан кейин чоршанба
(тиш дўхтирга чиқиш) чоршанбадан кейин пайшанба
пайшанбадан кейин (мошинага бензин қуйиш) жума
(жуманамоз) жумадан кейин уфф шанба
эрталабки одатий бозор сўнг серқаймоқли чой ва
боғда Trent боғида сайр
ҳаш-паш дегунча яна якшанба ўтиб душанба
душанбадан кейин сешанба сешанбадан кейин (спортзалга
боришни унутмаслик) чоршанба чоршанбадан кейин
пайшанба (бир ҳафталик қилиб ош дамлаш) пай
шанбадан кейин жума ой кетидан ой
рўзадан рўзага қадар одми ҳаёт...

2

...мўъжизавий телефон қўнғироғи кутилмаган хат
ҳаётингни остин-устун қилиб юборувчи ҳодиса
шеър ёзишга ундовчи ногаҳон муҳаббат
фожеами қамоқми уруш келавермас экан ҳа деса
дуоларингда-чи бемаҳал ўлимдан бало-қазолардан
суву-ўтдан ўғридан турмадан Ўзинг сақла дейсан
бу шеърни ҳам чоршанбадан кейинги пайшанбадек ёзолардим
томдан тараша тушгандек тўхтатмаса шу ерда қофия десант

* * *

Кеч кирди. Булутлар узоқда тўзиб
қуёшни кўмгандек бўлишди. Ботди
ё битди. Негадир сўзлардан ўзиб
хаёлим уфқ томон ўзини отди.

Бу дамлар учоқни эсга солади,
учганда билмайман қаерга учоқ,
булутлар кун каби пастда қолади,
мен билмас ерлардек булутлар шу чоқ.

Руҳим ҳам танамни ташлаб бир куни
яланғоч изғиса булут оралаб,
шунданми жунжикар танамнинг хуни,
шунданми кўз ҳўлу, қовжирайди лаб?

Руҳим, собиқ руҳим, туш пастга бир дам,
исингинг келмаса, шошма лоақал...
кийимлар сочилиб ётган ер бирдан
ялинишга тушар: Майли, қолақол...

* * *

...бир пайтлар ўйлардим: дарахтлар менга бир нарса демоқчи,
майсада сир бордек, осмон эса рамзларга тўла.
Югуриб кетаётган итнинг тўхтаб қараши-чи, ундан тўлган димоқ-чи,
сен эса майда-чуйда нарсаларнинг маънодорлигини чаққан оятилло...

Лекин қариган сари кўз хиралашиб, қулоқ оғирлашиб, ўша қуш тили
чуғур-чуғур шовқиндан ортиқ эмас экан деб ўйлаганинда,
ер лойга айланади, дарахт ҳам балчиқдаги соясидан қутулиб,
ўзи билан ўзи овора бўлади, хоҳ индама унга, хоҳ инда.

Буларнинг сен билан иши йўқ: бормисан-йўқмисан – буларга барибир,
сув сенинг аксингни осмонга кўтарадими ё ҳўл ўрдакними –
бунда на зиёда маъно бор, на ортиқча таъбир.
кўр сувга сутдек тиниқ аксинг-у уни булғаган ўрдак орасидаги фарқ нима? –

Оқил бўлиб яшайсанми хаётингни, галварз бўласанми – бари бир хато,
бунга дарахт – шоҳид, ит – кузатувчи, лойқа қолган из – гувоҳ...
Кўтариб юрган арзанда ҳаёлларингдан улар эмас, бош безгач ҳатто,
э воҳни сен дейсанми, бўм-бўш шамолми, яна аллакимми, у ўша эвоҳ...

11.03.2012

* * *

...тушларимда сурункасига поездларимдан кеч қоламан...
хозиргина мана бу перронда турган поезд – қарасам – йўқ
кетидан югураман, етолмай вокзалга қайтаман, такси оламан,
кейингими, индинги станцияда етишимиз шарт деб ураман дўқ

менга ҳарбийлар қулоқ солишади, темир йўлчилар, йўловчилар,
хайдовчилар елка қисиб мўмай пул сўрашади, қувишмиш қийин,
кейин бирданига станцияда байроқча тутган қўнғироқ чалар,
бу қўнғироқдан уйғониб кетаман энтикканимча, тер босиб. Кейин

ётган жойимда ўйлашга тушаман, нега бу узлуксиз туш
мана нечанчи тундирки қайтарилавериб қийнайди мени,
нима ҳақдайкин бу кеч қолиш, саросима, мағлубиятми, ичга ютиш,
нималарга шама экан, ё аломат бўлса – англатар нени?

Бир қанча романим нашриётларда чанг босиб ётганиданми нишона,
бола-чақа улғайганида беш-олти танга орттирмаганимданми огоҳ,
балки-да йўқолган юртдир, эришилмаган орзу-ҳавас, қурилмаган қошона,
ё-да ёшлиқдир ғиз этиб ўтиб кетгану кўздан йўқолган ногоҳ,

ёки Яссавию Сўфи Оллоёрнинг таъбирларида учраган кўчми,
сени ғафлатда қолдириб чангу тўзон кўтариб кетган карвон?
Перронда тураман. Изғирин. Дилдирайман. Кўзимда ўчмай
темир йўл... тушимдан ўнгимга қулаган нарвон...

* * *

тошни тошга уриб чақмоқ чиқаргач
тошни тошга уриб битганда битик
осмон газламасин кесган қалдирғоч
нийначи юзланган кемтик сари тик

шеърда ҳам SERN каби заррага зарра
урилиб туғилар қоп-қора модда
тўпонин сочади кўкка ой арра
тутун тутгунича уни самода...

21.12.2012

* * *

ёзишга ҳеч қандай баҳона
“бу бизнинг еримиз, бу бизнинг...”
аллақандай таниш оҳанг
яна қулоқ соласан, бошқа тилларга бўйлайсан
йўқ, бундан шеър қилиб бўлармиди
ёзишга ҳеч қандай туртки йўқ
барибир ёзасан
коинотни кезган радардек
ичингни кезади диққатинг
кошки қоқилса у бирор нарсага
кошки бирор нарса уни йиқитса...

Ушладинг, мана энди ушладинг,
таниш тошга бориб бошинг урилди
дарвоза тагида кучаниб ўтирсанг
устингга катга холанг кириб келгандек

энди ёзишни тўхтатиб кўр-чи
энди истар-истамас ёзганларингни
шеърга айлантиришга маҳқумсан, энди
хат илдамлар экан, сенинг хаёлинг
орқага қарайди, ҳа, “бу ер бизнинг”
“бизнинг бу еримиз, бу ер бизники...”
топилди, топилди “замон-замон, бизнинг
замон, замон бизники...” машина
юрмасдан-юрмасдан олов олгандек
ёруғ фараларни зулматга қадар

ёзади қоронгу, ёзади қадар
катта холамдек дастурхонини,
тош бошга урилиб сочар қонини
коинот оғзига солинган талқон –
бу ёзув ўқиға тугилган қалқон...

23.12.2012

* * *

балиқчи тўрига балиқ тутгани
қайчи билан гулни кесгани гулчи
этак-этак пахта тергани бола
камида бир қоп қум ургани ўғри

таниш воқеликка нотаниш ўпқон
тутилгач қофия қўлга қулф солар
қалам изларига қоғоз тўшалар
қопқоқ ёпилгандек очилар қопқон

йўқса-чи белгисиз қутқу коинот
йўқ унга ярашиқ на нисбат, на от
балки шеър сараси – энг пасти ҳайҳот
иддаосизидур муддаосизидур

худди “о” сизидур ёки “ё” сизидир
сузадир қоронғу ичимда зарбалиқ
ўсади миямда оғриқдек пахтагул
босади ғафлатдек борлиғим қумуйқу...

25.12.2012

* * *

- Тасаввур қил, барча фикрларни бир жойга жамлаб
қанақа нон ясай олардик...

Унинг сўзларида Гриннинг Друд деган қаҳрамони:

- Кел, яхши бир дақиқа ясайлик! - деган сўзларининг
акси милт этгандек эди.

Ташқарида денгиз устига ёмғир ёғар,
маёқ нури тўрга тушган балиқдек
талпина-талпина, хона деразасига - ичкарига изн сўрагандек -
лаҳза-лаҳза мўралаб ёпишарди...

- Йўқ, - дедим мен, - бизга теккани - дастурхон чеккасидан ушоқ,
уни териб оғзингга солгудек бўлсанг - оғизга солинган талқон.

Сенинг айтганинг эса - ердан униб турувчи бошоқ,
бирок бошоқ янчилик, тегирмонда тортилмагунча, ундан чиқмайди нон.

- Сен ақлни ишга соляпсан, ақлдан эса чиқмайди шеър,
аслида айтмоқчи бўлганим шеър ҳам эмасди, балки бахт.

Ташқарида ўтмиш ўртанарди, энди балиқ ҳам эмас, бамисоли шер,
бирок дераза барзаҳи мустаҳкам эди... Радиода Бах
шифтга урилган каптар каби, гумбазда топгандек ягона туйнук,
туйнук сари интиларди. Буниси ҳам балки рамз...

- Биласанми, дедим, - чирой чалғитади, аммо хуркитади хунук,
сенинг эса солмоқчи бўлган эса: "Севасанми буни, ахир бу Брамс!"

Ҳар Сўқротга Афлотундек, ҳар Исога бор инжилчи Маркми, Лука,
кимдир ваҳийни айтади, кимдир кетидан ёзиб олади совутиб.

У негaдир ўйга чўмди, негaдир демади менга қараб: “Ука,
мана сенга атаганим, боядан бери сенга айтганларимнинг соvути.”
Мен ҳам бу оний лаҳзани ёзиб олмабман, аттанг-у афсус.
Хонада чироқ ўчади талпиниб, кўчада мушукдек санғийди маёқ,
ушлаган ўтмишдан ушоқдек қаҳважез милтиллайди суи,
йўқса жимжитликда қоронгу ҳаммаёқ...

02.01.2013

* * *

Агарда мендан қоқи солиб
офтобда қуритиб
хавончада талқондек янчиб
бир сиқим чангдек тўзитишса –
қолгани –
бир сиқим чангдек енгил
янчилган талқондек майин
офтобга солинган қоқидек ширин
эсдалиқларим қолғуси...

17.01.2013

* * *

Тушимга киргану эсимдан чиққан шеърнинг
иккинчи сатри – қуриган гул...

.....

Шу ерда шеъримни тўхтатсам бўларди
биноқ бу гулнинг шакли ҳам эмас, ҳиди ҳам тугул
ҳаттоки – ҳолати истисно, ўзимга ноаён бир нарса
давом истайверар.

Китоб ичиданми, туш ичиданми унмаса-да майса
барибир кўз кетидан эргашиб майл қайтаверар
қуриган гул... қуриган гул, ниманинг давоми у,
ниманинг натижаси-ю нимага эди у ишора?
Ақл шошади, биноқ тушга кирганда ақл ҳам бечора,
нима ҳақида эди унутилган бу чирой, узилган бу шеър?
Қуй, дейман ўзимга ўзим,
қуриган гулингни ол-у тушга тушлигини бер...

18.01.2013

* * *

қордан оппоқ бұлған ер
оқ сочимга бир шама
борлиқ тоза совуқ ер
тинишларга ғам ема

мушук қўлимни ялар
у ҳам мендек тирик жон
ўрам-ўрам поялар
совуқ юлдуздан нишон

қароқшом деган сўзни
ойна ромига қада
унут жоду илдизни
у қайда-ю сен қайда

борса-келмас чўлларда
изғир ўлсанг изғирин
сени аяган парда
яширар тун кўз қирин

жунжукади ташда қиш
ичда дилдирайди қон
фақат мушук боёқиш
ялар қўлимни ҳамон...

21.01.2013

* * *

Бу дунёда ютқазмаган ким бор?

Қайтадан бошлайин дейман фикрни
спортзалда югуриб, суратга қараб,
китоб ўқиб, ўйга толиб бекорчиликдан...

Қаердан бу ундов, қайдан бу даъват?

Қайтадан бошлайман, қор каби енгил,
эрталабки йўлдек, вақтида келган
поезддек, чўнтакда чиптадек балки
ишончдек, инончдек, умидбахш туйғу

недан кечга бориб ўз-ўзин излар?

Ўчир, дейман, буни, қайтадан бошла,
жаннатмакон орол, ўғилчанг билан
усти очиқ енгил машина миниб
тоғ оша шамолла қувалаш, денгиз
махлиё кўк кўздек умрингга боқсин!

Бироқ нега бу ҳам юпатмас сени?

Билдим, билдим қайдан бу қасд, бу хуфя
шеърга бор, ҳаётга йўқдир қофия,

шундан ҳам паймона тўлгач лиммо-лим
минг қайтадан бошла, охири - ...

Бу дунёни ютқазмаган ким бор?

05.02.2013

* * *

...ўнгимдаги сурат ҳақида айтайми
жовонда бир-бирини қисган китобларними
юқорида жим турган қумсоат – egg timer
буларнинг барини бирлаштирган нима –

саҳар туманидек енгил тарқалувчи жумла
кечга йиғилиб бораётган тахир юпанчсизлик
буларнинг орасига ҳам шиддатсиз ҳужум-ла
бош суққан ўша-ўша истиора – зулик

кўзойнак ҳақида сўзлайми радионими ўчирай
сукут сақлаган қўл телефонимдан олайми ўрнак
сўз қалаштириб бундан чиқармоқчидек чирой
шамадек қолгани – вақт деган юҳони кўрмак

боқаман суратга жовонга туманга оқшомга зуликка
асирга олинган сўзларга қаламбанд кўлимга
ичимга ичимда титилиб тўзиган сўзликка
бу сўзлик бетидан эрк томон ташланган ўлимга

кўз томчи дориси ручкага қуйилмаган сиёҳ
елкачада куйлак – барида талпинади гап
сен ўтгач буларни вақт деган саёқ
чангини қоқиши тайин тоқати тугаб...

18.02.2013

* * *

...ётиш олдидан ҳовлига сув сепилгач
катталарни ухлатиб велосипедга миначан-да
темир йўл бўйлаб совхоз томонга дўстинг билан
тун босган чанг кўчаларни ғилдираклар-ла ғалтаклаб
дўстинг севган қизниқига узоқ ҳайдайсан...

оғайнинг қизи билан тун оғушида ўғринча учрашгани кириб кетади
сен эса тунгги боғда олмаларнинг гоҳида “тўп” этиб тушганини эшитиб ёлғиз
ўз хаёлларингу орзуларинг билан велосипедга суюнганингча қоласан
сенинг ҳам севган қизинг бор балки бу ердан чиқиб мурувватли ошнанг билан
унинг эшиги тагидан ҳам ўтарсизлар велосипедларни ғизиллатиб
ёки тўғри уйлариингга кетарсизлар...
шунда ҳовлидаги супада солинган ўрин-кўрпага шўнғиб
осмонга қараб ётасан юлдузларга боқасан
“мен яхши кўрган қиз ахир юлдузда эмас-ку!” – деб ўйлайсану
ўз-ўзингга раҳминг кела бошлайди кўзингга юлдуз
боя ҳовлига сепган сувнинг томчисидек томади-ю
милт-милт этиб ширин уйқуга тортиб кетади... ўн етти ёш...

ҳозир ҳам кўзимни юмсам ўша-ўша ёз тунни
сўри тепасида ишқом кўм-қора осмонда ғужум-ғужум юлдузу узум
ўтмиш деган нарсанинг ўзи йўқми дейман мана ястаниб
менга айланиб ўтмишми ё ўтмишга айланиб ётибман ўзим...

12.09.2013

* * *

1

Сўзга бўлган ишонч -
балиқ ушлайдиган тўрига ишонч деган гап.

Албатта,
тўр сувга чўкиб
чиқишида балиқ ҳам илиб
олиши мумкин.
Лекин ўлимга маҳкум балиқ,
лекин сувдан айрилган балиқ.

Наҳр дунёси,
баҳр дунёси,
тирик балиқ дунёси
тўр тешикларида, -

деб айтган,
ҳа, айтган экан
сўзга маҳкум бир кимса...

2

...тўрга тушган балиқни кўрган бўлсангиз керак
талпинади ҳар томонга ўзини уради қани энди қутилса
нафаси бўғзига тиқилади буни кўрганда ачишади юрак
ақлда ҳам бир нарсаларни уйғотади бундай талваса

айтмоқчи бўлганим биз туғилиб атрофимизданми ичимиздан топган тил ҳам тўр
онгимизни руҳимизни борлиғимизни ушлайди балиқ сингари
талпинми-талпинма қутидек қолипга тушасан ҳали сен қараб тур
бу шеър ҳам шеър эмас темир тўр ичида белингнинг қарс этиб сингани...

* * *

кампир элабдими супрасига паға-паға ун, тегирмонда тортилгач арпа,
томларга қалин қилиб ётқизибдими оппоқ ганчини ҳайкалтарош,
ё-да пахта човутиб келинчак ерга қават-қават ёпибдими кўрпа,
жилла қурса экин-тикин соқол-мўйловини кўпиклабдими сартарош...

қор ёғибди оламга, одамга, одимга, ёдимга, ёзимга, ўзимга, изимга,
пайтава ўрабди уловлар, симхода путига кийибди пийма...
демакки, оқ-қора дунёда светофор нуридан исиниб-қизинган
кўкимтир оқшомга совуган ичингни бўшату, кўзингни қийма...

кўрсин кўз номаълум рассомдек Навоий эслаган сунъи наққошни,
қиш кўзга ёқару, руҳ ундан барибир, барибир совқотар,
шунданми дераза ортида қорини кураган ён кўшни
оқ қоғоз устига шеър ёзган шоирдек курагин қоқар...

* * *

..умримда не шоирларни кўрмадим:
ўзларидан икки ўлчам катта мартаба кийганларни,
бўйига нисбатан тўрт масофа йирик қадам ташлаганларни,
синчалак овозларини дўриллатиб наъра тортганларни,
ияк тираб ҳайкалсимон қотганларни,
ўз сўзларидан маст бўлиб кўзлари сузилганларни
ёлғизликларини парваришлаб ўйларига чўмганларни,
ички ғурурини эски-туски кийимларга буркаганларни,
ҳеч ким уларни танимаса-да бутун дунёдан огоҳ бўлганларни,
шоирлигидан уялиб бурчакка қисилганларни,
тўртта сўзни газета қоғозига ўраб буни касб этганларни,
ҳеч ким етмаган ерларга бир зумда элтганларни,
мажнунвашларни, ақли соғларни, пули кўпларни, бахти озларни,
селдан зўрларни, елга жўрларни, не-не-неларни...
шеърнинг феъли кенг экан,
ҳар хилига тенг экан...

* * *

1

...метро вагонида
рўпарамда ўтирган қиз
нукул менга тикилаверади...
танидими мени... китобларимдан бирини
ўқиганмикан...
ё юзимдан қайси миллатга мансублигимни
чамалаяптими...
ўзимни чалғитиш учун ўйлайман:
қизалоқ, сен билмайсану, шу ўтиришда мен
сенинг келажагинг учун ем бўлмоқдаман –
бундан элликми-олтмиш йил ўтгач
қариганингда невараларингга: мен бир куни поездда
фалончини кўрган эдим деб айтасан...
йўғ-э, дейди ишонқирамай невараларинг...
биноқ бу ерда бир ишкал бордек: келажагинг
дедиму, кўз олдимда у ўтмишингга айланди эмасми...
биз эса юзма-юз ўтириб ҳозирда кетмоқдамиз –
сен менга тикиласан, мен сен ҳақингда хаёл сураман...

2

..ўнгимда эса ҳамкасбим менга жажжи қизалоқни тутқазиб
“тун бўйи қарайсан, вақти бевақт товонидан эмлайсан,
сўнг хушини йўқотса футболда ким кимга ютқазди
деб сўрайсан” дейди-да қўшади: “иш қилиб эплейсан”...
айтганини қиламан, ёстигим устида ётган қизалоқни товонидан эмлаб,
йиғласа сўрайман: “охирги ўйинда ким ютқаздию, ким ютди?”

у бадтар йиғлайди, шунда бу хонани бўйлаб эмас, энлаб
кесиb ўтаману сув қидираман – ичимни йиғиси увутди...
қайтиб келсам ёстиқ устида жажжи қизалоқ йўқ,
атрофга аланглайман, ҳозиргина шу ерда эди-ку йиғлаган қизалоқ...
чақираман, бақираман, саросимада ураман ҳар томонга дўқ,
қани пайдо бўлса у, бўш ёстиқ бўйлик гўдақ, чақалоқ...
ташқарига кетган эшик остига бораман, ликиллар илгак,
тамба осилиб ётибди, қулф тешигида йўқ бояги калит...
наҳотки чиқиб кетган бўлса у – зукко ва сергак,
наҳотки ғафлатда қолиб кетган бўлсам мен палид...
қайтиб келармикан у қандай кетган бўлса шу тариқ,
ё кетган кетдими бу ондек, ёшлиқдек, ҳаётдек батамом...
тажриба ўтказган хонамиз эса лабораториядек оқ эмас, кўк эмас, сап-сарик,
бурчакда тешик пақир, ён-верида эски тос, эски ҳаммом...

Инглиз йўлидаги шеър

Lake District ёки Кўл Минтақасидан қайтаётиб
денгиз бўйидаги бир шаҳарчада тўхтадик
шаҳарча шу қадар кўримсиз эди-ки – Эллиотнинг
Wasteland – Ахлат Яйдоқини эсладим – худди денгиздан
шамол эсиб ер юзида бизни паҳмоқ ҳимоядек сақловчи
яшил дарахтлару шинам уйларни шипириб кетгандек ёбон
балки шиша синиқларию тутаяган эски увода...

Балки...

Балки бу шаҳарчанинг кўримсизлиги Кўл Минтақасининг
бетакрор чиройидандир чунки ер юзида жаннатга туташ
жойлар бўлса – Вордсворту Колрижлар куйлаган маъво –
Кўл Минтақаси булардан бири...

Лекин биз пати юлуқ товуқми, юнги тўкилиб думи қирқилган
мушуклару тақирбош ишчилар кўзларини ола-кула қилиб
сандирақлаган шаҳарчада тўхтадигу денгиз томон ошхонами паб
қидиришга киришдик...

Денгиз бўйида оҳир занжирларга илиниб занглаган бир
улкан кема ейилиб кетган машина шиналарига урилиб-урилиб
гўё тириклигиданми ё мавжудлигидан дарак бериб чайқаларди...
Йигирмами ўттиз йил бурун балки Маргарет Тэтчер даври-
да занжирбанд этилган бу бўм-бўш кема каламушу кўршапалакларнинг
мегаполиси – Нью Йоркми Рио-де-Жанейросига айланиб бир вақт-
лар портларига борган бу шаҳарларни энди тунги чийил-
лашу кунги кемириш орқали эслар... Кеманинг қачонлардир
шамолу долғаларга очиқ кўкси торашиб – тантанавор номи ҳам ўчиб

бўлган... Ким билсин ўз кунининг учар ҳолланди ё-да
Рембо куйлаган маст кема шу эса...

Шамол кучаярди денгиз сайҳаси бир қават шип-шийдам
томсиз уйларни шиша синиғидек ерга сочсаю устига гаврондек
ёмғир ёғдирса... Денгиз ҳам у билан тил бириктиргандек
ичидан чиригу занг ғичирлаган бу эски кемани ахийри ютса...

Шунда биздан қўрқиб қўққис ўғринча кема ичидан бир кўлка каби
болакай кўринди. Анави занжирга бир латта ташлаб дорбоз сингари
қалтис қадамлар отиб соҳилга сакради. Қўлида кўрсак –
қутқарув ғилдирак...

Думалат болакай бу ғилдиракни думалат бизларга қарамай уни
тегирмон тошига тушган юракни қопласин занглаган эсдалик уни...

20.12.2014

* * *

...онгинг ҳовузига соатлаб боқиб
балиқ овлагандек маъно овлайсан
қай бири фоний-у қай бири боқий
буни ажратишдан бўйин товлайсан

метрода юрганда салкамки қирқ йил
сенга ҳамроҳ бўлар ўша-ўша акс
қарибдими кўлканг демакки қирқил
ташла уни сени ёшламай билъакс

кундалик мантиқдан йўқдир қочар йўл
вақ-вақлар қурбақа ҳанграйди эшак
тушида сув сузган бола кўти ҳўл
кул босиб сим дорга осилар тўшак

сувга боқма дейди нуроний бир чол
сув чақирар дейди тубсиз тагига
ҳовуздаги аксинг тутгач ҳовуч ол
соч уни шеърингнинг ҳўл этагига

22.12.2014

* * *

...даъвосиз яшаш ҳам мумкин
келажак дорига осилмай
шеър ёзмай куй битмай ва сокин
индамай энтикмай шошилмай

битмаса битмабди иддаонг
болани севгандек онаси
бир куни сенга ҳам эртатонг
меҳр тугул бўлғуси раҳм насиб

лекин сўнг болани эркалаб
“Айтганим қилдингми?” – дегандек
сендан ҳам сўралса эрталаб –
эркатой беғамлик туганди

шунданми тугамсиз интилиш
шунданми туганмас бу жунбуш
бу талаш – келажакни тилиш
ҳолбуки у саробу бўм-бўш...

19.07.2015

* * *

...англаб етганим шуки, бир ерга келишдан кетиш оғирроқ,
келганингда режалар тузасан, ҳовлиқасан, хаприқасан, энтикасан;
қиладиган ишларинг кўп, чалғийсан, натижаю оқибат ҳали йироқ,
унга алахсийсан, бундан завқланасан, бўлиб ўзингни мингтага сан...

кетишда эса, қаердан бўлмасин, Парижданми, Москваданми ё оддий кўйчадан,
юрагинг бирам ачишадики, худди ишларинг битмагандек, ё бир нарсани унутдинг...
кўзларинг орқага қарайди, оёқ олдинга тортмайди, орада йўқолади сабру чидам,
ўрнига эса туради хавотир, қоматга келган ғулғуланинг қулоғи динг...

қаердан буларнинг бари балки бу дунёга келишимиз ҳам ўзимизга беҳавола
бўлгани каби, ташвиш бошқаларда-ю, бизга эса беписанду, беғаму беғубор
шаққиллоқлардан эрмакланишимиздек... фақат кетиш олдидан аввало
кетингга ўгрилиб, зорланиш, ўксиниш, хўрсинишларга ҳам балки-да ўрин бор...

14.10.2015

* * *

метрода ёш қизча ўнгида ўтирсам
бир куни бу қизча қаришин тушунсам
қаригач бир куни бу кунни эсласа
мен унга ўтмишми ёки келажак?
Бу ўйни шу топда битирмай битирсам
сен ўнгим эмассан десам туш десам
у эса ўтирган ерини ташласа
бу ондан бу шеърдан нима қолажак?

25.02.2018

* * *

шунча китоб ёзган одам битта шеър ёзолмай ўтирсам,
шунча китоб ўқиган одам битта шеърга етмаса кучим,
наҳотки тўрт қатор сўз тузиш шу қадар оғирки онқадар метарсам,
фаромуш мекунам шакл чист, назм кужост, недадир бичим

тил танлайман, может быть это лучше бы по-русски изобразить
absence of something que etait perdu сўзлардан аввал
лекин битта тилда ифода этиб бўлмаган бу чёрт возьми, паразит,
бошқа тилда тутқич берармиди, alles ist обвал...

Todos libres que escrita, tutti libri саған жарайт
битта шеър олдида пучга чиқиб турса не ажаб, не тонг -
шеър эса қор ёққан кўчадан сен каби уйга қайтган ишорат
аниғи - қоронғу дахлизда дилдираб илгакка осилган палтонг...

26.02.2018

* * *

Азизхон Пўлатович Қаюмов
асфалт тагидан унган майсани
ўрناق қилиб кўрсатарканлар кўз-юмиб,
сен эса бу сўзлардаги маънони ўрганмайсан-у -

Азизхон Пўлатович Қаюмов
сўзлаётган лафзнинг тозалигу гўзаллигига бўласан маҳлиё,
худди қўлларидаги пиёлада бу сўзларнинг қиёми -
уни сенга узатсалар паймонанг тўлгуси гўё...

Азизхон Пўлатович Қаюмов
ортларидаги Навоий-у Жомий ҳазратларига айлаб лутфу икром,
байтларидан ўқийдилар, ёнларида китоб уюми,
тиниқ сувга боққандай кўнглинг уларга бўлади ром...

Азизхон Пўлатович Қаюмов
қаю мовийларда, қаю кўк хотиротларда бўладилар ғойиб,
асфалт тагидан портлайди майса, кўнгул қуюни
руҳни варракми паррак қилганда узилади ип -

Азизхон
Пўлатович
Қаюмов...

27.02.2018

* * *

тушнинг бириси пуч, бириси зое
бириси алғов-далғов, бошқаси пала-партиш
бирок орасида борки, одам авзои
ҳаводек бузилади, ё аксинча, борки туш
одамни у билмаган коинотларга элтади
элитади, эритади, ишонтиради, қилади маст...
бундай тушни одам умрбод таъвил этади,
магарки тушга эгиз шеър ҳам шундай эмас?

14.01.2019

* * *

бу шаҳарга қачон ва қаердан келганим ноаниқ,
бирок маҳаллам, турар жойим ўйинчоқдек шинаму гўзал,
черкову масжидлар, дўконлар, кафелар, тепада эса осмон тиниқ,
бу шаҳар шундай бўлган эмиш азалдан азал...

шаҳарни кашф этаман, пиёда юраман, автобус минаман, велосипед,
маҳаллам ёнида стадион, кейин айлана, кейин шоҳкўча,
узоқ чекаларга етаман бекорчиликда сайёҳми йўловчи сифат,
пича ўрганаман, пича кўникаман, кейин эса толиқаман пича...

тунар еримга қайтмоқчи бўламан келган шоҳкўчам бўйлаб,
мана бу аптека эсимда, бу дўконни ҳам эслагандим боя,
айланага довур етиб бораман велосипедимда ғизиллаб
ва олтига йўлдан бирига қайиламан “гардкам!” – дея...

бу йўл ўрмон оралаб кетган экан, аниқки, мен келган йўл эмас,
лекин ким билсин, балки манзилимга олиб чиқар тезроқ,
кимдир мендан ўзиб ўтяпти, кимдир йўл тўсяпти чаламаст,
мен эса тўхтамайман, то битгунча чанг яйдоқда азми роҳ...

айланага қайтаман, ўткинчилардан сўрайман: Стадионга кетган йўл қайси?
“The main stadium?” – деб сўрайди индонезияликка ўхшаган бир аёл,
“автобусга чиқасан”, дейди, “мана бу экспресс тескари қайтса,
унга мин.” Минаман. Чиптасиз. Миямда: “Ичида берарман” деган хаёл...

икки ён деразада танишдек адиру қасрларга бой бир манзара,
лип этиб стадион ҳам кўрингандек бўладию йўқолади кўздан,

мен ҳайдовчи томон ўтиб бораман, у негадир сансираб:
“қаерга кетяпсан”, деб сўрайди чиптани узгандек ўздан...

шунда мен “стадион” дейману, на маҳаллам, на унинг ён-вери,
на қайтар манзилим номини эслолмай бўламан гаранг...
етган жойим сўнгги бекат, мен эса боядан бери
мункар-накирга жавоб бергандек жилмаяман аранг-аранг...

20.01.2019

* * *

...елвизакдан гул туваги гул поясига қалқар
елвизак битгач тувак ҳам ўз ерига қайтади
нимтупроққа сунбул гулнинг пиёзлари ботади
гулга қараб кўнгил хийла барқарорликдан алқар

шунда қўлга гул тувакни олиб боссам ер томон
гул тиканга айланади қўлга санчар хорухор
жон талашди улоқтирсам гул сезгандек ифтихор
оч мушукдек хўрпаяди ҳамлага тайёр тамом

чекланаман... гул тувак ҳам айланар жомга шу топ
гул эса сувга ё майга ё гулобга лимма-лим
вазн қонуни бузилдими дер ичимдаги олим
тўрт пиёзу тўрт поядан чиқса жому жам гулоб

гул қоними бу шаффоф сув тошаётган бу оқим
жомними ё гулни асраб ташийман коса-коса
сунбул гулнинг пиёзи-чи юракка ўхшар роса
бояги елвизак ҳам эҳтимол менинг оқим...

21.01.2019

* * *

...бу ариқдан сув ичардим авваллари ҳовуч-ҳовуч
футбол ўйнаб чанқаганда ё ғишт қуйиб сувсагач
тер босган юзни ювардим оёққа кийиб ковуш
тўпиғимгача чайқардим.

Дўнгда ўсган қарағоч
бунинг барига гувоҳдек бошини чайқар ҳануз
лекин сув тиниқ эса-да энди ичмайман уни
юз гумонга солар ариқ юз шаккокликка ҳовуз
шайтонлар юқма касалдек ич-ичимнинг малъуни
кимдир тонмай бу ариқдан ана чанқоғин босар
мен эса сувдаги ўтнинг поясин узиб ғажиб
равоч тотини эслайман. Ҳаётим ҳам сарбасар
нордон тотли бу поядек сувдан чиққани ажиб...

29.01.2019

* * *

...қўшни хонада касал
отини эслолмайман
унинг олдиға кириб
ҳол-аҳвол сўролмаيمان
бир ошнам эшик қоқиб
касал “Киринг!” деганда
эшиқдан чекинаман
таклифни қилмай канда
шу дўстимнинг отаси
хонада ётган касал
ҳеч отини эслолмай
роса бўламан ўсал
қўшни хона қўшни юрт
қўшни дунёми рўё
отини топсам агар
малҳам топгайман гўё...

30.01.2019

* * *

...не уйларда яшамадик биз
мана буниси уй эмас нақд сарой
хонадан хонага ўтаман бу чирой
ижарага бўлса-да берилмаган бежиз
бу сўзларни мен айтаман атайин
чунки эшик тагида ғайрилар бир тўда
шу уйнинг музейдек ҳашаматидан афтода
бўлиб ўтиришбди мен айтган сайин
бунда эшикни ёпай десам бахмалдан эшик
ўғлимни ухлатмоқчи бўлсам сандалдан ётоқ
икки туркман қизи хурлардек шу чоқ
йўқликдан пайдо бўлиб тебратар бешик...
Бироқ шундай уйларни ҳам тарк этишимиз шарт
ташқари чиқамиз боя қолган йўл
чанг босиб қақрарди энди эса ҳўл
сув кечиб отамиз манзилимиз шарқ.
Шафақда кўринар азим бир шаҳар
танишми-нотаниш – ажиб манзара
лекин унга етиш осонмас сира
ўртади кўрфаз бор – ҳайиқар саҳар
чурвақа ҳайиқмас калла ташлайди
уларни тўрларга тутуди кема
дўстим айтмадимми мен билан келма
шўнғисанг сиғмассан бу тўрга дайди
мўъжиза кутамиз – оддий автобус

кўрфаздан нариги соҳилга олса
Сиротдан ўтгандек сўнгги талваса
сени қўрқитади: Буз бу шеърни буз...

31.01.2019

* * *

...бу китобинг сен истаганингдек чоп этилди дейлик
одатда А-4 муқова эскироқ шрифт кенг ҳошия
бетлар сони ҳам ўртача 120-ми 150
ўқувчилари эса бутун дунё кофир бўлсин сунний ё шиъа
уни варақлайсан: ўзинг ёзган шеър ўзинг ёзган ҳикоя ё қисса
ўзинга нотаниш бир нарса қидиргандай титкилайсан уни
нима экан ўзи шунчалик зўр бериб сен қидирган нарса
ўтмиш исими ҳозирнинг садоси ё келажак сукуни...

01.02.2019

* * *

...баъзан эсдан чиқади эндигина кўрган нарсанг
нима эди у кетмон сопими ур тўқмоқми ё таёқ
хотирангни қийнайсан у эса жимжит мисоли харсанг
миянгнинг ҳар бир бурчагини ёритиб чиқса-да митти маёқ
эсласанг нима бўлди-ю эслолмасанг нима
кўнгилни тозала деймизу эсга йиғамиз ҳар хил ахлат
ана боғчангда қор – оқ кемами ё белая зима
сен ҳам таёғингни ташлаб хотирангни энди ухлат...

01.02.2019

* * *

...интернет келиб бу қишлоқда ҳам ёпилибдимиз китоб растаси,
автобус тўхташи билан тушаман марказидаги бекатда,
раста томон ўтаман, томнинг пештоқида ҳали ҳам катта-катта
ИТОБЛАР деган ёзув, ҳарфлардан тушиб қолибди хастаси...

Итоб этиб дераза томон энгашаман, қарайман ичкари
ҳисоб-итоб соати эканми сотувчилар хомчўт билан банд
афтидан алахситсанг уларни шу топ мушт емасанг-да ейсан панд,
биноқ барибир имо-ишора қиламан, мисли мен уларнинг мижози, жигари...

Ажабки, “Кир!” – дейди, хомчўтдан кўз узмай дейди: “Хўш, хизмат?” –
“Кимдир айтган эди сизларда бор эмиш Оксфорд луғати...” –
“Ҳа, – дейди сотувчи, – Дехлида босилган, нархи ҳам ғалати –
атиғи икки сўм.” Сўнг ёнга юзланиб дейди: Ў-ўв, Эшмат,

кўрсатвор подволни!” Ёш Эшмат чаққон
ёндаги подвалга эшикни очади: “Келинлар!” – дейди.
Мен ҳам гўл эканман, подвалга кираман гўё бир дайди,
кетимдан эшик “шақ!” – ёпилар... Бу ерга кирган бор, лекин йўқ чиққан.

Буларни туйсам-да, қоронғу подвалда излайман жовон,
бу бурчақда йўқ, бунда ҳам топилмас бояги китоб.
Оксфордни Оксяксарт билдимиз ҳарфини йўқотган ИТОБ,
менинг ҳам топганим Чироқчи бўлдими, Ургут, Ёзёвон?...

07.02.2019

* * *

...атрофимда қолмагандек биронта сулув юз
бари эски кинолардаю, клипми, расмда,
бирининг оти Фароғат, бошқаси Марими, Луиз,
яна ўзимга тугул онаму холамга тенгқур размимда...

Эски тасмаларда буларнинг нозлари вазмин
чуқур бодом кўзларда эса чексиз андуҳ
гўёки топганда жавобсиз севгининг рамзин
қулфлангандир қалблари – сеп тўла сандиқ.

Мен етишолмасман уларга, улар эришолмас менга,
орада шундай ҳижронки, давр чидолмай синар,
унга раҳмим келиб дарзига ташлайман танга,
ё чархи дундек қора пластинкада ашула сўнар...

08.02.2019

* * *

...тушу ўнгимизда яшаган уйимиз – ижара

биронинг кўнглига қараймиз – ҳар ҳолда уй эгаси
деразада қораси кўринадими эшитиладими саси –

истаса беизн бетакаллуф бостириб киради бу жўра –
идиш-товоқ юваётганинда қўлини чаяди йўлакай
ё ёстиғимни олай дейди – ётган ерида йиғлаб қолади болакай

барига чидашинг керак чунки уй сеники эмас
ярим кечада радио варанглайди қўшни хонада
рақсга тушади бир ити бир мушиги билан сармаст
ўзи ўзига бир шинаванда бўлади, бир хонанда

ундай десак ерда юрганимиз ҳам бир нав ижара
тавба дейман наҳотки уй эгасини ер эгасига ўхшатсам
эгалар ҳам ҳар хил бўлади дея мужмаллайман алжираб
илло хулосам бошқача эди деб ичмоқчи бўламан қасам
қарасам туш экан, уф, дейман шукурки туш ҳам ижара...

13.02.2019

* * *

...негадир лифтда юрсам лифтни ёнга бургим келади
бинонинг ичидан эмас ташқарилаб юрсин айланиб
мен истаган қават ҳам Москвада бўлмаса бўлсин Химкиларда
кўчанинг номи ҳам Лесков эмаса-да бўлсин Алданов
буларнинг бари мен учун фарқсиз чунки уйга киргим йўқ
шунчаки сайр этиб юрибман демакки қолгандан кўнглим тўқ

бир пайтлар яшаган уйимга орқаваротдан ташлайман нигоҳ
бином бинойидек қаватим деразаларида тоза тутилган парда
ўнгимда йўлакча у ўрмон томон кетади ногоҳ
бу ўрмон манзараларни эслайман бурунги юришда чопарда
қишлари эса чанғи уришда нақадар гўзал эди бу ўрмон
энди эса ундан негадир кўрқув таралади ва бироз армон

хотира ўрмонларида ўта осон йўлдан адашиб қолиш
мана уй орқасида катта кўчага бошловчи кенг очилган йўл
шундан юра қолай деб энди юра бошласам орқамдан хониш
қилиб бир ўзбек аёли келяпти уни лўли деб ўйламай ўл
ундай десам лўли аёли бўлса балки ўзбек жувони бўлганидан яхшироқ
хониши чиройли мен бунда ёлғиз йўл эса йироқ

узоқда йўлимизни кесиб поезд ўтади ё балки бу метро
ё-да мен ёнга юргизган лифтларим ўтади қатор-қатор
мени эса кетимдаги ашуладанми юрганам сайин босади мудроқ

бундан хотирам ҳам ўтмишим ҳам борлигим ҳам ичимга туюлади тор
гўё яна лифт ичидаман негадир совутни эслатади бу қути
тугмани босаман нурланар осмонда бир юлдуз – лўли қиз ёқути...

17.02.2019

* * *

...дала ўртасида кирлар ёйилган

мана куйлакларим мана пойжомам
буларни йиққани қўлимда лаган

узоқда уфқда шаҳарли жонон
далани чангитиб мотоциклида
ўтиб борар унинг исми Ҳолида

у томон ариқда сузиб бораман
куз эса-да ариқ суви музлайди
қулоч отган қўлим пичоқ излайди
ўнгимдаги музни бузиб бораман

етаман дейману у бир хотира
интилган ўзим ҳам атиги хаёл
қўлимдан қулайди бояги лаган
шамол қулатади хоҳ тур хоҳ тира
кирлар осиф дорни
бир қари аёл

дала ўртасида ёлғиз ўрлаган...

27.02.2019

* * *

...машинаминг тормозига қанча боссам-да
тўхтатолмайман уни юраверади машина
худди гўдак ўтиргандек шу топ тиззамда
гўё бир нарсага урилса ёрилгудек пешона

олдимда тўхта дея қўл кўтарган бир қанча одам
бири ёнга сакрашга улгуради бошқаси эса
урилгандек дод солади сўрайди ёрдам

кимдир мени тентак дейди кимдир дангаса
ғала-ғовур ичра ёриб борлиқни шу дам

вақт тешувчи юк машина кошки тўхтаса...

01.03.2019

Уйқусизлик ё расмга тушмаган сўзлар

...ёнбошлаган сарғиш пардага фанор
кўз тикади зоғорадек қотган нур
дарз кетади сояларда тун қанор
ичидаги бир сиқимдек кўринур
игна санчиб бармоғига ён-верда
инграй бошлар шунда шоҳи сўзона
ўпкасини тўлдирганча ёзғурда
шиша чироқ ўпкаланади ёна
болға қоқиб михларига қаравот
сўкинади тутатади тамаки
шкаф кетидан соат эмас қаравот –
ти Қумлоқ ё Калковузлик амаки
кўрпам куроқ айқашади овозлар
қирғизчага қўшилади Корнуэлл
ёстиғимдан учар бедана ғозлар
ғужғонади атрофимда қарну эл
ҳар буюмдан уюм-уюм жинқарча
ҳар бурчакдан чак-чак томар жинтовуш
айланади қуюн ўртада арча
сен ҳам кўлка-кўмисканг ила қовуш

уйқусизлик шуми атаган рақсинг
унда ғафлат бизга эмасми беҳроқ
дилдирайди ташқаридаги аксинг
ёнбошлаган сарғиш пардада чироқ...

* * *

ўн олти ёшимда – ҳозир ҳам эсимда –
супанинг остидан топилган кўзгуга
энгашиб туйқусдан салқироқ юз кўрдим

акс этган юзимга кўз ташлаб зимдан
негадир боққандек бегона ўзгага
чанг босган кўзгуда бирдан эскирдим

қаридим демадим қариш – жараён
мен эса бир зумда ўн олти эмас
ўттиз олти ёшдан қарардим ортга

нега ўттиз олти қайдам ғалаён
кўнглимдан қилдими буни илтимос
ақлим ўзиними солдими мўртга

ўлардек қўрққандим ўн олти яшар
йигитча ўшанда ўттиз олтимдан...
энди олтмишларда куламан аччиқ:

кўзгудан башара – садқаи башар
кинна солувчидек боққанда зимдан
у менга мен унга суфлаймиз: “Чиқ! Чиқ!”

* * *

Ёғдурур бўлганда бошга чарх фалакдин тошларин,
Илтижо ўрнида кўзда хўбки найсон абри бор.

Жабр ила ўлдирса ёрим сабр этиб ёлғиз нетай,
Борига ёдгор дилида обид ишқнинг қабри бор.

* * *

...болалигим пайтидаги Маъмуржон Узоқовними ё
Зайнаб Полвонованими қўққисдан эшитиб қолсам
бир зумда ўша замону маконга етишаман гўё
иккисининг бошида меникидек дўппи эгнида беқасам

қуёш қақшатиб қизийди беркинишга соя йўқ
эриган миянгни ачитиб қуйдиради бу ёки у товуш
улар ўлган-ку деб ҳайрон бўламан овоз-чи тиригу саёқ
баданни тарк этиб янграса худди тан эски бир ковуш

бу довуш иссиқ жон ундаги Зайнабу Маъмуржон ҳовури
қақшатқич қуёшни соясиз чанг босган ернию болалигимни
етти ёт ерларга етказса чандирга айланган юракни қовуриб
худди у қўшиқмас товушмас садомас ўлмаслик гимни

демакки сел каби қайтимсиз биз билган вақт замон тешик
дарзлари оралаб унаркан Содирхон Нетайхон овозин гиёҳи
демакки йўқликдан борликқа фанодан бақога очилса эшик
ортида ҳам йўл бор шунданми жон деган довуш огоҳи...

18.09.2019

* * *

Меҳмонхонада туриш одати,
Эрталаб – ҳисларни уйғотувчи қаҳва,
Сайрга чиқиш, ўрмон кезиш шиддати,
Барглар шитирлар, ҳали қаёқда тақво...
Адир ёнбағридан уриб турган булоқ,
Сув симириб семирмасликка жаҳд қилиш,
Яна юриш, ўсимликлар орасида сезади қулоқ –
Сен бу ерда ягона эмассан, қушу қуён тикилинч...
Сайрдан чарчаб шаҳарга чиқиб борасан,
Соат ҳам пешинлайди, намозингни ўқишингга вақт,
Сўнг тушликка балиқ ейсан, фотиҳангни ўқиб турасан,
Яна ғимир-ғимир ҳаётингга ён-атрофдан қидиргандек гувоҳ –
Пул алмаштиргани ўтасан, дўкондан сўрайсан қумсоат,
қариндош-уруққа оласан совғаи салом,
булар ҳам наздингда ўзига яраша тоат,
булар ҳам намозшом пайт нақд қудси калом...
Чироқлар ёнади, нур устига нур,
Бегона шаҳарга ҳам кўникмоқдасан алҳол,
Бетайин умр ҳам сен томон талпинур –
Отел рекламасидек: “Яна бир кун қол!”

22.12.2019

* * *

Яна бир беҳуда кетган кунимни оқлашим керак,
яна бир зое ўтган кунимга маъно топишим лозим.
Буларнинг баридан ақлим карахт эса-да, жоним сарак –
йиғлайми дейман бундан ё кулайми устимдан ўзим?
Кўниксам бўларди йўқотган соатларимга, кунларимга, йилларга,
менми биринчиман ё охирги бу дунёда топган завол?
Шундай экан, на заҳархандага, на йиғларга
“Нечун?” деган очуншумул саволнинг ўзи увол...

12.07.2022 Quinta do Mar

* * *

янги шаҳарга келиб сайр учун танлаган йўлларинг кўп эмас
бор бўлса беш-олтита уларни кезавериб ҳам охири жонингга тегади
янги сўқмоқми янги йўлак топгинг келадими ё негадир
бутунлай бу шаҳарни тарк этиб кўчишни кўзлайсан сен мултамас

ўрмон оралаб кетяпсан таниш белгилару манзара бўлади адоғ
қушлар чўчишади бута шитирлайди синади ястаниб ўт
токайгача давом этасан бу йўлингни олдингда кўринган тўнками тобут
нари қўймаганида ортга қайтишга шайланасанми фақат ўша чоғ

ёки бу сафар терслигинг тутиб қайтмай кетаверай дейсанми ўзингга ўзинг
қаерга олиб чиқса йўл энди қайтиш йўқ дея қайрилишдан кечасан воз
орқангдан шамол эснайди йиғлайди укки ҳатто ўкинчда чигиртка беради овоз
қайтимсиз йўлдан қайтармоқчидек ниначи айланади ўргилади зинғ зинғ

25.08.2022 Мариенбад

МОСКВА ДАФТАРИ

(Белги бисотидан)

Муқаддима

Бир нарсани истар эдим ўзимча бу ёзувга қўл уришдан олдин шарҳимдами, изҳоримда “чирой” бўлмаслигини, чунки сўнгги пайт чирой ҳамма ёғимни босиб кетдим, ё мен ундан шунчалик толдимми, карахтман энди чирой учун бошқа нарсалар ҳақида валжирай.

Экзетердаги каптарлару, Корнуэлдаги қояларга урилган денгиз, чағаноқдаги шиллиқларни кечки нонуштамиз учун терувчи балиқчилар ҳам буларнинг бари бошқа шеърларга кўчсин, мени эса маъзур тутингиз менинг суякларимни кемиради бошқа қайғу, гўштларимни-да бошқача ғажилар ғам.

Тунов ҳафта Хайруллою Муҳаммад Шариф билан Темзадаги кемада пиво ичиб ўтирганимизда: “Ўзбекларга ҳам икки дунё бир қадам бўлибдими?” – деганимда бир ваҳм кўпдию юрагимда, миямга унинг таъбири келмади, паймона тўлди деганмиди у, ё залвор ҳаётнинг кўникмасию, кейин удуми?

Денгизнинг мавжларига қараб: атрофда сув кўп эканми? – демаяпман энди, бу мавжлардан на кўнглимда туғён, на кўзимда ёш намланмайди сира. Қояларга урилиб мажақланган, қумлоқларга шопириб етган денгизнинг эни ҳамиша ўша-ўша чекадаги, чегарадаги сув экан, бу ҳам бир сир-а!

Ўнгим мунча саёз, эндигина бўлган воқеадан ҳам тўлқинланмасам, фақат тушимда йўл йўқотган, вақт йўқотган кимсадек талпинаман чуқур-чуқур. Сен-Жаст деган қишлоқчада шамолнинг шоввулашидан уйғонишим мунча бемаросим,
ўз кўланкасидан ҳуркиб, мавжлардек, сўзга қочмоқчи отлар эса мунча учқур...

1

Мана энди Сент-Айвсда бўлганимга ҳам бир ҳафта бўлганида эсладим Москвани.
Оврупа шаҳарларига қайтиш бошқа иш экан, Москвага қайтиш бир бошқа:
бир сўз билан ифодаласам кайфиятимни: “лойқалик” ёки “булғанганлик” десамми?
ҳамма нарса қоришиқ бу ерда: қўлларинг лою, ўзинг ўхшайсан наққошга.

Уйимга келсам эшиклар қулф, уймда ҳеч ким йўқ, қўшнимга қўнғироқ қоқдим
олтмиш ёшени нишонлаётган экан, энди билсам, Зоя Павловна деган қўшним.
Бир қути чой билан табриклаб, жомадонимни қўшнимга ташлаб, ўзим шаҳарга
ташладим одим,
марказга метрода бориб дўстларга сим қоқай дедим, тирикдир бирор бир ошнам.

Полянкадами кўчага чиқсам ёмғир, этларим бирам увушади-ей, кўчалар бўм-бўш,
шанба куни эмасми, дўстларимдан бирига телефон қилсам у йўқ, иккинчиси,
учинчиси ҳам,
телефон китобчамни титкилаб ташладим, бўкиб бўлди устимдаги нимтаки
ёмғирпўш,
Ҳамидулло-акани тераман, Шавкат-ака, Лёня, Юля, Ҳолида-опа, Рустам, Стахан...

Бирортаси жавоб берса-чи... Достоевскийни эсладим: инсоннинг борар манзили
бўлмаса ёмон.
Ленин кутубхонасига йўл олдим. Мен билган, кўзиминг нуруни олган ўша-ўша
кутубхона.
Анча китобларим тўпланиб қолибди, бунга бироз юпандим, аммо юпанчимни
батамом
чилпарчил этди журналлардаги жину жинқарчаларнинг ўйини, буми бўлди баҳона,

кутубхонадан ҳам бир аҳволда чиқдим, ёмғир ҳали ҳам тинмаган, борар жой йўқ,
ёшроқ бўлганимда ёзсам бу шеърни ёмғирни ўзимга ўхшатармидим, ё ўзимни
ёмғирга...

Ҳа, майли-да, қош ҳам қорая бошлаган, мен эса юрибман Москвада саёқ...
Ахир бир қарию ёлғиз танишим бор Всеволод Васильевич деган, қани, охирига...

Қаранг-ки, жавоб берса бўладими, ундан ҳам ортиқроғи: “Ҳозироқ келмайсанми?”
деди,
адресларини ёзиб олиб, йўл-йўлакай бироз қанд-қурс олдим, бир соатларда
кириб бордим.

Соат бирларгача гаплашиб ўтирдик, чойи йўқ экан, қаҳва ичдик, қотган нон едик,
борар жойим йўқ, қолдим уникида, йўқса-да ётар ўрнию, бўлса-да хонаси тор,
дим...

Бўйимга ярим келадиган сандиқми, қутисининг устида ётдим ўша кеча, эслаб
онамни,
раҳматли онам тагига кўрпа соларди-да: “Ўлганда кўрпасиз ерда ётиш қандай
бўлар экан?” – дерди.

Билмадим, нималарни ўйладим ўша тун, август сўнгида пайқаб ойнадаги намни,
қайтмас трамвайларда нақш чизгим келармиди, ё сиғмасмиди уйқумга бу
шаҳарнинг дарди...

2

Қайтиш иштиёқи. Юрибман қайта бир пайт юрган кўчаларимда
ҳаёт бом-бошқами, ё мен қаридимми, ўзгардимми бу шаҳар?
Ким жавоб бераркин мана бу номерга қўнғироқ чаларимда,
кел, бу шеър-ку ахир, бундан бу ёғига ҳаётингни ўзинг бошқар:

бир қиз бўлсин, овози қўнғироқдек жувону, сенинг наздингда қиз,
сен танимасанг-да уни, у сени танисин қидираётган одаминг орқали.

Бир пайт кўрган эдинг уни, саккиз йилми ўтибди орада туйқус,
яна бир кўргинг келсин уни, энди унгами, ўзингами баҳона топ ақалли.

Баҳонангдан сўнг эса расми тушсин қўлингга тасодифан, эртақлардагидек,
кўришинг билан бу чиройни, юрагинг ёрилсин енгилтаклигингдан,
бирок: “Мана бу-да” – деб расмни узатган дўстларингга сир бой берма, така-так
қаламингни столга уриб аллабалоларни тушинтиравер уларга боқиб зимдан.

Қани, қаерда учрашсанг тузукроқ? Ол, Маяковский майдонини, шоирмасми ахир?!
Қачон учрашганинг маъқул? Ёмғир ёғиб турсин пешинлардан кейин.
Шунда кафелардан бирига киргач, унутилади ҳўлу шошқин шаҳар,
шунда ҳамма нарса бир ҳисга шай тўпланади бир ерда атайин.

Оҳ, бу ҳеч нарсани англаторчи-ю, ҳар нарсани ишораловчи ширин суҳбатлар...
Сиз мени юз йилдан бери биласизми? Мен эса сизни билганман азалдан...
Кўзгуларда ям-яшил япроқлар алланарсаларни сўрарми-исботлар,
муסיқа таралар ям-яшил япроқдек кўзгули залдан.

Кеч кирганда кузатсам бу қизни, бу навжувонни метрогами, вокзалга қадар.
“Эртага нима қиламиз?” – деб сўрасаму ҳазиломуз, “Телефонлашайлик” – деса у.

Яноғига эгилсаму, у рад этмаса, сўнг эса вагонлар қатор-қатор
тақир-туқур қилиб кетса... Эҳ, нималарга қодир эмас тасаввур...

Қайтиш иштиёқи... Ўшанда қайтар эдимми мен билгану-билмаган ҳисларимга,
ё ҳозир қайтмоқдаманми?... Бугун майсада ётиб, ҳаёт не қадар хайрлигини
ўйлардим...

Ёз кирмоқда кузга, кўзга эса ташланган нарса узоқ уфқда яримта
қуёшнинг ўз акси – яримта ой томон ташлаган нурлари – зое одим...

3

Бу дунёда қўполлик нима, гуноҳ нима, жирканчлик нима – бари ҳаёт.
Ҳаётнинг балки энг ширин дамлари шундай экан, нима қилай?!
Чертановода бир рассом дўстим бор, шундан бошласам башарти эҳтиёт,
25-қаватли уйда шунинг томига чиқиб борсам у билан ҳар қалай.

Чертаново сўзи “черта” ёки “чизиқ” сўзидан ясалганмикан? – томига иплар
тортибди-ю дўстим, уларга тамаки қуритгандек мўйқаламларни осиб қўйибди.
Бу мўйқаламлар шамолдан жунбушга келиб, буларнинг тагига бир эплаб
қадалган хитой қоғозга аллақандай чизиқларни нақшлабди, устидан ёмғир
қуйибди...

Табиатнинг бу расмларини кўрар эканмиз томда ёлғиз юриб уччовлон,
мен ҳам шамолга ташланган сўзлару, улардан ясалган шеърларни фаҳм этдим
шунда.
Чертаново сўзи “чёрт”, яъни “шайтон” сўзидан чиққанми? – шамол уриб жавлон,
дўстиму дугонам орасида мени ақлдан оздириб ғувилларди юрагимда, бошимда,
танда.

Пастга, 25-нчи қаватга тушиб шароб ичдик, қонга тўлдирдик бўш юракларни,
чунки осмонга яқин бўлган, ҳавога тўла бўлган яна бир кун тугарди беиз...
Кейин эса турдик. Ерга тушдик. Биз билан тушган қоронғуда нима қиларни
аниқ билгандек, метрога миндик, аниқ ерда, аниқ пайт кутарди бизни поезд.

Бироқ илашган шамолми, шайтонми бизни бу сафар йўлданми-вақтдан урди-ю,
энг сўнгги поезд икки минут аввал кетдимми, ё кеч қолдик – фарқи нима?!
Бундан буёғи бир ой аввал кетган поезддан ўғирланган ҳаёт, бир навъ дедиё,
бундан буёғи – жадваллардан халос тоза тахайюл ва ё ифлос, чиркин тўқима...

“Чертановога қайтайлик, – деди у, – у ерда дугонам туради, уйини боя томдан
кўргандик,
уникида қоламан бу тун. Дарвоқе, иккимиз ҳам бир пиёладан чой ичсак бўлади...”
“Майли, – дедим, кузатиб қўя-ю, бироқ чой ичишни бошқа сафар... дегандек...”
қайтдик метрода, кейин пиёда Олимпик қишлоққа, кесиб ҳовузни-ю, ўтиб даладан.

“Мана бу уй, деди у, 17-нчи қават.” Лифтда чиқиб бордик хомуш ва сокин.
Хайрлашдик. Кечагидек яноғига эгилдим. Фақат яна йўлдан урилдим, йўлиқиб
лабига...

Шу ерда нуқта қўйсам бўларди, Чертановони четга суриб аста-секин,
онда-сонда кечиккан қўшнилари-ю, қоронғу зинани итқитсам бўларди тун
сақларига.

Ох, Чертаново, не куйларга солмадинг сен бизни ўша он, шарманда Чертаново,
бу улкан шаҳарда икки жон, икки тан қидирган маъво нур тушмас зиналар бўлса?!
Ердан узилдикми, осмонга илиндикми: орамизда ой – чирманда, юлдуз – тановар
ол танимни, бер танингни, парвонадек топсин манзил эсдан адашган бўса...

4

Мен бу исмга бир пайт ошиқ бўлганман, шеърларда ёзганман кетин-кетин.
Наҳотки, дейман энди, ўшандагиси ҳам аслида ҳозиргисига ишора бўлган экан?

Москва негадир Лондонга ўхшамас, қайғую андуҳ бу август унда текин,
ёмғир ёғади, хазон қурийди, умр ўтади қайтимсиз – барибир қадалмас юракка
тикан.

5

Ҳаётнинг маъноси нимада? Билмайман, синглим,
балки шундай бекор санғишдир, балки ўлим.

Москва бирдан намиқади. Патриаршие Пруды.
Қайси томонга юрсак экан бўм-бўш шаҳарда?

Бу уйда Берия яшаган, бунисида яна аллаким,
иккимизга манзил йўқ, ерсиз фалаким.

Ёш мелиса тўхтатади бизни, ҳужжат сўрайди.
Бир-биримизга боқамиз ҳайрон, у бизга қарайди.

Кейин кулишамиз уччовлон, айниқса иккимиз,
бир кам бу дунёда ростдан ҳам киммиз?

Бу Герцен кўчаси, бу ҳалқа, бу Манеж.
Мен эса сенгаю, сен менга нотаниш.

Шаҳарда бир жуфтни бошқа не ҳам улар
тош кўча, бўш ёмғир, бу томлар, бу уйлар.

Ўйлаки, орамизда бир нарса йўқ эса –
сен осмонга юлдуз бўлиб қадаласан, мен – ерга майса...

6

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрўим келди,
тун оқшом келди кулбам сори ул гулрў, эсим елди...

Китоб ўқиб ўтирганимда, йўқ, Навоийни эмас “Это случилось в Коканде” деган
китобни,
эшик зили жинғирладию, эшикни очсам у жилмайиб турибди.

Ҳаётда бундай бўладими ўзи? Қаёқда дейсиз! Ҳаётда топина-топина
аввалига аврайсиз уни – Чехов ёзганидек, у эса кўнмайди, ўйиннинг тури-да!
Бир амаллаб кўндирасиз, яна Чеховнинг ёзишича, олийжаноб баҳоналарни қилиб
пеш:

мушкулликларингизни ёзайлик, дейсиз, ё тиктирмоқчи бўлган кўйлагингиз
журналда бор,
ана шуни қидиришимиз керак, дейсиз, у келадими-йўқми, ҳарҳолда “Будапешт”
кинотеатрининг олдидаги дўконга шароб олганни югурасиз. Қарасангиз дўкон
ўрнида энди девор.

Деворга эса сизни калака қилгандек, болалар сўкинч сўз ёзиб қўйибди, ёнида
расми.

Бошқасига югурасиз, йўл-йўлакай кириб аптекага, унгача дўкон тушликка чиқади...
Хулласи, ё у келади қулф эшикка, мулзам бўлиб, ё ғазабнок хат ёзаётганида сиз
келасизми –

нима қилманг: ҳаёт-ҳаёт-да, истаган ерида ўпади, истамаганида чақади...

Бунда эса у турарди остонада, боя айтганимдек, жилмайиб беминнат.
Яноққа теккизиб лабни, бокира кўришдик, на у, на мен энтикмай ҳечам.
Ичкарига кирди, ёмғирпўшини ечди, эшик остидаги бир парча наMAT
икки яланг оёғини қабул қилиб олди, боқсам у эди қизил майкачан.

Ўша кунни май ҳам бор эди уйда, палов ҳам дамланган эди қозонда,
ҳаётда бўлмайдиган нарсаларнинг бари ўша кун эди муҳайё.

Энди ширин маю, лаззатли таому, тотук суҳбатдан нималар қозондик
бунӣ ёзишимга ундаса-да тотли тасаввур, қўймайди ҳаё.

Бироқ булар ҳаётда бўлмас нарсалар экан дейман, ажабо,
илоҳий дегани шумикан ўз-ўзидан чиққан, уринишсиз васл лаззати?
Радиодан мусиқа янграр, ҳаёдан ажралиб адашган жафо
баданларга гуляпроғу, икки руҳга гулпоясин Фаякун деб ёзади...

8

Нега бунча кенг ташладим тўрларни,
нега ҳар бир дақиқани қўймаяпман халос?
Тушуниб етмадимми ўшанда буларни,
ё эндими тушунишга қувваи хофизам оз?

Нималар кечди бошимдан бошбошдоқ Москвада?
Неларга қарздекман, орани оч энди!
Кимларга бергандинг қанақа ваъда,
ёз билан аҳдлашдингми у яланғоч энди?!

Киев вокзалида озарий кафелар,
ҳамма боқади сенга, мен ҳам дарвоқе...
Гўёки бу сатрим ўша онни кафиллар,
гўёки бу сатрим ўша оннинг арвоҳи...

Дўстларникида бирга кўринамиз,
бирга йўқоламиз, дўстларга хайр дея.
Улар кўрган нарса бироз бетаъмиз,
биз яшаган нарса узлуксиз рўё.

Қайғунинг асари ҳам йўқлигиданми унда
эндиги қайғу ҳам эмас, бу тушунмовчилик.
Дарахтлар ечиниб августга ундар.
Тўрларда куз бедор, туши сочилиб...

9

Илк бор умримда шеър ёзаётганим йўқ, бошимдан кечганини эслаб,
чунки шеърга сиғмас бошимдан кечганлари, шеър уларга тор.
Сўз – ожиз, уринишлар – зое, барибир қониқмас бу талаб
терс дунё: у турар перронда, мен эса поезддек, тўрт қатор...

10

Бу кеча Эдинбургда севишиб, эртасига Парижда шеър ўқийман.
Ўз-ўзимга ҳайронман, нималар экан бу юракни эзувчи сафарлар:
қадим шаҳарларнинг тошларими, ё ҳаётнинг қийма-қийма
бўлганида ваҳдат тилашими – бут ойга айланмас юлдуз сафоллар...

Лекин Москва ҳануз ўзгача – севмадимми уни ва ундаги ўзбек қизни,
ҳирсимни тўйдирдимми холос бу шаҳардан ва ўша ўзбек жувондан?
Ётоқда эканмиз, зил чалинса бўладими, бўғдириб бу ваҳший бўғизни
юқоридаги қўшним турар эди остонада, шовқинимиздан зириллар эмиш жовондон.

Осмон томон экан-ку ҳайқиришларимиз, чинқиришларимиз, суронларимиз
барибир,
қанчалик гуноҳкор бўлмасин улар, қанчалик бўлмасин осебу айбдор.
Москва осмони бўм-бўш қуёш бўладими унда, булутми, қўшни тушадими
муғомбир,
мағзава латтадек осилай десанг ҳам топилмас сенга дор...

Йўқ, бир мартта келди қайғу.
 Ёзнинг сўнгги кунимиди,
 кузнинг совуқ унимиди
 биз перронда турган чоғи
 ҳўл қайиннинг ҳўл япроғи
 кўнди ерга, тўзди туйғу,
 ана шунда келди қайғу...

Эсингдами, бир кун аввал
 ишхонангда кутиб сени,
 юр, шаҳардан кетдик, дея,
 бошлаганим қишлоқ томон.
 Переделкино, беомон,
 Переделкино, шум ғоя,
 Ёшингданми единг эсни?
 Ўрмон. Ёмғир. Йўл. Самосвал.
 Бари ўша, гўё аввал...

Бари ўша, бироқ вайрон...
 Қоровул чол бизга ҳайрон,
 қоровул вақт ақлдан озиб,
 ҳўл йўлакка барглар ёзиб,
 чўп ёмғирдек чопиб борар.
 Эски бино бизга қарар
 бари ўша, бари вайрон,
 фақат севги тили бийрон...

Оч қолдикми ўша туни,
бемаҳал йўл, вақт адашиб?
Бу хонанинг йўқдир таши,
биз қамалган ичи холос.
Кел, бўлмайлик сирдан халос
қарағайлар, укки уни...
биз оламдан ўтган туни.

Эртасига келди қайғу...

Сўнги учрашувимизни эслайман:
 уйимиздан бирга чиқдик, метрода кетдик,
 мен сўнги ишларимни битириш пайида
 яна аллакимлар билан учрашим керак эди,
 сен эса одатдагидек мендан кетар эдинг уйингга...

“Комсомольская” бекати, ҳалқа йўлдан “Преображенская” га ўтиш ери,
 аввалига: вақтим бор-ку, дея, сен мени кузатадиган бўлдинг поездга қадар,
 менинг ҳам ажралгим келмас эди сендан, яхшиси мен кузатай дедим,
 қофиясиз шеърдек қовушмас онлар... тўхтадик ўртада, аллақандай
 дўконни кўрдик, бориб мағзава мазали қаҳва олдик, уни тотиб кулдик бирдан...

Иккимиз бирданига енгил тортдик, ўзимизга қайтдик, орамиздан енгил ел эсди,
 аслида мана шу енгил ел табиати қийнади мени шеърма-шеър узра
 эсда абадул-абад сақламоқчи бўлган лаб таъмию, нигоҳ нами қолмаса эсда,
 балки шудир чин севиш, ё шеърга кирмас нарса ҳаётда қолгандир зора...

БАМБЕРГИАНА
Ё
БИР ШАҲАР СИМФОНИЯСИ

Andante

Бамбергга келиб Парижни соғинаман
Парижда Масковни
Масковда – Тошкентни
Тошкентда Новқатни...
Новқатда Тошкентга интиламан
Тошкентда Масковга
Масковда Парижга
Парижда Бамбергга

воқеъликдан хотира ширин
хотира ҳам воқеълик бўлган
воқеълик ҳам хотира бўлар –

бу дегани ҳаёт ва ўлим
орасида капалак каби
қалқиб-қалқиб бир гул устида
оти йўққа йўлиқар хаёл

бу дегани балки гул қурир
шеър қоғозга ялпи қадалар –
лекин соғинч – ўлимдан аввал
лекин илинж – ҳаётдан нари...

21.07.1993 Бамберг

* * *

1

“Tour de France” да “Abdou” лақабли –
Абдужаббор – сенда бир гап бор –
ҳар сафар биринчи бўлиб келмоқчи каби
ва бу учун кечалари ухلامасдан
ўзиш йўлларини – ҳаётни гаровга
тикиб – юрганидек

ва ё бир пайтлар Фахриддин Умаров
ва ё Маъмуржон Узоқов, ёки ҳозир
Шерали Жўраев ёки Муножот
каби
бу ашулага ўзбекнинг борини ғарқ этиб
тепасига ўз дўппимни ёпиб қўяман деб
ўйлаганими-ўйламаганидек

камида Белгидек
.....каби

буларнинг барини интилишларини бирлаштириш
бир қарашдан осон, ва бунинг ўзидан шеър чиқиши мумкин.
Мисол учун ёзсам: “бу интилиш билан бирлаш, тириш”,
сабабини англатсам: “йўқса битган еринг мум, кин...”
Лекин бу қарашлар анча юзаки ва пиёз, сабзи, шолғомдан шўрва пиширгандек
каби,
аслида биз шолғом шўрвамасмизки, бизни тотувчи қошиққа кўниксак,
атрофимиз аслида 9 квадрат метр бўш уй эмас – саҳрои кабир,

шотимиз ҳам – биринчи поғона, иккинчи қават ва ё учинчи космик тезликдан бироз
юксак.

Бу атрофу, бу фазода қиёсининг, истиоранинг, отнинг, оннинг соясига беркиниб
бўлмас,

ўзингдан колғучи ҳам фарзанд эмас, қоронғудан офтобга тушган соянг,
кичкина бу ерда тил терганингу ном ўрганганинг нима? –
кўрмайсанми – ғарамларинг ўзингга тенг экан, бошқа нарса ила тўлдиролмайсан.

.....
.....

Айтган сўзингни тинглашинг мумкин, лекин уни ўқиёлмайсан,
сен таянган бу ёзув кўзга кирмагунча қулоққа эшитилмаслиги аниқ.

Ҳаёт эса иккисининг орасида – бугунги ун, кечаги майса,
эртасига эса – еган нонинг – сенинг номинг, бир бурдага энди қониқ...

2

тунда ёниб бўлган гулхан олдида туриб
тунни эслаган – саҳарда ғижимланган бўз юзли –
бир ўткинчимми, уйсиз дайдининг бир тури
кабиман мен бу ерда. Нима учундир “баззозлик”
сўзи сўнгги чўғ каби қорайиб, ёришган дунёда
кўзини юмади.

Ўзимча ўйлайман: гарчи фикр ўз-ўзича ёнади
деб ўйласак ҳам, ҳар фикрнинг омади –
унинг учун ичингда бўш ўрин – ўша қўра борми –
йўқми – шунга боғлиқ эмасми? Аслида биз
дунёни ичимиздаги ўйларга эмас, харобани –
ичимиздаги харобани дунё чиқитларига тўлдирамиз.

Фараз қиламан: гулханга, ўтга яқин бўлганлар
тунда бетлари қизил, кўзлари ёш, тирс-тирс ёрилай

деган олмадек ёз тунида вақтни билмай, бугунлаб
ерга тўкилувчилар, ерни қопловчилар, ё пирай! –
ёпирилиб, миямга, ҳувиллаган миямга ўт қўйгудек.
Тун унини сочиб бўлди. Бешиқда гўдак
уйғонди. Дўзах ўчди. Тун кўкрагин тонг
тўйиб-тўйиб эмганидек янгитдан сесканадию, жунжукади онг...

3

бир фикр чалиндию миямга, йўқолди беиз...

балки шиллиққурт ер юзида юрганида қолдирган изими,
ёки бино қурилса осмонга кўтарилганими ғиштма-ғишт,
қолаверса бу шеърда кейинги сатр аввалгисининг бошини емаганими,
пиёлага чой қуйилса – тўлдирганими пиёлани,
дарахт ўсса – ўтган йилги шохлари бу йил ҳам кўқарганлигимми,
хулласи – бирга бирни қўшганинда икки эмас – Х+Х бўлгани...

лекин вақт, лекин вақт...

ташқи кўринишдан буларнинг бари – вақтга маҳкум нарсалар,
улар вақтни – чой пиёлани тўлдирганидек тўлдиради гўё,
аслида-чи, аслида – беиз йўқолган фикр –
ўрнида эса вақтида ейилмаган нон каби қотган бурдалар...

23.-28.07.1993 Бамберг

* * *

бир нарсани унутиб қўйдим
бир нарсани унутиб қўйдим

кечга келиб унутган нарсам нима экан
деб уни эслайман буни эслайман

ёзганимми ё аксинча ёзмаганимми
қилганимми ё қилмаганимми

бугундан қолган нарсами ё аввалдан
ўзимга таалуқлими ё бировга

ҳеч эслай олмайман унутдим
унутган нарсамни унутдим

лекин унутганимни
бир нарсани унутганимни
ҳеч унута олмаяпман...

Ўтмишда қолган ҳаёт
портлашдан озод майдондек,
биноқ унга боқсанг-да,
эртангга кўрма-кўр босасан...

27.08.1993 Бамберг

* * *

пастликдаги боғда кичик теннис ўйнаб бўлиб
ҳозиргина икки немис девонаси пиво ичиб
туриб кетган тахта эшак тахтасига ўтириб
икки нарса, балки энг кўп бўлса уч нарса-
ни кўрасан, у ҳам бўлса – яп-яшил баргу –
барг кетида, орасида, устида тош бутхона, атро-
фи эса кўм-кўк осмон.

Яшил баргу кулранг тошнинг устида осмон
ёзнинг сўнгги нурларини, кўзини тикиб,
сўрятгандек. Бутхонадан ҳар чорак соат
бонг уради. Ҳамма нарса шеърга тайёрдек.

“Томлардан баланд фалак
бирам софу, бирам тинч,
томлардан баланд терак
барг эмас, тўкар ўкинч...”

28.08.1993 Бамберг

* * *

ёз кузга “шиқ!” этиб ўтяпган чоғи
тош уйлар очилган кўнглимнинг боғи
ундаги шамолда қуриётган кир
темир йўлни тўсган тўртта симу бир
қуёшнинг тепадан ҳорғин боқиши
узлуксиз сувларнинг қайга оқиши
ўзига жўр, йўқса исбот қидириб,
ёшларимдан ўзга нисбат топмаса...

26.09.1993 Бамберг

* * *

ёз битди куз битди ҳазин хаёллар
битмади чувалди мени эрчитиб

шеър битди Бамбергнинг Дом эхромига
тошларнинг устига осмонни чатиб
оқ қанот қор қуши эндими қўнар...

узоқ ўзбекчилик – Бамберг – берк анор...

12.10.1993 Бамберг

* * *

меҳмонлар кетганда етим намозшом
пайтида дастурхон йиғиштириб, чой
шамасини сепдим, мени хомуш он
ўз оғушига тортди. Бўм-бўш жой
бояги суҳбатлар иссиқ исини
таратиб, совушга улгурмагандек,
бир фикр улашди. Балки бир куни
бизларни ҳаммамизни – яхшими-ёмон –
фарқламай, баримизни ердан кузатиб
Буюк Мезбон ҳам, ким билсин, хомуш
етимликни, қий-чув даврадан афзал
кўра олмагани боисдан ҳануз
бизни чидам билан кузатётгандир...

17.10.1993 Бамберг

* * *

Йигирмамда юрагимни йиғлатарди ҳар оқшом,
қирқ ёшимда туш қуёши оғса – қалбимда қайғум,
олтмишимда қайдам, балки тонг отгачоқ боқишим
қиш тонгидек хира тортар. Ботар тунга қайиғим...

11.12.1993 Бамберг

* * *

Намозшомда шаъм ёқибми, шаъм тополмасанг
газ ўчоққа гугурт чақиб зангори олов
совуғида кўчадаги ёт кимса, биров
каби аста кетиб борган қор... уйсиз... мазанг...

йўқ, қайтадан – намозшомда шаъм ёқибми, ё
шаъм тополмай газ ўчоққа гугурт чақиб, кўк
совуқликда ич-ичларинг кўчадек – бўш... пўк...
ўз ўрнини қорга бериб, қор босган рўё...

йўқ, йўқ, қайта, қайта – намозшомда шаъм ёқиб,
ёки шаъмни қоронғуда топмай, газ ўчоқ
оловини гугурт чақиб, кўм-кўк ёққан чоқ,
қор кўзингдан эриб кўчар. Қолгани – таъқиб...

26.12.1993 Бамберг

* * *

қиш чилласини
чидам билан қимир этмасдан
шипимда ўтказган
дарвешона ўргимчак

уч кун аввал типирчилаб
вирд айлаган қаландардек
тўрларингни йўқладинг

янги йил ҳам кириб келди
чўнтаклар бўш жовонлар тақ
энди ҳолимиз нечук

сендан ўрнак олай десам
мунча узоқ ухладинг

03.01.1994 Бамберг

* * *

чанг босган дуторим бурчакда осиглик
қилига ногаҳон пашшами ё енгим
ё елми тегаркан у узоқ ва енгил
янграйди. Ҳолбуки, хотира бу янглиғ...

Бу янглиғ хотира ҳолбуки янграйди-
ю унинг унлари аччиқроқ ҳам секин –
бунда гап бордагу бу гапда лекин
чанг босган дуторнинг на кори на айби...

04.01.1994 Бамберг

* * *

1

қалам учлар эдим
майда пайрақа
бирин-кетин ерга, оёқ остига

бўғин-бўғин бўлиб
учиб тушарди

ундай десам биз ҳам шу қипиқ каби
эмасмизми

ким билсин,
бизлардан холи балки бу қалам
камида мана шу шеърни битажак

2

бундаги умиддан мен йироқ эдим
мўъжизадан тондим кунимга кўндим
ўша аррандадек тупроққа кўндим

қаламу қаламни учлаган бошқа
эртага жаннатми дўзахми топсам
ер деган тупроқни унутсам кошки

ёғилар бу ерга бўғинма-бўғин
боши бор кети йўқ пайрақа тагин
афсуски униш ҳам унутилиш ҳам

оқибди томибди ерга шунча ёш
олдинда қаро ер билан бир бўлиш
кимгадир бу ўлиш кимгадир улуш...

07.01.1994 Бамберг

Ўн тўрт минг...нчи

Уч қирол байрами, ясанган болалар
ўзларича араб мусулмонларию, улардан нариги
ҳабашлардек юзига қора куя бўяб, бугун қор ёққан,
бугун мен ўрисча бу шеърни:

“Йўлимни йўқотдим бу қишки соатда,
атрофда оқ зумлар ғувиллар чун очун,
далдага муҳтожлик учунмас албатта,
лекин бари йўққа элтажаги учун.

Кечаги бўйича қолган кун чамбарчас
боғланган элақдан тўкилар боқий қор,
чунки мен ўлимдан қўрққанимчун эмас,
йўқ, чунки ҳаётим арзимас ва бекор...” –

ёзган Бамбергда бутларни кўтариб:
“Бу киноми?” – деган саволга: “Nein, es ist Drei Konige!” –
деганича эриган қор билан юқори кўчалардан
пастгиларга оқишмоқда.

“Ур” сўзидан ўзбек тилида ярим миллион сўз
чиқазиб бугун, бир иборани унутибман чамаси:
“Қандингни ур!” – ёпиқ дўконларда қадим соат-
лар тўхтаб, уларнинг юришидан мавжланувчи ел-
кан кемалар туриб қолишган. Манекенлар эса уларни
ўз мулкига олишгандек, энди чанг босган ойналардан
ялтираган деразалар ортидан бизларга совуққон
ўқталишган...

Чилпилдоқ, эриган қор. “It’s been hard days nights”
ила аралаш: “Мени маҳв айлаган ул дилбаримнинг
чашми шаҳдоси...”

Янги йилнинг иккинчи эринчоқ куни.

Ғира-ширада кўприкда сув оқиб келаётган томонга турасанми,
ёки сендан оқиб кетаётган сув томонга турасанми – фарқи йўқ.
Сувми, вақтми, кунми, сўзми, умрми ё булардан ясалган расанми –
ўз йўлига оқаверар. Сен ҳам бундан холи оққан елми ё қайиқ...

Шеърнинг асли:

1994 Мюлхайм

Allegro

Бамберг бошига тушган оқшомда
ҳавони белаган бонглар кетидан
шу қадар сукунат титрарки, шунда
қисилган нафасни тарк этади дам.

Бу дегани ҳаво ерга қўлқопдек
кийилар, ер эса – шу қизил томлар,
шу қора ўрмонлар, шу шўр ва тотли
қўлимда совувчи дўнардек комлар.

Микаел дўнгида, эҳром ўнгида
қотар велосипед икки кўз янглиғ
бир осмон бир ерга ўйинг сўнгида
балондек мос тушар, фақат бу – янглиш...

Этюд

Ой йиқилди, кун қоқилди, ерга ёғдим қор бўлиб
ёрга ёлвордимки зора зор сўзидин зор бўлиб

кўнглимми йиртиб қоғоздек учди кўкда ғозлар
ёр кетар парлар босиб, бу ўлдиришми, нозлар

йўл бўғилди, ел тиқилди, ёр йўқолди кўздан
бу нечук жонки, талошар қийлу-қолу, сўздан

куз куни олмон элинда ёр деган ким-ким эди
эй навоий, эй ҳавоий, эй равойининг диди...

* * *

Қумурсқа кўзларим оқшом аралаш палағда
осмонга қарагач, осмондек
улкан бир қутқу, бир қўрқинч кўзимга
осмондан қулаган бир улуғ қаҳқаҳа
каби
не қадар гўзал бу шаҳар-
нинг ҳусну-чиройи не учунки менга
насиб этган экан –
тор кўчалари,
мен унутиб бўлган қадим эҳромлар,
осори атиқа сақлаган дўконлар,
бу толим дарёлар, бу ўксук кўприклар,
йўлларни қоплаган бу тўртбурчак тош...
Буларнинг барига яна мен бардош
бериш учун икки йиллик йўқликдан
қайтдимми? Бу бироз овози толиққан
пашту қизнинг шашти аввалгидек ёш.
Мен билан бир даврда яшар экан у,
масофа, маконнинг ҳеч бир қиси йўқ
эмасми, муҳими – мана шу шаҳар,
мана шу шаҳарда яна ҳар саҳар
юракка урувчи қаҳқаҳамас, бонг, –
телефон китобда қумурсқа рақамлар
сукути оралаб куз отувчи тонг...

* * *

Бу одам ҳам ёшларга тўлиб
риҳлатга йўл олди, – дейишса Тавротда,
ҳозирга қадар мен оёғим қадар
тўлган бўлсам керак ёшга, оёғим
вазминроқ, ва бироқ ундан юқори –
жигару, юрагу, кўкрагим – бўм-бўш.
Айниқса юрагим ҳеч ҳануз тўлмас,
миямни бўш десам кўп тўғри бўлмас,
лекин ёшга эмас, бошқага тўла.
Ўнгимда хипча бел икки қумсоат,
Тавротнинг ўрнида Қиссасул Анбиё...
Буними ағдарай, унгами тоат
қилайми,
юрақдан бир ҳаво пуффаги гуё
узилиб, ичимни қопласа бир йўла...

Боғ ичида бўш саҳна

Саҳна қимир этмайди.
Дарахт қимир этмайди.
Фақат кўзим жовдираб
Манзилига етмайди.

Уч йил аввалги манзил
куз кунидек вазмин, зил,
ўша куни хотиним
қизимга қилиб ҳазил

роса рақсга тушарди.
Дарахт хазон тўшарди.
Бу хазон ерга эмас
юрагимга тушарди.

Яна бир куз. Бўш саҳна.
Юрак совуқ. Қон яхна.
Ожиз ёлғизлигимга
йўқлик солгудек рахна.

Саҳна қимир этмайди.
Дарахт қимир этмайди.
Фақат эгасиз қайғу
Манзилига етмайди.

* * *

Қайғудан нарига ўта олмадим.
Қайиғим урилди қуруқ соҳилга.
Қайғунинг нарёғи нимаю-нега –
билмадим, билмайин била олмадим.

Чиройга бўқдим, қоним тинмади.
Чиройдек тавозеъ бўлмади бу қон.
Ҳаммадан айрилган бечора шайтон
жондан инса инди, қондан инмади.

Фаришта ўқитган маъсум Азозил –
мунча зилдек оғир бу юрагимиз?
Айт, сенга қонимми буюрар эмиш
ё қайғум ёрлиқаб бўларми нозил?

Йўқса нечун дарё оққанда сокин,
барг тушса дарёга қон қайғуради? –
Қонимда бир кимса эшкак уради,
Қайғуга етса-да, узрга локин...

Вақт оқимидан

худди ўз бекатингдан икки бекат аввал
автобусда ногоҳ тушиб қолган йўловчидек

тушиб қолишлар бор.

Сариқ япроқ ҳам кузги дарё бўйлаб
оқиб борар экан
бир зумга қирғоқдан осилган шох-бутоқларга
илинади-да, ўзини яна барг билгандек бир сесканиб
оқимида давом этади.

Аmmo на бу йўловчи, на бу баргнинг
қаердан келаётганию, қаерга кетаётгани билан
бу тушиб қолишнинг, бу ногоҳ тўхташнинг алоқаси йўқ

мен ҳам кетга боқиб: у ерда ярминг
қолди, – деб ўйласам-да, бир дарё алам
ёпишар ярмимга. У ҳам бир саёқ...

Манзара, манзара, манзара

1

Тўртбурчак қоронғу ойна.
Тунги жомадаги акс. Осмонда эртага
тўладиган ноқис ой. Туман фанорлар
атрофида қуюқлашмоқда.
Бу ой нурида қоп-қора, қоп-қора
осилиб турган шохлару барглар.
Қайиннинг осилган шохию барги.
Узоқда чироқлар. Қоп-қоронғу тун...

2

Ойна. Сўнг акс. Сўнг шоху-бутоқ.
Қимир этмас сўлғин қоп-қора барглар.
Кейин бирдан хонам –
Эшикнинг аксида – ундан нари туманда
оёқсиз чироқ.
Уч стакан чироқ. –
Тўртинчиси яна шипда, хонамда
осилган чироқнинг аксию, тепароқ
қимир этмас қора майда баргларга
бурканган – тиш оғриқ каби қийшиқ ой...

3

Туман қуюқлашиб чироқ чинқирар.
Лекин қимир этмас қоронғу барглар.
Тўртбурчак ойнадан қадим расмдек
ўз аксим ўзимга узоқ қарайди...

.....

буларда маънони излаш не ҳожат,
буларга маънони қўшиш керакми? –
куз жонимдек тинчми, ё жонсаракми,
бу акслар ортида ким кимга нажот? –
деб қора баргнинг сўқир чироқнинг
тинчлигин тинч қўймай, қонимга булаб,
ўз кузги аксимни уларга улаб
илинсам қармоққа ўша сўроқнинг...

* * *

Бу чиройни баҳам кўрмайман.
Ишонмайман уни ҳеч кимга.
Кузги қуёш – дарахт оралаб
тегар-тегмас юрган мўйқалам –
япроқларни аста бўяркан,
кузги гуллар ҳали ҳам жасур –
ўз рангларин бермайди кузга.

Намиққан дарахтнинг қора пўстлоғин
қоп-қора олмахон тез-тез чайнайди.
Лекин бошқа нарса мени қийнайди –
буларнинг барини кимга айтяпман?
Кимга ишоняпман бу чиройни мен?

Ё Оллоҳ, нақадар чиройли қилиб
яратибсан бу дунёни Сен...

Валасапид шиғиллаб учар.
Сариғ барглар ғилдиракларга
ёпишар. Танлашнинг ҳеч ҳожати йўқ –
ғилдирак айланар, айланмайди ўқ, –
сўзлар ҳам, фикрлар шундай эмасми?
Шамолда айланган баргларнинг расми.
Лекин ҳеч силжимаи тикилади кўз.
Расмкаш “шиқ” этмас, давом этар куз,
нам ерга босилган кетишнинг изи,
капалак қуёшу, туннинг қўнғизи,

гулхайри, гултожу бинафша жўри
тугамас, бу куннинг пешона шўри
токи шеър битмайди, шу чиройга мос.

Лекин бу қизиму ўғлимга мерос...

* * *

Аёл севиш осон бир севги.
Аёл ҳажри – ўткинчи фироқ.
Қўпол қилиб айтганда – с...б
қутуласан саробдан. Бироқ

оққан дарё, сарғайган дарахт,
асрлардан кўкарган ғиштлар –
нима ҳақда экан бу карахт-
лигу, ўзни кимга бағишлар?

Найлай каллакланган бу тутни,
расмдан ҳам шамол уфурса?!
Бу далалар эслатмас кў..ни,
эмчаклардан майинроқ майса...

Аёл севиш лаззатли азоб
эурса-да – бедаво қийноқ
бу аёлсиз куз, бу бўш фазо,
бу шамолдан тўзиган қайноқ...

Scerco

Бир чимдим дунёю, бир ҳовуч ўйлар...
Буерда бўлмадим йилларми-ойлар,
бу шаҳар мен билан неларни айлар,
не учун у мудом, мен эса бошқа?

Не учун қайтаман ҳамиша унга
манзилни топшириб ёлғиз замонга,
не учун ўлим йўқ на тош, на танга,
тандан руҳ чиқса-да, урилса тошга?

Ёки бу шаҳар ҳам менга эгизми,
баҳорда жунжуккан эсаги кузми,
ё-да ҳар сафарги бир афғон қизми?
Мен эса эҳрому майдонлардек гунг.

Ҳар қалай иккимиз топишдик яна,
мен тошга айлансам, сен менга уна,
ана шунда балки бир ҳовуч гина
ўрнини босади бир чимдимча мунг...

* * *

Билмадим,
бу сафар
ақлим етарми,
бир савол ўнгимдан мағлуб кетарми?
Мана мен бу ерга қайтдим, ва демак,
яна ўша шаҳар, ўша боғ, кўлмак,
ўша тош кўчалар, ўша эҳромлар,
кўшма-кўш деворлар, уйқашган томлар,
Исонинг кўплиги, дарё кўприги,
ҳовлилардан анққан пиво кўпиги,
ҳар томон тарқалган велосипедчи,
фаввора тагида ўнлаб ўзбекча
чордона қургану, асли уйсизлар,
улар маст эрса-да, барибир “сиз” лар,
бозорда кўққайган икки турк баққол, –
буларнинг бариси шу қадар яққол-
ки, буни қайтмасдан биламан ҳатто...
Хўш, нега қайтишим ҳеч қачон хато
билинмас менгаю, яна не учун
ҳар сафар қайтганда, гўё бир очун
очилар янгидан? Бари эски-ку!
Шаҳар чекасида, ўрмонда какку:
“Как-ку, как-ку” – дея бир сас қайтарар.
Аслида бу сасда на суд, на зарар,
аслида... ва лекин бу – ёшинг эса –
тукингдек жунжукар атрофда майса...

* * *

Эй Худо, ҳолим бориб ўзга кима ҳам айтасан,
бу ҳолимни кўтариб ҳайҳот ўзимга қайтасан.

На юзингни кўрсатиб, на кўзларимни уйғотиб,
бу ломаконларга улоқтирган мани Сен қайдасан?
Икки ишчи болға уриб
ерга тошларни қоқар,
тош бу кўприк остида
тошларнинг акси – сув оқар.
Неча бор ўтдим бу кўприкдан
соямни ҳайдайин –
вақт қотар ўтмишда тошдек,
мен ҳануз ҳам бетайин.
Ҳар дўконда юз пешойна,
ҳар пешойна – бир музей,
ойнага босган пешонам
ич-ичидан бир муз-ей!
Бу шаҳарнинг исми ёлғизлик,
сен ўлсанг – у қолар.
Балки шундан ҳар сафар
қайғумда маъно йўқолар...

Эй Худо, айтдингми ҳолим қайтадан ўз-ўзима,
Гўшима тонди тилим, лек боқмади кўз кўзима.
Бу қадар ёлғизлиға инсон тугул тошлар эмас,
на фалак, на сув чидар, ёлғиз ишонч – йўқ сўзима...

* * *

Арк устуни гулдек эгилган жойда
тош ҳайкаллар қатор бўлиб турарди.
Соялардан ёзиб пойга сажжода
ораларда соат икки юрарди.

Ухлармиди навбат назоратчиси,
пиволарин ичармиди сайёҳлар,
ҳар ҳолда соатга ичим эрчиса
шу заҳот иккисин бўшлиқ изоҳлар

эди-да, айтмоқчи бўлганим бошқа –
ҳайкаллар сафида, арклар остида
ўзимни ўхшатдим дафъатан тошга,
бир зумда тошдан ҳам бўлдим осуда.

Бироқ тўртинчими-бешинчи ҳайкал
менга боқар эди ёлғон туйгандек,
эй тирик жон, бунда қолсанг, лоақал
аср турчи! – дерди. Сабрим тугади,

тош бўлиш мушкулин тушундим шунда,
сапчиб туриб кетдим. Бор бўлгани шу...
Ғафат ичимдами, тошнинг ташинда
дарз кетган чизикдек хоин учрашув...

* * *

урушми, офатми, қиёматдан сўнг
вайроналар орасида бир телефон
кўшкига йўлиқдим
узилган симлару, бузилган гўшак
ёнида
ичак-чавоқларни бозорда
баҳолаган қоғоздек
бир қизнинг
бир қизчанинг оқ-қора суратини
кўтардим...

бу сурат – суратмас, яримкул расм
эди-да, бир бола қайга чопаркан,
уни босиб ўтди, изини ҳазм
қила олмай турсам, узилган барг ҳам
бу парча қоғозга йиққан намини
тўкиб қўнди. Дунё чоки узилди.
Қаламда чизилган юзу номини
эсда тутиш учун бу шеър ёзилди,
бирок бари зое, йўқолди бу қиз.

Базмда даврадан чиқиб шамғалат
йўқолдим ўзим ҳам. Ҳаммаси ноқис.
Рақс давом этарди, кимлардир салат
ер эди, кимлардир ичарди шароб.

Вайроналар босди ҳар иккимизни:
қўлдаги кулсурат севгимас – сароб,
уни сақлашга йўқ Худонинг изни...

22.04.1998

* * *

Бўш шаклларни тинимсиз тўлдириш.
Бўш шаклларни қайта-қайта тўлдириш.

боғдаги бу бўш саҳна ҳақида бир шеър ёзган эдим,
боғдаги бу гулзордан ҳайратда қолган эдим неча бор,
 бирок яна шу боғдаман, яна ёрдам бермас ёдим,
 яна қўлимдаги олмага қайтадан қўнгандек ғубор,
яна бу боғ қаҳвахонасида ичилган пиёла қайтадан тўла,
 велосипедда босган изим эса хазонни тўзитар яна,
яна осма кўприқдан ўтаман, бир маҳалладан сўнг очик дала,
 у ёғи эса тоққа кетган ўрмону, бу йўлдан терлаган тана.

 Буларнинг бари бўлган ва яна қайтарилмоқда,
пичоқни қайроққа чархлагандек, ураман буларга ўзимни,
 лекин нима учун руҳимни ҳукм этган бу гўзал қамоқда
 ўзимдан афзалроқ кўраман бу ерда қолдирган изимни?

 Нима учун мен узлуку, дарё эса оқишдан тинмайди,
нима учун бу шаҳарни бировнинг хотинини севгандек мен гум?
 Нима учун, нима учун бу саволнинг шакли бу қадар майда,
 бирок ундан қолган изни ҳечам, ҳечам тўлдургум?...

* * *

Бамбергга қор ёғиб бир кунда эриди...

Менинг ҳам ҳаётим...

Кечаси бизларга нималар ариди,
нимага ҳаммадан кеч ётдим?

Нимага фонарнинг остида лайлак қор
оққанда бақириб-чақириб сайр этдим,

маст эдим нимага, нимага интизор,
нимага ҳаммадан ўзимни ғайр этдим?

Ўтди-ку бу қорлар, эриди тошларда,
ва ҳатто лой деган изи ҳам қолмади.

Изтироб саҳари бўш қадам ташларди,
у менинг кўнглимни назарга олмади!...

Бу ҳаёт битади, балки қор эрир-у
ва яна бир куни Бамбергга ёғса-да,
бу ҳаёт битади, қор унга арир-у,
ўздан қолмайди изтиробча садо...

* * *

Қайтишимни ўйлай. Дарёлардан фарқли,
оқшомлардан фарқли, ёмғирдан фарқли.
Қайтишимни ўйлай. Қоронғу тушмасдан
Бамберг турар экан, уфқи шафақли.

Чиройига чўмдим, ғарқ бўлдим кўркига,
соям сажда қилмаган жойим қолмади.
Тош бўлиб қотмасдан аввал кетмасам –
соямга тош босар унинг қомати.

Ёрилтошим, ёрил, мен руҳимни кўрай,
у сендайин улканми, ё тандек майда?
Мишелбергдан боқсанг – пастда урар бонглар,
лекин қизил томлар ҳеч нарса демайди.

Ташлай буни аста. Қайтишимни ўйлай,
мумкинми бир умр шеър домида яшаш?
Тош сукутга тўлгач, бу – ўлимнинг бўлгач,
ортиқ шарафми энди тошдек гап яшаш...

* * *

Қоронғу тушса бўлди, у ёғи – осон,
у ёғда ёлғизлик сен қадар тораяр,
бу ёғига сўрмас кўнглингни бўш осмон,
кўп бўлса – дераза энича қораяр.

Саланғлаб юрганинг – тургани бефойда
бўлса-да, негадир абадий бу ғафлат.
Пиво ич, валақла, турк қизларни пойла,
вақт ўлдир, ўлмас вақт, егани – жичча лат...

Егани – бир бурда хомаки юрагинг,
қолдиғи негадир хилватга чидамас.
Зўрлайсан ўзингни, атрофга қарагин, –
дейсану, тўрт атроф бир сенга индамас.

Иммиллаб, амаллаб қоронғуга етсанг
мухташам камолот деган сўз қўйнингда
мушукдек ялайди оғзини, дил – харсанг,
биноқ бу харсангнинг гўшти нимта-нимта...

* * *

Чиллага киришимдан ўзга чора қолмади,
чилладан бошқасини барини синаб кўрдим.
Халаканинг итидек югиришдан толганда
хилватда ўтиришга етмаса ҳечам қурбим.

Тўхта, – дейман, – шошилма, шошган тарафинг – ўлим.
Лекин ҳаёт бир зумга тўхтаса – энтикаман.
Ўн саккизга кирди қиз, ўсиб-улғаяр ўғлим,
ич-ичимдан ўзгармай ўша-ўша яккаман.

Икки ўт орасида қочган тарафинг – дўзах,
қанотларин куйдириб учар кўкда ўттиз қуш.
Алтенберг қасри учун умринг – тургани мазах,
барибир пиво ичиб унга ўксийсан укуш.

Чилладан бошқа илож қолмади-ку чамаси,
чиллани ўйласанг-да, лабингда тахир маза:
қирқ биринчи сахарнинг хумор тўла шамаси –
қирқ кун ўлган умрингнинг қирқи – сен тутган аза...

Сохта ғазал

бу рус ресторанига келишилгандан кечроқ келганимда
даврада менга жой қолмаган эди, бироқ
мен билан бирга кириб келган рақибу, ғаним-да
жойсиз қолди. Тўғри келган жойга ўтирдик, шамчироқ
ёқилди орамизда. Ичкилигу таом буюрдик,
биз билан бирга ўтирган хунук қизларга боқдик бирга.
Қизиқ, рус таомлари каби, энг бемаза деб ўйланган ўрдак
бирданига оққушга айланади. Бу учун ичилди, бурга
каби сакраб-сакраб бошланди гап. Рақибим
фикр билан энгмоқчи бўлдим мени, қулоғ-миямни еди,
бири кулар – бир китоб ўқиган эдим – бири дер: лақабим
“дўхтарбози” – китобда коммунист танқидчи буржуани урар эди –
“дўхтарбози” нинг ишлари юришмагач стакани билан турди –
ўшанда ухлаб қолибман – биласанми, менинг ҳинду қўшним –
ёнимдаги эроний қиз: энди “сандалбози” – уйғонсам-да урди, урди,
тинмай уравераётган экан – бир шинам
боғ ясагану унда гуллардан тирговичлари кўп –
Румийни эслаб бердим унга – сўнгида: “Сен мени тушундинг” –
алғов-далғов санчқига пичоқ дер: “Мени ўп” –
ароқдек шаффоф бўлсин кўз – ўткир, қулоқ – динг
экан-да, хунук қизлар нақадар очиқ, узоқда
ўтиргани эса кўзларидан зал оша дор тортар...
Эсимни йиғдим бир ерга, битди шовқин тузоқда
типирчилай бошлаганида юрак, унисидан бадтар
ўйноқи, мастона кўзли бир турк – Сўнгул келса бўладими,
бу дунёнингми ё гўримга қўйилган сўнги тирик гули,
шунда рақибнинг хавфини мен эмас, у англадими,

келиб қўшилди ёнимизга, ё мастликнинг қўли
ёр келган ғазални ёзишга жазм этдими – мастлик-да,
мастона кўзлар, немис юртида турку-эрон дунёси, ресторан...
Севги – сеvги эмас, унинг кетидаги шарқидек нидо,
сен ҳам ошиқ эмассан, ароқ иситмасидан бироз исиди истаранг...

Ойнадаги манзара

Пастда дарё оқар, нариги соҳилда
қадимги уйлар, уларнинг қизил томлари
Дом эҳромига уланади, ўнгда Михелсберг,
юқорида эса, узоқда, уфқда, ўзини уфқ
ўрнида тутиб турган Алтенберг минораси.
Буларнинг тепаси эса бир булутли,
бир сочқин қуёшли осмон.
Нақадар гўзалу ҳафиф манзара...
Шеър ёзгиси келади одамнинг...
Кўз осмондан иниб яна соҳилга қайтар экан,
дарёдан бу дам елкан эмас, бир баржа ўтади.
Унга тикиламиз, нигоҳларимиз тикан
бўлиб қадалади унга, у ҳам юради мўътадил.
Оқимга қарши юради у, шунданми рамзга тўлалиги,
ёки кўмиру-қумга тўлалигиданми бу рамз?
Бироқ боя тикан деган эдим, ўша ҳалиги
тикан санчилгандек кўзга, соҳилга солсам разм –
бир қиз, бир ўзи тўрвасини елкасига осиб,
ёлғизликда юриб борар ва бу қиз – Хулкар.
Бақирай десам – бировнинг уйи, мен ҳам осеб
индамай қоламан. Орамиз улкан
масофа бўлмаса-да, уни енга олмайсан ҳар қалай,
чунки ҳар кимнинг ўзига буюрган ёлғизлиги бор.
Ойнадаги манзара шаффоф эди-ку, энди эса, не билай,
мен тарафданми, у тарафдан босди илиқ ойнани ғубор...

* * *

Қайтиб келишимнинг аччиқ таъми.
Биринчи кун нима қиларимни билмай қолдим.
Гўёки умр битгану, унинг устидан қўйилган шаъми
ҳали ҳам ёниб ётгандек. Аста одим
ташлар экан кунлар – бири ўтди, иккинчиси –
лов этиб ёнса-да хотираларда Langestrassemi, бир бурчак,
ҳаёт давом этаверар экан, унинг кундуз-кечаси
алмашаверар экан. Тебранади бўм-бўш халинчак.
Лекин бу йигирма тўртми, йигирма беш кун умрим
бутун умримни англагандек бўлди бу дафъа,
нимадан қўрқдим бунча, бундай бўлмаган эди-ку бурун,
нимани йўқотдимки, бузилди бу қадар мудрофаа?!
Яна қайтаман бу кунларга: бошқалардан нимаси афзал?
Унутилишга тайёр эди-ку улар ҳам.
Унутиларди улар ҳам, бунга исбот эмасми бутун азал,
унутиларди... Лекин сўнгги кеча, ундаги ғам
тўнтариб юборди бу йигирма беш кунни, бу ҳаётни,
чўкаётган кемадан сакрагандек сачради ҳар томон қатралар:
Remeis вилласида шаққилдоқ дарахтлар остида Баётни
қушларга қўшилиб куйлаганинг, пастда бонг тарқалар,
дала йўлларида велосипед учирганинг, итхона,
унда қамалиб озодлигингга ҳурккан итлар,
ҳайит куни турк қаҳвасида фол очириш баҳона –
ичингни ёришинг – булар нимага исбот, ё турклар айтмиш қанитлар?
Энди бўш кундалигимни тўлдирар эканман терс тарзда,
бу воқеаларнинг ҳар бири шу қадар равшанки – кўз қамаштирар,
бироқ нимадир етишмайди уларга, нимадир абадий қарзда

бўш хонада шамъ устида ўйга толару, ияк тирар.
Нима экан бу етишмас нарсa, бу абадий қарз,
нима учун унга бас келмас фолда ваъдаланган улкан мужда?
Тан бердим-ку сенга, вақт, демасанг-да: Менга ютқаз,
тан бердим-ку, терс, руҳимни тинч қўй бўлмаганида жуда...

Байрамдан кейинги тунлар

бу ҳақда ҳеч кимга сўзлама
дунёда бир дона сир бўлса
орамизда қолсин у

бу ҳақда ҳеч кимга сўзлама...
кечқурун Polarbarда йиғилишдан олдин
бир ўзим велосипедда шаҳарнинг бўм-бўш
паркига борганимни: дарё бўйлаб йўл олдим,
етим гуллар орасида, дарахтлар орасида нима қилар бу тўш,
айниқса бу тўш ичидаги руҳ нимага энтикар,
гўёки оқшомдаги бу паркда ўзига топгандек эгиз? –
ахир ёлғизликдан ширинроқ нарса йўқ-ку, у эса кўз тикар,
осмондаги ой ҳовуздаги аксига чўкканида тиз...
Бироқ ёлғизликка ой чидар, дарахт чидар, йўл чидар,
лекин одам эмас. Балки бу фикрни ҳам енга олардим аста,
Polarbarда бошқалар орасида пиво ичиб жадал,
ё ашула айтиб битарди сафарим бу пасда,
бу кайфиятда, бу етимликда. Тунги бирларда тарқалдик.
Яна велосипед. Осмонда Етти Хулкар, ёнимда улардан бири,
йигирма тўрт кунлик ширин ҳаёт битган эди, уйларга йўл олдик,
бу кунларни сўнгги йўлга кузатгандек оҳиста. Бу ҳам ойнанинг таъбири
эди-да, бу сафар у ёлғиз, мен эса ёшлигим аксини
сўнгги бор кузатиб борардим. Лузумсиз сўзлар...
Уйига ҳам етдик. Хайрлашдик, бироз ўксиниб:
“Озгина юрайликми?” – деди у. Тунда кўринмас кўзлар
менга боққандек бўлди. “Унда, – дедим, – Seeschlossга борайлик,
унда, – дедим, – уйку йўқ эканми сўнгги тун, демакки уйку йўқ!”

Миндик велосипедларга, оҳ бу тунгги ралли –
гилдирак симларидек милтиллар осмонда юлдузлар, ой – ўқ...
Бўм-бўш йўллар, юзимизга вақт каби урса-да майин ел,
мен йигирма тўрт ёшимга кетяпман, ёнимда йигирма тўрт яшар қиз.
Нима қилипман мен ўзи? Бегона ёш, дугона қиз, бегона эл,
“Оз қолди”, – дейман. “Унда бу озини ҳам айтинг”, – дейди у туйқус.
Тунда қолган икки кишини. Дала йўлларига велосипед бурганини,
сарой деворлари ортида икки кўл ўртасидаги тош қотган ҳайкалми бу ё?
Кўлда ой, кўлда кўринмасу тунда тинмас ўрдаклар, қамиш тиними,
етим ўтлар. Йўқ, бу бари ёлғон, бари сароб, бари рўё...
Чунки бу тун бутун умрга тенг, ҳатто ундан ҳам ортиқ,
уни тасвирлашга сўз етмайди, фақат сукут...
Икки кўл оралаб кетган йўлак – иккимизга тортиқ,
у умр йўлидан узоқ, буни билар ҳеч кимнинг қўли тегмаган ўт.
Хўл ўтга ўтирганимизни, “Биз ўлсак нима бўламыз?” – деганингни,
ойкўлдан эса биринчи туман кўтарила бошлаганини осмон томон,
умримда илк бор билдимми, тушундимми – бокиралик нима,
қўл урмаслик нима, тунда, сукутда, севгида, умрда йўқ бўлиш беомон.
“Энди қоронғу осмонга қараб сизни ўйлайман”, – дедим. Турдик оҳиста,
девор тагидаги жунжуккан велосипедларга яқинлашдик, бир-бирга,
тахир лабларингни, сомон сочларингни, илиқ бўйнингни истаб
ўз фолимга йўлиқдим шунда, ҳеч нарсани аввалдан сўзламас тақдирга.
Мен қора палточадаги тунни қучар эканман, унга “севгилим” эмас, “қардошим”
дедим,
у ҳам узоқ оғушини очиб, севгим учун эмас, йўқотаётганим учун йиғларди юм-юм –
ё бу ҳам рўемиди: бу сарой, бу девор, бу йўлак, бу осмон, бу тун каби қадим,
буларнинг устида эса гўр устидаги тупроқ каби, ўт каби юлдуз – бир уюм.
Дилдираб қайтганимизни бу дала йўллардан, бу бўм-бўш шосседан
сўзлардан холи, ўтмишдан холи, умрдан холи, бешарқию, беашула,
сир сақласангда – унут буларнинг барини, унут яхшиси том,
куйдирса куйдирсин ўт эмас – Хулкарлар пойингга ташлаган шуъла.

Finale...

Мен шапкамни йўқотдим. Яшил чийдухобадан эди шапкам.

Икки йил аввал Лондондаги C&A дан олган эдим уни.

Ёмғир ёққанида – Лондонда нима кўп – ёмғир кўп, унга етадигани эди кам,
йўқ энди бошимда шапкам, қўлимда эса на эвази, на хуни.

Қаерда йўқотганимни ҳам биламан, не йўсинда йўқотганимни ҳам:

афсонавий кеча эди, мен у ҳақда шеър ҳам ёздим,

хўл ўт устига ўтирганимизда шаҳар чекасида тун ичида бир қиз билан, шу дам
унга қоғоз тўрваю, ўз тагимга эса ўша шапкамни ёздим.

Лекин турганимизда, у менинг қўлимда эди, тўрва сақланиб қолди-ку ахир,
велосипедлар ёнига борганимизда ҳам, қизни қучганимда ҳам ўнг қўлимда эди у.

Ана ўшанда чамамда ножўяю, бир маънода оғир

туюлдими у менга – ташладим шапкамни ерга, у ерда қолди у.

Буни ҳам айтсаммикан, қайтишда муз қотган бу қизга уни таклиф этдим ўзимча,
эсимда йўқки, қоронғидан уни олмадим қайта ўша тун, ўша замон.

Мен шапкамни йўқотдим. Пўстини ташлаган илондек, ё баҳор бошида нимча
кийган йигитчадек дилдирайман уни эсласам ҳамон, ҳамон...

ИККИНЧИ КИТОБ

* * *

...қызарган япроқлар, қызарган япроқлар
нимага йўлимда йўлиқиб қолдингиз
шамолда кўчманчи экансиз, ўтроқлар
наҳотки тушунса узулган қалбингиз

биринчи синфнинг Ўқишми Китоби
ё Она Тилида Кечки Куз сурати
қызарган япроқлар, болалик офтоби
ҳар қадам ташласанг кетингдан юради

у ҳам бир кўчманчи синфдош қизча-да –
ўн етти ёшида етти ёт бир ерда
машина остида қолади кўчада,
қип-қизил япроқдек юзлари бир бурда

қызарган япроқлар, қызарган япроқлар
қирқ икки ёшимда мен сизни тўқдимми
тунми, кун осмонда сочларин тароқлар
қип-қизил устидан қоранинг тўқ тими...

1996 Бамберг

* * *

Намозшомда
чироқ ёқилмаган хонада
уйдан
узоқ-узоқлардаги осмонга қарасанг
йигирмами, йигирма икки ёшингни эсласанг –
атайин ёшлик деганим йўқ,
чунки ёшлик деган нарсанинг ўзи йўқ –
ўрнига наздингда минглаб оқшомлар
шундай кўкиш, оқиш, сарғиш намозшомлар
босиб қолишгандек,
босиб туришгандек ўша кунни, ўша кўкшомни...

Ўша кун ҳам, ўша кун
намозшомда томларнинг тепасида
уфқдаги далами, зўрға қорайган ўрмон тепасида
Худонинг нафасидек очиқ
осмонга
унда бир зумга
мана шу бир умрдек зумга
абадийлашган булутлар томон боқиб
қайси йўқолган ёшларингни қўмсардинг
ўшанда
эй ўткинчи банда...

* * *

Анҳор оқар ўз йўлига,
Булут оқар ўз йўлига.
Иккисини бичиб-чатиб,
умрим оқар ўз йўлига.

* * *

Ғишт кўчган қолипдек ёки гўшт
жонидан кечгандек
ётибман бўшлиқда ё бўшлиқ
чайқалар ичимда...

Ўғлим қолган она юртдан қайтдим ўз уйимга.
Эрталабдан соғлигимни ўйлаб чопдим ўрмонга.
Ўрмонда қоқилдим ўғлим билан кузатган чумоли уюмга.
Ўйимда йиқилдим шабнам остидаги ўтга эмас, уммонга.

Мана бу ханчалак ўғлимнинг остида чайқалар,
ҳозир-чи шамолда ғийқиллаб у бўм-бўш.
Нимадан изғир рух, бу савол зил эса ҳарқалай
нимага посанги ўрнида элликка юзланган эски тўш?

1996 Барнет

* * *

Чумчуқларнинг дунёсига тушиб қолдим қайтадан,
булутларни супураётган дарахтлар дунёсига.
Аралашдим бўш дераза тўкаётган ҳўл ёшига,
лекин булар айри эмас, булар бари дам-бадам.

Ҳўл овозин тўкканида ҳўл қанотли чумчуқлар,
бу дарахтлар деразага расм бўлиб тушганда,
тушунсанг-чи, булутларнинг қўнимгоҳи Тошканда
бўлмаса-да, бўш юрагинг ўз-ўзича санчиқлар...

Икки норинж, меҳмонхона, ухлаётган ўғилчам.
Ер устида унутилган яна немис қишлоғи.
Оқиш куннинг тишлаб-тишлаб ейилаётган пишлоғи
мунча тилни ачиштирар, мунча бу шеър беихчам?...

1996 Буков

* * *

Юрагимни бўшлиқ қоплади.
Хайрлашди хуржунсиз дарвиш.
Тўртта хом ғишт қолди қолипда.
Қолди холи ҳовли, кун, давр, иш...

Юрагимни бўшлиқ кўтарди.
Мен кўтара олмадим уни.
Айирилди дарвишдан дарди.
Ўчди қуёш мен кетган куни.

Бўшлиқ олиб кетди юракни.
Сувдан кечди тегирмон тоши.
Зулмат уни такрор: Юр, ака, –
дея чорлаб тундан ўтиши –

бу йўлларнинг, о, бу йўлларда
бу йўлларга сарҳад излари –
тошга сингил деган юзларда
ёш қуригач қолган излари...

1990 Нью Йорк

* * *

Бўлди, ёт. Ўчоққа кўмрдан тузукроқ қалаб қўй!
Эшикка занжирни солдимми? Ётгунча бир чиқиб қараб қўй...

Ўқишдан кўз тиниб ўнинчи чироқдек сўнган дам
оқ қишнинг оққуши дераза токига қўнади бирдан.

Даҳлиздан эшикка чопонга бурканиб чиқасан,
ажабо, кўз тиниб ҳар дарахт устида беқасам.

Сен нафас оласан, учқунлар ўпкангга қадалар,
зулматдан оқалар исбот, шарҳ, қоидалар...

Ер юзи озода ҳам чунон оппоқ-ки, босган из
оёғинг остидан соядек ажрашга ҳам ожиз.

Қайтасан, кўрпангни дераза тагига тўшайсан,
тун бўйи оқ қишни кўзингнинг олдида ушлайсан.

Тушда-чи: ўчоқдан кул тўла чиқувчи хокандоз
қорларга қоқилиб чўғлардан ёзармиш пояндоз...

11.02.1990

* * *

Саҳобанинг ўрикзорида ош еб бўлгач, қувват борида
Эски-Новқат томон бир ўрда бўлиб аробада кетардик.

Элитганми йўл мени хиёл, кўзим очсам – олдинда аёл
ҳайдовчига кўрсатгандек йўл жимжилоғин тутар эди дик.

“Мовлар сизди танир экан-да”, – деб ҳайдовчи, бир содда банда,
аёлни-да, дўстларни канда қилмай, кўзгусида илжайди.

Аёл, қиё боқиб, “Мен – Юлдуз...” деганини мен ўзим ҳануз
такрорлайман, э воҳ, юзма-юз учрашишса юлдуз ва дайди.

Юлдуз, Юлдуз, беш ёшимда мен: “Бегим-хоним, сизни оламен!” –
деганимни эслайсанми сен, ёки унутдингми, ай Юлдуз?

Орамизда неча минг қадам, ҳаёт деган қоронғу адам,
ўттиз йиллик нурларинг қайдам, балки Сомон Йўлинг шўри – туз?

...Мана яна йўлимиз айри. Йўл бўйида ўсар гулхайри,
гулхайрида қолдию “Хайр!” и, тун йўлида елди чопони...

Эски-Новқат тунлари қора. Сен-чи ўтмиш осмонга қара,
сочинг каби минг-минг оқара ўчиролмас осмон Чўлпонни...

12.02.1990 Эски-Новқат

Пароканда ғазал

Овозим титрайдиё – аранг-аранг жон келсин.
Гулнинг ярми ранг бўлса, қолганига қон келсин.

Кеча-кундуздан тошиб сим-сим оқди эрса ёш,
кўзни куйдиргач Чўлпон кун бўлиб афғон келсин.

Бир ўгрилиб боқишинг икки жаҳонга ўлим,
иккисида тирилсам биридан нишон келсин.

Томга шоти қўйган ким, чангга ботгунча олманг
ё бизни хазон урсин, ё сизга боғбон келсин.

Пахса ҳовли ўчоқми, сояси лов-лов олов,
уч девори кул бўлгач куйидан сўзон келсин.

Бу кунимга мих қоқиб кўнглимни асрай десам,
тилди кўнглимни бу кун, кетгали осон келсин.

Юрагимнинг яраси ямоқ-ямоқ бўлганда
елвизакка ип боғлаб Белгидек осмон келсин.

1990 Эски-Новқат

* * *

Болам касал. ўзим касал. Оилавий шамоллаш.
Ҳар бурчакдан уҳу-уҳу, ҳар тарафдан хархаша.
Ичларим ҳам бу баҳорнинг осмонидек аралаш –
бир ёмғирнинг шиғиллаши, бир офтобга яраша.

Кулгу куни, йиғи куни – биринчи апрел – найсон.
Бир минг тўққиз юз – Тошкентнинг – тўқсон еттинчи йили.
Пиёлада анор дони, печкада бўм-бўш қозон,
деворда – қўл силтагувчи, чорловчи соат мили.

Қирқ уч, қирқ тўрт, қирқ беш... Тунда юз ёшгача санадим,
нафасим шунда узилди, ундан нарёғи – йўтал, –
билмадим нимани кўзлаб, нималарни синадим,
болам тугул, ўзимни ҳам авролмасам лоақал...

01.04.1997 Тошкент

* * *

ҳеч нарса ҳақида ўйлашдан
ҳеч ерда фикрни жамлашдан
ҳеч кимни ўзинг деб танлашдан

ёшларинг сонида адашиб
беш яшар қизчага илашиб
баҳорни баҳордан талашиб

юртингда юртингга бегона
ягона дугона сегона
бариси ёзишга баҳона

бориси яшашга баҳона
бориси ҳечликка элашиб
бориси баргинчи қарашдан...

апрел 1997 Тошкент

* * *

Ишчилар уйғонди. Бири шу заҳот
юзини ювмасдан бекат олдида
жойлашган бозорча сари югуриб
икки бонка қатиқ олиб келди-да,
хумори ёзилгач айбдор ит каби
Мен кеча сал кўпроқ олибман... – деди.

Иккинчиси эса: Тинчлан, жигарим,
ҳеч кимнинг бу билан иши йўқ. Отанг
кечаги иккита сигирни кўрса
Ҳа, балли, азамат, энди сут-қатиқ
ўзимиздан экан... – дермиди экан?... –
дедию, юзидан кўпикни артди.

Учинчи – таъвага тухумни ташлаб
оқсиллар яратган кунга маҳлиё,
индамай қувнарди: Олдимда ҳали
Эй осмон сингари бепоён зиё!

* * *

намозшомда шакл йўқ

эсингдами бир пайтлар Парижда
қизингни соғинар эдинг қишки соат беш атрофларида
ичида
юм кўзингни – ичидан қизил қовоқларинг кўкка айлангач
ичинг ҳам намозшом
бир соат чидасанг чироқлар ёқилади дейсан саноқсиз бор
намозшом...
поездлар кетиши қайтувсиз одамлар уйларига кириб
бўлишган ё ҳали келмаган ҳаттоки ёмғир ҳам
булутларга эргашиб ер чекасигами кетди
кўнглинг олдида кўзинг олдида сўнгни имкондек
бугунги сўнгни бўшлиқ – унга хўрсиниш сиғади-да
сирпаниб-сирпаниб унинг чекаларидан қайтишга
тиришасан
қаерда юрма бу соат сен билан
у
қаримас эскирмас ўзгармас
у
энг вафодор соат
у
сени мендан айирувчи қофия
намозшом...
кифоя...

Мисоб

1

тушимда отамни кўрдим
Фонтенбло Авонга, Авон эса Нантеррга улашиб кетган жойда
бир манзилнинг адресини ёзиб олиб
тил билмас отам
бозор кунлари Кўк-терақними молбозоридек гавжум бу ҳорижий
кўчалардан ёт одамлар орасида
майиб бўлган бир оёғини судраганича
буюги манзил томон кетармиш

биз машинада ундан ўзар эканмиз
оғайним ҳам менинг аянчли нигоҳимни сизди шекилли
газга босатуриб “Нега иссиқ кунда
отанг бунча қайсарлик қилиб на кастимини ечмади
на...”

...қишлоқилар, – демоқчи бўлдим, лекин: “Кўйликлар
одатда ўз сўзларида туришади,” – дедим, – “ва уларни, – дедим,
бу сўздан қайтариш...”

машина кўчама-кўча бурилиб анча узоқлашди,
кўзим кетимда
шунча йўлни кимдан суриштириб, қайси тилда
истаган, излаган нарсасини англата оларкин отам,
энг кўпи ўрисча: “Вэй, гиде этит улис...”
деганида

бу фарангилар, бу олмонлар, бу англизлар
нимани англаркин...

“N’ hesites pas – дейди Жан-Пьер, – das macht nichts”
“Ҳозир бу уйни топайлик-чи, кейин қайтсанг ҳам
бўлади...”

Машина тўхтади.

Бу – деворларини чирмовиқ ўраган оқ уй – айна биз қидирган – отам бир парча
қоғозга ёзволлиб ҳавоси бўғиқ
дим кунда қишқунлик кастимини ечмай
оёғини судраб келаётган уй...

2

у сўзни арча билсанг кетида денгизми қоялару осмон билан туташ
тепадан пастга эмас тик кўзингдан икки томон кетган тақалмас бўшлиқми ҳижрий
рамазон тугади... овозлар йиғилди... ариқ тортиб бўлган анави фаранги ё олмон
ариқ бўйлаб тош кулчаларини болға билан ерга қоққанича
ёзлогиди йўл қурапти... Мисоб...

13.03.1994 Мюлхайм

* * *

Онам билан эндиги муносабатларимизни тушунмоқчи экансиз
мана бир изоҳ.

Бева қолаверган отамнинг учинчи хотини билан сўзлашар экан, онам
бувимни Сочига олиб бормоқчи эканлигини айтди-да –
бу қишлоқи аёл: “Бизга апкемайсизми, ўзим уқалаб
қўяман-та, туппа-тузук бўп кетади!” – деганига:
“Ҳа, майлига!” – деб кулиб қўйди-ю ўз иши билан аэропорт-
нинг бир хонасига кириб кетди. Мен ҳам кетларидан
елиб борар эканман: “Менга бу ҳақда айтмаган эдингиз-
ку... Ҳали айтиб берадиган анча нарсангиз бор-а...” – дея
эшик олдида қолдим.

Кутдим.

Онам ҳам бир топшириқ билан бу эшиқдан чиқибдими,
мен томонга қаради-да, аста юриб автобус бекатига борди.
Шаффоф эди орамиздаги бор эшиклару, онамнинг у ерда олган дами,
шаффоф эди ўткинчи дақиқадек. Бу орада
автобус ҳам келди. Эсимда бўлса 282-нчимиди-ей,
ҳали темир йўлни кесиб югурсам, мен ҳам етардим унга,
бирок эринчоқ офтоб устига ташланган нимчадек
булутлар бир туриб, бир оқар эди бошқа бир томонга.

Айтмоқчи бўлганим, мен югурсам ҳам йўлни кесиб энига,
бўйига кетар эди автобус, йўналиш фарқи эса, билмадим, нечун
тўхтатди мени ҳолсизликда, ишончсизликда, заифликда алланега.
Онам шу-шу кетди бу ёлғон дунёдан, мен эса ҳали ҳам турибман чинма-чин.

* * *

уйқу йўқ...

уғрашиб-уғрашиб эсимга у тушди
хонамга бошладим остона ҳатламай
бадандан чангларни ювайлик дедиму
иккимиз жомгоҳда сувсочқи остида
оҳиста танларни совунлай бошладик
қўлларим сийнага текканда сирпанди
сесканган тик учи бармоғим эсида
киндикнинг атрофин тарвуздек авайлаб
палагин кўрмакдек кафтимни сурдимми
ишқадим ишқадим икки сон ёқалаб
совунни суркадим дўнгликни уқалаб
пахмоқда бирам-ей кўпирар бу совун
кўпикнинг остида тарвузми ё қовун
у – қизил бу – ширин бир тилим бир тилим
ўқталар пичоғу кесикдек лол тилим...

уйқу йўқ

у суркар совунни сувсочқи остида
лабимда бармоғи лаби – бел пастида
бош тортган пишқирган кишнаган бир отдек
кўпирар ёлғизкўз ушланган муроддек
мен дейман: икки дўст учрашдик холи қўй
соллансин жомҳовуз лиммо-лим сувдан қуй

уй-

қу

йўқ

бошқатдан бошлайман оёғин боғлайман

йўқ пайпоқ-иштонин қўлига чамбарчас
тугунлаб учини ётоққа тортаман
қарши жуфт бурчакка тўпиғин қотириб
қамишда пахтани сиркага ботириб
Исонинг оғзига теккизган ёвуздек
оқизиб ёзаман: бу тушни ҳам буздик!

уйқу йўқ

бўғизлаб сўймоқчи бўлган бир совлиқдек
тўрт бутин бир боғлаб ёнига ётқизсам
орадан пичоғни ниқташгами қасам
ичган ҳув Иброҳим-пайғамбар сингари
бу битмас-туганмас васваса кетида
не ётур: ёрми ё ўзимми ё уйқу? –
деб сўнгги қип-яланг саволга тақалсам...
тан бердим на қилай охири бир қайғу
кечилмас бир қайғу сен тунни кечганда
кўз ёрган бу кундек сесканса бу танда

1996 Копенгаген

* * *

Барча сўзлар айтилиб бўлганда сўнгида нима қолади?
Ўйқусиз тунми ё етти минг чақирим бу тунда босган йўлингми,
тикилган нигоҳдек қадалган тинглашми, ё сўздек юлинмай,
аксинча, айна пайт ҳар томон тинимсиз оқувчи, ғалати
ҳолатми? Сен ҳаёт, сен тирик, сен ёлғиз, сен бесўз, сен биров
қаламин, қоғозин ишлатиб, факс чала чиқариб донг қотган варрақни
харита – ўз ўлканг чизгисими билан қиёслай бошлагач бир рахна
кўнглингда жўш урар. Қолгани – бир эваз, бир гаров...

* * *

Исминг эсимга тушдию, тушундим:
фақат сенга айтишим мумкин...

Ўзингдан қолар гап йўқ, – десам
бироз бачкана. Ўзинг ҳар қалай
барини биласан-ку, – дегач айтишнинг ҳожати йўқдек.

Маили, қани бир чекадан бошлай-
чи: жума кунлари ишдан кейин ер остида тек
бир ўзинг келажак поездни кутганигда, ё
бу поездда орқа ўтирғичга суқулиб, деразада
ичингдан кўра билмаган титилмиш ва саёқ
кишини кўрасан. Бу – ўзинг. Аламзада
шу онда сен гуноҳ деб билган немисми, португал,
вьетнамми бир қизнинг танида – ерда
топа олмаган маъвони, йўқ – топиш тугул,
қидиришнинг ўзи, биласанми қандай далда...

Қиймалаб кесилагн руҳлардек заифмиз,
сиртимизни кўрсак ич кўзларимиз шу заҳоти ожиз.
Ана – “Макдоналдснинг” боғчасида майизу-қимиз,
мана – “Шаурманинг” ўтида дўнар-кабоб жиз-биз.

Поезд кетяпти вақтдек, ҳаётдек, фикрдек.
Бу эски бир ўйдир, лекин оғриғи ҳар сафар янги.
Гуноҳларга кўмилиб кетдик ҳаммамиз бирдек:
сафоларнинг энг тозасию, фосиқларнинг энг энги.
Йўқ, баримиз гуноҳдами, дўзахда бирлашайлик деётганим йўқ,

ҳолбуки, дўзахни кутиш дўзахда яшашдан-да дўзах, –
шунчаки, ўлимга маҳкумдек валжирайман: бу қамоқ
бошқа мумкин турмалар орасида мунча зах!...

Исминг эсимга тушдию – ичимга қамадим...

20.02.1994 Эссен

* * *

Қушлар учар ҳар тарафга,
дарахт эса туради.

Бу сўзлардан не дарахтга?
Ё не қушга? Орада
яна ўзим бу сўзларга
ҳам бало, ҳам гирифтор:
жоним интилгач сизарга
танзим ўз-ўзига тор.

Бу фаслга сиғмас ақлим,
бу шаҳардан қочар хуш.
Мунча наму зах бу иқлим,
мунча кун нангу хомуш?!

Мен бу ерда яшолмайман,
мен бу ерда унмайман,
ўша читтак, ўша майна
каби унга қўнмайман.

Майдонларда қиз кутаман,
кутган қизим – бегона.
Мен кетаман, мен кетаман,
бу ҳам бир нав баҳона.

Қушлар учар ҳар тарафга,
дарахт эса туради.

Бу сўзларим на дарахтга
ва на қушга яради...

баҳор 1996 Тошкент

* * *

Бир тутам шамолдан
энг тоза толани суғуриб

денгизда энг тоза оқимга
уни тут

ё гулхан ўтидан энг сара
энг тоза гулингни

олгину ўзингни энг аъло
мурдалар
тўпланган ерда кут...

* * *

Бу ернинг сойлари музлади. Ўрмон
силжимас, қорларга тиззаси қадар
ботиб. Ана у улкан арчалар
шохларини енгил қор билан безаб,
билмадим ким учун мунча чиройли?
Уларнинг пойида илашиб юрган
ўз-ўзим, ўз фикрим билан овора,
наҳотки мен етсам ўрмоннинг жим-жит
қишки
ёлғиз
етим
сўзсиз қадрига?

Ҳа, майли, агар мен қишга ифода
топган тақдирда ҳам, дарахтлардан қурт
терган қушдек: сўзим – катак дафтарда,
қиш эса, сой эса, сукунат эса,
дўнгликдаги жим-жит арчаю, менинг
ҳар галгидек тасодифий, сабрсиз
қарашим, мен ўзим, ўйларим эса
қайси ўрмонларда қайси назарнинг
кўз ёшида музлаб, қайси чиройни
англай олмай гангиб қотар бир нафас?
Шундай экан, кўздан четда ҳалиги
қор устида ётган баргнинг кўрлиги
менинг кўрлигимдан ортиқча эмас...

қиш 1988 Малеевка

* * *

Ана у -

кўчанинг охиридаги оқ уй

кетингга қарасанг сен йўқ -

кетибсан

олдингга қарасанг сен йўқ

келмабсан -

фақат у -

жазирама жилваси каби

кўча бошидаги оқ уй

айт:

кўзларингга сув қуйиб

икки дунёдан тўйиб

нигоҳингни ўстиряпсанми?

1988

* * *

Осмонни силкитган шамолнинг бошига шовуллаб
тушган тош довчаю, қарсиллаб синувчи шол шохлар
остидан қочганда қув шамол, қозонда лим шовла
биқирлаб қайнашга тушдию, вишшилаи бошлади ўчоқлар.

Ёмғирнинг чилчўпдек чангларни қорувчи қадами
кампирлар кўрпага пахтани саваган шолчада
бир зумга тиндию, чамалаб савади садани,
чангини барглардан бўғчалаб тугди чилон жийда.

Тарновнинг тагида занг босган пақирнинг оғзидан
бум-баклаб ноғора гупурди, оғилда маъради карнайлар...
Хўл пахса деворга бош қўйиб йиғловчи тул одам
шаклида қари тол келинчак бўла олмай найлар?

Супурги ҳидидан юзини ўгирди гултожи,
шалаббо ҳовлида, ариқнинг бўйида обдаста
бу лойқа сувларнинг, жаланинг базмига муҳтождек
чурқ этмай турарди ўзича сипоҳу ораста.

Шамолнинг кетидан қувлаган шопмўйлов булутлар
қайтмади. Уфққа ўчоқлар қаланди. Тўй кетди.
Кул сепик шолчада акс этди камалак шох-бутлар
ва ё бу тўсатдан уйғонган болакай туш этди...

* * *

1

Кечалари...Кечалари тунги оқимдан
кечиб ўтиб тошлоқ соҳилга қадам қўйган
мусофирдек ялангоёқ мрамор ғишт бўйлаб
уч-тўрт қадам босгач чироқтугмага қўлинг
текканида: ёқсамми ё ёқмасамми деб
сув буроғин очасану шуввиллаб тушган
сувдан икки қатра икки бармоқ учида
кўзларингга суртасан-да тошойнага бир
назар ташлаб ўз ўрнингга - очилиб қолган
қизалоқни йўл-йўлакай ёпиб - қайтасан.
Уйқу ўчди. Ҳижрат қилган ҳожидек энди...

2

Нелар қилдинг бу дунёда? Бутун кечмишинг
бир хаёлга сиғса. У ҳам бўлса оқ-қора
сурат каби: ҳам бир қатлам, ҳам содда бичим:
бу, бу, бу, бу - бундан на кўп ва на юқори...
Не қиларсан бунда йўқса на тин, на юпанч?
Бу суратлар йиғиндиси саҳардек сарғиш.
Деворлардан тўкилдими оҳор каби ганч,
остонада нураларми тошдек қора ғишт?...
Боқ: бу - Карим, бу - Чашма-сой, бу - тоғ, бу - Сергач,
бу - елвизак, бу - сен бола, бу - бўртган курак...
Нелар қилдингки дунёда, бу тушни кўргач
вайронадек,
пишган тутдек
тўкилса юрак?...

* * *

Отлар депсаб ўтган лой-балчиқ чимда
эзилган ўт чизмиш из сочимида
қоронғу сўзларда сўқир ичимда
тасодифдан ортиқ бир нарса борки

модданинг номланмас ва тарқоқ жисми
дарахтнинг сояси соянинг расми
расмнинг аксию бу аксининг исми
ўт каби сув каби чақирар балки

еру-тошдан аввал туғилган ҳокни
тўзитиб парвона на нури покни
на зулмат донидек юлдуз тарёкни
топмасдан руҳларга қилгандек тақлид

юпанчсизлик сенга қидирамиз ном
бир ҳўплам сувмисан ё бир бурда нон
ё гирди дарвешга ўлимдек инъом
топилгач ноқису йўқолгач яхлит...

* * *

Нечун қизарди юзунг қип-қизил анор янғлиг

Чўлпон

Анор гулим, ёнор гулим,
қалбимдаги нор гулим...

Саратон ярмида, куннинг ҳам энг иссиқ пайтида
эринчоқ арилар ҳавони ҳар томон торталар.
Бу таранг ҳавода ғайратли чумоли қайтага
бир чўпни орқалаб, сояни қувалаб ўрмалар.
Ялтироқ баргларнинг туркона кесилган кўзлари
кунга тик қарайлар, уларнинг бўёғи ям-яшил.
Бу ёқда бояги зувиллай бошлаган бол ари
қабоққа чаққандек, кўзларим чечакдан қамашур

Анор гулим, ёнор гулим...

Бу қийшиқ шохларда, бу қуруқ боғларда гуллабсан,
бетларинг гоҳ қуёшдек қизил, гоҳ ойдек оқ, анор!
Бу шоҳи кўйлагинг гул билан, барг билан безабсан,
оҳ, анор!

Келмишинг офтобда қовжираб қуришин билдингми,
нечун сен оқардинг, нечун сен қизардинг, қиз гулим?
Ё ўшал келмишга кўксингни тиг билан тилдингми,
юрагинг ўтини сочдингми, куйдими чўғ тилим?

Қалбимдаги нор гулим...

Менинг ҳам юрагим қовжираб чўлларда сен янғлиғ,
менинг ҳам юрагим дардини яшириб тугади...
Бу чоғда, бу боғда пистоқи кўзингдан уялиб
қизорган тилимда энг юмшоқ ёзги сўз тугади.
Хоҳла ёр кўксимни, хоҳла ёз қалбимни, хоҳла – эз,
бу ёруғ пўчоғдан чиқмаса садафдек соф тери,
ол қоним, ол доним, ол жоним, – бари бир сўнгги кез
ҳар бири мум катак, тишласам барида бол... ари...

ёз 1987 Пицунда

* * *

Даҳшатимнинг киприклари қарғадек қанот
қоққанида, оппоқ қорлар тўзиб, изғирин
суякларим қувурида ғуввиллаган пайт
ой нуруни сўриб сўнар тун қорачиғи...

Ана шунда уввиллайди очкўз қашқирлар,
бўш қалбимда тентирайди чия бўрилар...

Ёнган дилим кўпригида тойиб кетган от
томирларим оқимидан ҳуркиб, кўз қирин
бир ҳовуч қум – юлдузларнинг соҳилига қайд
қила туриб, ташлайдию, сўнади чўғи...

Ана шунда уввиллайди очкўз қашқирлар,
ҳок-руҳимни титкилайди чия бўрилар...

Ана шунда пок руҳимнинг дарбадар исми
вақт қаърига қайта олмай қолган ажалдек,
сен тишлаган гул нафаснинг ёлғон исини
армонларим даштларига сочар азал деб...

Ана унда уввиллайди очкўз қашқирлар,
йўқ жонимни ғажилайди чия бўрилар...

ёз 1987 Пицунда

* * *

Овунчоғинг овутмас сени,
қайдам, нечоғ совуди кўнглинг?
Булутларнинг титилган ини,
ҳар кўлмақда илон-из йўлинг.

Ўтмиш, ўтмиш, шубҳасиз ўтмиш...
Борса-келмас соат кўлингда.
Шовуллайди шамолми, қамиш,
энди сен ҳам камида инда
ё миқ этма кет-кет сўраса,
музла, тиз чўк, аразла, тон, бас –
бу ҳаётнинг сиру-сираси
жилла қурса шеър ёзиш эмас...

06.1991

* * *

Тайёргарлик кўрдингми, баҳор?
Яна бир бор кириб келсам-чи –
жилғаларинг оқарми, баҳор,
сиёҳимдек – қалам учидан?

Тайёргарлик кўрдингми, баҳор,
нафасларинг ўпкамга тегиб
дафтаримнинг барглари бирдан
тўзиб кетса хаприкмайсанми?

Тайёргарлик кўрдингми, баҳор,
сени навжувон деб тушимга
олиб қочсам, ёшман-ку дея
мендан аразламайсанми сен?

Орқамда қалашиб ётган ҳодисалар
биз эдик сени кутган баҳор десалар,
тақ-тақ қалбим қадами остида депсалар
ўкинчимнинг унда оти нимадир, баҳор?

1987

* * *

Тошкентнинг баҳор ёмғири
сўз қидиришим керак уни тасвирлаш
учун у эса сўз қидирмайди
шитирлайди чанг ҳиди хотирамда
босилгану юрагимда қўзғолон
чанг ҳиди шумшайган чинорлар
йиғлаган қизчалардек гуллари
бўккан ўригу олчалар намиққан
деворлар – қалашади сўз
лекин у енгил у етиб бўлмас
нафасдек чанг ҳидидек
чанг ҳидидек кераксиз Тошкентнинг
баҳор ёмғири

Кун ботишда сарғайиб қўйган осмон
каби нега қариганим сари тутиб бўлмас
бу чанг ҳиди нафасимда
босилган чангнинг ҳиди...

* * *

не қадар осон келиб осон йўқолди кайфият
бу баҳор тонги билан шу шомародекми ҳаёт

билганим не бўлдию йўқотганим не бўлди-я
топганимни кеча деб билмаслигим ёрин дея

эрталаб чиққан уйимдин уйга қайтдим кечқурун
ўша-ўша сўнг-кейин аввал эса доим бурун

бир умр кечдими ёки бир сана ё сония...
Ҳаҳ болам, тушда кўриб мунча соғиндим сани-я!

* * *

Юрагим, урилган ит каби
намунча ғинғшийсан, наmunча?
Ҳар зарба – айрилиқ лақаби,
ҳар таёқ – йиғлаган камонча.

Беҳуда, зое бу соатлар
ит каби қаровсиз ҳаётми,
ит эса ўткинчи бу отлар
ичида қадалган бир отми?

Мен кеча йўлиққан ҳад шуми,
бу қизнинг шум.....

.....

.....

* * *

Тюилри боғининг йўлаклариди
келгинди зангилар тонгда жунжукиб
ясама қушларни учирар экан
мен эса элардим сенинг исмингни

оҳак уқаланиб пойига тушган
тош аёл бир даста оқарган гулни
уч аср шамолдан асраб турган пайт
мен ҳамон элардим сенинг исмингни

мен балки элардим сенинг исмингни
о қора дарахту оқ шаффоф ҳаво
лекин бу етимлик қуш каби мени
чорлади тош каби қилди бедаъво...

1990 Париж

* * *

Эски Бамберг, эски Йорк, Эски-Новқат,
тўққиз аср нимаю, ўттиз беш йил нима?
Ҳаёт вақтга ем бўлса, вақт хотирамга овқат,
ҳаёту хотирам эса бир қошиқ қон кўнглима.

Айтмоқчи бўлганим – қайси бир ошхонада
орқамдан урувчи баҳор шамолидан беркинсам ожиз,
бутун йиққанларим парча-парча бўлиб шу онда
кўм-кўк майса ичида тош вайроналаргами эгиз?

Тошлар кўкариб, моғорлаб, туrolмаса вақтга қарши,
хотирам бардош бера олармиди тўзитувчи бу елга?
Ўтмишим, бир қошиқ қонимдан кеч деб, бир қошиқ
бу зумнинг илиқ қултумини сочаман бу ерга...

* * *

аниқлик, тиниқлик, мусаффо
равшанлик тилагач, булғанган
фикрлар ичидан танланган
бирида тўхтайман
мосуво дунёдан ўтганда
аросат арзига етганда
тарозу тошига ётганда
савобу гуноҳлар килолаб

негадир тарозбон наздимда
бир пахта даланинг чекида
тракторнинг прицепа ёнида
тургандек этакни салмоқлаб

майли-да, болалик эмасми,
этагда тўрт кўсак, бир кесак –
чўрт этиб кесади нафасни –
Нўл! – дейди, қанчалик ялинсак

Ҳай инсон, тургани пахта-ку!
Йўқ! – дейди, кўнмайди, ўқрайиб,
узоқда шафақнинг патаги –
аросат туради қорайиб...

баҳор 1996 Тошкент

* * *

Қайси сўздан бошлай? Бўм-бўш қозондек
осмонними дей, ё шаффоф кунни?
Бу таомга ўт ҳам қаланмас, ёғ ҳам
қуйилмас. Шаҳарда, сокин боғчада
эринчоқ каптарлар сайридан сапчиб
учаркан, кетидан биринчи хазон
ҳам қалққач, бемажол ерда қолади.
Арчилган пиёзнинг аччиқ анқиши
ўтларнинг остида, барглар устида...

Янги куз, янги куз, кўзни мендан уз,
тикилма бу қадар юрак қаъримга,
бу юрак ғам ея-ея қариган,
бу ғам эса – кўзга тушган чимдим туз.

Озгина шамолу, бироз мунгли куй,
сўнгра ёзнинг сўнган ўтларида куй...

куз 1996 Лондон

Соясиз

Кечау кундуз кетимда шарпа ё жосус назар,
яккалиғ ҳолимни пойлаб кеча-кундуздек юрур.

Ваҳму-қўрқинчим нафасдек чун саёз эрса, бироқ
мен қадам босган йўлимнинг кети чексиз лаҳм эрур

Бешанинг бошоқ ўқидек, тоғу-тошнинг нешидек
санчилар икки куракка бўшлиқ ичра ваҳми нур

Ҳар чироқ ўлса, панамга беркинур ул соя жон,
сояга ўтгач чироқ, ул жон танамга беркинур.

Орқанга ўгрил! – сўзининг оғзи бору боши йўқ,
ўгрилиб боқсам ўзимдин ўзга сўзлук йўқдурур.

Не ажаб, ваҳмим ила маҳв ўлмишимнинг ўзи ваҳм,
юз оча бир бурда нон очун эрур, дўзах – танур.

Эй, оти ўздин ўзувчи, жисми шаффоф, соясиз,
кўрки пайкон ўт аро қоним шафақдек ўртанур...

қиш 1988 Малеевка

* * *

Ҳақиқий шеър ёзмоқчи бўлсам:
бугун ҳам ҳеч нарса ўзгаргани йўқ,
бугун ҳам ҳеч нарса ўзгаргани йўқ,
бугун ҳам ҳеч нарса ўзгаргани йўқ,
бугун ҳам ҳеч нарса ўзгаргани йўқ,

деб ёзишим керак эдими?

Ана сизга мутлақ қофия,
ана сизга мутлақ андоза,
ана сизга мутлақ ҳақиқат

Лекин...

Кўримсиз кунларнинг қайси бир ярми-
да тинимсиз ўйлардан толиб, кўзингни
беркитмай, тоғларда, Эски-Новқатда
ёмғир ёғаятганини кўрсангу, яна
бир бор на бу ёмғирни, ва на
юрагингни тўхтатишга қодир эмаслигингни
тушунсанг... йўқ, мамлакат пойтахти чека-
ларида чилпилдоқ, мағзава қорлар-
ни депсаб, пайдар-пай туганмас биттаю-
битта ўйингни ўйласанг... кечами, бугун-
ми, эртами, худди миянгда жинғироқ жин-
ғирлайдию, эшиклар ланг очи...

ҳа-да, ҳа! Ўзгариш - бу ўзни билиш.
Йўқ, зинҳор... бу хато, ноаниқлик бу,
Ўзгарсанг - билганинг - сенмас ўзга У,
билганинг У бўлса - недур ўзгариш?!

Қиш 1988 Москва

* * *

Чилла чиқди
Кийик сувга сийди.

Қоним совиб
юрак бўшлиққа
қўйди илк қадам...

ёз 1988 Пицунда

Рубои

Бу, суви чақирар ҳовузнинг осуда сувидан
чуқур
ҳар куни эрталаб бир маймун шиппиллаб шаҳарга
чиқару
кечгача тентираб кечаси ҳовузга қайтган дам
кўнглим сувларида қайтадан тикланар кўзгу виқори...

1990

* * *

Ҳар кеча бу дарахт сарғайиб,
ҳар кеча дераза барглари
ҳар кеча тўкилар зулматга.

Ҳар кеча бўлганда у ғойиб,
нафасим ҳувиллабми, ғариб
ҳар кеча тутайди тамаки...

Ҳар кеча, ҳар кеча, ҳар кеча
қўчада туновчи ёт шаҳар
ётоғин туйқусдан босса занг,

сўнгги барг шаъмидек, ўчгунча
ҳар кеча липпилаб то саҳар
не кутар ой –
Сенинг деразанг?

Кутмак

2

Курт еган олманинг бўшлиқларини
миямга жойлагач, бу илма-тешик
паллалар мисоли ҳувиллаб, эшик-
ойналари очиқ қолган, ярими
ўргимчак тўрига тутилган, ярми –
томни тешиб ўсган олма дарахтда
титровчи ранг-баранг латгаю-лахтак
қанотли капалак қўнган астарми,
аврами тўлдирган уйга ё ўйга
ўхшади...

миямни тутнинг баргидек
бедил гумонлару, навоий ўйлар
кемириб, беланчак тўрларга гўдак
кўз ёшин тухмини худди кўз ўяр
нурлардек сочгучи, йўқ, ой нурига
йўргаклаб, ҳар икки ярим паллани
пилла тортган тарозидек, нарига
улоқтирган кучга, чаноқ калланинг
қаърида хазонрез ел ё йилларга
ўхшарди...

ўхшади, ўхшайди яна.
Бунда не маъною, бундан не гина? –
Миямнинг қурт еган бўшлиқларида

капалак яйрасин, гулласин беда,
бодага шоирлар ғарқ бўлсин бот-бот
вахдат-ул-қиесга топганда исбот –

Сен бошқа, мен бошқа. Орамиз очиқ.

Бу бўшлиқ

беўхшов, чексиз ва аччиқ.

13.09.89

Тошлоқ

Шағал.

Қалашган тош.

На тили бор, на дили. Тош... тош...

тош.

Бири бирига айқашиб ётган тош

Унсиз, сўқир, совуқ, ҳидсиз, ёпиқ тош

Бу ҳам етмаганидек –

бошига

қора соям тушган тош...

* * *

Сўз кетидан қатор-қатор сўз юк
ортилган сандиқлардек келса-да
мен
темир йўл бекатида турган кимсадек
яна неларни кутяпман ўзи?!

Вақт гули

20.27

Сен борсан

20.30

Сен борсан

20.31

Сен борсан

(1*)

(1*) – 20.27–20.31

Сен билан мен орамиздаги муносабат –

вақт нигоҳи,

Йўқ, сен аёл эмассан,

чунки бу қиес ўзи на аёл,

ва на сен.

Ҳаттоки сенинг гул номинг

бир белги.

Лекин сен белги эмассан.

Рангингни, ҳидингни, шаклингни

эса

сўзларга бермайсан –

сўз номуносиб.

Бор деган жойда йўқ,
йўқ деган жойда
борсаним Сенмисан,
титрагич нигоҳ?...

20.33

Тил ва дил ҳақида ривоят

Саҳифа саҳросида
сўз топар сўзни.

Бу - Тил.

Адашган икки сўз:

м

е

н

Сизни...

1992

* * *

юрагим
вазмин доводдан оша
юрғун юмалаган
тоғ сайёҳидек тош каби
кетди
жарлик
қаърига

10.01.1990 Малеевка

Автобусда айтылган бадихалар

1

Қор

кўнмоқда нигоҳимга.

Кўзларимни

кўтара олмай

ерга

қарайман.

2

кўз қорачиғимдан

ичимга оқиб кирган

бу кузги дунё

девор топа олмаган

кўкиш пуффақдек

эсанкирар

кўз етмас

бўшлиқда

Муножот

Қишки саҳарларинг ғира-шира нур-
лари хотирадек кўрпа остидан
мўралаб, кўринар эмас – кўринур
пайтида бир овоз ўзига чидам
тилаган етмиш уч йиллик кўз ёшдек
қуламай титрайди киприкда-қилда:
“Туноҳим бора-бора тоғдин ошди,
қиёмат кун мани шарманда қилма!”
Кун-охун тоғлардан нега ошди? – деб
мен эмас, хотирам равак бир кўрпа
остидан мўралаб сўраса, ҳадеб:
“Мен кўрган шарманда кунни сен кўрма”, –
дейдими бу овоз, ё ажин босган
дераза сиртида увушуқ осмон
тескари кафт очса, изларми маскан
паға-паға қордек битмас пушаймон...

1988

* * *

Эшиклар ёпилди. Кейинги бекат
номаълум шаҳарнинг чека кўчаси.

Тинимсиз қор ёғар: икки ракаат
намоз ўқиб бўлган чолнинг муккаси...
Муз босган ойнадан чироқ кўринмас,
нурни мингга бўлиб титрар зарралар.
Кетимда қолятган йўллар – йўл эмас.
Осмонда қийшик ой тахта арралар...

Олдимда...

олдимда яна бир ёлғон:
нурми, чолми, ойми, ўйми-ю, аммо
ёлғонни ёлғон деб билсанг ҳам, ёлғон
ёлғонликча қолар экан доимо.

1988

ТАЖРИБАЛАР КИТОБЧАСИ

* * *

20 ноябрь, 1991 йил

Баньолдаги бозор.
Хом шароб.
Гилдиракка чувалашган йўл.

Ва ниҳоят Авиньон. Яна
меҳмондўстлик. Яна ол шароб –
испанларнинг фаранг элида
ошхонаси. Балиқ, оқ шароб
ва ниҳоят ёлғизлик.

Энди

кун кузнинг эсдалигидек мусаффо,
соат учларга яқин. Аввалига йўл-
йўлакай бир черковдаги музейга,
кейин эса атайин – дафъатан Ботти-
челлининг менга номаълум расмига
йўлиқиш учунми – бу кунни, бу
ҳавони тарк этиб – яна бир –
бу сафар машҳур музейга – бир
пайтлар авлиё Папаларнинг ларзали
қадамлари гумбазларни титратган –
деразада: дарё ярмига
етиб бориб тўхтовчи
кўприк –

кирдим

чиқдим

сўнг

тош тепалик “Пап” лар саройи,
ўз вақтини соқит қилган вақт,
унда Дантми ёки Навоий
вақт юкини кунга айлаб рахт
йўлга чиқар ва бу тариқа
вақт айланар чексиз кенгликка.
Шунда ўхшар эпсиз қилиққа
ҳаёт деган ҳа, ёт тахлика...

Кўктерак...

Кўктеракка кетувдим. Кейин
Сойиб етиб борипти. Ўша
Куни Раҳимжон-акама роса ичган.

Бир-икки кундан

бери чойхона олиб, ичишини йиғиштирувди. Ўша куни роса ичипти.

“Ичманг!” – десам, нима дейди, денг?

Қўл-оёғим қалтирайдиммиш...

Ўша куни қор ёғувди. У

ичиб келиб, шетта йиқилган.

Азим, Нодир уни кўтариб, уйга обкириб
қўйипти.

Кейин телевизор кўришган.

Қанақадир шовқин келади.

Кейин чиқиб қарашса – ўзи остонада ёт-
ганмиш, боши остонадан осилиб қопти.

Боламасми, бақришипти.

Қўни-қўшни югурип чиққан.

Ушаб боқса – ўлиб ётипти...

Дод-вой кўтиришкан. Сойипни
Кўктеракка юборишипти.
Эртасиги Насибапамга –
Чортоқдайди – телеграм бердик,
балнисага обориб ёрдик,

ёш-ку – гап-сўз бўмасин дедик –

острая
сердечная недостаточность деб
ўлим қоғозини беришти.
Мана ўша ўлим қоғози...
Ичип-ичип, ахир, бечора,
ўлип кетти. Кўргани – ароқ,
вино, атир. Ўзинг кечир-а...
Балки ўлганиям яхшироқ...

8 декабрь, 1991 йил

Баньолдаги бозор... Кўктерак...
Кўктеракка чувалашган йўл
ва ниҳоят бир-икки кундан
бери чойхонада ол шароб
ўша куни фаранг элида
ичманг десам – балиқ, оқ шароб
ёлғизлигим қалтирайдиммиш...
Энди ўша куни қор ичиб
кузнинг Нодир эсдалигидек
соат учларга йўл қўйипти
черковдаги музейга кейин

қанақадир шовқин дафъатан
чиқиб остонада менга ёт
бу расмни боши учунми
қайта чизаётган
гап чиққан
тарк бир боқса ўлиб ётипти
дод-вой музейга бир соҳибни
Кўктеракка ларзали қадам
эртасига дарё ярмига
етиб бориб тўхтагучи
ёш

деб сўнг

тош тепалик ва ўлим
ўз вақтини ўлим вақт қилган
унда Дантми ёки Навоий
ичиб-ичиб ахир бечора
бу тариқа ўлиб кетти ва
вақт айланар Ўзинг кечир-а
ўхшар ўлганям яхшироқ
балки ҳаёт деган тахлика...

23 сентябрда тушимга кирган шеър

Туш
осмон
шеър эса
ер томон қараб
дафтар варақларди
шивирларди лаб
шаъмчиरोқ ёнарди сўнгги
қуёшдек
заъфарон мум эса томарди ёшдек
ҳеч нарса ҳеч нарса эсда қолмади
бу тун муздек ойни итлар қопмади
эриб битди унинг ёлғиз палласи
булут бешигида тинди алласи
йигирилган иплар тивит пахталар
арранда сочмаган силлиқ тахталар
чангини тўзитмай кетувчи йўллар
Сен ҳақда бепоён ва кетсиз ўйлар
бари
бари бу тун ҳаёлдан кўчди
муздек сойдан кечган
шуъладек ўчди
сўнгги бор
кетига
ёз ўғирди юз
узилди
юраги
э воҳ

куз
куз
куз
у з
у о
л з х ё н
а м н
ш

* * *

Ўт! – деб эдим дақиқага, унди, унамай

тутантириқ учун теша топиб, тараша
ёрган киши бошмалтоққа ургандек “Вой дод!”

Ўт! – деб эдим дақиқага...

1992

* * *

ёздим, ёздим, ёздим
ёздим, ёздим, ёздим
ёздим, ёздим, ёздим
ёздим, ёздим, ёздим
ёздим
бирини ўчирдим
бирини қолдирдим
ўчгани ўчди
қолгани қолди

У ҳам бизни
ёзди, ёзди, ёзди
ёзди, ёзди, ёзди
ёзди, ёзди, ёзди
ёзди, ёзди, ёзди
ёзди
битта қолдирмай
ўчирди барини

Нима ҳақда экан ўзи бу шеър?
Маъноси борми унинг?
Кетига тушсанг – бошингни ер,
Жавобини кутсанг – ўчар унинг...

24.02.1993 Нантер

* * *

Денгиз шамоли ғувиллар, увиллар тунда
.....
.....
дўстимнинг уйида курсилар, ашёлар силжимас
қовушмас ёлғизлик ё
..... ҳатто топилмас қофия
..... наmunча кўчада изғириб
увиллар, ғувиллар бу шамол
дўстимнинг ноғора, табласи
..... танг, таранг сукутда.....
ўйинлар
ўйинлар
денгиз шамоли қимир этмас тунда изғиши сайин
ноғорадек бўш юрагу сенсизликни қандай кимга айтайин...

26.12.1994 Брайтон

* * *

Деворга осилиб, тирмашиб нариги ёғига
бир қара...

Нариги ёғида шабоҳату, нисбат, ўхшатув,
қиёс, истиора.

Нариги ёғида нотўқис нимарса, қолаверса
бир сўз...

Қизиғи шундаки, бу сўзга осилиб, тирмашиб
қараган кўз...

.....*

аз... ез... ёз... из... оз... уз... эз... юз... яз... ўз...

Маҳбубамга атаб

Бугундан эътиборан ўзбек тилида
шакли муаннас ёҳуд аёл шакли киритилсин

Қоида: Аёл шакли хусусан жинсий аломатга эга сўзнинг ўзак қисмига а(о) ёки
ла(ло) тугалланмаси қўшилиши орқали ҳосил бўлади

Деган чоғи-ки гўзала келдило,
кўзим кўзгусида Сиза-ла елдило.

Бира аёл, бира – хаёл, икковлона
жилваланиб ёша юлдуза бўлдило.

Гул юза-ла ул гўзала тун бўйи
ёлғиза кўнглимни байзо билдило.

Иккайси боридан мен йиғладим,
бир мени икки фερуза бўлдило.

Бираси бошлардило тонга сари,
ўзгаси ёшлардило тунги дило.

Бу аросат ҳажрида икки кўзум
кўзаи уйқуни чил-чил буздило.

PS:

(Бас-ки, туш ўнгимга азал келмади,
коча келгум деб ул гўзал келмади.)

* * *

.....
йўқликда хулласи, осмонда.....
пароканда, йўқ, кенгликда эссиз, йўқ
тубларда паришон афсона хулласи,
тарих, йўқ, хотирот, йўқ, воқеа бир бўлган,
илгари хулласи, кеча, йўқ, бугун, йўқ, Эртага
МАЛАК
ҚАЛАМ

Эртага, йўқ, бугун, йўқ, кеча, хулласи илгари
бўлган бир воқеа, йўқ, хотирот, йўқ, тарих,
хулласи афсона паришон тубларда,
Йўқ, эссиз кенгликда, йўқ, пароканда
осмонда, хулласи йўқликда...

пуфланган пуфраклар бўшаши каби,
тикилган чокларнинг бичилишидек,
узалгон нурларнинг ўчиши янглиғ

чорлайди, қийнайди, кун сайин тескари
ўгириб, олдинга судрайди, дунёни
чил-парчил сиңдириб, бўлакларини
йўлларга ташлагач, тәрдиради, бир
китобни охирги бетидан қадар
то тилнинг аввалги жумласи сайин
ўгириб, -

кўзгуда кўрганинг каби,
макони́нг сувлари қум бўлганидек,
замони́нг дарёси қуриши янглиғ –

тескари бу дунё қайтарилажак,
натижа сабабни́нг ўрни́н босажак,
ўтмишга айланар унда келажак –
дейдию, ўлимга чорлайди
мени

Йўқликдаги мувашшаҳ

Балки жарнинг тепасида елиб-югури	б
ўпирилма тошларига қоқилган ох	у
шарпасидек, йўқ соядек музларга қалти	с
ларза эмас, изтиробнинг майин, аллан	е
изтиробсиз тебраниши тушса бехосда	н
қайдам шунда жар бўйида ёш оққизмиш р	ў
дардларни тоғу тошга айлантирган қи	з
алласини эшитгувчи бир ини каб	и
гина билан ёруғ тошдек дилнинг ҳасрати	н
индамайин йўқлармикан, Оллоҳ, тош дилин	г

Тескари ғазал

Дам олиш уйининг боғида, деразам тагида
сарв дарахт
ўзининг ўтмиши, бултурги пўстлоғи таркида
ҳам зор, ҳам карахт
бўлган бир пайтларда милтиқдек тананинг учига
кўримсиз қумри
қўнару – ҳунари пўстлоғдан қурт териш, бу унинг чигал
ва унсиз умри.
Отилмай қолган ўқ кумрининг бўғзида чайқалиб
сукутни ёради.
Дам олиш уйининг боғида дам олиш йўқолиб
кўзларим хоради.
Ана гул, ана ел, ана сен истаган ҳаётнинг
кўриниш онлари.
Лекин на мунча зил, мунча мунг экан бу хаёлнинг
тош тегирмонлари...
Оҳ, унсиз бу ҳолат, ана гул тагида бўш шиша:
чамаси Гулоб.
Энди сен ўзинг ҳам исмингни унутиб, янглиша
бу боғдан боғни топ...

Аросат

Икки ўт аро – сад, где внизу река,
между двух огней – боғ, қуйида дарё.
Юрагим тортмаса ҳам, но ведет рука,
словно Данта ль Эней, Фитратами гуё.

Охират куними ёки “очират”
за своим языком; ит каби хориб,
я ни богу свеча, шайтонга чорик
эмасман, за хвостом елиб-югуриб.
Худоё, Боже мой, кечир этот грех,
Қурайш отли илон бўлмаи и язык,
что на жало змеи заменил мне, керак-
мас менга, ибо Ты – Мўътабар Ёзуқ-
да, в Святое Писание, как в зиндан
заклучил шох-бутда беркик Иблисни,
чей искус по сей день то ўша вақтдан
берига анаграмма, судьба ва исмим:
И.Х. – ХИ-ХИ. И.Х. – ХИ.ХИ – “имоми ҳафти”
Эрамни тарк этганга дўзахми ад?!
“Олма!” – деб олмани узат, змей Пути
икки тил аро – сад, Боғи Аросат.

* * *

га... ол...
ку... иям... жа... ану...
тинч... си... лами... га...
қил... аф... бору... чано...
узил... бора... парт... шар... лаб... син... бўл...
...до... бўй...
та... ни... ... уйғон, жоним, увла-я,
бехонумоним увла!

Сув тиниғи қайда қолди,
бориб ичдинг лойини?
Сор йигитларинг йўқолди,
қолди фақат хоини.

Увла, жоним, увла-я,
бағримда қоним увла!

Тоғда кийикнинг боласими
онасини эмади?
Сенинг даштдек кўкрагингдан
захру-зуққум томади.

Увла, жоним, увла-я,
Оҳу-фиғоним увла!

Ярагинангга мен ярай,
ярангга пахта босайму?

Ҳар толаси қон бўлганда
додингга ўзимни осайму?
шовқин...
шов-шув...Увла, жоним, увла-я, сурон...
ғала...
ёнган жувоним, увла! ғовур...
суруд...
машмаша...
шўру... Алла айтган мен ўлайму, шар...
қий-чув... куйиб битган жонимми? жанжал...
аю... Ол, оломон зар билакми, ҳаннос...
ғалва...
можаро... зардобга тўла қонимни! ғавғо...
Увла...
тўполон... дод-вой...

Кутмак

II

Курт еган олманинг бўшлиқларини
миямга жойлагач, бу илма-тешик
паллалар мисоли хувиллаб, эшик-
ойналари очиқ қолган, ярими
ўргимчак тўрига тутилган, ярми –
томни тешиб ўсган олма дарахтда
титровчи ранг-баранг латгаю-лахтак
қанотли капалак кўнган астарми,
аврами тўлдирган ўйга ё уйга
ўхшади...

Миямни тутнинг баргидек
бедил гумонлару, навои ўйлар
кемириб, беланчак тўрларга гўдак
кўз ёшин тухмини худди кўз ўяр
нурлардек сочгучи, йўқ, ой нурига
йургаклаб, ҳар икки ярим паллани
пилла тортган тарозидек, нарига
улоқтирган кучга, чаноқ калланинг
қаърида хазонрез ел ё йилларга
ўхшарди...

ўхшади, ўхшайди яна.

Бунда не маъною, бундан не гина? –
Миямнинг қурт еган бўшлиқларида
капалак яйрасин, гулласин беда,

бодага шоирлар ғарқ бўлсин бот-бот
Ваҳдатул-қиёсга топганда исбот –

Сен бошқа, мен бошқа. Орамиз очиқ.
Бу бўшлиқ
беўхшов, чексиз ва аччиқ...

13.09.89

Қуриш феъли

ҚУР!

Қур-а! Қурган, қурганман, қургансан, қурганмиз, қургансиз, қурганлар;
қургандим, қургандинг, қурганди, қургандик, қургандингиз, қургандилар;
қуряпман, қуряпсан, қуряпти, қуряпмиз, қуряпсиз, қуряптилар;
қураётганман, қураётгансан, қураётган, қураётганмиз, қураётгансиз, қураётганлар;
қураётгандим, қураётгандинг, қураётганди, қураётгандик, қураётгандингиз,
қураётгандилар;
қурмоқдаман, қурмоқдасан, қурмоқда, қурмоқдамиз, қурмоқдасиз, қурмоқдалар;
қураётибман, қураётибсан ва ҳок.;
қурибман ва ҳок.;
қурарман, қурарсан ва ҳок.;
қурардим, қурардинг ва ҳок.;
қураман, қурасан ва ҳок.;
қурилдим, қурилдинг ва ҳок.;
қурилганман ва ҳок.; қурилгандим ва ҳок.; қуриляпман ва ҳок.;
қурилаётгирман ва ҳок.; қурилибман ва ҳок.; қуриларман ва ҳок.;
қурилаётгандим ва ҳок.; қурилишганман ва ҳок.; қурилишгандим ва ҳок.;
қурилишяпман; қурилишаётганман; қурилишаман; қурилишарман; қурилишардим;
қуришганман; қурдираман; қурғизаман; қурмоқчиман; қурилардим: қуражакман;
қурдирай; қурилтирай; қурилгайман; қурсам; қурилай; ва ҳоказо, ва ҳоказо.....,

ҚУРБАҚА “ҚУР!” – ДЕСА ШУНГА ШУНЧАМИ?!

қурмаганман, қурмагансан, қурмаган, қурмаганмиз, қурмагансиз, қурмаганлар;
қурмагандим, қурмагандинг, қурмаганди, қурмагандик, қурмагандингиз,
қурмагандилар; қурмаяпман, қурмаяпсан, қурмаяпти, қурлаяпмиз, қурмаяпсиз,
қурмаяптилар ва ҳок., хулласи қайта қуриш!

* * *

Ширу...

Касе панҷааш
мехост гарм кунад –
ўрмонда туман...

* * *

Аз ин ҳоли хона

Аз ақоби парда
касе ба зимистон дар берун
касе ба дохил нигарист –
бечора тер босган ойина...

* * *

Модари бузургам аз дигар дунё
Ба писарам имшаб асп фиристоданд
Шояд чунинг дилам таковар бунёд –
у, дийдам холи буд. Нест нури дийдам...

* * *

Номҳои мо қарйиб як ҳастанд,
Аммо феълимиз бошқа...

02.05.1992

* * *

(бари бетда турли тарафга ёзилган)

Муסיқа даладек бир доғ

Қор чироқ

Поездан қолган одам

терақ панасига интилар экан

шамол бўлмоқчими у?

Мени Аллоҳ яратган –

деган сатрни мен яратдим десам

демак...

Эшик тақиллатувчи

эшик қоқувчи

эшик туртувчи

эшикни отмоқчи бўлга...

қайдами?

Бу қотил одам қамоғимизга кира туриб

чиқиб кетаётган ўғрига “Баракалла!”

деди-ю ўрнига ўзи ўтирди

мен қўл бердим, у қўлни қисди,

шунда деразадан (ҳаяжон) эсди

мен милтиғни елкага осди

ҳамма ёқни босди оломон

(ва ҳок.)

Чиройли шеър (ёзай десам сиёҳ тугабди)

ана шунда қалам билан узоқ кўкламни
йўқлайман-у қоралайман, яъни бор гапни
қайта-қайта тўғрилайман, қийнаб қаламни.

Аслида-чи, аслида-чи “истанса” миздан
эрталабда Жилға томон “поиз” ўтади.
Ана унинг томларида тумонот одам
лола истаб чўл-адирга қий-чув кетади.

Энг чиройли ҳаёлимда мен ҳам “поиз” нинг
ана ўша томларида кунботиш чоғи
қучоқ-қучоқ сал сўлиган лола-қирмизнинг
чўл исини чулғатаман. Осмон ўчоғи

пайраҳадан тутантириқ қилиб, мен ёққан
тезак тўла ўчоғимга ўхшайди шунда,
акаларим чаккасига лолалар таққан
мен етолмас учқунлардек чақнайди тунда...

* * *

...ҳиссиёт чолғусидаги бир ирмоқ
зўракиликдан ўзини асраган манзара
(истамас яъни нақш бўлиб турмоқ)
денгиз эса бўртар ўртасида қизара
сен мавжудсан интизорлигим ичра
мен эса ҳозирман ҳар нарсага тайёр
ўз эшигингни очасан эшик ғичирлар
майин туртки ила бўлай десам сенга дастёр
овозингда бордек савол аломати
бу онни ажратар манзарага қоришиқ сўзлар
то чор атрофни ўз-ўзидан тонитиб
сўнгида бўм-бўш осмон ўз ҳукмини сўзлар
хотирами бу ё кўриниш ва ё иқроп
денгиз эса ўз-ўзини қайтарар такрор-такрор...

* * *

Ўтмиш ўтмиш шубҳасиз ўтмиш
Томирларим зирқираб ҳар тонг
билганимнинг кераги йўқса
керагини ўзим билмасам

ўтмиш ўтмиш шубҳасиз ўтмиш
йўлнинг ўзи бечора йўлсиз

гап бошлаган учган қуш каби
ҳар қоқиндиқ қанотига маст
бўлиб ургир-гитгон руҳ олдида паст
кета олмас битмас туш каби

ўтмиш ўтмиш шубҳасиз ўтмиш

қонга қониқарли қонун йўқ

лекин юрак гўшт эмас чандир
бўлган тақдирда ҳам бу чексиз чандиқ
ҳар зарбага лўқ этади лўқ...

Яланғоч шеър

ур,	отам
ор!	онам
ўр,	олам
ер!	одам
юр,	одим
ёр!	оним
ар	оқим
эр	олим

ер...

ў...

* * *

Бу маҳалла менга ётми, ё ўзимми унга ёт, тунлари изғиш уётми, ё уётми бу ҳаёт, ё
шаҳар чеки туманга бошни буркаб қотса донг, тонг отар чоғда туманга тун дағи қотса
не тонг?

Сой ҳиди-я, сой ҳиди,
шомда тўлин ой эди,
ёшларим қани, десам,
сувда ҳойнаҳой, – деди.

Сой суви-я, сой суви,
сойда ойнинг сузуви,
ёрилтошдек чақиргум,
ҳой сингилу, ҳой буви...

Сой сўзи-я, сой сўзи,
бунда не чирой ўзи,
чархпалакка маҳлиё
икки тўлин ой кўзи...

Мен – нечун саволининг
билсам эканман бандаси
ким керак эрмас манга
ким бўлса ҳам арзандаси...

не замону, не макон, не
қайси йўлдан борғуси – менга
не байрам эрур, не фарқ қилмас кандаси

бор деган сўз туғмагач ё йўқ
деган ўлдирмагач бору-йўқликдан
нишонун сўз унутган хандаси

бу жаҳон ўзга жаҳонга белги бўлгач не
ажаб, танга бирдур бут кафан ёинки йиртиқ жандаси

тил билан дил фурқатида не заволлар ғайб ўлур
васли-сўроғи-зуҳури ўлса па – ро – кандаси

тунда ойнинг бошини кесгач савол янглиғ ҳилол, ҳаҳ, нечун юлдузга ўхшар коинот
аррандаси...

...04.1992

* * *

юрагим
вазмин довоңдан оша
юрғун юмалаган
Тоғ сайёҳидек тош каби
кетди
жарлик
қаърига

* * *

Бам - берг
бўм - берк
бўм - бўш
банд - эрк

о - дим
о - тиб
о - лға
юр - дим
Ал - тен -
бург - ни
қалб - га
ур - дим

бу эҳ -
ром - лар
бу оҳ -
анг - лар
не - ни
ром - лар
не - ни
анг - лар

о - дим
о - дим
я - на
о - дим

не йўқ –
от – дим
не – ни
ол – дим
.....

Бам –
берг
бўм –
берк
бўм –
бўш
бонг –
эрк...

Рубойи

Бу, суви чақирар

ҳовузнинг осуда сувидан

ҳар куни эрталаб
кечгача тентираб
кўнглим сувларида қайтадан тикланар кўзгу виқори...

чуқур

бир маймун шипиллаб шаҳарга чиқару

кечаси ҳовузга қайтган дам

кўнглим сувларида қайтадан тикланар кўзгу виқори...

Менинг вақтим хоҳласа, бирдан
соатларга бўйсинмай, яна
бўғизимга қайтган кўзёшдек
тўхтайди ё қайта оқади

* * *

Менинг ерим сўрамас
ёрдам,
менинг элим қилмайдигина,
керак бўлса умбаалоқ ошиб

тепалардан супра қоқади
шамол, булут, ойга илашиб
осмон сари зинама-зина
Менинг шеърим хоҳласа, ердан

Нисбат саволи

Сўз йўли

Сиз – менчи. Мен-чи?

Денгиз: денгиз:

ҳар бир мавжи – мавжудингиз:

ларзоҳимда сокин ёзлоқим

ҳавозимда тундош юлдузим

кўкнинг ҳавотирим йўлканим

дилсимотим

азалим лазалим

ҳечким билмас навозим –

оққизим – Сизим...

Ишқининг қирқ қоидаси

агар дафъатан
кутилмаганда
тўсатдан туйқусдан
қўққисдан ногоҳ
келса у бесавол
берухсат беогоҳ

шиша оғзига сиғмаган
пўкакдек ё ҳалқумингга
тиқилган айтилмас
айтилмаган айтилмайдиган
айтилолмайдиган рўё

қизилга бўялган тирноқларинг китоб сотувидаги
ҳафталик ўрнинг кечаги метро чиптаси
чинни бурнинг лаббўёқ калитлар кўзгу
упадон даста-даста тақриз барваста бўй
ҳамён сураткаш телефони қоқ ўртасидан
синдирилган қалам буларнинг бари
шу зумда зоею керакмас беҳуда алам
гўё
шошилиндда юлуқ бир парча қоғозу унда ёзув
ёзма

“Сен фақат М ҳарфини ёзма... ёзма...”

* * *

Балки кеча дўстимга, Тошкентга сим қоққанамданми,
дўстим эса яна бир ошамизникида унинг туғилган куни зиёфатида ўтирган экан,
гаплари қулоғимга чалинганданми – адабий суҳбату, кимнингдур иқтидори,
ё...

Майли, тушимга ўта қолай. Тушимда Келесдаги ҳовлимизда аллақандай ишлар
орасида ғимирсиланиб,

янги қурилган иморатга кўзим тушармиш: қачон улгуришибди?

Бинойидек бино, пишиқ ғишт, ойналари икки ромлик, кўриниши замонавий, яна
алланималарни

ўйлагандирман. Кейин икки хоналик эски уйимиздан тоғаларимнинг ўртанчиси –
Расулжон чиқиб келармиш-да –

мен уни йигирма ёшларида билардим, йигирма учда перитонит бўлиб ўтгач,
худди ўртанчи бармоғимни суғуриб олишгандек ҳис – шу тоғам кетидан;

энди эса у букчайиб – олтмишлардан ошиб қолибти (хаёлимга келмайдик – нариги
дунёда одамлар қаримайди...) –

гаплашаман, бошқа тоғаларим қани, – деб сўрайман, ҳаммаёқ оройиш, саранжом –
деб ҳайрон бўламан...

Бир нарсаларни тушунтиради-да бу тоғам, гапида йўлакай “дасих” деган сўзни
ишлатади:

“Унга дасих берилган эди” – дейди.

Қаердадир болалигимда бу сўзни эшиткандек бўламан. Эшитган бўлсам шу ҳовлида
бувим оғзидан: “мегажину илвасин”, “мечкаю шумғия”, ё-да бирорта луғатда топа
олмаган “ола-гастон” сўзларининг сирасидан.

Нима экан бу сўз? – деб ўйлайман, моянамикан, дастмоеми ё дастак?

Жавобини тополмай тоғамдан сўрайман: “Дасих” деганингиз нима эди? – деб.

Шинам ҳовлида, эски даҳлизимизда у менга кулиб боқади-да: “Бу – мол дегани,
бисот...” – дейди.

Ҳовлида бир ўзим тураман, атрофимга аланглайман – уччала тоғам ўзларига уй
қуриб олишибди – бири биридан кўркам, мен эса эшик томон кетган семент йўлакда

турибман,

бу семент йўлакнинг ҳар бир кемтиги менга маълум,

негадир йиғлагим келади:

Она, – дебми, Буви, – дебми, – нега мени бу куйга ташлаб кетдинглар? – деб.

Шикоятимнинг кетида эса уйсизликми, ғарибликми, қаришми – Худо билади нима...

Шундан ўйлайман: абадий саволлар: Надур бу ҳаёт?

Ёки нима экан унинг яширган сири?

Ҳемирича эмас, жавоби, ҳайҳот,

ўта содда – дасиҳ, бир туш таъсири...

* * *

Икки кун, аниқроғи икки тун аввал тушимда гўёки Аҳмад-ака Аъзам ёзган бир шеърни кўрибман. Бу шеър Сталин даврида, 1952 йили ёзилганмиш. Уч-тўрт марта ўқидим, талай қисми эсимда қолди. Мардликларига тан бердим, лекин шеърда мен кўрмаган аллақандай янгилик бор эди, ҳавас қилдим. Эрталаб туриб эсимда қолганларини бир нав қоғозга тушургандек бўлдим. Ҳар ҳолда тушимдаги шеърнинг жичча ҳовури қолгандек эди. Кейин уни Аҳмад-акага юбордим. Юбордим, ҳижолатландим: “Алғов-далғов нарсани шеър деб, менга нисбатлабди” – деган эҳтимолий таъналаридан кўрқдим. Бироқ Аҳмад-акадан ажойиб жавоб олдим. Жумладан мана бундай дебдилар (иқтибосни айбга буюрмаслар): “Мен ҳам шунақа аниқ тушлар кўраман, баъзан кундузим тўғри тушимга ўтиб давом қилади, фақат оғирроқ, тушимда ҳикоялар ёзаман, уйғонганда туриб ёзишга... оҳори кетиб қолган бўлади, мақолалар ёзаман, кўпроқ нутққа ўхшайди, кейин нимагадир жуда оташин, кимларгадир ғазаб билан хитоб қиламан: эрталаб турсам, хитобнинг шиддати эсимда туради, ўзимнинг ҳолатим, фикрлар хиралашиб кетган бўлади.”

Худди менинг ҳолатимни тасвирлабдилар. Улардан изн олгач, бу шеър эмас, тушимдаги шеърнинг кўлка-комискасани эсимда қолганича бу ерда келтирмоқчиман. Эсимда қолмаган қисмларини бўш қолдириб кетяпман.

А

Б

В

А? Бу ваҳший ўтибдимми?

В

на

энди

янги ҳаёт...

Оркестрлар
Бос! Юр! Тик тур!
12354...
қоқилмасдан, суқулмасдан
қорақулоқ илвирсдай
ивирсилаб, силаб...
Wҳо ис тҳе нехт оне?
синди энди андалиб
унди унда унсизлик
[<{?~=??^%}>]?
&\$€¥£¤
“Кимгаки то сари о”
шоирлар шиорлар шариллар
шўролар шўр-шайни шўралар
оирлар иорлар ариллар
ўралар ўралар ўралар
қишлоқ – келин
бева – ватан...

* * *

Тонгда ўлиш намунча қийин
туш совимай кийилмай кийим

тунда тиниб тонг чуғурлаган
қуш кўрсатгач қаноти қийин

тонгда ўлиш на мунча қийин

...тушда ўлиш намунча қийин

уйга келиб бозордан кейин
энди ишга тушмоқчи бўлиб
хотирангни иккига бўлиб
бири осмон бири оқ қайин

тушда ўлиш намунча қийин...

кун ўлиши мунчалик осон
ер ёрилмас осилмас осмон

Шомда ўлиш намунча қийин

хаёлингда иш битар-битмас
хаётингда шай билар-билмас
бунинг бари бир бўлар-бўлмас
билмам хатни ёзай-ўқийин

шомда ўлиш намуноча қийин

тунда ўлиш намуноча қийин

эртанги иш ҳали битмайин
энди эсни хушлаб хуш ростлаб
яна бир кун юкини остлаб
яна бевақт яна бетайин

тунда ўлиш намуноча қийин

(бу шеър катак шаклида ёзилган)

11.04.1993 Нантер

(катта насрий шеър ичидан парча)

у кетганда
мен бошимни йўқотаман
мен юрагимни йўқотаман
мен ўзимни йўқотаман

орадаги бўшлиқда бир илинж
у ҳам мен билан йўқолгандир балки...

01.07.1993 Нантер

* * *

ёлчиди унамади қистади индади...
нотаниш сўзлар
жеркиди эрчиди тўғотди урчитди
ҳар қалай бошқа тил луғатда
буларга таржима топишинг мушқулроқ бўлгандек
ўз она тилингда буларга ўзаклар топишинг қийин

толиқди ҳориди чарчади юрғинди юрагим
соғинди соғинди соғинди соғинди юртини
унутган юпатган ўкситган қақшатган сўзларни сайлаб
ўзини қийнади қийнади қийнади қийнади...

* * *

...вақт кечган экан эмиш деган экан эмишман мен
вақт кечган эмиш деган эмишман мен
вақт кечди эмиш дедим эмишман мен
вақт кечаётир эмиш деётир эмишман мен
вақт кечмоқда эмиш демоқдаман эмишман мен
вақт кечяпти эмиш деяпман эмишман мен
вақт кечмоқчи эмиш демоқчи эмишман мен
вақт кечади эмиш дейман эмишман мен
вақт кечар эмиш дер эмишман мен
вақт кечажак эмиш деяжак эмишман мен
вақт кечса эмиш десам эмишман мен
вақт кечган экан деган эканман мен
вақт кечди экан дедим экан мен
вақт кечаётир экан деётир эканман мен
вақт кечмоқда экан демоқда эканман мен
вақт кечяпти экан деяпман экан мен
вақт кечмоқчи экан демоқчи эканман мен
вақт кечади экан дейман экан мен
вақт кечар экан дер эканман мен
вақт кечажак экан деяжак эканман мен
вақт кечса экан десам эканман мен
вақт кечаётир эди деётир эдим мен
вақт кечмоқда эди демоқда эдим мен
вақт кечяпти эди деяпман эдим мен
вақт кечмоқчи эди демоқчи эдим мен
вақт кечар эди дер эдим мен
вақт кечажак эди деяжак эдим мен

вақт кечса эди десам эди мен
вақт кечган эмиш деган эмишман мен
вақт кечмиш демишман мен
вақт кечган деганман мен
вақт кечди дедим мен
вақт кечмоқда демоқдаман мен
вақт кечяпти деяпман мен
вақт кечаётир деётирман мен
вақт кечмоқчи демоқчиман мен
вақт кечади дейман мен
вақт кечар дерман мен
вақт кечажак деяжакман мен
вақт кечса десам мен
.....
мен кечдим – вақт дер

Навоийга модерн тақлидлардан

“Зиҳи зуҳури жамолинг қуёш киби пайдо,
юзинг қуёшига зарроти кавн ўлуб шайдо”

“Худо” термини фонемадан феномен бўлғоч,
Ҳар эпистемологик система топар ривож.

Бирида – субстантив ҳолатнинг пайдо бўлиши
Демиург семасин англагандек троп-ла тож.

Буки эманация ва ё дихотомия – –=,
функционал тилда ҳар субъект ёзгандек қулоч.

Иккисида, учида, et cetera... – изоморфлик:
бошдаги тиғи ғайрат операнди уламо – соч.

Универсал диалогик ҳолат – интенционал –
ким анинг рамзи мазоҳири тил билмас тилмоч.

Қусурлар нисбати-ла ваҳдати зиён ўлуб заррот,
но-мин-ал а-там-а-да тил бошлар ғайри илож.

Навоий қилмади тавҳид гуфтуғў била фаҳм,
магарки айлағайлик тилни қатъу бошини – Ҳаллож.

Ҳа - ёт...

Мен бироз совуқ едим,
сўнг
икки бурда нон.
Аввали озор чекдим,
сўнгра - бироз нос.
Гап-урдим,
кўп-урдим,
туф-урдим,
ўп-урдим,
қаңдимни урдим -
ич -
дим...
таш -
қари...
қадам
қўйдим
(хотин ва имзо)...
Чек -
дим.
Ёш. Ёш. Ё: ш-ш-ш.
Юзга кираман дедим -
бурундан чиқди -
м...
Бўйла
нафасимни
ва ёвни ютдим.

Ўзга сирли дўст ва товоқ
тутдим.
Ногоҳ келди ё Абдумўмин.
У ҳам совуқ ва қовун қоқи
ер
устида

тик
чопони бор.
Шим!
У сўради:
тиш кирини ва
“Мөн-Сиз нечуктур Сен?”
Ич –
дик!
Маст
бўлдим иккига:
таш –
қари...
боқ!
Эшик –
да:
тешик:
бешик:
= боқар ўлимми улим
лим-лим...

1988

* * *

Нафақат нон ила
пиёланинг тагида юрагимнинг тубида
қолган қаймоқни қолган ғуссага
бир бурда нон билан артиб овозимни булаб
егандек шимдириб
ўзимга қўшиқ айтаман
Тил ва дил ҳақида ривоят

* * *

.....

Бедил

Саҳифа саҳросида
сўз топар сўзини.

Бу – тил.

Адашган икки сўз:

м

е

н

СИЗНИ

1988

Аччиқ ҳақиқат

беркитишимнинг ҳеч ҳожати йўқ...
мен ҳозир албатта... (фақат
мана бу эрталабки қовушмас кезда...
бир исқирт ошхона... (яғири чиққан
хилъатда шум соя “шақир-шуқур
бирига бирини... (йиғиштира қўли
акашак бўладими?” – деб
кечагими ё ўтган кунги... (бизлар
кўпайиб кетяпмиз, зероки... ҳатто
иккимиз тушунмай... (ўз-ўзимни
мен... тўхта-тўхта, демак мен ҳозир
албатта... (ваҳима ваҳима ваҳима
орқага қарасанг унинг кўзлари
қабоқини ёриб нурни пайпаслар... (мен ҳам инсонман-ку... (ғалаён саслар...
(мен ҳам омонат-ку, деган кезлари...
...(шошмай тур, шошма, мен ҳозир албатта
сўнгги
сўзни
очиқ

(...

ЙЎЛ

Белги бисотидан

* * *

Соябоним, ушлама мени,
биласан-ку, юлдузнинг эни
нур қулочи билан тенг эмас,

қўйиб юбор мени, мовий нур,
қора соям ерда ўртанур –
мен мастманми, ёки йўлим маст?

Қор оқади... Ер оқу қора,
мен деган сўз – мендек сайёра,
сен дарз кетган кўлмакдек мудом.

Соямизга қоқилдикми, ё
муз мардумда эриди рўё –
уйи қўчиб чироқ тутган том...

01.01.1992 Дубулти

* * *

Берилди:

кеч, шамол, денгиз бўйида
оилавий сайр, ёмғирнинг ҳиди
негадир пахтада кутилмаган дам
олиш қунини эслатади, қум
ғувиллаб: “Kas tu esi?” – деган саволдек
қайинлар тагига шошилинич ғойиб
бўлган одамнинг қўланкасига
қўшилиб кетади...

Исботлаш лозим:

Буларни барини бирлаштириб, сўз
ўрнида гўёки ҳеч ким ҳеч қачон
топмаган нарсани топиб бергум мен...

Исбот:

кеч, шамол, денгиз бўйида
оилавий сайр, ёмғирнинг ҳиди
негадир пахтада кутилмаган дам
олиш қунини эслатади, қум
ғувиллаб: “Kas tu esi?” – деган саволдек
қайинлар тагига шошилинич ғойиб
бўлган одамнинг қўланкасига
қўшилиб кетади

Терма

Масковдами, Тошканда
юзма-юз ўтирганда
кирланган юрагимни
ишқаб-ишқаб тозалай.

Озода қўнгил борми,
оққан қон ёққан қорми,
бу дунё менга торми, –
қай биридан саралай?

Кунларни тайини йўқ,
тунларни поёни йўқ,
пулларни тийини йўқ,
унларни майини йўқ,
тиллерни ўйини йўқ,
қумларни қуюни йўқ,
сирларни аёни йўқ,
чўлларни қайини йўқ,
сўзларни қийини йўқ,
буларни сайини йўқ,
йўқса ёр-ёр, таралай!

Отангни сийла десам
одим отар учқур от,
онангни ўйла десам
қуш қоқади қўш қанот,
элингни сўйла десам
ўз-ўзига элим ёт,

Ўзинг ҳам бўйла десам
мендан бадтар бу ҳаёт,
бу ҳаётни ўлим ҳам
эплай олмас ҳарқалай.

Сўзим вақту, ўзим – кун,
кунга сиғмас вақт – суқун,
ип тугуб тугун-тугун
сухан тердим бир талай.
Майли терсам, терганда
Московдами, Тошканда
топганимни на қилай?
Балки галварз ё ғилай
шам ушлаган бир банда
каби ватан ва танда
эшик томон зорманда
тисарилиб йўрғалай?

Била билдим, не билай...

02.01.1992 Дубулти

* * *

*Шоҳимардон ойдинда маъюс,
сойда ой-ла соя юзма-юз,
бир бирига интилса қирғоқ –
тоғ босади: сеними, даюс...*

Йўлида ўлтурурман кеч
чекиб турли хавотирлар,
қуёшим ерга ботгайму
бу қўш қирғоқ – бу шўх қўллар
кир чайрму
ярим челак
сув сепилган чангли йўлак
қуриб қатқоғлаган чоғда
кўзимда ёшим қотгайму

Кўзи кўркўз ўрик янглиғ
қуёшни ямласа зулмат
таназзулга, кузак мезонига кўчмакни хуш кўрган
кўзимнинг оқчиғи – бу ой
нигоҳимни қузатгайму

Қоронғу йўл
қароқ юлғун
кўнгул сен мунча энтиқдинг
қазо деб кўрққанинг – бу тоғ, ажал деб шошганинг – юлдуз
санга савдои сардоринг – кўзу жон тикмадинг-тиқдинг –
сангу сайёра сотгайму

Эшик илгаклари қармоғидан холи бу сур чўртанг
бу сурмасой сузулган кўз
бутун бу тун қарорида
қаровсиз сой
ўтар умринг
кетидан тўрни тортгайму

Бу мрамар тошу, бу қабру, бу оқшом янграган Машраб
сени дайди хаёлингда
бу манзилни уйғотгайму
Теракларда ювилган кир қуруб оппоқ бу чойшабда
Шоҳимардон тонг отгайму?

...09.1991 Шоҳимардон

Кўнгилчан сайр

Табиатнинг намозасрида
алланечук паришонхотир,
йўқ, йўқ, тарқоқ, ўзидан айри
бир неча он бордурки, унда

дарахтлар боғидан айри, қайинларда сариғ барглар
яшил япроқлара боқмас, уй-итлар боғидан айри,

булутлар ўз йўлига, йўл булутларга қоқилмас мих,
йўлакда номидан айри, сўроқлар номига айри

ўзимдан ўз-ўзим айри, ўзимдан ўз-ўзим ўзга,
бу Сенми десаму, Сендан ўзимни тутмасам айри

бу дамнинг ҳажри ҳам айри
мисоли мих қоқиб тоққа
қўлингни тимдалаб тошга

қадам

кетидан

қадам

булутлар сари, муз босган чўққи сари
сариғ қуёш сари

босган кераксиз, титилган одам

бирданига

қуласанг -

ОВОЗ
сендан айри айлагу парвоз...
журуп журегимей жиглар ай астинда

01.09.1991 Шоҳимардон

Менинг ҳам бу жаҳонда...

Бу саҳар рухсорини кўргучи кўзгу узра мен
сариф япроқлару
бу сафар рафтори мезоннинг – яна хушторлигимни
пайқадим.

Менинг ҳам бу жаҳонда...

Пойқадам босган кузак бирла юриш мушкил эмас
маст бўлиб ҳарне хазонга бу ҳазин кўнглим эгиз
юр кетайлик дейди у
сийнангга санчгудек бигиз
недур ушлайди сени

Недур ушлайди-ку недур мисоли рандадек ботгай
пўстлоқ отлиқ айрилиқдек бу хазон тўлган юрак
юр кетайликка қулоқ солган – осилган шом терак
осойиш соянг сенинг

Силжимас кунга бу кун сиғмай қалашса устма-уст кунга яна кун
сен ботиб қолган ҳаётнинг қахрабо кўнғизлари
баргидан холи терак шохи аролаб изларида
мен ҳам қолгум.

Менинг ҳам бу жаҳонда гунг боқишдек ишқи зорим бор
менинг ҳам осмонда кун ботишдек юз қизорим бор.

...09.1991 Шоҳимардон

* * *

Узунтирноқ поезд товуши...

Ҳозир тушиб ярим йўлимдан:
“Эртага мен етиб бораман...” –
деб уйимга сим қоқсам, шунда
бу босажак бир кунлик йўлим
нени англатаркин? Натижа аниқ,
вақт белгили, охири –...

фақат чолғуларнинг созандалардан
баландроқ нуқтада узилган ва жамъ
бўла олган куйи – боши эсимда
йўқ, сўнги эса менга номаълум:
балки сукунатдир, эҳтимол –...

Эски ола-гастон тартибсизликдан
янгисини яшаш – бу балки яшаш,
ҳилпирайди, қанот қоқиб қўл
чолғучининг куйи – темир йўл
икки кетдан бир-бирга туташ...

узунтирноқ поезд товуши...

31.12.1991 Дубулти

Исбот

Тунги денгиздаги кемада ёнган
заиф чироқларнинг таасуроти,
зулматли осмондан туша билару
ҳа деса тушмаган зотлар қўрқинчи,
дарвоқе, эрталаб соқол олишим,
ойнага қарашим, оят ўқишим
Иза-ахражатул-арза-асқалаҳа
ҳа, бу ҳаётимга дош, ҳавола ҳар
бир нарса бирлашса, бир нуқтага жамъ
бўлса бўлсин бирлик арабми – ажам –
бари бир, бари бир, бари бир бирлик
буларнинг барию, мен – нурга кўрлик,
чиройга – эркталаб, эрка – хокисор,
эзгуликка – мағрур, ғурурга – безор,
ўзига сўзи тенг бўлмаган маҳлуқ
дунёнинг нокомил шаклига қуллуқ
қилсам-да-қилмасам – у бор ва мен бор,
гумоним: Ҳолик ҳам орамизда зор.

Тунги денгиздаги кемада ёнган
заиф чироқларнинг тебранган нури...

05.01.1992 Дубулти

* * *

бу шаҳар – ўлик шаҳар
томлари бўш деразадек
деразалари балки бўм-бўш
кўчалардек
лекин уларга кўзим етмайди

бу шаҳар – ўлик шаҳар
чунки унда менинг ўзим йўқ
бўш уйларнинг бирига қамалиб
жасадим томларга қарайди...

29.04.1992 Тошкент

* * *

1

Кечаси уйғониб, “йигирма бир йил
Ўтипти-я!” деган мунгли ва сархуш
хаёлни туйдиму, ўзимга “бурил!”
дебоқ қайта кўргу истагандек туш

ёки тушни қайта кўрмак истагу-
чи бетайин томо-шаб-ин-дек чап ён
ётдим, аммо уйқу ўчиб жуз қайғу
чап ёнимдан турди, елкага чопон

ташлади-да, ойдин дераза парда
орқасига ўтиб, аввал кўчани,
кейин алланечук беюпанч дардда
маҳалла-қуйнию, сунгра, кучаниб,

бир хўрсингач, бутун бошли қишлоқни
то ўша ёбонда нуралаб битган,
то ўша аслми, то ўша – лофми,
то ўша йигирма бир йил умри кам

мактабга, мактабга, мактабга қадар
олиб кетди. Олиб кетди. Кечаси
уйғонсам – бошимда “лайлатул қадар” –
“лайлатул-қадр”нинг сояси, саси...

2

Йўқ. Ҳаёт парчаланиб, бир бўлагини
иккинчисига чегала олмай, пароканда тушларда
Тошкентнинг атиги бир кўримли жойи –
унда йўқ ҳашаматли тош қасрлару, бутхоналарини
тош тош тош

кўра туриб

ҳайит олди кечаси – чинми, ёлғон арафа туни
бешта ўғил-қизли, икки келинли, икки набирали
Насиба холамнинг (тўққизинчи синфда ўқиб юрган қиз:
“Болта деган бола орқамдан келиб...” – эсингдами,
унда сен гўдак эдинг: чап ёнингда ётсанг кичик бир кўзгу-
сини аста юзингга тутиб: “Нега ухламаяпсан, айёр?”
деган холангда...) уйида –
эртаси раҳматли Раҳим
тоғангнинг биринчи ҳайити –
бирдан
уйғониб
“йигирма бир йил ўтипти-я!”
деган мунгли, пурқайғу
фикр сувларида – худди шаршара
ўз тубини ўйиб, янада чуқур
ҳасрат оғушига ташлагандек сув –
ич-ичингни ейсан, еганинг сари
эртонгда зол фалак – сўқир ва букур –
бит боқиб қон сўрар, сенга боқмас у...

08.04.1992 Келес

* * *

ёмғир ёққан кунлари
ва ё
чолғу мактабида болани кутиш
ва ё
илми нужум бобида аччиқ хаёллар
бехосдан қоқилиш
ёки
остонадан ҳатлаш, тушда хат олиш,
Шамшоднинг услуби,
юртда тарқоқлик
тақ-тақ қадам
сим-сим симлар
сил
сил-а

гарчи бўм-бўш сўзларни бир бирига улаб
уларнинг йиғиндисини ҳаётинга оқлов билар
экансан, нечун “ияк тираш”, ёки “сим қоқиш”,
ёки
анжум ёққан чолғу кунлари...

06.05.1992 Тошкент

* * *

Нималардан оқмас экан ёш...

бўш хонада Баҳодир Йўлдош
йўлдан ҳориб тиззасига бош
қўйиб яна бир-икки бевош
дарбадар-ла давра қурганмиш

Усмон Эркин Ҳамид Муножот
жўн сўзларми ё қаровсиз от
орасида шаробдек ҳайҳот
газетага тўкилар хониш

қотган нону тутумсиз тутун
тухум пўчоқ китоб – бир титим
томоқларга сиғмаган қултум
қўй, йиғлама, ҳаммамиз етим

“шаккардек соғиндим
тўти каби
йўқдур ҳаловатим...”

Айт Муножот, айт гуноҳкор қиз
бу гуноҳга ботдик баримиз
бу ҳаётда қолмас изимиз
бор гуноҳни тенгга бўл Мунож,

майли энди, бўлар иш бўлди,
паймоналар шаробга тўлди,
ўтирганлар тириклай ўлди,
ўлим топган топмади илож.

Унга етмас ҳечкимнинг уни,
шип осмондан бормикан қайтим?

“шоядки бўлғай бир куни
элга шикоятим...”

Бир кун руҳим ўзга дунёдан
бу хонани тополса ёдан
тўрт арвоҳни ясаб рўёдан
хом шаробни ўртага тортар

Ўртагувчи – биз эмас – ўзга
У ҳам шунда ташланмай кўзга
балки пинҳон раҳм этиб бизга
азоб каби бу куйни тортар

Во-ей, во-ей во-ей...

13.05.1992 Тошкент

* * *

Бу сафар айтадиганимнинг ҳам
ҳеч маъноси йўқ...

яна қайта ўша-ўша жой
ўша ёмғир ўша бўтқа лой
ўша томлар ўша манзара

ўша-ўша ғамгин туришим
симга илиқ қуриб битмас шим
ўша-ўша баридан сара
шу маконга боғлиқдек туйғу

аниқроғи ўша-ўша ўй,
ўй ҳам эмас – аччиқ ва хушбўй
шу маконга боғлиқ бир гумон:

макон қайтиб, қайтмаса замон,
оралиқда не истар ҳамон
елвизакка ном берган қайғу...

19.05.1992 Тошкент

* * *

Бу борлиқда бир адашиш бор

зор бўлганга зор бўлмайди ёр
ер қўмсанг йўқ сенга диёр
ва ҳоказо... қолгани аниқ.

Лекин юрагимнинг тубида
худди қуёш қудуқ сувида
акс этгандек – аксми, обида,
ё бир доғми, ё битмас оғриқ
липпилайди. Мен уни пақир
ташлагандек, овлайман, ахир
сўзма-сўзлаб сирғанч ва оғир
аллақайси ҳисдек тортаман.
Қани энди бу оғриқ тамом
бўлса экан. Қорачиғдан кўз
суви каби оқади ариқ.

Бари аниқ:

у – сўз, бу – оғриқ, –
ундай десам “оғриқ” ҳам бир сўз...

20.05.1992 Тошкент

* * *

эсан шаббода
баланд токнинг тепасида

нега фикрларим сенга илашди
ич-ичимда ёш ёшиму сўнгим талашди

баланд токнинг май ёшидан
кечган шаббода

18.06.1992 Келес

* * *

ерга кўмилган
ўттиз учта суякнинг
бошига бориб

ердаги ўттиз учта
суякни
жипслаштирувчи

бировнинг уйини ижарага
олиб
яшаб юрувчи

томлардан томган чакка
ерлардан унган ўтлар

17.06.1992 Тошкент

* * *

Эй, Ғузулий, чашми гирёнинг керакмазму санга...

Сандирақлаб юриш
ёз келдим
умрингда яна йигирма бешта
китоб ёзасанми хиёбонда
ола-бўжи тош ҳайкаллар орасида
қурувчилардан қолиб кетган бир
бетон бўлак ҳайкал-пайкал номини
чиппакка чиқаргани-
-дек ҳа дек деяқол чунки
фикр тугаса-да уни давом эттиришга
майл
тугамайди
ошхонага кирсамми қотган
энсамни
чой билан суюлтириб-
-дек фикрга қуйсамми
бу ерда ҳеч кимга керагинг йўқ сени
бу сенга ҳеч ким керакмаслигининг
ё б
 ў
 й
 и
ё э н и...

* * *

яхши кўрган қизим ишлайдиган ер
менинг ишхонамнинг деразасидан
кўриниб турипти

яхши кўрган қизим тўртта том нари
қутичага ўхшаш бетон бинода
бу сўзларни ҳечам ҳечам эшитмас

яхши кўрган қизим кирар тушимга
яхши кўрган қизим – зарар ишимга
яхши кўрган қизим

тўртта том нари
мени танимаслик унинг ҳунари...

23.06.1992 Тошкент

* * *

дорбоз кўрдим дори ёмғир берар булутнинг
ўрнидаги сариғ рангли кун ботар чоғи
бўшлиқ узра учиб юрган уч-тўрт қалдирғоч
қанотига боғланганмиш

мен эса ерда
дорга чиққан болаларнинг дорга осилган
отасининг танасидек енгил ва беиз
юришидек учармишман

сўнг эса ерга
ер остига пилапоя айланасини
соққа каби темир оғир юмалаб кетмиш
оёғим-ла дукур-дукур ҳисоблаб боқиб

зиндондаги маҳбусларга етиб бормишман

дорга чиқдим ерга кирдим
тушда уйғондим
ухламасдан туш кўргандек бу тушдан тондим
маҳбус кўку дорбоз ерни ёш ила қориб
бу хамирдан ёпилмиш нон мен деб инондим...

25.06.1992 Тошкент

* * *

Сафолми, чинними, шиша ликоблар
тушда бир-бирига урилиб синганида
аввалига қўрқинчу умид
сўнгра ишонч
кетидан – уйғониш аралаш амният
сезасанки
ўнгингда улар бус-бутун
ҳа, улар бус-бутун

Демак бу ҳаётда синди деган кўнглинг ҳам
синиқ руҳинг ҳам
аслида бутун

ва бу сафолнинг
чиннининг
шишанинг эгаси
бундан чиқди
ухлайверса булади бу тун...

05.07.1992 Тошкент

* * *

бу бўшлиқнинг -

уни тулдириб
хилма-хил ном берсам ҳам
бир-дир сираси -

тақдир билан тадбир ораси...

07.07.1992 Тошкент

* * *

биламан, биламан орамизда ҳеч
нарсa бўлмайдн-ку, лекин ҳар кун кеч
тушиши биланоқ қамалиб уйга
толиқаман, таланаман, толаман ўйга.

Бир ўйга тиланиб қоламан ҳар кеч –
биламан, биламан, орамизда ҳеч
нарсaга ўрин йўқ, бу ўрин – бўш ер.
шундай экан – пешми бу ўю, бу шеър...

Ёз 1992

* * *

наҳотки ҳеч қачон бу қиз билан мен
бир оғиз гаплаша олмасам, дея
куюкиб юрганим...

бехосдан тек суҳбат..
наҳотки бир нарса ўзгарса, балки
аввал чала ўлик бўлсам, энди ўлдим мен.

Кўрпага бошини буркамоқчи-ю
кўрпани бошига тортган соҳилдек
денгизни устимга тортаман...

25.09.1992 Кўктепали

Кўктепали

...биродарим. Бу ерларда бундан ташқари
кечки пайтда тўп-тўп одам мисли тош қора
юзларини чироқларнинг ўлик нурига
чайиб-чайиб, денгиз каби, ҳар гал нарига
кирларини осмоқчи бир уй бекасидек,
улоқтириш пайидадир. Жой бекасидек
мен ҳам тўп-тўп оломонда ўрнимдан холи
бўлган руҳдек изғийман. Руҳ – жойнинг шамоли.

Эртасига яна ўша эскию қари
ташқарилик – сен бундаю, бундан ташқари
сенга қарши деразаю, деразадаги
типпа-тик сарв, сарф этилмас осмоннинг таги,
кемадаги карнайлару, сайёр ваъдалар,
янги бир кун. Шипга боқсанг – тўп увадалар –
равақ-равақ булутлардан олгандек ўрناق –
қаламингдан томизади: яшаш – бу кўрмак.

Йўл юрамиз, денгиз бўйлаб тоғу тошларни
депсаб ўтиб, бир ҳаёту, ундан ташқари
бир ўлимга эга бўлмиш Кимерий шоир
дахмасининг тепасида бу ишга оид
гувоҳлардек, шаҳидлардек, тошларга қасам
ичувчи бу кўз юммас кун, бу кенг, беқасам
чопон кийган далалардек “фисабиллони”
ўқимоқчи бўламизу, фикрлар сони

хув пастдаги денгиздаги тўлқинга қараб
бир-бирига айқашувчи, бундан ташқари
бир-бирини босиб, бузиб, бўртган булутлар
сони каби қўзғолонлаб, миямни талар.
Ана шунда тош устида: “Ахтариб келдим
сени” деган сўзларингни маънолари тим-
қора тошдек жамъ бўлади ва сенга керак
сўз топилар. Сен қидирган сўз шаксиз – “кавак”.

Сен каваксан, кўзларинг бўш, ундан ишқорий
сувлар томар, шапалаклар сендан ташқари
томон қочар чийилашиб, ич-ичларинг тош.
Ҳаво зумга бош суқади, лекин бош бардош
бера олмай мағлуб бўлар, қолган кунинг шу...
Тик манзара. Кавак қоя, сирпанчиқ шўр сув
манзарани чайиб-чайиб, кирдек юқори
ирғитади. Лекин булар – мендан ташқари,
биродарим...

23.09.1992

* * *

чайқалар тунда чироқ чайқалар
қоп-қора денгизда титроқ жой қолар

тарқалар тоғ тунга йўл олган кема
сен буларни барини бу – мен дема

дардми бу бўшлиқми боғлар ханчалак
не билай кўкракни чоғлар қанчалик

шиғ этар бу не товуш не изтироб
мавж урарми қуш учарми ё сароб

ё шағал юлдузга айтар ғашлигин
йўқ йиғимас атиги товуш йиғин

чайқалар тунда узоқ чайқалар
қоп-қора денгизда титроқ жой қолар...

...09.1992 Кўктепали

* * *

нарвонга чиқаятган кимсадек
қўлимни келажакка узатаман

чанғи учган одамдек
сирпаниб йиқилмаслик учун
ундан бадтар сирпанаман

келажгим ҳаво
ўтмишим муз

қизимни соғиндим, қизимни...

16.01.1993 Фонтенбло

* * *

осмонда бир орол кўрдим

қирғоғига сув урилиб
булутларга айланарди

осмонда бир орол кўрдим

худди денгиз тўнтарилиб
ёшим томарди

осмонда бир орол кўрдим
энди йўлим у томонми
ерга чўкишим тамомми?...

19.01.1993 Фонтенбло

* * *

М.Палмерга

Овозимнинг ёбонларида
ғарб учун мағриблик араблар,
тунга бурканган зангилар,
чанг босган кўзгу каби –
ўзим –

кечалари бу шаҳарнинг
темир йўл бекатларию
бўм-бўш яйдоқларини кесиб ўтаркан,
унинг ҳорғин хўрсинишлари
куни бўйи иш қидириб санғигану,
кечаси ўзининг вақтинча оромгоҳига

қайтаятган овозимни эслатгудекми
ўйларимнинг ёбонларида...

03.12.1992 Фонтенбло

* * *

биз йўл деган нарса
бирданига вақт бўлиб чиққанида –
энг осон йўл –
вақт ҳам йўл-ку дейиш эмасми

Тоштурманинг девори бўйлаб
чанг кўчадан Боғистон номли
маҳаллани кесиб ўтган вақт
худди Бўзсув бўйида қамиш
ўсиб ётган қоқир яйдоққа
тўппа-тўғри чиқиб юрардик

Мен бу ерда тунлари бедор
саҳарлари офтоб кутувчи
ёз кунлари калла ташлашга
сўнгра қизим аравасини
ғадир-будур пахта далада
думалатиш учун чиқардим

пала-партиш ўйлардек ҳаёт

нариги соҳилга офтоб ботган вақт
ғадир даладаги туядек тутлар
қорайиб тун учун бўёқ қорувчи
ускунага аввал айланган жойда

энди уйлар, энди ҳар ёқ иморат...

Қайт, қайт бола, уйинг расмга тўла,
ҳар бирини олиб – кўрма, – бир йўла
устингга кийиб ол, сиғмасанг – унда
йирт ўзингни, йўқса – фарқига чида...

05.02.1993 Нантер

* * *

Тушимдаги Шавкат Раҳмонга

осмон каби ҳорғин денгизга
осмон каби синиқ денгизга
осмон каби кечки денгизга
ёлғизлигим сажда қилганда

темир йўлнинг шотиси узун
темир йўлнинг шотиси кетсиз
темир йўлнинг шотиси ётоқ
булутларнинг асл исми қор

тўқайдаги ажириқ тўла
тўқайдаги ажириқ чигал
тўқайдаги ажириқ сочдек
бит ўрнида ўлик балиқлар

бу сўз менга эмас дахлдор
бу сўз меңдан туғилган бурун
бу сўз бу сўз девор ўрнида
сени кутар чанг қучоқлаб ўт...

26.12.1992 Фонтенбло

* * *

тепамда Худо бор

узоқда қизим

остимда бир қават
оқшом тўла уй

ёнимда дераза

о

л

д

и

м

д

а

з у л м а т
ҳамма ёқ зим-зичу

ичимда хасрат
ичимда хасрат

10.02.1993 Нантер

* * *

сиз турган қаторда мен йўқман

пойгада йиқилган от каби
қассобда осилган эт каби
қазидан қизитган ўт каби
ўйиндан чиқдим

отимни ўчирдим бўр каби
борлиқда бошидан бор каби
зумларга бўлинмас бир каби

сиз турган қаторда мен йўқ...

26.04.1993 Нантер

Муқимлик

сувда сомондек оқдим
ҳар бир чўпга улоқдим
кўланкамга миҳ қоқдим
қололмадим бу зумда

дарё чўкди ичимга

сахар уйқу аралаш
қуш сайраса ўй талаш
довдирадим – сен илаш
йўқса англамас Худо

ҳаёт етди ечимга

сўз билан ўз аро фарқ
онларига олам ғарқ
ғамим ғарбу шарҳим шарқ
жавоб эса ҳеч кимга
ҳеч кимга...

13.-14.02.1993 Нантер

* * *

қайнотамнинг чорбоғи заррин
ўригидан данаги ширин

она-бола қий-чуввос терим
ўригидан данаги ширин

эсласам ҳам ўринма-ўрин
ўригидан данаги ширин

англадим бу сўзларнинг сири
ўригидан данаги ширин

Оллоҳ-оллоҳ бас эт бу шеърим
ўригидан данаги ширин

йўқса дўзах пўчоғи очиқ –

хур фикрнинг пучағи аччиқ...

14.02.1993 Нантер

* * *

йўқ нарсани йўқотиб бўлмас

қозиқ қоқиб молни боғладим
арқонини бир умр ёзган
сўзларимга балки тенгладим

юрагимнинг тубида тешиқ
қанча сўзни зичлаб ташламай
бу тешиқнинг оғзи ёпилмас

йўқ нарсани йўқотиб бўлмас

кўз олдимда ўтлар булутлар
бир кўн бу ҳам тарқаб кетади
бўлди дейман – энди етади

хом сут эмдик тоза хаёлни
юрақ сиқиб қонга буладик
кўкка учиб ерга қуладик

тил жаврару қулоқ эшитмас

йўқ нарсани йўқотиб бўлмас
йўқ нарсани йўқотиб бўлмас

* * *

Бирин қабул эта олмон ани...

Навоий

1

ёздим ёздим ёздим
ёздим ёздим ёздим
ёздим ёздим ёздим
ёздим ёздим ёздим
ёздим

бирини ўчирдим
бирини қолдирдим
ўчгани ўчди
қолгани қолди

У ҳам бизни
ёзди ёзди ёзди
ёзди ёзди ёзди
ёзди ёзди ёзди
ёзди ёзди ёзди
ёзди

битта қолдирмай
ўчирди барини

Нима ҳақда экан ўзи бу шеър?
Маъноси борми уни?

Кетига тушган бошини ер,
жавоб кутганнинг ўчади уни...

2

Бу тажрибанинг маъноси нимада?
Нима учун у узлуксиз?
Синаш бўлса – бари аён: хом сут эмади, –
юрагини қон қилмаган яшар зулуксиз.

Вақт деган қопни тўлдириш бўлса – қопнинг теги тешиқ,
кимдир бу тешиқни руҳ дейишга кўнар.
Сиқилиш учун мана бешиқ, эвазига – ана эшиқ
эса

синар	синар	си –
	н	
	а	
	р	

3

кўз нимага тақалса дунёнинг охири шу

намоз ўқиганингда қироат қилганинг намозми
ё ўз овозингни ўзинг эшитганингми намоз

ич – ҳаво таш – ҳаво ўрта – тортишув

Парижга онаси билан келиб қолган 9 яшар
Душанбелик тожик қизчага сим қоқиб йўлиқсанг у
намозшомда бутун бошли бир уйда шаҳарда ерда

ўгай отасини кутиб бир ўзи
ўтирган экан овози овози...
қумсоатдек
бу овоз

Вақтга қозиқ қоққанинг билан уни ушлаб бўлмас
сўзларни қалаштириб сўзга қоқилганинг ҳам бекор
руҳ тақалар танга тан руҳга тўлмас
оралиққа эса бутун дунё тор...

4

овоз бир нарсага йўлиқса садо бўлиб қайтар

бировларнинг ўлимини кўрганимиздан ўзимизнинг ўлимимиз аён
чигалларни ечиш деган нарса билмадим қай тарз
қумсоатга қамалган вақт билан ёнма-ён
мен деймизми бу чегарани ном деймизми уни
икки томондан чекланган ҳаётга тенглаштирамизми
қарс икки қўлдан чиқар мақолининг мазмуни
қарз қайтаргандек эста солар эсдан чиққан рамзми
биз эру-хотин узоқдаги қизимизни соғиниб юрсак
булутлар зоғлардек оқса ер билан осмон оралаб
бор масофа дафтарга тақалган икки тирсак
бор овоз суви қуриган сойдек шўра тортган лаб

катак – қуруқзоғоқуруқхуруқоғозқуруқ – катак

бор овоз суви қуриган сойдек шўра тортган лаб
бор масофа дафтарга тақалган икки тирсак
булутлар зоғлардек оқса ер билан осмон оралаб

биз эру-хотин узоқдаги қизимизни соғиниб юрсак
қарз қайтаргандек эста солар эсдан чиққан рамзни
қарс икки қўлдан чиқар мақолининг мазмуни
икки томондан чекланган ҳаётга тенглаштирамизми
мен деймизми бу чегарани ном деймизми уни
қумсоатга қамалган вақт билан ёнма-ён
чигалларни ечиш деган нарса билмадим қай тарз
бировларнинг ўлимини кўрганимиздан ўзимизнинг ўлимимиз аён
овоз бир нарсага йўлиқса садо бўлиб қайтар

01.-02.03.1993 Нантер

* * *

русча-французча лугат икки ўрам
елим қоғоз Париж ҳақида китоб бурағич
тақвимнинг кундалик варақаларию
кўкимтир қоғоз қутининг устида Қуръон
Mon vagabonde de la lune деган китоб
ёнида қоғоз қистирғичлару варақ тўғнағич
оқ қоғоз оқ қоғоз оқ қоғоз
намозшомда тах-тах оқ варроқ қоғоз
очиқ дафтар қизил қалам бу ҳарфлар
оқшомни бу уйга бошлаб кирувчи тепамдаги
дераза
булутлар антенна мўри
қизил ғишт
буларнинг барими мени хўрсинтирган
ёки хўрсинишимми уларга қандайдир
якдиллигу маюслик бахш этган экан
ҳайит куни?
Улар менга нима-ю, мен уларга нима –
ҳазинлигим гўё шомга чўкаятган кема
устидаги ҳўл байроқдек бейўл, бемаъни
тўрт ён шайга қўл силтагач ёпса бир мени...

25.03.1993 Нантер

* * *

тупроқ келиб тушганда
саратушда сув ташиб
сув уюмдан тошганда
кетмон лойга қоришиб

лой тепкидан пишганда
жавзода терлаб-пишиб
шамол сочинг эшганда
тер терингга ёпишиб

қуёш зарқум сочганда
қолипни қумга чайиб
лой чекасин очганда
соянг ўсиб-кучайиб

гувалага кўчганда
шалопп! этгач тиржайиб
аллақандай бир ханда
ила қуйиб ажойиб

тўртта тўртта тўртта ғишт
худди қургунгдек биҳишт

05.04.1993 Нантер

* * *

бу кўлмакка

кўлмакдаги дарахтлар
дарахтлар ортидаги
булут тортилган тубсиз осмонга
ногоҳ қулашимдан қўрққаним

хўл кўзимни юмиб

ўз ичимга
ичимдаги томирларга
томирлар сўнгидаги
сўз илинмас хўрсинишми
ундан-да кенг, ундан-да бепоён, ундан-да ҳадсиз
белгисизликка

қулашимдан ногаҳон қўрқдим...

04.05.1993 Нантер

* * *

Дунё ёруғ, ичим қоронғу

Place d'Opera. Транспортёр.
одам одам одам одам ҳамма
бирини қувиб биридан ўзган –
Чего бегут? И куда??

Транспортёрда қадам босишга
ҳеч интилиш қолмапти. Зотан,
қадам босдинг – босмадинг, ўзи
охирига элтиб қўяди.

Вақт ҳам шундай... 39 ёш

06.05.1993 Нантер

* * *

туш чоғида уйқудан туриб

қийшиқ деворлардан соя қидириб
яланг оёқ, яланг бош, темир
йўлга чиқиб, типпа-тик қуёш
остида тош эмас, ёғочни
маст оёғин ила босганинг...
кўмир қуёш, ҳамма ёқ қуёш,
дунё қари, сен ёш, бир умр
икки темир йўл қовушган жой
каби узоқ, оёқ куяди,
миянг этсиз ўйлар уяди,
лекин ҳар чоқ бу темир йўлни,
бу икки ён кул куйган чўлни
эсларкансан, нега доим вақт
қайтмаслигин англагач, уни
худди бунда бир маъно бордек,
ҳасратингга алмаштирасан?...

04.06.1993 Нантер

* * *

Тун оқишом келди кулбам сори...

Навоий

у уйдан бу уйга кўчган кун эди

сим қоқиб “сен бироз кўмаклаш” деди
автобусма-автобус шошиб-энтикиб
пала-партиш орзу-
ларга кўз тикиб

ўзимдан ҳам аввал ширин илинжим
ола-гастон уйга кириб борди. Жим-
житликда кўпол нафасни юта
олмайин, ёрдамга киришдим, ита-
рдим зилдек хонтахта, музлатғич, пиа-
нинони, гиламни аввалга қия,
сўнг эса тўғирлаб деворга осдим.

Хулласи,

иш ила кўнглимни босдим...

Бирор уч соатдан сўнг унинг ўзи
“нафасни ростлаб ол” дедию, кўзи
ола-гастон уйда бироз ботартиб
супачага тушди, бурнимни тортиб
ўтирдим. У аста бирозгина май
олиб келиб берди. Мен усиз ичмай,
кутиб турдим. У ҳам кулдию, шароб
тўла пиёлани олди. Ўша топ
кўзим унинг лаби, унинг сийнаси,

унинг оёқлари, бўшанг тугмаси,
унинг лип-лип этган қорнига тушди.
Май ютдим, май томган кир шимим шишди.
Пиёлани қўйдим. У олмоқчидай
яқинлашди. Оллоҳ, мен қандай чидай?!
Жўрттага энгашди, очиқ тиззаси
кир шимимга тегди, кўзда иззаси –
У менга боқарди. Юзим оқарди...
Лабидан бир томчи шароб оқарди...
У ерга тушмади, лабимда қолди,
ола-гастон бу уй тинди, йўқолди.
Супада иккимиз – қип-яланғоч тан
уйдан уйга қўчар эдик бошқатдан...

07.06.1993 Нантер

* * *

иккимиз учрашсак ишрат боғинда...

Навоий

сават тўла узум узум кўтариб
У кирарди тушимга. Мен эса, ғариб,
ночор, заиф, дардманд, ошиқ, девона, –
фироқида куйиб, минг йиллар ёна...
ниҳоят бу кунга етдим. Биринчи
май куни май насиб этиб, қаранг-чи,
йигирма икки ёш бу пучуқ кизни
кимгадир сим қоқиб, унутгач бизни,
қўлидан оҳиста тутдим. У гўё
суҳбат билан банддек, айлади риё,
қўли эса, кафти эса, панжаси
тиззамда гоҳ беҳол, гоҳ эса жасур,
гайбона суҳбатни англатар эди.
Икки суҳбат аро паришон диди
қўрқинчини енггач, мени танлади.
Телефонни қўйди, қайта тенглади,
алаҳсиган каби бўлдию, қўли
лўли каби уни сотарди. Лўли
қўлига энгашдим. Жодугар лаби
сочимга тегдию, йигитлик зеби
нафасимни, қонимни ўзига тортди...

Орамизда бўлгандан битта шеър ортди.

У аввал йиғлади, мен эса уни
юпатдим. Мен қучган яланғоч тани
қайтадан уйғонди, сўнги хўрсиниш
янги ларзаларга қоришди, таниш
ва нотаниш тани чавандоз каби
тиззамни эгарлаб, кўпиккан лаби
узум узум узум ғужанак узум
сари интиларди, ё менми ўзим
сават тўла узумни терган қўл мисол
чаққон эдим.
Аммо тил – бол тоткандек лол...

08.06.1993 Нантер

* * *

бу аёл мени сой буйига олиб келган аёл эди,
сой ҳам эмас, ариқми, зовур сувими, ҳар ҳолда
анча чуқур бу оқимдан ҳатлаб ўтаман, чамаси, деди,
ҳатладию, оёғи тойиб, сувга қулади-қолди...

бу аёл кетидан ўзимни ташладим,
сув таги балчиқ экан, балки бундан
у шўнғиб чиқмади. Лой қаричладим,
аммо у йўқ эди. Чўкканди чиндан...

ҳайқирдим, шўнғидим кетма-кет,
пайпаслаб, балчиққа ботдим,
тепада ҳамма тинч, ҳамма тек
турарди. Ўзимни йўқотдим...

қоратан бу қанжиқ
ботди балчиққа,
мени ҳам бу балчиқ
асқотти қанжиққа...

Чўккан аёл
оққан хаёл
сой ҳам хиёл
ҳаётмикан...

* * *

ёзнинг, йилнинг энг
калта тунда
мени ҳижрон, денг,
топди, таниди,

мени ҳижрон сўнг
энг узун кунга
ташладю, тонг
отмади менга...

Бу қиз олдида
негадир ҳижрон
мени алдади –
бўш қолди ҳужрам.

У шундай софки,
ҳижрон ҳам мени
олмай ҳисобга,
танлади Уни.

Энг узун куну
калта тун аро
Сенсиз ҳижрон хуну
Сен ила – яра.

* * *

осмон – сувда акс топиш учун осмон эмас,
дарахтлар ҳам ерга барг тўкиш учун яратилмаган,
лекин бунча чирой ўз-ўзидан маст
десанг – янглишасан. Ана у эски тегирмон
оқим кучини оқ унга айлантларар экан –
сенинг ҳам юрагинг тегирмон тошидек оғир,
бир ҳовуч қайғуни бу қизнинг кўз олдида пуфлашинг учун
шамол эсади, сув оқади, вақт кечади ғир-ғир...

29.06.1993 Мулен д'Анд

* * *

Қўйиб юбор бу оқшомни, қўйиб юбор,
қўй, ёпишма, юм кўзингни, ойнани ёп.
Булут сўнар, қушлар тинар, кумуш ғубор
аста қўнар том устига, сени аяб.

Сақлаганинг – расмдаги бу қизми ё? –
ёз бошланмай дарахтлардан барг узилди...
Қўйиб юбор бу оқшомни, сенга нима,
қўй, ёпишма,
сен ҳам бир кун,
сен ҳам бир кун...

29.06.1993 Нантер

* * *

Кўрмадим жононни ўтган кун ҳаётим йўқ эди

Навоий

севгида нимагадир бир уятчанлик борки,
гапирган гапинг ҳам оғизга ёпишмагандек,
қилаётган қилигинг ҳам бироз ўринсиздек,
лекин ким буни севгидан ажрата олади –

Мирабо кўприги остида Сена оқади...

бу дарё бўйлаб иккимиз борар эканмиз –
ёшлигинг сандиғида беркитилган куйлардан куйлар экансан –
ўзимча ўйлайман: мен ҳам мунча бахтли ё бахтсиз эканман –
бахт – ҳозирги касал, бахтсизлик – эртага юқади –

Мирабо кўприги остида Сена оқади...

бугун номингни қайта-қайта дафтарга ёзаман,
бугун ҳали чидай олсам керак, лекин эрта бор-ку,
эртанги сукутдан осмонга қафас каби қадалиб
ана – бебарг дарахт, тилсиз шаъм, дахма Эйфел боқади...

Мирабо кўприги остида Сена оқади...

* * *

тоққа қўйиб юборган қўйларим тарқаб кетди
денгиз эса сурувларини бир-бир ҳайдар

бир йил аввалги Кўк-тепалини эсладим
эсимни ҳаттоки бир шеърга йиға олмадим...

01.08.1993 Бамберг

* * *

тушимда
тушимга кирган
сўлгин қирқ ёшимдан
уйғонмоқчи бўлдим
тепага
узум сўрисининг сийрак тепасида
кузги осмонни кўриб
энди бу ёғига чиранишнинг ҳеч маъноси йўқ
деган салим фикр билан
қайта уйғондим

май 1994

* * *

Худо урганми, унутган
бир олмон қишлоғида бозор куни,
тўғрироғи, дам олиш куни
поезд кутар эканман

баҳор қуёши остида
энди уйғонган қурбақами, чумолидек
эринчоқ фикрларим кетидан оҳиста
юрардим.

Бўш кўча.
Бўш мактаб. Мактаб ҳовлиси,
тўр осилган икки футбол дарвоза,
кетида мўйлови сабза ургандек,
майсаси ниш урган таниш бир дўнглик.

Кўчанинг иккинчи томони – чакалак толлар
оралаб тепага кетган зинанинг
ер босган, ўт босган қолдиқлари, у
ҳам бир нарсани эсга солгандек,
бир нарсага ишора қилгудек у ҳам.

Тепадан қарасанг икки ён жарда
шиша синиқлари, бўкиб қуриган
қоғозлар. Шаббода. Қуёш ҳам қоғоз
булутлар оралаб юрган шамолдек,

истаса кезади, истаса таққа
тўхтади.

Том кераксизлик.

Юрган йўлларида миҳми, илгаклар,
занглаган қопқоқлар – вақт туршаклари,
тош йўлак, темир йўл, ора-чура ўт –
тирик бойчечакми, оддий чимми ё...

Аслида, аслида буларнинг бари
фикрни ундаркан, аввалроқ ваҳминг
англайди: сенинг ҳам ҳаётинг балки
том кераксизликда уларга уйғун.

Аслида сен бунга куюкма асти,
ўлимнинг аслида йўқ баланд-пасти.
Зотан, ўлим эмас, ўлим томон йўл
ўлимнинг ўзидан ортиқ бир ҳаёл.

1994 Наумберг

* * *

бугун қуёш ҳам, ер ҳам мен билан бирга
бир кунга қариди
сўзлар ҳам...

Сўзларнинг қариши шуми? –
тамаки тутатган сил кун қарзидек
“ҳавони паст этар ашқинг нужуми”...

1994

Бир нарса ҳақида

1

Бамбергда эҳромлар бонг урар экан
“сизни севганларни севишингиздан не шараф,
мен эса дейманки – рақибларингизни севинг...” ни
ўқиб
кечаги тек бошимга, ғира-ширада
бу ўрта аср шаҳарнинг кўчаларию,
кўприклари, сал нарироқда эса
тегирмон – биз икки йил аввал
яшаган тегирмонимиз, яна сал нари
юрсанг – дарё бўйлаб икки қатор
дарахтларнинг орасидан кетган
йўлакда...

2

бу лифт фақат тепага юради
пастга қайтишга имкон йўқ
энг кўпи – унда бир нарсани ўзгартираман десанг –
тоғ кифтидан чиққандек – ёнга уради

3

ўлсам агар – бу шаҳарда
ўлай дединг, нега эса –
эсингда йўқ. Балки – зарда,
балки йўлдан қотган энса.

4

мана энди тошларни йиғиш пайти келди
мана энди уларни қотган нондек халтага ташла
дарё оқимиға қарши масофа босишинг – бу бир белги
вақт оқимиға қарши тугул – чўкиш учун оғир бу тошлар...

тегирмон ишлар...
Бамберг бонг бошлар...
бом-бошқа ғашлар...
тек сарсон бошлар...

1993 Бамберг

* * *

чиройингизга ўлчов менинг қайғум,
лекин қайғумда йўқ бунча чирой...

буни ёзиб бўлиб ўтирсам қай зум,
ўзи кириб келди, шошилиб турай
деган эдим, балки бироз қарибман,
охирини ўйлаб эриндим чоғи,
ўз ўрнимда қолдим, тиззамда роман,
унинг устидаги ошхона пичоғи,
ертўла ошхонада қайнаётган жўхорим –
бари силжимай – бу эски ўйинни
на тарк этмай тубан, на олқимай юқори,
балки фақат бироз ичидан куюниб,
йўқолди, худди мен буларсиз қайтгум,
ё тўловига буними ўчирай –

“Чиройингизга ўлчов менинг қайғум,
лекин қайғумда йўқ бунча чирой”...

ёз 1994 Бейсуотер

* * *

Тўрт отлиг турғил дейдилар
Махтумқули

Жуванинг сўнгида, боғнинг ёнида,
қушлар тинч ётганда тунги инида,
кетаркан аланглаб, кўрдим буни-да:
троллейбус сим йўлдан чиқиб турарди.

Иш битди ё ҳали бошлангани йўқ, –
деб энди ўйласам, шу заҳотиёқ
томдан тарашамас, нақд икки таёқ
тушгандек, узоқдан от уфурарди.

Бу икки совутиб бўлинмаган от
эгарсиз, жабдуқсиз, отлиқсиз, ҳайҳот,
кўпириб, ёприлиб, телбалаб, ёхуд
ажалдек бостириб-босиб келарди.

Тўрт кўзим тўрт киши бўлиб, тўрт томон
қочдилар. Ҳайқирди, тўзиб, оломон
ким қолса топталди йўлда беомон,
қолганлар сачраган қондек еларди.

Йиқилиб, эмаклаб, чўккалаб чопдим,
тол – баттол, кўл – бейўл, соя – бир чимдим,
гўргами беркинай – ҳалқумда жон дим,
кетимда ер титрар, осмон қуларди.

Бу қандай улоқми, кўпкари, пайвак,
сен учун на яшиқ, на пўк, на кавак,
деворнинг синчи мўрт, пардалар равак,
от кишнаб гулдурос яшин куларди.

.....

Радио карнайми эди бу овоз:
“Осмонга учсанг-да – бир от бу шаввоз,
сувга ғарқ бўлганда – бошқаси ғаввос!”
Ҳах, суву-кўк эса – қуюн дейдилар.

Қўрқишдан чарчадим, ўгрилдим кетга,
одамга айтгандек дедим бир отга –
нима қилсанг қилғил, топта, с..к кўтга!
шу топда оту от ўзни тийдилар.

Бу отлар телбами, ёки мен телба,
мен отдан қўрқсаму, от кирса тилга,
оғизлар кўпирди, қуриди тинка,
йўқликдан борлиққа эсинти эсди.

Қум тоққа чиқардим қумга кўмилиб.
Боқарди узоқдан отлар термулиб.
Сўнг отсиз дунёда соатнинг мили
жисмимга қоқилиб исмимни кесди...

1994 Барнет

Внезапный отпуск в ожидание смерти

1

тарқоқ фикрларимни жамлаб, чақмоқ
чақмайман. Йўқ. Ўхшаш ўйларимни ҳам
тизмайман бирин-кетин. Айрича, мақ-
садим, орачим, исталган қўналғам –
парвознинг ўзи.

Иш тўла ҳаётда қиларга ишим йўқ
бўлган чоқ нақадар сермазмун бемаъни
бу ҳаёт. Мах Вебер ёки Ўрхон Памуқ,
ё жуда бўлмаса энг сўнгги алманах –
“1994 – Ер Юзи”...

Икки ой илгари мен кўчиб кетган бу
уйда мен тасодиф – тўсатдан қайтадан
турибман, тоқларга ўтирган чанг каби.

Билмадим, балки бу арзимас бир гапу,
бу дунё сирини ҳеч бўзгим йўқ. Қайдам,
қариди, боғланмай, чакагим...

2

аслида...

мен севган сўз – “аслида”, гўёки
тунда шовуллаган дарахт, кўкимтир осмон,
оғир парда, қўқон гулнинг қуруқ гиёҳи,
хулласи неки хотира томига бостирилган сомон
каби аччиқ ҳидни чанг аралаш қишгачами,

кейинги ёзларгачами сақлар экан, яъни
бу борлиқдан эсимизга кўчиб эски кўчани
янги уйлар орасидан қидирган мияни
эслатар экан – қайтган уйинг – ўша аслида –
кўз кўрган дунё эса қорачиғда эмас – ундан чуқур
остонадан кўз ёш ҳатлар, букчайган далда
оёқ босган ўйинчоқдек синар шақир-шуқур,
руҳ қайтар баданга, у эса қариру –
эскимас негадир уй каби, бир куни
чанг босган тупроғу, ўн тирсак хариру,
беш кетмон, қирқ киши босмагунча уни...

3

аскарга кетган оғайним,
уйинг ўша-ўшаю, ўзинг йўқсан.

Туркиянинг қайси бир чекаларида
тўрт ўлчам буюкроқ форма кийиб
чангларни тўзитиб юрибсан?

Ватанингда ҳаммага ёт,
уйинг эса сендан бўш,
хотирамда сеними сақлайин

оғайним, бу ҳаётдан ўпкалама –
ўтгани – эсдалигимизга ўлжа,
қолгани – бўш уйдек бир соғинч...

ёз 1994 Мюлхайм

* * *

Ақлим булғанди. Ақлим тинмади –
“оташкурак” сўзига қисилиб қолдим бир қанча вақт,
ақлимни зўрлаб – пиёз каби арчганим сари
кўзларим ачишди.

Рўпарамда томда қаптар ўтирипти ҳуркайиб,
у мендан ақллироқ бўлса керак, чунки жим,
Хитроу аэропорти томон темир қушлар сизади бирин-кетин,
юнон черкови ғиштларида шом қуёши тўхтади. Қаптар

ўша-ўша ҳуркайганича уни ёзиб бўлишимни сабр ила
кутяпти.

Ақлни тиндириш учун ундан бора-бора воз кечаман.
Ойнам очиқ, пардам тўр-тўр, Лондон ёзга қиряпти –
буларни барини кўтарган эса ер эмас, маънос осмон.

Ёз 1994 Бейсуотер

Самарқанд ушшоғи

чошгоҳдан аввал – соат ўн бирларда
бозордаги симходага Болтавой-мантўр қўнқайтириб
қоқиб қўйган карнайдан – қуёш энди қизита бошлар экан –
шошилмай йўлга чиққан лўли Ибодуллонинг ғилдирагидек
доира – сўнг эса чангу
наю ғижжакларнинг
от, эгар-жабдуқлари, сўнг эса баландкиндаги нозанин
каби – парда ортидан мўралаган овоз...

Тобора қизиб бораётган ҳавода нафас оласан,
ўпканг най ҳавосига тўлади,
поезд ғичирлаб юра бошлайди – чангдан димоқларинг
ачишади – сўнгида эса ғилдираклар “дўқ” этганидек –
доирами – юрагингми ҳавосизликда тўхташ олдидан “бак” этади-ю

“Биёки зулфи кажуст...”

Охун-сомсачи тандирини варанглатиб чошгоҳ сомсаси учун
қизитиб ётибди. Темир-тақачи сандонда кетмонини япалоқлатиб
ётибди гурзиси билан. Қуёш ҳавони таранглатиб
авжига чиқяпти, симхода сояси кичрайиб – беркинишга
жой тополмай саросимада. Кўр Сотим пичоқ чархлаб
учқунларни сачратиб ётибди бу шапалоқ сояга...

“варақ-варақ жустанд...”

Куй пишди. Куй етишди.
Арши аълога уриндию у ерда боқимсиз зормонда
қуёшга “тақ” этиб тегиб, буларнинг бари бекорлигини
тушунди чамаси –
булут борса келмас бўлиб кетган,
осмон задалигидан сарғайиб бўлган
телба офтобу ой сандирақлаб қолган айлананинг қоқ тепасидан
бир зумда тушди-да

чошгоҳда чойхоначи Хотам-малла билан
йўлга чиқиб кетган Собир-сорбонни доғда қолдирувчи
новвой аёл каби
этагини йиғиштирганича қўшниларникига нафас ростлагани чиқиб кетди...

Сув сепишга кимса йўқ...

* * *

Энди ёшариш йўқ, энди қариш бор –
нелар ҳақидайкин сендан уч қарич
нари ўтирувчи бу ёш, бу беғубор
қизу, не ҳақдайкин ўнгдаги қариш?

Бор ўйинлар биру, бу ўйин бошқа,
минг биринчи оқшом масту сархуш бош.
Бўлди, эртак битди. Ўнгингни бошла,
тур, “ҳозирча!” – дею, бор, йўқол ёввош.

Эрта кўрсанг уни – тушим деб ўйла,
тушларингни эса қип-ёлғон деб йўй.
Ўгирилсанг – чигал кетингда йўллар,
кўз олдингда эса чўлоқ ёлғиз йўл.

Бу қиз, бу қиз, бу қиз... Бўлсам-да иқрор,
ақлдан ҳайдалган – ҳисларда бу қиз.
Энди ёшариш йўқ, энди қариш бор –
борса-келмас йўлга кириб қолган ҳис.

1994

* * *

бу борлиқда бир адашиш бор
Белги

1

иш кундалигимдан узилган
бугунги кун нишонасини оддий бир парча
қоғоз каби пуфлаб ташладиму
бошладим...

адашдим, адашдим, ёмон адашдим
ташимда йўлиму, ичимда даштим
бирига киролмай, биридан чиқмай,
қизилтан шафақми, ёки ҳабаш тун?

бу дунё – дун эмас, балки аросат –
бепоён соямиз – тунга қарасак,
шафақни илғасак – тўкилган шароб.
Бу дунё саробдир. Тилдаги тирсак...

деб қирғизнинг бошкентида, Бишкек шаҳрида
қирғиз юртда туғилганим, сўнг эса онам
бу маконда ўлганини эслаш шарҳида
Тошкентдан ҳам зўр қайғумни англардим. Санам
ой отелнинг ойнасидан тоғларга уйқаш
ўйларини ўйлаганча боқарди юқаш.

Шу зум телефоннинг зум-зум зуммери
узун-узун, бамисоли бир ғужум узум
жарангидек жаранглади. Ё эса қумри
келажакни ўлчаб берди: нотаниш қизим –
Бағдод отли қозоқ қизим бошқа бир қирғиз
қизи билан иккиликда эканлар ёлғиз.

.....
.....
.....
.....
.....
.....
.....
.....

Бири – аруз, бири – бармоқ, бири – жин, бири –
пари эди. Бир бирига мени қизғониб
ўпишарди, қучишарди. Жисмим жибири
ҳали-ҳали тукларимни қитиқлаб, қониб,
суйиб чиққан тилларининг излари каби.
Бу-ку – жимир, лекин ларза – қизларнинг лаби!

.....
.....
.....

Оғирлик ва нозлик – опа-сингиллар,
бир шоир айтгандек – нишонангиз бир –

хаётнинг тургани сиру, бу таъбир
ёзилмас хумордек. Сочқир шингиллар
биллур ликобчада тамаки кули
билан аралашгач, Туркистон гули

нетонгки, не тонгки, нетонгки, отди...
томда унган ўтларга шамол асқотти.

2

энг нозик эсимда тўзган хаёллар
шу қадар қўполки, шу қадар дағал
бир умр сўз териб уйда лоақал
дидимга, хушимга моси бўлмаса

соқолни қиртишлаш, зулук аёллар
телевизор – бири айтмиш “дил бузар”
ўзингга нафрату – ўзгага ҳазар
ҳеч сендан аримас талаш-талваса

тақалган фикрингни енга олмадинг
у ҳам сени ахир қилмади иқрор
иккингииз оралаб кезар беқарор
тақдирга тан берган тансиз омадинг

аммо боқ пардангга – шамолми тинди
излаган хаёлни топдими, йўқса
сен эмас тошларда сарғайган майса-
ю уни тебратган сарсон эсинти...

* * *

Нон ёпиш, нон ёпиш осон иш эмас...

узумзор оралаб чўпу, хору-хас
ғарамлаб, орада барглар ортида
бир шингил, бир ғужум, бир тўп, бир тўда
узум кўриб қолсанг – тўзиди чодир –
эсанкирар эсу, хаёл қочодир.

Тандирга ўт қалаш, тандир қизитиш
балки энг муҳим иш, ё энг қизиқ иш,
бу ҳақда сал кейин, ҳозирча эса
супрани ёяйлик, аввалдан роса
муштланган хамирни, пишиб ошаркан
қочирмайлик, синглим, тутайлик, укам.

Зувала, зувала, момик зувала,
сен кирпич олдида қўлбоп гувала,
қўлларим шаклингни чирпантиради,
ўқрайиб ўқлову чаккич туради,
улар ҳам бир бошдан ҳар ишга тайёр.
Лекин нон ёпишдек иш анча айёр.

Тандир бир қорайиб, сўнгра қизарар, –
косовни топмасанг – тургани зарар,
қўлингга энгликни кияр-киймайин,
косовни тандирга йўналтсанг майин,
ўтни чўғалатсанг – бу ёқ бемалол:
нон яса, чаккичла, мойла, терла лол.

Бир кириб бир чиқар тандирга шу он
муштумдек рапида. Ёпишмоқда нон, –
юзлари қизариб қаланган ўтдан,
новвой ила бўлиб бир жону бир тан
сув пуркаш чоғини беҳол кутади...

Бу дамда ўтимдан қоғоз тутади...

Қасидам, навжувон, эй гўзал араб,
нонимни эсладим, мен сенга қараб.
Боқ, дўзах ўтидан чиққан патирдек
иккимиз бу ишни роса қотирдик,
бас – ҳилол гўёки биз тишлаган нон
бизларни кутаркан ҳар тун, ҳар замон...

23.-25.07.1994 Лондон

* * *

ақлим печу-хомаки, ақлим энди бошланғич,
китобларга ёнма-ён айқашган шарҳлар каби,
кун ўтади кетма-кет, қарағайлар яланғоч
қарғаларга чирмашиб эссиз куннинг лақаби...

қаерга интиласан, бўлар иш бўлиб бўлди,
қайрилганда нимаю, қайрилмаганда нима –
шўралади шамолда шивирлаган лаболди:
“Не балоларнинг гарди қотилди гарданима?”

сўз айтилди нимаю – айтилмади – бари бир
умрим битар оҳиста, лекин буни билсам ҳам
на енгиллар ғамимни янги туғилган таъбир,
на ой каби таъбирни енга олар тундек ғам...

Рамазон ойининг боши 1994 Барнет

* * *

қизил кийган бу қизга, ўғлим, нима қилмайин,
майин шамол юзимга теккандек йўлиқаман
у тўқилган ип-харир – ўйларимдан ҳам майин,
сўзларда қўполликдан ўз-ўзим ҳовлиқаман.
Ўтмиш аччиқ ва ширин модданинг қуюшмаси
деб ўйласам ҳар эртам умидларни армонга
оқизувчи хазонрез иш кунимдек, чамаси,
мен керакман унгаю, у керак эмас менга.
Бу қиз эса тескари, бу қиз дунёнинг терси,
у йўқликдан бор бўлиб борлиқни йўқ этади,
эсим оғиб у томон эссизлигимнинг эси
чалғиган лайчалардек кет-кетидан кетади...
Ё метрода “хайр” деб, қўл силтар экан, баски
ён курсига – бўшлиққа инар ажалми, дажжол,
ё кўр шиша чироқда қўшни чироқнинг акси
офтобнинг ўлигидек кўз юмишга бемажол...

15.-27.01.1995 Барнет

* * *

Савол – ҳиқичоқдек – эсни тортгани каби...

...нима демоқчи эканман, эсимда йўқ.

Балки ҳақиқат билан ёлғон орасидаги парданинг
нафасингданми, кўча шамолиданми ҳилпираши, ёки

бу парданинг гарданингга тушган оғирлигиними –
фараз қил бу қизга ростларингни барини билдирдинг:
кўчаларда юрганимда энтиккан ашулаларим – сенинг,
эртангги кун ботмас оғир қуёшдек кўнглимга сени деб,
кўйлак ортидаги баданинг – иситмам менинг...

Йўқ, сени алдаганим маъқул, ўзимни алдаганим маъқул,
бу ўткинч бир нарса – нафасимнинг кўк йўталию, юзимнинг қизамиғи бир навъ,
бир кун эмас бир кун намланмайди шамолдан кўзу, увушмайди совуқдан қўл,
сендек яланг ёлғонми ё сенсиз ёлғиз ҳақиқатга унаб.

Кечалари ётар эканман, ўйлайман: жоним
бир кун учиб кетса-да, бу гўштни, бу суякларни ташлаб,
ер билан қоришиб ётган жисмимга ачинаман, чунки чунонам
сен деб суяк зирқирарди, сенга эди ташна лаб.

25.12.1994 Брайтон

* * *

ёр бордию, кўнглимда анинг нози қолибдур

битди зиёфат. Меҳмонлар тарқади. Зотан,
бу ўтириш авжида дуруст муомала тополмай
кечанинг кечимсиз тугадини кутар эканман, узоқдан
сизга боқардим, лабим оқарармиди, оқармиди май –
ҳар ҳолда осон туюлган нарса чинданам эди осон:
меҳмонларга чой бўлсайди – дейиш, ёки овқат совимасдан олинг...

Битди зиёфат, идиш-товоқ ювилди, қозон
тўнтарилганича, энди худди ичинг ёки аҳволинг.
Гумбирлайди капкир сургандек бўшлиқ унда ваҳшийларча,
юрагингними ё жигарингни қовуриб берганмидинг бояда?
Битди зиёфат. Шип остида чироғу кўр пашша, ё-да
ёзни куз кузатгач, жунжукиб сарғаяр шуларча...

01.08.1994 Бейсуотер

* * *

1

“тушимда кўрибманки – ҳомиладормишман...
беш ойли... бола қорнимда тепганидан уйғониб,
ўзимча ўйлаб ётибман: қорним ростданми шишмон,
ёки туш кўряпманми...” – бироз утаниб,
бу қиз қаради-да: “Нимага экан...
йўя биласизми?” – дегандек лаҳза
менга боқиб турди.

Уйда уй бекам
саккиз ойлик болам, қизми ё ўғил
ҳомилани тушда эмас, ўнгида
кўтариб юраркан, мен жавоб тугул,
умуман, бу ҳақда ё бу оҳангда
сўзлашишга ҳаққим бормикан ўзи?!

Мен ҳам туш кўрдимми, кўряпманми ё
алмашдимми ернинг кеча кундузи –
аччиқ ҳақиқатдан аччиқроқ рўё –
Худо хоҳласа мен икки ҳафтада
яна бир бор ота бўларман, бироқ
тушга бошлар экан бу қиз афтада,
мунча сочи тим унинг, юзи эса оқ...

2

хаёлимдан “кет!” – деб ҳайдаёлмасам сени
хаёлимнинг ўзи гулхандан ҳайдалган қанжиқдек
суқланиб, ялақиланиб қайта-қайта тунов тусини
оловдек юзингга, тундек сочингга уйқаштирар экан

бир навъ санчиқми

одамнинг елкаси унга тенг қоя
орадаги дарада эса

мен билмаган бир туйғуми сиқилар
сен ҳақингда ўйлашга тутилмасайдим боя –
кўп бўлса юрагимдами, пешонамда бир чандиқ қолар
эди-да, энди кеч, энди куз тунининг ўртаси, ярми,
яхши, мен ухламай, шипга, эшикка тик боқай,
шунда шу шаробдек сароблар ўзини тиярми,
балчиқу бу тунга ботарми гулхансиз бу тўқай...

07.-08.10.1994 Барнет

* * *

1

энг тоза шеър ўрнида

осмонда икки бурунли учоқ – темир қуш
қўнимга ина туриб, бирданига шаштидан қайта-
ди-да, орқасига – кўзим тортиб олгандек – маҳалла-
мизга туша солиб – учоқ эмас – танкка айланадию
маҳаллани гир айлана – мана энди тўпга тутаман,
ер билан яксон қиламан дегандек – ёшу қарини
талотумга солади.

Нишонни кўкрагу-кўзларида тутган бизлар
кавак қидириб типирчилаган сичқонлардек
тарвақайлаб қоча бошлаймиз. Томда – увадалар
орасида, ё ерда – гувалалар, ё сувда – кўприк ходалари
тагида – беркинадиган жой ҳам йўқ –

беихтиёр уйга қайтасан.

Бир карра ўлиб бўлган Раҳим тоғанг
сўғалини очибми, тирноғини чайнабми –
сув жумрагига осилган кир устида ўтирипти.

“Опамлар уйда. Жуда оғир” – дейди у.

“Бувижон, бувижоним, онажоним...” – деб кириб келаман
мен салқин даҳлизга. Ўлиб бўлган
бувим чиндан ҳам ўлим тўшагида ётгандек –
хирсиллаб ёндан-ёнга ағдарилиб боқади.

“Худога шукур! Улгурдим...” – деб ўйлайман мен.
Бувим яна бир бор уғрашиб, шол қолган
оёқларини қўллари ила кетларидан тортиб олар
эканлар, оғиз очадилар.

“Аввал, – дейдилар бувим, – жон-мадор борида
айтаолмасдим, энди пайти келди.
Йигирма шиша вино – май ҳам, шароб ҳам
эмас – вино! – ҳозирлаб қўясан-да, ана ўшанда
‘А...М’ топасан! Ана ўшанда у сеники...”*

(* Албатта мен бироз шошилдим, албатта
Бу сўзларнинг қўполлигидан уялдим ҳам,
Лекин раҳматли бувим ўлаётган эди-ки, ҳатто
Уят ҳам орамизга сиғмас эди бу дам.
Яна бир бор айтмоқчиман, албатта мен
Бу сўзларни қуйидагидек йўя олардим, бироқ
Пештоқдан қулаб чироқ ўчаётган экан, ҳамон
Унга интилсанг – куйган қўлинг азизми, ё ўша чироқ?
Бу оддий сўзларнинг замирида не-не ғазаллар,
жон қушию, учқур ажал, илиқ қон талвасаси,
танҳолик ва бекаслиқда ўтказилган қанча азаллар,
келажак бепарволикнинг қанча нишонаси ёки саси –
буларнинг ҳаммасини нозик йўлда йўғусим шубҳасиз,
лекин чироқни яна эсларканман, мени куйдирган шишамас – олов,
ё Оллоҳ – сирга бой, жавобга шунчами хасис,
ё жавоб ўрнида бунчалик бетайин ҳаётми тўлов?
Кун ўлди. Ўн тўрт минг олтиюз олмишинчи туни.
Шиша йўқ. Шишада шароб йўқлигидан маст

бўла олишингни тушунсанг-да, куйган қўл тутуни
на маънодан ортиқ, на бемаънилиқдан кам эмас.)

2

излаганим – маъно эмас, ҳатто
маънони йўқлиги ҳам эмас, чунки
маъно бор эса-да, уни топа олмасанг –
маъно йўқлигини топганингдан ҳеч фарқ этмайди

шаҳарлару қишлоқларда, ернинг турли чекаларида
одамлар қулоғимга тил-тил сўзлар қуяр экан
эшитганим айтганларимдан на тузукроқ, на бадтар
балки ўқигану-ёзганларим бундан бироз истисно.

на пятом десятке лет стирая своё бельё
я думаю о Париже – кулгим қистайди –
эсимда – жума куни уни сўнгги бор кўрдиму,
шу бўйича ҳар кун ўз-ўзимни эзаман.

Калланг тешик, дейман, йўқолганини билсангу,
ғазаллардагидек чорасизликни чора деб йўйсанг.

Қаерларда экан у – тушимдаги ҳадя ит
Кузовдан тушиб қолиб мени сарсон қилганидек**

(** маҳалламизда кимдир, Костяларми ё бошқа,
хулласи аллаким барзангидек итини
кетишим олдидан ёнимга ёввошгина
олиб келдию, қолдирди. Ит ҳам ҳеч тиним
билмайдиган лайчалардан эмас, вазмин ва кибор –
кўзларини менга тикканича, думини бир бор ликкиллатмай

мошина қўзғалишини кутарди. Хешу-габор
қўл силтайвериб эзмаланарди. Шофёримиз мой
қуяётган эдими-ей. Ит чамаси чидаёлмади –
хожатини чиқарганими, ё маҳалла лайчалари билан хайрлашганими
кузовдан сакраб тушди-да, шофёрнинг омади
шу заҳоти келса бўладими – дарвоқе, Сашкага нима?! –
мошина қўзғалди. Мен итни чақирмоқчи бўламану –
энди берилган ит эмасми – отини айтишмаган экан –
“Хув!” – дейман, “Ҳой!” – дейман, “Эй!” – дейман. Кўчанинг оломони
ҳар томондан аланглаб менга кўзларини тиккани тиккан.
“Олапар! Олапар!” – десам бўлармиди. Лекин бу ҳам адабиёт,
мен эса тилсиз дунёга кириб қолдимки, муносабатлар унда мубҳам,
бир итни исмсиз чақиришга қурбим етмасаю, қайси от
билан Сени ҳам чоғлаб, ўз-ўзимга боғлай ҳам?..)

Яна ўзимни қийнайман, қайта-қайта тисариламан,
ўзимни терговлайман, эговлайман ўзимни,
барибир эмасми, қидирганим доруламон, маън-
оми, қизми, шаҳарми, телефон китобчамми, сўнгги сўзимми...***

(*** бу дунёда мен учун тилсиз дунё бормикан

.....
.....

26.06.1994 Бейсуотер

ТОНГ МАШҚЛАРИ

* * *

Улуғ сўзми, ёки бир тентак
ашуланинг юқумли куйи-
ми, – юракни тирнаса, демак,
қайси бир – бунинг фарқи йўқ;
дейлик, Чўлпон, ёки Коммуна
номли аёл: “Пахтадан ясай
хирмон” – дея ўтмишдан мунгли
овози-ла йиллаб куйласа,
ёри эса қайтмаса... нечун
ушбу қиёс устидан қулар
вақт келганда, ғам йўлида жон
берай дерсан?
Оҳ, ўтган кунлар...

1987

* * *

Нима учун борлигингда бу даража бузгулук?

Чўлпон

Нима учун билмайман мен, Тонгги юлдуз юзаси-
даги ўнқир-чўнқир саҳро каби қизил қумлар аро
эртаю кеч кезар исм, унинг шўрлик эгаси
эса қайси лаҳадларда, ҳеч ким билмас... Йиғлар саҳро
бўйлаб юрган соясиз ном.

Бу нега?
Айт менга!

“Биринчи бор Ҳазрат бўлиб оқ туяга миниб келган
пайтда унинг оташ руҳин сарқит-сароб дедим мано...
Қуёш каби кесилган бош кунингга битдим, телба
волидам, Маккам-Мадинам, эй девонаворим, фано
юртим манам, икки дарё бўлиб оққан кўз ёшлар
босқинчи селмиди, тақир тутмаса, ўргимчак каби
тўрларини; гўдақларинг дашти суубатга бошлаб,
борса-келмас оролларга қўмдинг, саҳрои кабир”, –

дейди нега
бу ном менга?!

“Нима учун сарсон бўлиб қидирсам-да, э воҳ-а,
фалон каби йўқдир танам, қабримда эса тошим?!
Нима учун шеърларимнинг ҳатто руҳи-арвоҳи

қумдек тўзар, тошбўрондек? Нечун қон маним бошим?!
Қани маним эгам, жисмим, ўтмишим, ўтинчим, оқ
деганим? Бил, эй фалак, ҳатто учоғнинг қуюни
яраларга оғу босиб, бошимни қилганда оқ, –
кўр бўлсам-да, гўр бўлсам-да, кўрмак истайман уни!” –

дер нега
у менга?!

Ёки саҳро каби унинг тинкаси қуриб, илдиз
отолмаган шўрлик янтоқ тусига ном ўралар
ва юмалар акс-садодек: йўлида қанча юлдуз,
қанча янтоқ курралару, саҳрои сайёралар...

1987

* * *

Бўлди, бас! Буздим бу шеърни сатридан
тортиб, то вазну қофия қадар, энди
қайтишга йўл йўқ! Хаёлим саргардон,
не катак ичра маҳбус каби тинди?

Не учун аввал йўқотиб, ёки йўқ
қилгач, фақат қотил мисоли, сўнгра кўр
кўзларимда тебранар бу ёш гиёҳ-
нинг муножоти, нечун, Парвардигор

йўқ катакда ушбу инсон ўзи берк
эрк ўрнида дунёда бор гуноҳни
чекиб ётар, яна номини ўзбек

деб, Ўзинг ҳам, йўқолибсан, гиёҳни
мозорлару мозийлардан шаънига
шамчироқдек чайқаб.
Айт, нечун, нега?

1987

* * *

Қишки тунда ўрмон сирли. Бу сирни
ҳар бир сирдек айтиб бўлмас. Кўрдингми,
ана энди Худо хайрингни бериб
даҳшатингдан эзил, ҳайратдан йиғла.
Лекин жар бўйида мудҳиш ва ғамгин
қарағай ва қайин тилсимотини
ҳеч кимга сўзлама. Хоҳла, бу қорни
тегирмончи чолнинг ун босган қоши,
киприги, мўйлови, сочига ўхшат.
Хоҳласанг, қиш-кампир супра ёйсину
унини эласин, ун эса кўмсин
чаккичу гўдакнинг бармоқларини.
Хоҳласанг, нишолда юққан чилчўпга
ўхшасин қор юққан узун арчалар,
хоҳласанг, сартарош қўшнингнинг совун
кўпиртириб урган мижоз юзига.
Ниҳоят, хоҳласанг, тунги ўрмонни
пахтага, пахтага ўхшат, фақирим,
сен учун мўъжиза уч минг чақирим
ёт ерда қопласин тунги ўрмонни...

1988

* * *

Баҳор нафаси...

Яхмалакда гир айланган қўйлиғу қамчи
қўнжи қайриқ дўқир-дўқир этиги билан
қоп-қоронғу молхонада боши оққанча
ҳали-ҳали турганмикан бир қотма бола?

Баҳор нафаси...

Сув сепгучи машинада шаҳар четидан
эрта-саҳар қайтётганда, бирдан шаббода
сочларини ҳилпиратиб ўтса, кетидан
қайрилсанг-да келармикан қиз ёки бола?

Баҳор нафаси...

Дорихона, дала, дўкон, дорилфунун... дард! –
деб бу мудҳиш доирани узган сароб-ла
оқ рўмолга ўзин буркаб, ўтмишига ғарқ,
кун ботишда “кунингман” дер кампирми, бола...

Баҳор нафаси...

Юртинг узоқ. Деразангда бир ўзга осмон,
гўё кўлмак музларида барг айланган пайт...
юрак сармаст куйиб йиғлар бир қарғасимон:
“Эй насими, субҳ аҳволим дилоромимға айт...”

Баҳор нафаси...

Қисматимга битик экан ўткинчи фурсат,
о, Илойим, энди Сен ҳам юзингни кўрсат!

1988

Алла

Жоним деди: ухла, таним,
умр бўйи билмай тиним,
нуқул соқчи бўлиб юрдинг
қуй бу манинг сўнгги туним.

Алла, таним, алла-ё,
ечилмас тўним, алла...

Сен ухласанг - йўлим қалтис,
кўкда юлдуз, ерда илдиз,
из қолдирган қочоқ каби
майин тунда қолсам ёлғиз.

Алла, жисмим, алла-ё,
ажралмас қисмим, алла...

Таним деди: ухла, руҳим,
Ҳарён изғиб бузма роҳим,
умрим бўйи сен деб юрсам,
сен на раҳмон ва на раҳим.

Алла, жоним, алла-ё,
Илонваш жиним, алла...

Сен ухласанг - абад ором,
ухлар ярам, ухлар орим,

ухлар ярим тундек борим,
қолган ярми – боғи эрам.

Алла, жоним, алла-ё,
жилвагар жўним, алла...

Аросатда қолдим ўзим,
бу эгизак икки қўзим
бешиқларда ётар десам,
тобутларга тушди кўзим.

Алла, тин созим, алла-ё,
Кўз юмсин сўзим, алла...

Руҳ ухлагач недир этим,
тан ухлагач – недир отим,
иккисини етим десам,
бедор қолган ўзим етим.

Алла, ҳай аллам, алла-ё,
Аллане олам, алла...

1988

* * *

Мен йўлимдан адашиб
бу жаҳонга келибман,
фироқим ҳаддан ошиб
сўроққа тутилибман.

Гулга – булбул, лабга – бол,
сахрога – мажнунваш каби
бу жаҳонга гунгу лол
далли маҳбус бўлибман.

Жонга – тан, сўзга – катак,
юракка – кўкрак қафаси,
барига топгач қамоқ
ноладек отилибман.

Дермишам: узга йўлим-
ким ўзга йўлда қолдим,
мен эса дайди ўлим
йўлида йўқолибман.

Ўтмишимда бор эди
имкону интихоб, вале
мунда шеър, шеърда радиф,
радифда бир мен қолибман.

Баски минг имкон эрур-
ки мендек вужуди ваҳдат,
ваҳдат-ал вужудда еру
ғишти кўчган қолипман...

1988

* * *

Мен излар овлайман
излар овлайман

айталар-ки искагич ит ҳам
из қидирар,
унинг сендан фарқи нима?

Йўқ, дейман мен,
мен излар овлайман
излар овлайман

Жиноятни очган терговчи,
қиз уйига шошилган совчи,
чўлда издан сув ичган овчи
сен эмасми? – дейдилар улар.

Йўқ, дейман мен,
Мен излар овлайман
Излар овлайман

Кетимда
тоғни букур қилган бу излар,
этимда
дукур-дукур чопган бу излар,
етим-да
беиз бўлиб қолган бу излар –
менинг кўзларимда

менинг сўзларимда
ўз-ўзин излар.

Мен излар овлайман
Излар овлайман

Ҳа, бу изни итингга ғамзада расан қилғил,
Ҳа, бу изни Эна-сой бўйлаб Соб-ерга норасида юбор,
бу изни қиз дея сев-буз-чиз-тилғил
лекин бил-ки бу из бор!

Из овлайман...
Наҳот бу из фақат мавҳумнинг изи?
Юз минг олам изга жоиз наҳот марҳумнинг юзи?

1988

Дахрий бозор

Кеб қолинг!
Об қолинг!

Бизнинг худолар
сиз каби одам,
ува-жували,
қип-ялангоч ҳам.

Бизнинг Худо-чи
қирқ кўл, кирк оёқ,
мол керак экан,
ўтингиз бу ёқ!

Кеб қолинг!
Об қолинг!

Бир эмас - учта
бизнинг худомиз.
Олинг, сиз учун
ундан жудомиз.

Бизнинг Таолло
Воҳиду-якка,
алҳамду лиллоҳ
раббил оламин.

Мен эса, Тангрим,
Тилуқмас ўзбек,
бошқа тилларда
Сўзларингга берк.

Не билай, нечун,
тилимми йончиғ,
бу очунда йўқ
менга юпанчиқ.

Шу-шу соқовдек,
ё кўрдек, Байот,
нетай бозорда
юрсам Сенга ёт...

1988

* * *

Э воҳ шоиримиз эликка тўлди,
қўрқоқликдан қўрқиб энди мард бўлди...

1988

* * *

Девор ортида ҳовли,
дарчаси бедаракмиш.
Тунда очилса гули
юрак-бағрим ҳалакмиш.

Атир гулим, атир гулим,
лов-лов ҳавотирим, гулим.

Ҳовлидаги йўлакка
Шағал тўккан ёрми ё?
Юрагим шиғ-шиғ этса
қадамига зорми ё?

Атир гулим, атир гулим,
тилка-пора бўлди дилим.

Осмонда ой узоқдир
шоти қўйиб етмасам,
сувдаги зар йулак-ла
йиғлаб-йиғлаб кетмасам.

Атир гулим, атир гулим,
шунда битурми йўлим?

Қаро тошга отимни
ёш тўкизмай боғладим.
Ёрга ёт ҳаётимни
қаро ерга чоғладим.

Атир гулим, атир гулим,
ҳайҳот, отинг надур, гулим?

Тунда очилган гулдан
юрагимда тош қолди,
тош устида гултожу,
гул баргида ёш қолди.

Атир гулим, атир гулим,
сен ҳаётми, ё ўлим?

1988

* * *

Ўлсам тепамда маним
йиғламас оға-иним
оға-инига етмай
битди дунёда куним.

Ўлсам отам йиғламас,
ўлсам дўстим йиғилмас,
бир беватан ўлганин
қаро мардум илғамас.

Йиғламас ўлсам онам,
кўнглимда битмас гинам,
кўзёшимга кўмилиб
ерга кирган зебонам.

Қайда болам-у синглим,
қайда маним севгилим?
Йиғисига интизор
йиғлар тепамда ўлим.

Ўлсам йиғламас ҳеч ким,
на саҳарги, на кечким,
шунда ўзим йиғлабон
бору йўғимдан кечгум.

“Мозор боши кўклам-ей,
кўклам чоғи алам-ей
етим бўлиб яшаган
етим ўлсанг, болам-ей...”

1988

Капалак

соҳилдан кўзларим узилган кезде
кўзларга тўлқинлар ургач нам
тўлқинлар ортида капалак бир дам
кўриндию кўзим бир дафъа кезди
беюпанч сўнг яна кўринди бир он
унинг оқ ва жажжи қаноти
балки бу мавжларнинг кенг қулоч отиб
сузишидир балки кетидан тўфон
келятгандур йўқ йўқ ўша капалак
денгиз уза учар кун баланд соҳил
узоқ атроф денгиз қолгани ахир
ергаю денгизга тикилмас фалак...

капалак жонгинам не қилиб бунда
учасан бу ерда йўқ-ку гул
гул тугул сен учун йўқ бунда буткул
на қўноқ на манзил на дилгир банда
кун баланд ер узоқ тўрт томон денгиз
бешинчиси осмон кети йўқ кўча
кун сари учдингми дунёдан кеча
шамолми сен учун кенг из

(капалак жонгинам сен топдингми ё
мавжларнинг сачратқи гулини
ё ойнинг зарқайиқ йўлини
кеча кўриб бўлдингми унга маҳлиё
елкан шами сеними чорлади

ё кӯёш денгизда портлагач бирдан
ўтли гулбарг аро кўринди бир дам
чечак қиз қизғалдоқ ё лаби
пирпираб сенга шеър айтдимми...)

капалак жонгинам ёки биз адашдик
балки бу ёз эмас кеч куз
балки мен ўзимга кўзингни ёздан уз
десамоқ кўзимда ёш эмас типпа-тик
денгизга тушётган оқшом қорлари
қанотинг чангидек қоқилди қолди
осмон астаридан денгиз йўқолди
тўкилди кўнглимнинг ёз виқорлари
музлади кўзларим ўйларга толди

1989

* * *

Ётоқимнинг болаҳонасига
уч оила қалдирғоч
ин қурган.
Бири бўш.
(Бола кўришмаган бўлса керак)

10.20

Гуржи фаррош кампир
обҳазларга зарда қилиб
эшикни қаттиқроқ ёпганми –
эшик тепасидаги иннинг яр-
ми ўпирилиб кетибди.
Кемтикнинг лабида
учта гўдак полапон
дир-дир титрайди.

Қизим йиғлайди...

11.22

Қоғоз билан тўсиб боқдим,
пахта қидирдим,
нонни чайнаб тутиб боқдим,
елдим югурдим –

оналари қайтмайди.

Қизимни юпатаман

12.00

Полапонларнинг кўзи
хиралашади...

12.30

Уйга қайтгим келмайди.

Ахир онаси кечган бўлса,
мен ким бўлибман?!
Юрагим ғаш –
қизимни юпатаман.
Ўзимни юпатаман.

Одамлар ўлиб кетаяпти-ку...

...Бундан бир 15 йил аввал
тўсатдан
икки қарама-қарши юра бошлаган қўшни
поезд орасига тушиб қолдим.
20 метрлар чамаси олдимда
бир киши.
Қарасам,
энди юра бошлаган поезднинг
тагига бошини қўймоқчи.
Дод! – деб югурдим.
Мен қўрқдим, у қўрқди,
жонҳолатда ёқасидан тошларга
тортдим.
Ғилдираклар тақир-тукур.

У:
“Қўйвор! – дейди.
Мени тортади...
Маст эканми, томоғига тиззамни тираб
Бўғдим...
Кейин,
поезд ўтиб кетгач,
роса сўкиниб
мен ҳам кетдим. Хаёлимда эса:
“Ажали
етган бўлса, йўлин тўсиб нима қилардим?
Алаמידан энди ажал менга келса-чи?!”

13.03
Уйга қайтдим.
Айтдиларки:
“Бошқа уяга
кўчирсанг-да, бошқалари
чўқиб ташлайди.”

Хуллас, чида!
Чида, қизим,
кўз ёшингни арт.

Ҳали, оқшом, газетага
уч мурдачани
ўраб, гўё кафанларда
чиқаражакмиз...

Қизим йиғлайди.

13.26

Майли, нима-
ики бўлса
бўм-бўш, ҳеч бир жон
яшамовчи чет уяга қонлари илиқ
учта тирик етимчани
кўчирдим...

Наҳот
овозлари ҳўл ҳавони ёриб
етмаса
онасининг юрагига,
наҳот ин шакли
бола билан аждодларни
боғловчи якка
илинж бўлса?!

Чида, қизим!

17.19

Келди ҳаёт бу уяга...

Узоқ Тошкентда
сингилжоним қиз кўрибди.
Муҳаббат исми...

Севинчидан сайрар қизим...
Юрагим – нотинч...

1990

Ширин, Нахшон, Азгануш...

Хайр, қизча, алвидо, қизча,
кўзларингни денгиздан бўшат.
Энди йулинг – шамол изича,
энди мендек йўқ сенга бекат.

Ип узилди. Кема йўқолди.
Соатимиз юрди ҳар томон.
Мен айтмаган икки сўз қолди,
шундан бири эсимда: “Тамом!”

Тўқнашувлар, сўзсиз қарашлар,
орамизда сирли “ҳеч нарса”,
энди бошқа бўшлиқни бошлар,
агар денгиз енгин шимарса.

Агар денгиз югуриб, елиб
кўзларимни тўлдирса яна,
бу ўлимми, ё бошқа ўлим
бу ўлимга бўлар баҳона...

23.08.1990 Кўктепали

Ёмғир-ёғалоқ

осмонни силкитган шамолнинг бошига шовуллаб
тушган тош довча-ю, қарсиллаб синувчи шол шохлар
остидан қочганда қув шамол, қозонда лим шовла
биқирлаб қайнашга тушдию, вишиллай бошлади ўчоқлар.

Ёмғирнинг чилчўпдек чангларни қорувчи қадами
кампирлар кўрпага пахтани саваган шолчада
бир зумга тиндию, чамалаб савади садани,
чангини барглардан бўғчалаб тугди чилон жийда.

Тарновнинг тагида занг босган пақирнинг оғзидан
бум-баклаб ноғора гупурди, оғилда маъради карнайлар.
Хўл пахса деворга бош қўйиб йиғловчи тул одам
шаклида қари тол келинчак бўла олмай найлар?

Супурги ҳидидан юзини ўгирди гултожи,
шалаббо ҳовлида ариқнинг бўйида обдаста
бу лойқа сувларнинг, жаланинг базмига муҳтождек,
чурқ этмай турарди, ўзича сипоҳу ораста.

Шамолнинг кетидан қувлаган шопмўйлов булутлар
қайтмади, уфққа ўчоқлар қалаңди, тўй кетди.
Кул сепиқ шолчада акс этди камалак шох-бутлар,
ва ё бу тўсатдан уйғонган болакай туш этди...

10.-11.02.1990

Лавҳа

Мана у

тез оқар тоғ сойи сувининг остидан бир дафъа шўнғиб чиқдию
кўз очиб улгурмай силкиган сочидан икки тизги сув
“шув” этиб бетию бошини боғлаган ип каби сойга тушди-да
Шу заҳот оқимнинг тагига оғзини очганча шўнғиб кетди у...

Ҳижрат

Қўшилаётган йиллар эмас. Қўшилаётган – ғам.
Юрагимнинг кечалари чексиз ғамхона.
Не-не зотлар умид билан қурган уйлар ҳам
ҳеч кимсасиз эса, йўқса менга ҳамхона.

* * *

Вақт чексиз каноподек бир нарса албатта,
лекин бу канопо
юракни устма-уст ҳалқадек ўраса
ҳар битта ўрама
ҳалқумга қалққан жон оғриғи учун
гўё таноб

* * *

1

Кўзимнинг пардаси очилди,
юзимга совуқ нур сочилди.

Дунёнинг қизиғи қиз каби
қолмади; узилди қон лаби.

Осмонга тўкилди гулшароб,
оғзимга тиқилди изтироб.

Астарсиз кўрпадек булутлар –
умрлар, умидлар, унутлар...

Қиш. Бўм-бўш жуфт хона. Сўнгги ўқ.
Йўқ, энди такрорга ҳожат йўқ.

2

Кўзимнинг пардаси очилди,
юзимга совуқ нур сочилди.

* * *

...фарқи йук бу оқим, эсла, Тоҳирни
сандиқнинг ичида... ҳа, майли, дарё
кўз ёшдан бўлса-да, нечун охири
ҳар томон тобуту, гўдаклар ҳар ён
кўзимга...

Айтгандай, сен нима демоқчи эдинг?

...номини

роса ҳам эсладим, лекин томдаги
увада сингари, шамол эсан чоқ,
изғиринларми-ей, далами,
ёки шўр... ҳа-да, тилимнинг учида тарқоқ
таъм...

Айтайлик, сен нима демоқчи...

...эдим... сўнгра куруқ ўзанмиш-ки, кўр
хасса йўл тополмай беқасам тошга
соясин ташлагач, бечора букур
тош эриб, кўнглимни эсласа кошки...

Айтмоқчи, сен нима...

...Зухроми, ҳаётинг муздек юлдузга
битибсан, ва ёки кўз ёшинг кучи
“Укам-ёй, вой, укам...” дейишдан ўзга
йўл топмай битдим... У-чи?
У?...

Айтганча...

У дөрмиш: гар ватан Лутфий... Йўқ, адаш...
ўзбекнинг кўзида тутмам, не ажаб...
чунки эв қўпормоқлик эрурмиш душ-
вор Жайхун устина... бу ўнгми ё чап...

Айтганча, сен нима демоқчи эдинг?
Дарвоқеъ, сен нима демоқчи эдинг?

...фарқи йўқ бир оқим етти юмалаб...

Наргис

Наригиси – Наргис...
(шивир-шивирдан)

I

Балки мен ҳам “оҳ” урганда еттиқат ҳаво
ер юзини қоплармиди... Остида эса
бир сават гул кўтаргандек, хипчабел майса
қимир этмай истармиди ҳилват ва маъво...

...балки мен ҳам йиғлаганда өтти оқим сув
ер юзини қоплармиди... Сувдаги соя
гулқуёшининг ёши каби, кетгандек зое,
қон қалбимдан қистармиди қиёс ё қисув...

...балки мен ҳам... лекин мен ҳам ўзим етти ёт
бу сўзлар-ла ер юзини қоплаган, бир ис
асал ари каби мени маст этди...

Наргис...

балки сен ҳам ўз-ўзингга қасд қилган сайёд?...

II

Афсуски, мен Сизни танимасман. Сиз
ҳақингизда кўп эшитдим. Афсуски, менсиз
кун кўра биласиз. Мен эса энди
Сизни (ўша кеча кўрдиму, тинди
кўзим, ундай десам, юрагим) ўша

кеча кўрган байрам... Йўқ, овлоқ гўша
ичига жойлайман ва қайта-қайта
лабимни тишлайман, исмимни айта...

Офтоб куйгай...

Ўтмишимнинг унлари...
хамир қордим тунлари,
саҳарнинг устунлари
ёнди лов-лов тандирда.

Супра ёйдим, ёришди,
унга терим қоришди,
зувала бўлиб тушди
супрага бурда-бурда.

Чаккич, энглик, рапида –
булар нон тарафида.
Биз эсак – алоҳида:
олов билан юзма-юз.

Пишди нонлар, узилди,
юррак-бағрим узилди,
ҳорғин сўзлар ёзилди
бири биридан маъюс.

Сен тандирми, мен тандир? –
деган гап қаердандир
узоқлардан келгандир –
муздек қалбингга инон.

Сен учун дўзах битди.
Совуқ мардумда қотди
кўкда битаю-битта
узилмасдан куйган нон...

* * *

Бобом масжиддан қайтса
нишолда олиб келар,
кейин отга миндириб
шайтон-қўприкка елар.

Бувим чарлардан қайтса
қатламага тўямиз,
бувим кўрган тушларни
яхшиликка йўямиз.

Тоғам ишдан қайтганда
махсисини тортаман,
айёр, маккор, муғомбир,
қув, тулкидан ортаман.

Холам қайтса бозордан
попук қандлар шимамиз,
меҳмонга шаъма қилар
чойда сузган шамамиз.

Қайтса аммам, амаким,
қайтса отам ё онам...
қани қайтса кимда ким,
ҳей, жаннату, жаҳаннам...

Борса келмас йўлларга
бизни қўювчи доим,
юрагимга қоқару,
мендек қайтмас Худоим.

* * *

I

Бозор қайтди. Энди, эна, сотган пистангиз
икки сиқим чақа бўлиб, хоҳланг, паттага,
хоҳланг у-бу харажатга, ё истасангиз
уйда ҳисоб-китоб учун ярайди. Агар
хайру-эҳсон қиламан деб, сиз йўл-йўлакай
топган-тутган чақангизни кўр девона, ё
чўлоқ хотин оёғига ташлаб, болакай
манглайини силасангиз тўларму дунё?...

Мен ҳам қайтдим бозоримдан. Сўзим ўтмади.
Бор бисотим совурилди. Мен ўзим халос.
Эна, балки сиздан қарзга олган тамадди
сўнгги фикрим кўнглимни тўқ тутарми? Хуллас,
келажакка интилишда йўлу имкон кўп
бўлишига қарамасдан, бунда йўқ маъни,
чунки бари – бир воқеълик, бари – бир ҳисоб:
дейлик, бу тун кўз юмибди Имом Хумайни...

II

Йўл тепага кетган...
Қарама-қарши томондан ҳарбийлар
туркуми яқинлашарди. Йўқ, бу сафар
хасса тутган ўғиллар эмас,
бевосита совут қалқиб, негадир ҳарбий
тўқ сиёҳранг ёпиндиққа ўралганича,
“Турсамми-ё турмасамми?” – деб ўйлаган пайт

ёнгинамдан ўтиб бўлди. Кетида қатор-
қатор сафдошлари бўлса керак,
ёш-яланг йигитлар йўлни эгаллаб
боришар эди. Бир-икки қатордан қолган
аскарлар йўл чекасидаги буталардан
қорағат ва наматак меваларини
олиб бир бирига отишарди. Мен
йўлимнинг маъносин чақмоқчи бўлиб
яна олға юрдим...

Адирдаги йўл
фикримнинг қиёси
бўла оларди... Ҳолатимин янада
аниқроқ ифодамоқчи бўлсам,
дейлик, денгиз қирғоғидан учган тайёра
кўрфаздаги оролгами, ёки сал нари,
дам олувчи ҳамроҳларинг, дарвоқеъ, ҳамсув-
ларинг сузиб юрган жойга элтмоқчи бўлиб,
саёз кўрфаз тепасидан олиб ўтсаю,
сен тайёра ойнасидан сузувчиларнинг
бошларини кўриб туриб, ўзинг бошингни
ерга қўниш заҳотида асраб, кўрпа, ё
ғилдиракнинг пуффагига буркасанг. Ахир
эсон-омон ерга қўниб, сен бу тайёра
ўзга туркум учунлигин тушунгач, ўзинг
соҳилингга алоҳида қайтмоқчи бўлиб
сайёҳлардан ажрайсану, чекага чиққач,
ерларига сув сепилган чойхонада бир
пас “Қолайми-ё қолмайми?” – деб ўйлайсану,
ич-ичингдан таралаётган эркни сезасан...
Йўлинг узоқ...

...Яна давом этдим йўлимда.

Икки ё уч довон ошгач бир ўйлаганим:
“Мана энди тоғ ортида тонг отди,-” десам, –
“балки шунда йўл мағзини чақиб, мақсадга
манзилини топган фикр каби ўзим ҳам
етарманми?” – бўлди, шу пайт кутилмаганда
нам ўтлардан босиқ унли ўз қадамларим
қулоғимга чалинмасдан қолди, негаки
кўз олдимда очиқ эшик, шинам бир ҳовли
пайдо бўлди, сув сепилган ҳовлида эса
маракага маҳалла-куй орқаваротдан
худди мени кутган каби, мени эслашиб,
йиғиларди ё йиғларди... Йўлимми битди?...

III

.....

IV

У – мен десам, демак, майли заррача, майли
тутуриқсиз йўлим фақат менинг йўлиммас,
Унинг йули ҳам. Мен ўлсам, менинг ғумайли
қабрим нега бу изтироб учун ўлиммас?...

* * *

I

Тириклар оралаб якка мен ўлик
зотининг элчиси каби қўлёзма
қўлтиқлаб кезардим. Тескари, дейлик,
йўлимда каҳрамон чолларнинг эзма
гаплари – ипак қурт шоҳи кетида
босган йўл – баргларнинг ажини каби
тўр ташлаб, гуёки: “Ҳай, нелза туда!” –
дегандек титрарди. Сўлакли лаби
уларнинг кетимдан худди капалак
учгандек пешонам сари даҳшатли
ўпичлар сачратса, юрагим ҳалак,
ажалдек додлардим: “Шетликман, шетлик...”

II

“Садқаи бу дунё бўлиб кетинг-э,
э дўстим, э ошнам, э ношуд иним!
Ишонманг беимон, бебурт, бединга,
у – душман, у – ағёр, у – рақиб, ғаним!
У каби касларни ота-бувамиз
тошбўрон қилишган, отган, сўйишган.
Бу каби дарсларни биз ҳам биламиз,
биз ҳам яроқлимиз бу каби ишга...” –
дейилган гапларни келажаги, ё
ўтмиши туғлардек осилгач, наҳот
ҳасратин ёзгани тополмай зиё,
ўликлар оралаб кезар у танҳо
тирикдек...

* * *

Баримиз – қудуққа ташланган Юсуф...
намозшом қаърида кўз олазарақ...
деворзор... юрак зор... кўкдан йўқ дарак
тун қадар... кўз қадар кўзёшми ё сув...

Мен сени деб келдим, бечора иним,
ой титраб занжирбанд челақдан тошди,
дашларда тентираб йўлим адашди,
лекин: “Юр, кетайлик!” – дейман бетиним.

Қўй мени, акажон, бу тушмас, таъбир...
Мен йўқман, шунчаки ички ваҳиманг...
тош оғир... сув ожиз... осмон ҳангуманг,
фақат сен кўнмайсан бунга барибир...

* * *

Эшиклар ёпилди. Кейинги бекат
номаълум шаҳарнинг чека кўчаси.

Тинимсиз қор ёғар: икки ракаат
намоз ўқиб бўлган чолнинг муккаси.
Муз босган ойнадан чироқ кўринмас,
нурни мингга бўлиб титрар зарралар.

Кетингда қолувчи йўллар йўл эмас.
Осмонда қийшиқ ой тахта арралар...

Олдимда...

олдимда яна бир ёлғон –
нурми, чолми, ойми, ўймию, аммо
ёлғонни ёлғон деб билсанг хам ёлғон
ёлғонликча қолар экан доимо...

Ёрилтош

Икки соя аросида синиқ шаршара,
шаршарага ёш оқизар синглим бечора.
Сингилжоним кетар чоғи тошдек қотиб мен,
қайғуларим кўзгусида қолдим абгор-а.

Ёрил тошим, ёрил тошим, ёр-ёр, ёрилтош,
нетай менинг армонларим топмаса бардош.

Икки қоя тошларига арча чирмашар.
Сингилжоним, кетар чоғи, тоғлардан ошар.
Дарз кетучи юрагимда дард илдиз отиб,
бўм-бўш изи, “хайр” десам, сел каби тошар.

Ёрил тошим, ёрил тошим, ёр-ёр, ёрилтош,
икки томчи кўз ёшима ғарқ бўлар қуёш,

Икки қоя аросида титрар бир соя –
сой юзида акс этгучи якка бир қоя.
Мен жонимдан айрилибман, энди “Дод!” десам –
Икки жаҳон садо бермас, лол бениҳоя.

Ёрил тошим, менинг кўнглим, ёр-ёр, ярим тош,
нетай тош ҳам кўз ёшима топмаса бардош!

* * *

Эсимда йўқ: Фаранг юртини
тушимда кўрдимми, ва ёки
шу тушимни Фарангистонда
кўрганмидим: бир ўзбек қизча
(қора қош, қип-қизил оғизча)
сочини тўзитиб, шу кеча
шимчада саҳнага чиққанмиш.

Кетида яланғоч ёш-яланг.
“Ҳай,- дейман,- шарманда, хом калланг
ишларму? Ё салангу саланг
селкиллаб...” У эса - жиққа-мушт.

Ана шунда бор овозича,
етганича мастона дами
ёт ҳа-

ётдан бақирди қизча:
“Сен баҳорни соғинмадингму?”
“Сен баҳорни соғинмадингму?”

Юрагим шу заҳот сесканиб,
мисоли интилди ўнгимга.
Нигорим, Азизам, Дилбарим,
қирларда йўқолган қизғалдоқ
ёшлигим, сенинг ёт овозинг
бегона саҳнада яланғоч
ниш уриб...

Йўқ, энди уйғонмам
ҳеч қачон, чунки бу ғафлатли

ўнгимда баҳорим қайтмайди,
даштарда лолалар битмайди,
умидли сўзимни айтмайди
Муҳаббатим, Умрим, Мадинам:
“Сен баҳорни соғинмадингму?”
“Сен баҳорни соғинмадингму?”

...Эсимда йўқ: Фаранг юртини
тушимда кўрдимми, ва ёки
туш кўрибман Фарангистонда...

* * *

Афсуски, Авлиё Дениз ким экан –
билмадим, ҳар холда у номли кўча
“Секс-шоп”, яъни ўзбекчада “жинс-дукон” –
ларга тўла экан. Агар бизнингча
содда қилиб айтса: унда турсикчан
эркагу аёллар дон чўқишган пайт
гупур-гупур чопиб, осмон қадар чанг
кўтариб, расмкаш жўжахўроз: “Ҳайт!”
деб, юзлаб журнални тўлдирар экан.

Билмадим, Авлиё Дениз ким экан,
лекин у бошлаган йўлнинг охири
Бизнинг Она, яъни “Нотр-Дам” деган
жомеъга чиққанда бирдан...

о, ғира-
шира намозшомлик, Сенинг қўйнингда
сўзлардан аввалги, ҳали бегуноҳ
сукунат сукунат сукунат энди
нима қилсам экан, деган бир нигоҳ
ташлаб, йўқ, оқизиб, оқимга кучи
ётмаган гўдақдек, кўзини маҳкам
юмгану, пайпаслаб, зулматни кечиб,
Сенинг оёғингга бошини эгган
гал...

Йўқ, йўқ, Авлиё Дениз ким экан,
биллолма, чунки мен кўчада қатор

ва ёлғиз: тунларнинг қароси теккан
занжи, ой париси каби беғубор
фаранги, лабида ҳинду холи бор
турк қизи – зулматдан мўралаб, тикон
қарашга нархини тиккан бу беор,
бечора фоҳиша руҳларни гулдек
пойингга қўйишга топмадим имкон

афсуски, Авлиё Дениз...

* * *

Мен арзон отелда, у эса йўлнинг
нариги бетида истехком ичра
дераза нурида “бир пайдо бўлинг” –
десамоқ – бир пайдо – яна йўқ, – ижро
этади майлимни.

Мен хаёл сураман: у парда очиб
хонада чироқни ўчираар экан,
кўзимда тимсоли паришон сочи
коинот тунида алвидо елкан
сингари чайқалар, тебрар дилимни.
Мен зумли келгинди, меҳмон, у-чи, у
қасрига, юртига, коинотига
сиғмасдан дилимда жой топган қайғу
мисоли, ўзининг сирли отига
ишонмай, менданми излайди исбот?
Таажуб: бир зумда бор, сўнгра ғойиб
ва яна ёнимда пайдо бўлса, бас,
нечун тун яна минг бир йўлга бойиб,
ягона юлдузни менга ҳамнафас
қилганда, барча йўл
битмас умрбод?!

* * *

Мана, мен Шарль де Голль аэропортига
келдим, – деб ёзмоқчи бўлсам, орада
бир ҳафта ўтибди. Йулнинг кетига
юзимни ўгириб, ўзим афтода
ҳол: энди қайтйпман демокчи бўлсам,
бунга ҳам бир ҳафта бўлибди, яъни
йўлимнинг сўнгида йўлимнинг баъзан
бошини эслагунча ночор миямни
сананинг санаси янги санага
қўшилиб, акс этиб, қийнайди. Зотан,
бу мисол. Дарвоқеъ, фикримиз нега
Париждан кўкларга учганида, тан
қўмсайди ягона, бошланғич ерни?

* * *

Яна такрор ўлурса қайта-қайта бир эмас минг бор,
яна такрор ўлурса қайта-қайта бир ўю бир зор.

Баҳор ўрмонида қиш ўрмалаб яшрин илашганда,
яна такрор ўлурса қайта-қайта заҳри кун изҳор.

Дарахт тарки жаҳон айлаб, булутни қор уюм билғоч,
яна такрор ўлурса қайта-қайта сур ҳазондек қор.

Булутсиз осмон ясмин ғужумдек соф нужум очқай,
яна такрор ўлурса қайта-қайта қиш урган баҳор.

Бу номсиз тун аро тинмай тутилсанг ул такаррурга,
яна такрор ўлурса қайта-қайта ўлсин ул такрор...

* * *

Мана бу, соҳилга ташланган,
бадани лаҳим гўшт, кўзлари
тупроққа тикилган, ўпкаси
балиқнинг оғзига тиқилган
бўшлиқдек –

мана бу,
қуёшнинг сихида –
бир парча терига ўралган
қизил гўшт

мана бу қирғоққа
қоқилиб
неларни эсларкин?

* * *

Боғкурси. Одамлар. Бир зумлик
саросима,
чунки сўзлар тўқнашган жойининг
ўзи йўқ:
нигоҳим сенга тегдими
ё юзинг, ё кўзинг менга сингдими –
из қолди.

Қоп-қоронғу уйдаи нур чизигини
ичимга жойладим,
сен-чи, сен эса
изтироб чангидек кўзни тебрадинг
ва эшик ёпилди.

Боғкурси. Одамлар. Жимжитлик.

* * *

Ўйларимга ўйларим ногоҳ
Қоқилганда, бу ўйдан яна
сув устига тош каби нигоҳ
тушганидек, ўй тўлқинлана,
ўй кетидан тебранганида

ўйларимни ўргимчак тўри
каби ёйиб, ўзим камида
ўргимчакдек тўғридан-тўғри
ёт ажални пойлаганимда,

қизиқ бир ўй мени чалғитар,
қизиқ, бирдан бир юз етмиш йил
ёш яшасам – қайтар-чи, қайтар –
ҳа-да, бирдан бир юз етмиш йил
ёш яшасам, ана ўшанда
бу ўттизми, қирқдаги ўйлар
болалиқдек туюлиб, ханда
мийиғимда ажин тўр боғлар...

* * *

Элас-элас эсимда:
роса йиғладим.

Ювилган кир
чойшаб, кўйлақлар
шамолда қуриру,
учиб кетгудек,
осмонга йўқ одам шаклини
интарди.
Ногаҳон ва бевақт уйғониб
жисмини изловчи арвоҳдек
ҳар томонга урар эди ўзини
кўршапалак.

Шу пайт
тош ёрилди.
Ёмғир печакдек
ўрмалади ер сари. Денгиз
этакларин кўтариб чопди.
Сарғиш мўйқаламдек
намланди терак...

Ер билан кўк аро
кетган дарз бўйлаб
қўлини чўзарди
ёлғиз
тирик жон:

қизғиш чағалайми, кунми, Исоми,
йиғлаган синглимми,
ё қонгул юрак...

* * *

онам деган юрт юзини кўрдию кўзинг
киприкларинг катагига урди бошини
нафасингдан қон отилди потради сўзинг
ютди сукут ҳайқириқнинг отган тошини
сукунатни бузди ўйинг ўйингни мантиқ
мантиқ тўсди замонларнинг оққан ёшини
афсус деди руҳинг кўкда учган булутдек
эркман десанг ўққа тутар жисминг яшини
жисминг лов-лов ёниб битгач сўхта қафасда
бир қушми ё маҳбус юрак ўз бардошини
менга бериб ўзи ғойиб бўлдию иши
эрк туғилган юртнинг номи қамоқ эй ошна
деган тушдек тақирларга отди қуёшни

* * *

Қуш қанотидан
тушган пат
учишни
унутмаганидек
мендан сўнг не нарса
изтироб осмонини
унута билмас?

* * *

Куёш атрофида 34 мартта
истироҳат боғида от ўйин қилган
болалардек
ерни миниб айланганим-
ни ёш деб куюксам.

Ер
кунига қоронғу коинотдан
аста варақланган китобдек
бетини
кўздек қуёшга аҳён ўгир-
са: тун борки – кун бор деб
ишонсам.

Шу дақиқа бўйнимни эгиб –
бош айланса, кўз нур тўкилса –
бешми, ўнми, ўнбешми қатор
ўхшовсиз сўзларни тизсаму:
Бу – Адабиёт дейиш ўрнига
Бу – абадият деб юборсам,
ўзимдан ўз-
га ким Ҳақиқат дер бу хатони
ё хато дер бу ҳақиқатни?

* * *

тутқунликда яшнаб кўкарган япроқ
хазонга айланиб шохдан узилгач
шамолда шаталоқ отиб ўйнайди
миямни шу топда бир ўй қийнайди
наҳотки ўзбекка шу бўлиб рўкач
эркни чангалласа чанг тўзиб тупроқ...

Дам олиш фаслининг охири

Улар кетди. Боғча бўм-бўш. Бир-икки
бола истар-истамас ҳўл ёғоч отлик
ғичирлаган айланада Имрулқайсининг
аллақайси муаллақ куйини чалар.

Бу шарпалар, о, шунчалар тирикки,
бу ғуссалар шунчалар бенажотли-
ки, гуё жисму жонинг – ёт икки қисминг –
кетиб, иккисин излагандек шунчалар...

Бари кетди.
Дала бўм-буш.
Бир-икки
бола тола излар. Ёйғим,
иттифоқ –
битди. Сен шунчалар бунда ғарибки,
пешонанг шўр, қолган еринг ундан шўрроқ.

Ўйроқларда карнайлардан: “Яша Шўр-ро...”
ғоқ-ғоқ ғозлар, рўзномалар, лайлак қорлар...
О, давридан адашган шоҳи шуаро,
фалак чархи пичоқ чархлаб сени чорлар.

* * *

Тўрт девор. Тўрт жовон тизилган китоб.
Ҳар бири маҳбусдек, йўқ, биздек шу тоб.
Аллане паришон қараш... Ким билар –
қайси бир жилдни у назарга илар?
Ёки шунча унсиз сўздан довдираб,
ўз-ўзига дерми, кўз юмиб, “Ё, Рабб!”?

* * *

Ҳодисалар, бир ёшга келиб,
тахмонга тахланган кўрпа-тўшакни
эслатаркан.

Ипак қурт пиллага ўралиб ётгач,
камида капалак бўла олғуси
эмасми?

Солиҳ айтмиш бўм-бўш, холи интилиш,
кўз кўру, назардан қолмаган ҳали
бир улуғ интилиш...

Дунёни тагига етмоқчи бўлган
одамни дунёнинг залвори бирдан
босибди – сингари

михни тош деворга қоқиб, тешиқда
дарахтлардан нари ўрмон кўрмоқчи
экан бир ўзи.

Кўпликни англасанг – бешак қусасан,
бирликка йўлиқсанг – қусасан бешак,
қўй энди, тугат!

Хаёллар бир ёшга ўралиб ётгач,
ипак қурт тахмонга холи назардан
етмоқчи экан...

Англасанг – дунёнинг залвори бўм-бўш,
тешиқда тахмонга тахланган бир тош,
капалак интилиш,
кўз кўру
бир ёш...

06.01.1992

Битимсиз...

Сахар Ҳофиз китобини байтма-байт дастори ошуфта
Киби ҳофизаи тақдирима хуморлигин ёзмак,

Қамоқ девори ортидин қутулгач Спасеми ё Pink Floyd
Анинг ёмғурга йўғралган куйин йўйса ёпиқ хозмак,

Ва сўнг такси шаҳар аксин босиб икки қанот янглиғ
Бу жуфт сачратқи ёғду юзса ҳар юздан кўзин узмак,

Хиёбонда ўзумдан ўзга йўқки ҳўл чинорларда
Қочоқ жинни имоси-ла мақомин айласин эрмак,

Кейин тотор бир уй сотар бу ижроқўм қароргоҳи
Ичида тарки хоб этар хатар туйғусики, демак,

Демак англаб етибмизки бу мискинлик, бу ғайб эртак –
Алахситма, вале ғофил беёр оқил эрур эрмак...

02.05.1992

* * *

Бу тушимда эса гўё мен
ҳозирги ёшимда Келес тугаган жойдаги
темир йўл “ишламбаси” томонидан –
тескари кириш эмасми
қайтиб келаётиб

60-йиллар Келеси
ўша дўкон, ўша мой иси
ўша бекат, ўша... хулласи
ўша пайтда қолган умримга йўлиқармиш-
ману

мени қўрқитган нарса
наҳотки ҳозир рўпарамдан
ўзим чиқиб келсам деган хаёл
эсанкиратганмиш хиёл...

Лекин ўйғонганим йўқ. Лекин
ўз-ўзимни юпатдим секин,
бу сен, – дедим, кино кўряпсан.

Бу кинонинг охири аниқ,
лекин нечун кўзларинг синиқ,
уйқунг эса нечун беписанд?

Эсимда йўқ, лекин ҳойнаҳой
биз тўқнашдик – осмондаги ой
паймонадек шарақлаб синди.

Менми кириб кетдим тунимга,

У-ми қайтди қари хунимга –

У ҳам, мен ҳам билмаймиз энди...

11.05.1992

* * *

Шаҳар бедарвозами?

Рост, дедим мен, мен кузни яхши кўрган ҳамман. Айниқса, кузда кўзим ана у икки теракка тушса. Йўқ, аниқроғи тушса эмас, йўлиқса, ҳаттоки кўтарилса. Бири – қизғиш, бири – сариқ. Осмон эса таржимадек:

Томлардан баланд фалак
бирам софу, бирам тинч.
Томлардан баланд терак
барг эмас, тўкар ўкинч.

Бу – осмонга ярашиқ нарса, бу осмоннинг кўк тинчлигини ўлчай оладиган ягона ҳаракат – албатта икки самолётнинг пайдо бўлишию жаҳон урушининг шу икки самолёт орасида бошланиши... Кўш қанот ўқлару сассиз портлашлар...

Шаҳар бедарвозами?

Силлиқ сувлар устидаги саёз кўприк бўйлаб кетган сариқ автобус ойнасида сувлар аксига қараб яна хомуш, яна ғамгин ўша уйга йўлиқасан: “Наҳотки бундай гўзалликка дош бериш мумкин, наҳотки бу каби гўзаллик шунчаки текинга берилган бўлса, ёки бу йил кузи – охири кузиммикан? Ажабо, ҳаётдан куз юмсам-а!”

Хўрликларинг шўрлик сувлардек сокин оқаверади, сен эса: “Бу йил ҳам ўлим ҳар йилдагидек алдаб кетса-я, ҳар кузак ҳам шул бўлар такрор, ҳар кузак ҳам шундай ўтади”, – деб ўйлайсану хорғин табассумга мойиллик истаган кўнглингда оғир сув устидаги енгил шаббодадек ҳис туясан...

Шаҳар бедарвозами?

Бири – Келес, бири – Бамберг. Иккаласининг ҳам қулфланадиган кўчаларни билиб олдим. Бирининг деворлари завод арраларининг темир айланаларидан эса, иккинчисининг черковлари гарчи ётаётган қуёшни масхара қилишар экан, иккиси ҳам, – дедим мен, – энди менинг қулфим остида. Дедиму эшикларни қулфладим.

22.06.1992 Бамберг

* * *

Бари аралашиб кетди. Тушми, ўнгми – бари бир,
уғрашиб ётмоқ оғир, қийин,
дермишманки тушимда Абураҳимнинг бошини ёришганмиш,
демак ўнгда у бахтли бўлажак. Узоқ умр кўражак...
Уйғонсам – тушим экан.
Тушимдаги туш ўнгимизга тенг бўлса,
ухлашдан не суд ва тоқай
бу уйқу?

“Тушда кўрдим бул барини, эй сабо, уйғотмагил...”

01.07.1992 Тошкент

* * *

Кутубхонада кийимим қолиб кетибди,
ёпилмасдан бурун улгура қолай
деб ўзимни чекка эшиклардан бирига урдим, шу тобда
кетимдан эшиклар ёпилди-ю миршаблар бу ғилай
нимқоронғуликда ҳай-ҳайлаб бизни бир-биримизга
қўшилиб янада тепароқ қаватларга чиқишга
мажбур этишди. Яна аллақайси рамзга
дучор бўлдик: янада қисқа
қилиб айтсам бу пилапоя
тамом бўлгач гўёки қоя-
симон лифтнинг панжарасида
мен осилиб, сўнг норасида
яна битта гўдакми мурғак
лифт ичига кирмак интилди.
Мен ёпишдим темир катакка,
поғоналар пастда йўқолди.
Панжарага ўралган бу лифт
лип этди-ю шитобга келиб
шу зумдаёқ кўздан ғайб бўлди.
Шу-шу панжам панжара қоқди,
ер узилди, осмон улоқди,
мурғак кўнгил бўшлиққа тўлди...

06.07.1992 Тошкент

* * *

Эски-Новқатда Баҳри-энамникида яшаб юрган пайтим домла Абдулла ҳам анча йўқсизликдан кейин қайтиб келиб, осонгина иш-юмушларига: тараша ёриш, чўян печкани ёқиш, мўриларига ўтин қалашу, ювилган пайпоқларни осишга унча-мунча араллашиб юрдилар.

Анчагача шунисига шукур қилиб, шунисига тўйиб юрдим. Онда-сонда у бу ҳақда орамизда гап ўтиб қоларди, йўқ салбий маънода эмас, умуман маъносиз гаплар: “ўтин қурибдимми?”, “ёрдамлашиб юборайми?”

У ҳам ўз-ўзи билан овора, кўзлари ғадир-будур тарашалару сопи эгри тешадан узилмас эди. Охири бир куни чидай олмадим-у дангал сўрадим. Шундай дейману лекин менинг оҳангимда ҳам, унинг жавобида ундан тугул, ҳеч бир ёпишқоқлик йўқ эди сира. Худди биз ўрганган: “пайпоқлар қурибдимми?”, “тешанинг сопини янгиласа бўларкан” қабилида.

Сўрадим: “Ўшандан бери ҳеч нарса ёзмадингизми?” У ҳам дабдурустдан жавоб бергани йўқ, ишини мен қатори давом эттириб даҳлизга кирди, жавондаги икки китоби – қизим ўқиётган “Ўтган кунлар” – у “Меҳробдан чаён” ни кўрди-ю елкасини қисиб қўйди. Тарашалар чўян печка мўрисида тарашадек қурир, устида бир бурда нон ҳам нонуштага қўйилгандек, човгумнинг чийиллашига мафтун бўлиб қизарар эди.

“Йўқ, юрагим буларга куйиб кетган.”

Эҳтимол бу мен ўйлаб топган иборадир. Аслида – кўп эсладим – у менимча: “Сазам ўшанда ўлган” дедими, қайдам – човгум қайнаб бўлиб, нонушта тугагач, яна бир бор соат ўн бирларга бориб чийиллаши бор. Уйга бехосдан кириб

қолсанг, бир бурда нонуштадан қолган нону қора куяга бурканган бечора чўян човгумнинг кераксиз чийиллашини бир ўзинг кўрасан. Шу каби.

“Сазам ўшанда ўлиб бўлган.”

Мен даҳлиздан чиқиб бордим. Ўзимча аввалига: “Ҳали вақт бор” – дедим, сўйиндим, куюқдим. Кейин сап-сарик – қуёш нурлари сомон оқимларига қотган деворга қараб дедим. Ё демоқчи бўлдим:

“Кетингизда бир халқ бор!”

Шунга ўхшаш қандайдир сохта ва бемаъни сўзлардан беш-олтита девор тирковчи хода.

Узоқда эса – қирқинчи йил эканми, ўттиз саккизми – бир зобит сийрак толзор ичида беш-олтита одамни ўзи билан бирга аллақайга бошлар экан, оддийгина қилиб оттию-қўйди. Толзорда чанг кўтарилиб бир дақиқада босилди. Мен ўйладим: “Тўзон айбдорми ё тўфонми?” Ҳикоя аввалига қайтар эди.

15 сентябр, 1992 йил, Кўктепали

* * *

бир-икки бир парча кўлмаклар истар-
истамас кўз қисиб “ёғайми-ёғмай”
ёмғирдан қўрқмаслик ҳиссини сенга
туйдирса, эшикнинг олдида туриб
бир парча дераза юзига нафас
юқтирсанг, нафаснинг намгар ҳовури
буғланиб, кўринар-кўринмас парда
ўрнида ташқари дунёни кечар
ё кечмас ҳолатга олиб келганда –
“шарра-барра!”
“шарра-барра!”
“шарра-барра!”
хўл лули
ғичир-ғичир бир арава
эски-туски кийим-кечак,
ифлос шиша, кераксиз мол,
ишдан чиққан ускуналар –
ўрнига, ўрнига ўринма-ўрин
чўзмага илинган ялтироқ ва пўк
куррами, соққами, кампит қоғозми,
хўрозқандми, пуфак ёки лой ҳуштак...
сен бу дераза олдида туришинг
билан қирқ йил йиққанингни бирлаштиришинг
керакдек бўлганда, ўчади ҳовур...
ёмғир ёғиб бўлди, кўлмак... бўш ҳовли...

* * *

Сен: “Бу ерда мен худди бир катак
ичида қолган қуш каби.” Мен эса:
“Мен ҳам.” Зотан одам ўйлаб қараса
ҳар ер катак,

дунёнинг ўзи бир катак,

фақат бир қафасдан иккинчисига
ўтаётган пайтинг бир зум ертўла
худди кунни тунга тенглаган шуъла
каби кўринади
кейин сўнади

07.02.1993 Нантер

* * *

Эслаб нима қилардинг?...

16.02.1993 Нантер

* * *

ҳеч қарзим битмади, битмади

одамнинг бошига бахтсизлик
келди дегунча пасайиш ўрнига
негадир ҳуркади у, кўзлари ёнади
“мана бизга ҳам яшаш куни келар экан-ку”
дегандек валжирайди...

қарзларни узишдан Худо сақласин...

13.03.1993 Нантер

* * *

бу қаторда нима қилиб юрибман ўзи?

мана бундан буён босганинг – ҳаёт
ҳар қанда бирдай қоқилсанг – уят
энди бўлди чандир ўйларингни ют
воз кечганинг – аза, кечганинг – ҳайит

бу қаторга мени ким қўйди ўзи?

севганимнинг юзи юз минг юзда акс
қай бирига боқай қабоғ-кўзим ашқ
юз топишми ё ёш йўқотишми ишқ
менинг йўлим Қашғар сенинг мулкинг АҚШ

бу қаторда мендан кейин ким ўзи?

бу қаторда борми қаторнинг ўзи
қадам босган каснинг ўчади изи
“уйи кўчган томдек” ҳилпирар сўзи
мен розимни айтдим энди – норози

бу қаторни тизиб нимайди ўзи?

03.04.1993 Нантер

* * *

...боғда тўққиз тош бор бари кўринару бири йўқ
бу тўққиз тош бор бари кўринару бири йўқ
бу боғда тош бор бари кўринару бири йўқ
бу боғда тўққиз бор бари кўринару бири йўқ
бу боғда тўққиз тош бари кўринару бири йўқ
бу боғда тўққиз тош бор кўринару бири йўқ
бу боғда тўққиз тош бор бари бири йўқ
бу боғда тўққиз тош бор бари кўринару йўқ
бу боғда тўққиз тош бор бари кўринар бири
сўз

04.04.1993 Нантер

* * *

...тушимда бувим билан Расулжон тоғам
мен дарахтга уй қурмоқчи бўлган уйда
хатти-ҳаракатимдан холи
пастда
аллақайси менга таниш-у анча узоқ тилда
гаплашиб ўтиришган эмиш...
Бу тилнинг замонларни тушуниш қийин,
Расулжон ўтган замонда
ва ё ундан ҳам аввал уй қурганлигини
ва бу уйнинг ойналари осмонга чиқишини
кўзлаган
эмишлигини сўзлар эмиш.

Ўзимча ўйлардим, – дейди у нотаниш тилда, –
мен ҳам Исҳоқ Ражаб каби куйшунос бўлиб
Нигорхон деган қизга уйланарманми...

Бу тилнинг замонларини тушуниш қийин,
аввал деб ўйлаганинг келади кейин,
уриниб боқаман, бувимга боқаман,
лекин уларни тушунмаслигимни ҳамон уқаман.

“Авваллари сири аёнларини менга айтар эдилар” –
тил кўчди, тил гапга кирди дерлар, дердилар.
Балки бир кун мен ҳам руҳимни ростлаб,
бу тилни тушунаман – шивирлар бехос лаб,

балки бир кун мен ҳам баданимдан кечиб,
бу дегани вақт тугунларин ечиб,
бу руҳларга етишган чоғ ҳазин қуш тили
аччиқ елдек ҳаммамиздан кечар бир йўли...

09.04.1993 Нантер

* * *

қуриган гуллар
тагида Исо-пайғамбарнинг майин кафти
тош
икки қошинг каби бир турфа ё йўқ
тўхтаган соатлар чалимсиз най
ўқилмаган китоблар
рўпарамда қуёшга қарши
кўзойнак
учта-тўртта ёзмас қалам

бироз ойнага тикиламан. Омон-омон, омон-омон ёр-ёрей

ҳаёт парчаланиб уни бирлаштириш
фақат босиб ўтишга тенглашиб қолди.
Очилди ҳар доим зулфи нигоринда мўлар...
Яшаяпсанми – яшаяпсан.
Ёзсанг-да – ёзмасанг, ётсанг-да – ётмасанг,
шаҳарга жўна – қайт,
қайтиб яна алангла,
тарафма-тараф алангла

кўрсатмас телевизор қуримаган кир қаримас расм йиқилмас шоти
ёнмас чироқ йиқилмас ҳайкалча битмас чала-партиш ўйлар

л
е
к
и
н
лекин

ёрим Парижга келяпти
чин-орим Парижга келяпти...

01.07.1993 Нантер

* * *

иккинчи қаватда очик дераза
пардаси ортидан аста таралган
аёл билан эркакнинг сокин суҳбати...

Тош ҳовли. Намозшом. Тўрт томон девор.
Ёпиқ эшик. Кутиш. Аччиқ ёлғизлик.

...иккинчи қаватда очик дераза
пардаси ортидан аста таралган
аёл билан эркакнинг сокин суҳбати...

10.-11.06.1993 Сите дез Арт

Кечкириш

...бир кун қариятган аёл билан шаҳар айланаман
иккинчи кун қуёш ботишини деразамдан кузатаман
бир кун яна ЮНЕСКОда гуржиларнинг байрами
эркаклари оёқ пилдиратиб аёллари чаппак чалган халқ
таъби-ю хулқини англаганимдан дўппимни бошимга қийшиқ бостириб
уларнинг “Ахашени” -ю “Кинзмараули” сини уялмай ичаётганимда
тўс-тўполон, аксарият эски рус айғоқчилари – бечоралар
ароқ қидирган – ўрнига эса Тбилисида 1970 йилларнинг охирида
чоп этилган “Бессознательное (функции и механизмы)” китобининг тўрт бўлаги –
Рустам айтмиш: жаҳонгашталарнинг тенгқур йиғилишида

бирдан у пайдо бўлади. Қариятган, бетлардан сарғиш – уша ушлағич майин туклар ўса
бошлаган аёл. Бир ҳафтадан бери унга ошиқлигимни – билмайман, унгами ўзимгами
исботлайман, бир парча қоғозда унга атаб шеър ёзаман:

у кетганда
мен бошимни йўқотаман
мен юрагимни йўқотаман
мен ўзимни йўқотаман

орадаги бўшлиқда бир илинж
у мен билан йўқолгандир балки...

Сўнги банд менга ёқмайди, ўрнига чиройлироқми, жўнроқми, шафқатсизроқми
бир нарса топишим керак деб ўйлайман. Ҳаттоки биладан бу нарсани, лекин
охири барибир шу бўлади, – деб тўхтаيمان. “Ахашени” нинг ширин эсдаликларига
қоришган миям: “у менга қоқилиб йиқилсамиди” сатрини тайёрлайди...

Кетамиз бу ердан, кетамиз. У маст, мен маст иккимиз бир-биримизни, ҳар биримизни бунда ишонтирамыз. У йўлда кулади, чопиб чиққан итдан қўрқади, аллақайси лубнон ресторанда пул тўлашга ҳозирланади... Метрода юрамиз, мен кузатган бўламан, тирсакларимиз бир-бирини таний бошлайди. “Сен кетганингда”, – дейман, – “бир бўшлиқ пайдо бўладики, шеър – бу ёмғир тагига кетган бўшлиқнинг елкасига ташланган ёмғирпўш”. У кулади, таржима қил, дейди, пешонасидаги бўйига икки ажини кўк кўзларининг нуридан тарқала бошлайди. “Эртага нима қиласан?” – деб сўрайман. “Дўппинг чиройли экан”, – дейди у.

Метродан чиқамиз. Барча борадиган жойларга кечикиб бўлдим мен. Барча борадиган жойларга кечикиб бўлдим мен. Ҳаттоки, ҳаттоки бу ерда туриб, уни кузатишга ҳам...

У кетади...

Мен қолганман...

Қуёш ботиши ҳам худди шундай...

06.07.1993 Нантер

* * *

Ҳамид Исмоил –
бу номми?
бу феълми?
бу сифатми?

Ҳамид Исмоил –
бу олмошми?
бу равишми?
бу изофами?

Ҳамид Исмоил –
бу гапми?
бу китобми?
бу тилми?

Ҳамид Исмоил –
бу-ларнинг барининг
олдими кетидаги қўйилган
савол белгисими атиги –

Ҳамид Исмоил?

23.07.1993 Бамберг

* * *

қийшиқ дарахт танадан
тўғри шохлар ўсгандек
ерда туриб осмонга
бошинг теккани каби
тушда кўрган даҳшатлар
кундуз ёзилгай гўё
бамисоли лойқа сув
тиниб шаффоф бўлғуси
ўтмишинг ҳам ўтмишинг
эрта учун гуноҳсиз

21.08.1993 Бамберг

* * *

сув тагидан ҳаво қовуғчалари
биқир-биқир чиқиб шовқин чалару
биз эса уларга чўкмаслик учун
осилгач англаймиз бу кўпик – сўзлар

унутиш – ўтмишга ўртанг ташлашдек
мен бу дамда қолдим эссиз чўкинди
ялқов сув, кўк балчиқ – роса талашдик,
ёмғир сувга ёғди, тинчланди, тинди...

энди

дўкон ойнасида аксинг қорайса
бу акс узра аниқ кўринур майса...

30.08.1993 Бамберг

* * *

Энди сен топгаймудинг,
Топмабдику агёрлар...

тўп тепсам бошмалдоғим билан шундай тепаманки
ё бошмалдоғим тўпни тешади ё тўп
ушлаган боланинг қорнини

тепамдаги электр симларига қараб
бозорга дадам учун 2 сўм 87 тийинлик ароқ
қайтимига эса ўзимга сўрғич кампит олгани
кетяпман. Симлар оқди деб ишонган чоғинг
шарақ этиб уларни симхода кесади.
Яна бир оқим, яна бир кесим...

Бу бозорга, Эски-Новқат бозорига энди бир машина
йўлдошлар билан келганимда
бу бозорда кими асал олиб, кими хотинидан безиллаб,
кими доривор сотиб – бари китобимга кирмоқчидек –
лекин машина бозордан чиқиб борар экан
бозорга чатишиб кетган уйларнинг мўрисиз деворлари
ортида яшаётган инсонлар хориж –
улар ким экан? Ўлар ўзи кимлар экан?

Носирхўжа тоғам айтмиш: Энди Қувайтга кўчиб кетиш
қолди... Ҳаммаёққа қуриляпти черковлар...

Ҳаётнинг маъноси ҳам айни шу
тепган тўп, оққан сим, чатишган том,
бир ажраш, кетидан тўқнашув

лекин бу гап ҳали ҳам анча хом

Йўл балчиқ, тун эса қоронғу
бот унга ё бунга ҳарқалай
тонг отгач бетонгу берангу
бемангу ўнгимни на қилай?

Ундаги ҳўнгимни на қилай?

04.04.1994 Мюлхайм

* * *

икки-уч ёшимда онам мени
шаҳар дўконларининг ойнатоқларида
ясаниб турган болалар билан узоқ-узоқ гаплашишим учун
уларнинг олдига қўлимдан тутиб
эрчитиб борарди
бу чиройли болалар индамай ва қимир этмасдан
менинг бийрон гапга кираётган чучук тилимни
тинглашар экан
мен ҳар куни қайта-қайтадан
“чилойли болалалга” борамиз деб
хархаша қилар эдим

Энди билсам умр ҳам бунинг айниси экан
қўлингдан етаклаб олиб ўтишади-да
сен йўл-йўлакай бу қўғирчоқларга
бир нарсаларни ич-ичингдан англамоқчи бўласан-у
лекин қилган хархашангнинг
эртаси йўқ
Хотиранг эса деразалардан сизган кўлкадек
сени қувласа ҳам
ҳеч етмайди. Шу.

15.04.1994 Мюлхайм

* * *

ғоялардан ерга иниш пайти эканми
эсимда йўқ нимани-ю
лекин куни кеча ювилиб бугунгача ёғоч елкачаларда
қуриб бўлган бир сидра куйлакларимга ўхшатдим...

Энди тоза ҳаётни роҳат-роҳат бошлайман деганингда
ёки ҳаётни бу куйлакларда тозадан бошлайман десанг-да бошқаттан,
устингдаги нимчанг кир бўлганини эслайсан-у
эсингда йўқ нимчанггами, нокомил (...бировнинг?...) либосига тан берасан дафъатан...

24.05.1994 Мюлхайм

* * *

...қиш баҳорга ўтяпган куни
дарёларда бузилган музнинг
сўнгисида юзиб тайқалиб
икки қўлинг дорбоз лангари
каби ўтмиш билан келажак
орасида ҳанузки чўкмай
дор кечгандек умр кечяпсан...

15.08.1994 Эссен

Ўчирилган шеърлардан

“Шошилма” – дейман, “энтикма” – дейман
бугунги куннинг бемаънилигидан
бир ҳафтами бир ярим ой кейин
мўлжаллаб қўйган пурмаъно ҳодисангга осилма – дейман,
бу – дейман, ҳаётни қисқартиришдан бошқа нарса эмас...

маймундек чирмашиб шохларга
бу дарахтнинг шундай учига чиқиб қолибманки
яна бир қадам қўйсам – қарсиллаб синган шох билан
жаҳаннамга қулаш –
орқага қарашга эса мажол йўқ

ёлғонни ростдан ажратиш
ойнага ойнани қаратиш
истакдан фикрлар яратиш –
буларнинг бари – бир гўр

мен севган аёлнинг эри йўқ
эс еган ҳаёлга ери йўқ
мен унга яқинсам у йироқ –

чўкмоқчи балиққа денгиз – тўр...

31.08.1994 Бейсуотер

* * *

Билганимиз – ишга ярамас
Ишга ярарини – билмаймиз...
(ёзилган ё ёзилмаган шеърдан)

тушимда кўрибманки – хомиладормишман,
беш ойли... бола қорнимда тепганидан уйғониб
ўзимча ўйлаб ётибман – қорним ростданми шишмон,
ёки туш кўряпманми... – бироз утаниб
бу қиз қаради-да, нимага экан...
йўя биласанми дегандек лаҳза
менга боқиб турди.

Уйда уй бекам,
саккиз ойлик болам, қизми ё ўғил
хомилани тушда эмас, ўнгида
кўтариб юраркан, мен жавоб тугул
умуман бу ҳақда, ё бу оҳангда
сўзлашишга ҳаққим бормикан ўзи?

Мен ҳам туш кўрдимми, кўряпманми ё
алмашдимми ернинг кеч-кундузи
аччиқ ҳақиқатдан аччиқроқ рўё –
Худо хоҳласа мен икки ҳафтада
яна бир бор ота бўларман, бироқ
тушга бошлар экан бу қиз афтода
мунча сочи тим унинг, юзи эса оқ...

07.10.1994 Барнет

* * *

У унутти бизни, у сим қоқмади,
бу кун юқмай менга, бу кун ёқмади.

У унутти бизни, топдими овунч?
Кўз ўнгимда икки дунё бир ҳовуч.

У унутти бизни, у ҳам унутди,
кўз кетидан кўнгил кузга юз тутди.

У унутти бизни, қора телефон
худди кўкдан ерга унсиз тушган тун.

У унутти бизни, эслаганим шу,
у унутти бизни, эслаганим шу...

15.10.1994 Барнет

* * *

Тушларимдан йўқолди онам...
буни ҳатто мен ҳам сезмадим

ишлаш, ишга ғарқ бўлиш осон,
лекин тунга юзма-юз қолиш...

“Синглим”, - дердим онамга ҳозир
мунча жўшиб яшаш не ўзи

бу сўзларни айтган хонам бўш
деразада кузу ўз аксим

дарахтлардан тушган барглардек
жим, оҳиста йўқ бўлди онам

на ўнгимда, на тушимда йўқ...

12.11.1994 Барнет

* * *

Кеча.

Сафо.

Очиқ йўл.

Кеча.

Сафо.

Очиқ йўл.

06.-07.01.1995 Барнет

* * *

Янгидан бошланса ҳаётим қабилдаги
фигрлардан воз кечдим. Оқшомлари
бундан йигирма йил аввал томларга чиқиб
кун ботишини кузатардим. Ўшанда гўё
машинам бўлса-ю шаҳардан далага
чиқсам-да, сал бўлса ҳам шафаққа яқинроқ
сезсайдим ўзимни деб интилар эдим, ҳолбуки
шафақ яқинлашмас экан. Балки ўшанда ҳам
буларни тушунардим, лекин орадаги томлар,
дарахтлар, симёгочлар яна алланима
чалғитарди чамамда. Мана энди эса яланғоч
аниқлик – янгидан бошлайсанми ҳаётни
ё бунисининг сўнгига қадар сувини чиқарсан –
шафақ каби ҳаётда бир нарса борки
сен унга яқинлаша олмайсану, у сени қаърига тортар...

Куз 1995 Барнет

* * *

Қиш кунлари
ётиш олдидан қоп-қоронғу деразага
бир назар ташлаб – дарсликлардаги машҳур кишиларнинг
расмларига
ўзингни чоғиштириб –
одатда ҳаммадан олдин
қатор солинган ўрин-кўрпанинг энг ўртасига
кириб шўнғиб оладиган бола,
бувинг – ўчоқ ҳовурига энг яқин ётадиган бувинг
майли, бугун сен ёнимда ётақол дейишига қарамасдан
девор томонга юзингни ўгириб
энг чеккага –
совуқ чеккага ётасан бугун.
Энди эса ёлғиз хонада ёлғиз
ўзинг
ётиб бир зумга
қатор тўшалган кўрпачалару, устидан
ёпилган биттаю битта кўрпани
эслайсан-да
хотирангга
ака-тоғаларинг орасига
ўша сатин аврали кўрпа остига
шўнғигандек иссиққина
ғарқ бўласан...
Куз тунлари...

* * *

Баъзан,
ҳа, фақат баъзан
учоқда учганимда кўпроқ
ўзимни ҳеч кимга тобеъ,
ҳеч кимга мутеъ бўлмаганимни топаман.

Йироқ
ишим, миллатим, оилам, ҳатто мен
ўзимдан қутиламан – атрофим,
борлиғим, ич-ичим осмон,
мен – осмон ўғлиман, шундан онам – эн,
отам эса учоқ қаноти – кўндалангсимон.

Тангрига арзанда
учаман мен эркин ҳавода,
булутлар остимда –
бир сўзу – Демонни эслагум,
Мени бу ерга боғловчи бир варрақ –
мусавадда,
осмонга элтувчи эса руҳ эмас, учоқ эмас –
оппоқ варрагим...

02.07.1997

* * *

Чарчоғимдан шеър ясай,
умидсизлигимдан, беҳоллигимдан,
зоелигимдан,
чанг тўплаб
унга туфура-туфура
лой булаган боладек
бармоқларимдан кўникишимни ажрата
олмай...
Қизиқ, нимага бувиларимни эслайман
шунақа кунларда,
уларнинг бардошини синамоқчи
эмасам-да,
балки ўйлаганимданми бу каби
дамларда
куз ҳам бошга тушса ҳам – кўз
кўрувчи бир мавсум-да.
Нимага бу зоелик ҳамиша режа-
лардан устун,
нимага чарчоқ кечга қараб
юради доим?
Нимага сўнггига келиб шеър кўрин-
са-да бус-бутун,
увада тўпидек изғийди ичингда
қиёмат-қойим?...

Зилзила ваҳми

Итларнинг увиллаши,
бўм-бўш кўнглимнинг ғаши,
уйнинг ичимас, таши
уйни ташлашга чорлар.

Шу заҳоти қочсамми,
ойналарни очсамми,
нарсаларни сочсамми –
беҳудалик ночорлар...

* * *

қуриган гулларни гулдонда сақлаган
хотиним расмига - совуган чой ичиб -
қарайман
деворда ош кўрмай осилган бир лаган
ёнида камида сен - дуторнинг ичи -
қорайма...

ўқрайма мен боққан қоронғу дераза
кетида тунларга бўй сочган баҳорнинг
авзои

бир нарса йўқотган ўксук сизга аза
тутган тун ярмидан не қилай фарқли мен
бутунлай зое...

14.02.1998

Берлин вокзали

(янги йўлда)

поезднинг ҳуштаги олманинг гўштига ғажилиб
ўз ойналарида занжирга солинган итчани
тескари тарафга чамадон тортган ҳаммол
билан айиради.

Берлин.

Пивонинг ҳиди сийдик буғларида
тамаки тутунини кўтарган темир синчли
вокзалнинг хотирасини тортиқ қилади-да
бир зумга

икки полициячи кишанларини солишади
унинг қўлига.

Яна бир йўтал. Йўтал. Боланинг
йиғлаши. Телефон. Ўз йигитларини
кутиб олади икки турк қизи: Ойфер ва
Ҳулкар, бамисоли вақтида келган поезд
ўз эълонига йўлиқиб, автобус кутаётган
рус манькаларида савдога майл туғдирганидек:
тўлар йогурту пиде-нонларга елим халталар.

Сукунат.

Ип тортиб вақт бирма-бир қадагандек
бир-бирига кўринмас қуёшнию, унга иштиёқда
битган ишқни, ошнию ишни, ошнаю ойнани
ва яна бир талай бир-бирига сингган,
бир-бирида синган, акс этган, дарз кетган
нарсаларни.

Мен ҳам чўлоқ чегачидек ўтирибман
бу саросимаю саргардонликнинг бир чеккасида
биров яратган ҳаёт парчаларини
бир-бирига чегалаб.
Вокзал. Кетиш ва қайтиш нуқтаси. Юраклар...

28.03.1998

* * *

Дарёга барг тушади-да
бир хасга урилиб
бир дамга илиниб қолади
кейин ундан узилиб
айлана-айлана
қирғоқдаги қўлтиқчага киради
у ерда ҳам узоқ турмай
яна бир бор мажнунтолнинг
сувга ёзган шохига илинади-да
бир зумга ўзининг барг эканлигини
қайта туяди-ю
хўрсингандек –
оқади тўхтамсиз дарёга...

Хотира ҳам шундай
кеча деб ўйлайсан
уч кун аввал деб
сўнг ҳафта, сўнг бир ой...
ундан нарёғига эса оқар
вақтнинг эркин дарёсида воқеа...

Бироқ баъзан
ҳовуз устида милтиллаган ойдек –
кўзингни юмсанг –
истаган ҳодисанг бу ойнинг акси –
тилла балиқчадек –
қўл узатсанг- бас

у ҳар ерда, бироқ айни пайт
судаги
сувнингмас –
ойнинг
аксидек
ҳеч ерда...

Нима экан вақт?

24.04.1998

* * *

Дарё бу нима? Дала айланиб у тараф
энди йўл топа олмасликми?
Тўрт тарафдан тушган иморат, бу
тараф эса мана бу дала,
уч яшар ўғлинг билан унга йўл
қидиришда толмасликми,
маҳалла ортидан кетган ипдек
йўлакчами ё қўймай игнадек
тимдаловчи буталар,
бўйига чиққанингда балчиққа ботиб
тўртта болакайми қа-
миш кесувчи
ё ботаётган қуёшми қондек қизилу
аксида кўзни қамаштирган,
соҳилдаги тутми, нарироқдаги жийдами
ё сув-чи, ҳа-да, сув-чи,
доимий мана шу икки соҳил аро
йигирма йил йўқ бўлсам-да ўзини узлуксиз алмаш-
тирган...
Ўтирибман бу шўр тупроқда,
соҳил бўйлаб кетган бетон жўяк, сокин
ўғлим,
ўтирибман бу қашшоқ манзарадан
ҳеч қачон ҳеч қаерга ажралмагандек, тўкилган ахлат...
Дарё бу нима? Шаффоф, зилол
ишорами, ё бу лойқа оқимдек ўлим

тўсимсиз, тутумсиз, тўхтамсиз, тинимсиз,
тилсимсиз бир сўз – риҳлат...

Бўз-сув бўйлари,

28.04.1998

* * *

Ҳаётимда бир нарса ўзгаргудек
ҳаётимда бир нарса ўзгариши керакдек
эрталаб поездда ишга кетар эканман
тундагидек атрофимга аланглайман:
велосипед ушлаб турган бир йигит
чўнтагидан бўйинбоғини чиқариб
уни бўйнига боғлай бошлайди -
тугун кетидан тугун - бошқа бир йўловчининг
чизиғи бир-бирига мос бўйинбоғига боқаман -
бояги йигит эса бошқа чўнтагидан
бир даста қоғозни олиб уни аввалига
тўрт букламдан иккига кейин эса
ёзади... ўқийди... туш каби кўриб ўтираман
буларни узоқроқда лабини бўяётган қизга
қўлларини узатаётган бошқа бир қизни...
тушдагидек - истасам буриб юбораман
кўзимни хаёлимни бошқа тарафга -
борлиқ ғимирламоқда - унга ёнма-ён эса
негадир маънолар ғимирлайди ишга тайёр:
велосипед - йўл рамзию бўйинбоғу севгилисидан
олинган бояги мактубми...
шу ерда маъноларнинг рамзларнинг тимсолларнинг
қолипсимон - борлиқдан аввал раҳзанлигини сезаман-да
бироқ мароқимни қўлдан бермайман -
яна отсизликқа чўмгандек бўламан -
лекин яна ўша-ўша “дек” -
ўша-ўша шеърларингда таскин топмоқчидексан -

яна ўрганган кўниккан нарсалар –
буни билганингдан зериккансан энди...
шеърларингни эслаб улардан тасалли топишинг кулгили
эса-да бу кулгинг ҳам эндиликда бетасалли...
ҳеч қаерга қайтгинг йўқ... Бўлганнинг бўлиши не қизиқ?!
Бир қиз қайтиб келди ўнгингга,
у ҳам ҳаётдан уринган эсдалик –
талпинади миянгдан чиқиб, бўшаб, озод бўлиб,
яшаш учун беисм, ўзинг ҳам эргашмоқчимисан унга...
сенга азиз нарсалар
бошқаларнинг ҳаётида ҳам бўлган – бўлмоқда – бўлади
бундан сенинг ҳаётингни уларникидан ортиқлиги йўқ
йилнинг энг узун куни демаса кечқурун тепган коптогим
кетидан югураман майсазордан тўқай салқинлиги
уфурар – ариққа тушади копток –
ўғлим: Эртага ишга кетмайсизми? – дейди,
сўз берасизми? – дейди,
нимани кутяпман бу ҳаётдан ўзи...
ё керакмиди бу савол умуман...

21.06.1999

* * *

Севгимни мусиқага ўхшатмоқчи бўлдим – тушмади созга севгим,
пардасиз мақомдек оздирди йўлдан, айлади мени ҳисоб гум.
Ёримни мен наволарга менгзатдим, лек наво битар, ёр қийноғи битмас,
Товушмас, садодир эришган забтим, бу забтимни яна юз навога солгум.
Сочларини тўкиб танбуру дуторга, мислики изтироб чекар қўллари,
бу дунё оҳангчун шу қадар торки, қандай қилиб танда жон қолар сокин?
Йўқ, таронадан тирик унинг сўзлари, хўрсинишига эса йўқ кую ун,
ёзаётганларимнинг беҳуда бари, чолғулари орадан қалқганда секин.
Сукуту зулматда юз очган ҳилол – муғанний ташлаган нигинми нохундек
севгини мусиқага ўхшатишда лол, беўхшов, созланмаган сўзга сиғмас севгим...

2000?

* * *

Ер ости йўллардан чиқиб ташқарига, ер юзидаги йўлнинг нариги бетида
ёлғиз турган жоним, эски қадрдоним, юр, бошлай сени қадимотлар бозорига,
орол халқи ўзига хос, ҳеч нарсани улоқтирмас, тежаб сақлар ҳаёт эмас, хаёл ғурбатида,
сену мен ҳам бу ҳақда эмасмизми шунча йил қолиб айрилиқда хотиротлар зорига?

Бу дўконлар қадим, бу дўконлардаги молу ашё ҳам биздан аввалги дунёни билган,
кимларнинг қўли тегмаган дейсан мана бу қумсоатгаю, мана бу чинни раққосачага,
мана бу тилсимот қумсоат ағдарилиши ва ё раққосанинг бош чайқашаи каби азалдан
топилган
иккимиз орамиздаги танҳо сир эса – иккимиз орамиздаги ёлғиз сир бўлиб қолсагача.

Ёшлигимизни эслайман, жоним, ҳозиргидек одамлар орасида беркиниб эмас, ёлғиз
уйда қолиб кетганларимизни,
энди эса сен эрингни ўйлагандек, мен ҳам хотинимга қилаётгандек бот-бот хиёнат,
ана қара, дарз кетган кўзгунинг бир ярмида ўйчан сени-ю, бошқасида мен бетамизни
ажратиб тургудек ўша дарз, бироқ барибир бу хаёл ҳам ўткинчи, кетгучи, омонат...

Юр, жоним, бу бозордан олар нарсамиз ҳам йўқки, шунчаки кўришга келса шунча ўй,
нимшаб дўкончалардами ёки ёруқча чиққандами – барибир юк бермас қадим
кўлкалар,
Portobello дегани эса кўркам эшиқдир, бу эшиқдан чиқиб кетишга етмаганидек
шужоъи
кўзлар остонасида Лондон ёмғирларидек, жоним, ёшларинг кўлкилар...

* * *

...ўт оралаб
ариқ
оқар
шиғир-шиғир
шиғирлаб
бир кенгайиб сушлаб боқар
бир энтикиб
ғиззиллар
ўнгга урар
чапга бурар
яна измига тушар
чим оралаб
ялпиз кўрар
ҳидлагудек
уйқашар
ҳув пастроқда
яйдоқ етиб
тошга урар
бошини
ёрилтошдек
нағма этиб
сачратар
кўз ёшини

тушга кирган
бу ариқда
нелар оқди
не чўқди
недан тонгги
оқариқда
ёстиғим
намга бўқди
ўт оралаб
ариқ оқди
кўздан чиқиб
йўқолди
эвазига
бу варроқда
унинг изи
шеър қолди...

Абдулҳамид Исмоил
Шунчаки
Шеърий китобчалар тўплами

Шеърият туркуми

Муқова иллюстрацияси JS CHENYU ARTS / Shutterstock.com

Техник муҳаррир Маркета Технерова

Прага шаҳар кутубхонаси томонидан нашр этилган

Марианске нам. 1, 115 72 Прага 1

МКРнинг 1-электрон нашри

26.05.2026 санасидаги 1.0 версияси

ISBN 978-80-274-5046-6 (pdf)